

Ш. Саидбоев, К. Сирожиддинов



**БАНК ХАТАРЛАРИ
ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ**

Ш.Саидбоев, К.Сирожиддинов

БАНК ХАТАРЛАРИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ

Ўқув кўлланма

«Наманган» нашриёти
2014

УДК 330.322 .(573. 1)
ББК 65 .9 (59) -56

Саидбоев Ш.Д. Сирожиддинов К. Банк хатарлари ва уларни, бошқариш
Ўқув қўлланма .- “Наманган” нашриёти 2014. 149.бет

Нашр учун масъул: и. ф. н .доц И. Сирожиддинов

Такризчилар: Наманган вилояти Марказий банк бошқармаси
Бошлиги муовини С. Ибрагимов
и .ф. н. доц И. Сирожиддинов

Китобхонлар оммасига такдим этилаётган қўлланма банклар фаолиятда вужудга келадиган иқтисодий хатарларнинг асосий турлари моҳияти, мазмуни, уларнинг намоён бўлиш шакллари, келтириб чиқарувчи омиллари, хатарларни юмшатиш. бартараф этиш усуллари тўғрисида зарур билим, малака, кўникмаларни беради.

Мазкур ўқув қўлланма тижорат банкларининг фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда Марказий банкнинг етакчи ролини очиб берилган. Марказий банкнинг тижорат банклари фаолиятидаги иқтисодий хатарларни чеклаб туриш борасидаги ролини ва бунинг амалга оширилиши механизмларини ёритиб берилган.

Банк хатарларини чеклашга қаратилган халқаро ёндашувлар, жумладан муҳим аҳамиятга эга бўлган Базель қўмитасининг талабларини ҳам мазкур қўлланмада ўз ифодасини топган.

Қўлланмада кредит жараёнига хос бўлган хатарлар, уларни кредит сиёсати орқали тартибга солиш, кредитлаш жараёни турли босқичларидаги хатарлар ва уларни бошқариш масалалари кўриб чиқилган.

Кредит хатарини минималлаштириш, алоҳида кредитлар бўйича мониторинг олиб боришни такозо этади. Бу эса мижозларни молиявий аҳволини ўрганиб чиқишни ва башоратнинг кредитга лаёқатлигини таҳлил қилишни назарда тутди. Қўлланмада муаммоли кредитлар билан ишлаш масалалари марказий ўрин эгаллайди.

Мазкур китобдан “Банк иши” таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар “Пул, кредит ва банклар”, “банк хатари” фанларини ўзлаштиришда қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

Наманган муҳандислик –технология институти Илмий-кенгашининг 2013 йил 1 мартдаги 7/5.7 – сонли қарорига мувофиқ ўқув қўлланма сифатида нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-13-091-3



© “Наманган” нашриёти, 2014.
© Ш.Д.Саидбоев

КИРИШ

Умуминсоният таффакурининг буюк маҳсули бўлган демократик жамият куриш юртимизда жадал суръатларда олиб борилмоқда. Унинг иқтисодий ислохотларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган банк тизимида унинг муҳим жиҳатларини кузатилади.

Республикамызда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлардан кўзланган мақсад мустақиллик йилларида жаҳон андозаларига ва талабларига мос келадиган банк тизимини босқичма-босқич шакллантиришдан иборат.

Тижорат банклари олдига иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш йўли билан уларнинг капиталлашув даражасини юксалтиришни мустаҳкамлаш, депозитлар кўламини ошириш, узок муддатли молиявий ресурсларни жалб этиш, банкларнинг инвестицион фаолиятини юксалтириш, миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларини инвестицион лойиҳаларини кредитлашни жадаллаштириш замонавий банк маҳсулотлари ва хизматларини амалиётга тадбиқ этиш, корпоратив бошқарув тизимидан унумли фойдаланиш, бўш пул маблағларини банкларга жалб этиш, аҳолини банкларга бўлган ишончини ошириш йўли билан банкдан ташқари пул айланишини қискартириш банклар олдидаги долзарб вазифалар ҳисобланади.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, банк фаолияти билан боғлиқ бўлгани учун уларга оид хатарлар хусусида мутахассислардан чуқур билим талаб этилади. Кенг китобхонлар оммасига тақдим этилаётган ўқув қўлланма, мақсаддан келиб чиқувчи вазифаларни амалга оширишда банк хатарлари ўрнини аниқлашдан иборат.

Унинг биринчи бобида курснинг вазифалари тартиби унинг бошқа ўхшаш фанлар билан алоқаси ёритилган.

Қўлланманинг иккинчи бобида банк фаолиятидаги хатарларни иқтисодий хатар билан боғлиқлиги банк хатарларини бошқаришни умумий йўналишлари очиб берилган.

Учинчи бобда банк хатарлари турлари таҳлилига эътибор қаратилган. Банк хатарларини кўринишлари уларнинг банк фаолиятига таъсири ўрганилган.

Қўлланманинг тўртинчи бобида банк хатарларининг назарий қисми ҳамда марказий банкнинг ролига оид фикрлар билдирилган.

Бешинчи бобдас хатарларнинг катта қисми кредитлаш жараёнига тўғри келади. Шунинг учун ўқув қўлланма таркибида кредитлаш жараёнига хос бўлган хатарлар, бу хатарларни кредит сиёсати орқали

тартибга солиш кредитлаш жараёнининг турли босқичлардаги хатарларни бошқариш масалалари тахлил қилиб берилган.

Олтинчи бобда инвестицион лойиҳалар билан боғлиқ кредит хатарларини камайтириш мижознинг молиявий аҳволини ўрганиб чиқиш ва башоратлаш банклараро ахборот алмашиш кредит хатарларини камайтириш усули каби масалалар ўрин олган.

Ўқув қўлланманинг еттинчи бобида кредит хизматлари пакетини тайёрлаш, расмийлаштириш, кредит шартномасини кредит хатарини минималлаштиришдаги ўрни кредит мониторингини олиб бориш баён этилган.

Ўқув қўлланманинг саккизинчи боби муаммоли кредитлар ва улар билан ишлашга йўналтирилган. Уларни пайдо бўлиш шарт-шароитларини кўриб чиқиб бартараф этишнинг халқаро тажрибаси ушбу бобнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Ўқув қўлланманинг тўққизинчи боби активлар ва пасивларнинг ўзаро нисбатига бағишланган муҳим сабаби банклар активлари билан пасивлари ўртасидаги мувозанатни ўрната олмаслиги уларнинг мижозлар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида тўлақонли бажара олмаслик муаммосини келтириб чиқармокда. Шу боис активлар ва пасивлар ўртасидаги мувозанатни сақлаб туриш масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Ўқув курсининг якунловчи мавзулари қимматли қоғозлар портфели хатари ва уни бошқариш билан боғлиқ, унда қимматли қоғозлар бозори хатари, уни камайтириш борасида фикрлар билдирилган.

I-мавзу

Мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитларида банк хатарлари фанининг аҳамияти

I.I. Мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитларида курснинг предмети ва вазифалари

Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида бозор кўникмалари шаклланиши, унинг қонун-қоидаларининг тобора тўлароқ амал қилиши, пировард натижада жамиятни ҳар томонлама ривожланишини таъминлашда банк тизимининг ролини кескин оширмоқда. Банк тизимини жадал ривожлантириш ва эркинлаштириш долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Кейинги йилларда, айниқса иқтисодиётнинг барқарорлашуви ва иқтисодий ўсиш мунтазам тус олишига монанд равишда республикада банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришга оид бир нечта қонунлар, қарорлар қабул қилинди. Улар ўзининг ижобий самарасини амалда кўрсатмоқда. Лекин бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар кўлами талайгина. Улар қаторига банклар фаолиятидаги хатарлар билан боғлиқ муаммоларини келтириб ўтишимиз мумкин.

Банк хатарларини ўрганиш борасида чет мамлакатлардаги иқтисодчи олимлар катта меҳнат қилганлар. Уни вужудга қилиши сабаблари, оқибатлари, бартараф этиш йўллари, бошқариш масалаларига оид кўплаб илмий-амалий мақолалар, китоблар чоп этилган. Банк фаолиятида учраб турадиган ҳамда уларнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир этувчи хатарлар ўрганилган.

Унинг эътиборли жиҳати, талабанинг банк хатарлари тўғрисида мустақил фикр юритишига, унинг эътиборини йўналтирилганлигидадир. Бундан қўзланган мақсад, талабаларнинг тижорат банкларида етарли маблаглар бўлишини, мавжуд маблаглардан энг кам хатар асосида жойлаштириб, юқори даромад олиш имкониятига эга бўлиш мумкинлигини шакллантиришдир. Катта миқдорда даромадга эга бўлиш, ўз навбатида тижорат банклари томонидан олиб бориладиган операцияларнинг хатарлилик даражасига ҳам боғлиқ. Сабаби банклар асосан четдан жалб қилинган ресурслар ҳисобига фаолият юритади. Бу уларнинг икки

томонлама, биринчидан ўз акциядорлари. иккинчи томондан эса бўш пул маблагларини банкка қўювчи омонатчилар олдидаги жавобгарлигини оширади.

Банклар олдига жамият ривожидан ва иқтисодий муносабаблар эркинлашуvidан келиб чикиб янги вазифалар қўйилмоқда. Аҳоли, корхона, ташкилотларнинг бўш пул маблагларини банкларга жалб этишни янада жадаллаштириш, замонавий пул ҳисоб-китоб ҳужжатларидан унумли фойдаланиш, нақд пулларни банклардан ташқари айланишини кескин қисқартириш, пластик карточкалардан турли хил ҳисоб-китоб ишларида унумли фойдаланиш, иқтисодиётга инвестициялар киритилишида банкларнинг ролини кескин ошириш шулар жумласидандир. Бу вазифаларни адо этиш жараёнида банкларнинг имкони борича энг кам хатар билан ишлашлари лозим. Демак, банк хатарлари моҳияти, мазмуни, манбалари, уларни минималлаштириш механизмини ўрганиб чиқиш зарур бўлиб қолади ва мазкур фан айнан шунга қаратилган.

Банк фаолияти ўз мазмун-моҳиятига кўра бозор иқтисодиёти шароитларидаги тадбиркорлик фаолиятининг муайян кўриниши бўлганлиги учун унга иқтисодий хатарларнинг асосий турлари тўдан ҳосилдир. Шунинг учун банк хатарларини ўрганиш борасида ҳозирги замон иқтисодчи олимлар жиддий изланишлар олиб борганлар ва олиб бормоқдалар. Банк хатарлари муҳим турларининг вужудга келиши сабаблари, оқибатлари, бартараф этиш йўллари, бошқариш масалаларига оид кўплаб илмий-амалий мақолалар, китоблар чоп этилган. Уларда банк фаолиятида учраб турадиган ҳамда уларнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир этувчи хатарлар атрофлича ўрганилган. Банк хатарлари тўғрисидаги илмий-амалий маълумотлар мутахассисларда ва талабаларда бу борада етук даражада мустақил фикр юритиш қобилиятини, хатарлар билан боғлиқ муаммолар ечимларини тона олиш қўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган.

1.2. Курснинг бошқа ўхшаш фанлар билан алоқаси

Банк хатарлари курси бошқа молиявий фанлар билан ҳамма ҳам боғланиб кетган. Банк хатарларини тушуниш, таърифлаш ва тадқиқ этиш учун иқтисодиёт назарияси, молия назарияси, молиявий менежмент, молиявий таҳлил, инвестицион лойиҳалар таҳлили, банк иши, банк менежменти ва маркетинги сингари фанлар берадиган билимларга суяниш лозим.

Иктисодиёт назарияси иктисодий фаолиятга хос бўлган хатарларнинг нужудга келиши шарт-шароитларнинг тушунтириб беради.

Молия назарияси иктисодиётдаги пул оқимлари ва молиявий ресурслар ҳаракати ва тартибга солинишини назарий тадқиқ этган ҳолда уларнинг эҳтимолли характерига эътиборни қаратади.

Молиявий менежмент молиявий ресурсларни бошқаришда уларнинг миқдорлари ва вақтда тақсимланишига таъсир этувчи омилларни кўриб чиқишга мажбур. Бу жараёнлар эса муқаррар равишда муайян хатарлар билан боғланиб кетади.

Молиявий таҳлил олиб борилишининг барча йўналишларида, гарчи таҳлил биринчи навбатда бўлиб ўтган ходисалар натижаларини умумлаштиришга қаратилган бўлсада, молиявий жараёнларнинг келажаги ҳам эътибордан четда қолдирилмайди ва хулосаларни хатар омилларини ҳисобга олган ҳолда бериш лозим бўлади.

1.3. Курснинг таркиби

Банк хатарлари курси талабаларга банклар ўз фаолиятида дуч келадиган иктисодий хатарларнинг асосий турлари мазмуни, уларнинг намоён бўлиши шакллари, хатарларни келтириб чиқарувчи омиллар, хатарларни юмшатиш ёки баргараф этиш усуллари тўғрисида зарур билимларни беради. Шунга мувофиқ равишда курснинг бошланишида бозор иктисодиёти шароитида банклар фаолиятига хос бўлган иктисодий хатарларнинг моҳияти энг умумий тарзда кўриб чиқилади. Бу ёндашув ўз ичига банк хатарлари тавсифланишини ва уларни баҳолаш усулларини олади.

Маълумки, тижорат банкларининг фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда Марказий банк етакчи роль ўйнайди. Банк хатарлари ўқув курси Марказий банкнинг тижорат банклари фаолиятидаги иктисодий хатарларни чеклаб туриш борасидаги ролини ва бунинг амалга оширилиши механизмларини ёритиб беради. Шунингдек, банк хатарларини чеклашга халқаро ёндашувлар, жумладан Базель кўмитасининг талабларининг кўриб чиқилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бу мазкур кўлланмада ўз ифодасини топган.

Банк фаолиятидаги хатарларнинг катта қисми кредитлаш жараёнига тўғри келади. Шунинг учун ўқув курси таркибида кредитлаш жараёнига хос бўлган

умумий характердаги хатарлар, бу хатарларни кредит сиёсати орқали тартибга солиш, кредитлаш жараёнининг турли босқичларидаги хатарлар ва уларни бошқариш масалалари муайян ўрин эгаллайди. Кредит хатарларини минималлаштирилиши алоҳида кредитлар бўйича иш олиб борилишини тақозо қилади. Бу эса миждознинг молиявий аҳволини ўрганиб чиқишни ва башоратлашни, кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишни назарда тутди. Ўқув курсида муаммоли кредитлар билан ишлаш масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Ўқув курсининг яқунловчи мавзулари активлар ва пассивларнинг таркиби ва ўзаро нисбати боғлиқ хатарларни, қимматли қозғалар хатарларини кўриб чиқишга бағишланган.

II-мавзу

Банк фаолияти ва иктисодий хатарлар

II.1. Банклар ва уларнинг фаолияти

Иктисодиётнинг ривожланиши банк-молия тизимининг фаолияти билан чамбарчас bogʻliq. Ўзбекистонда олиб борилган ислохотлар натижасида икки bosqichli банк тизими қарор топди. Банклар реал иктисодиётни молиялашда муҳим роль ўйнамоқдалар. Тижорат банкларини бошқариш методлари ва бошка-ришга ёндашувлар такомиллашиб бормоқда. Тижорат банкларини бошқаришда акциядорларнинг роли кучайтирилмоқда ва корпоратив бошқарув тизими жорий этилмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида тижорат банклари ихтисослашган банклар сифатида ташкил этилган бўлса, кейинчалик улар универсал банкларга айлангизилди. Бу эса иктисодиётнинг барча секторларида миждоларга самарали хизмат кўрсатилиши, уларга банк хизматларининг кенг доираси тақдим этилиши учун имкониятларни яратди. Иктисодиётнинг либераллаштирилиши доирасида банк фаолиятининг bosqichma-bosqich эркинлаштириб борилаётганлиги бу фаолият жараёнида унда иштирок этаётган барча субъектларнинг манфаатлари ишончли ҳимоя қилининши бўйича қаттиқроқ талаблар қўйилишига олиб келмоқда.

Тижорат банклари фаолиятининг янада эркинлаштирилиши ва банк стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиқишдаги, банкнинг молиявий аҳолига таъсир этувчи масъулиятли қарорларни қабул қилишда уларнинг мустақиллигининг кенгайтирилиши банк қонунчилигида Марказий банкнинг норматив ҳужжатларида ўз ифодасини топмоқда. Масалан, илгари тижорат банклари томонидан кредит операциялари ўтказилишида тўғридан-тўғри чекловлар мавжуд бўлса, ҳозирги пайтда ҳар бир тижорат банки уларни ўзи ишлаб чиқади ва ҳар йили қайта кўриб чиқиладиган кредит сиёсати асосида амалга оширади. Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб 2002 йилда «Фуқароларнинг банклардаги омонатлари ҳимояланишини қафолатлаш тўғрисида» Қонун қабул қилди. Бу Қонунга биноан Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш жамғармаси ташкил этилди. Мамлакатимзда иш олиб бораётган барча тижорат банклари унинг аъзоларидирлар.

Банк тизимининг жадал ривожланишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелда қабул қилинган «Банк тизимини янада ислох қилиш ва ўрқинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижобий таъсир кўрсатди. Мазкур Қарорга асосан Марказий банк, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва тижорат банклари биргаликда «2005-2007 йилларда банк тизимини ислох қилиш ва ривожлантириш Дастурини ишлаб чиқдилар. Дастурнинг амалга оширилиши салмоқли ижобий натижаларни берганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Халқаро банк амалиётидан маълумки, банк тизимининг капиталлашиш даражаси унинг тўлов қобилияти ва барқарорлигининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Капиталнинг етарлиги банкнинг ликвидлик мавқеи яхшиланишига кўмаклашади ва ўз фаолияти билан боғлиқ хатарлардан сақланиш имконини беради. Шунинг учун 2005 – 2007 йилларда банк секторини ислох қилиш ва ривожлантириш Дастурида белгилаб олинган устувор йўналишлардан бири ҳар бир алоҳида банк учун ҳам, бутун банк тизими учун ҳам капиталнинг етарлигини таъминлашдир. Марказий банк томонидан 2007 йил 1 январдан бошдаб ўрнатилган устав капиталининг минимал миқдорига талаб хусусий банклари учун 2,5 млн. АҚШ долларига, бошқа банклари учун эса 5 млн. АҚШ долларига етказилди.

Тижорат банклари капитали оширилишини таъминлашда акциядорлар – жисмоний шахсларнинг тижорат банкларидаги улушлари (акциялари) бўйича дивидендлар кўринишида олган даромадларининг солиқдан озод қилиниши муҳим роль ўйнамоқда. 2006 йил 1 январь ҳолатига жисмоний шахслар томонидан сотиб олинган тижорат банклари акциялари суммаси 21,5 млрд. сўмга етди. 2007 йил бошланишига мамлакатдаги тижорат банклари капитали жами суммаси 1 трлн. сўмдан ортаганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Маълумки, халқаро қабул қилинган қоидаларга кўра банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш учун тижорат банки ўз капиталининг активларнинг банк хатарларини ҳисобга олиб тортилган умумий суммасига нисбати 10 фоиздан кам бўлмалиги керак. Ўзбекистонда мазкур кўрсаткич 2005 йил бошланишида 22 фоиздан, 2012 йилда 24 фоиздан иборат эди, яъни бу жиҳатдан халқаро талаблар тўла бажарилмоқда.

Ўзбекистонда тижорат банклари ривожлантирилишидаги Яна бир муҳим йўналиш банкларнинг акциядорлик капиталида давлат улушини камайтириш ва хусусийлаштиришдир. 2006 йил бошланишига давлатнинг «Тадбиркорбанк»,

«Синдотирбанк», «Трастбанк», «Ипак йўли» банки ва «Приватбанк» акциялар пакетларидаги улушлари сотиб юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги Қарорига асосан тижорат банкларига 2011 йилгача қатор солиқ имтёзлари берилди:

- банкларнинг мамлакатимиз корхоналарига уч йилдан ортиқ муддатга инвестиция кредитлари беришдан олган ва ўз капиталини кўпайтиришга йўналтирилган фойдаси фойда (даромад) солигидан озод қилинади;

- банкротлик тўғрисида банк томонидан кўзга тилган даъво муносабати билан тугатиш жараёнида бўлган корхонанинг банк мулкига ўтказилиши натижасида қўлга киритилган мол-мулк янги мулкдорларга сотилмагунча мулк ва ер солигидан озод қилинади;

- тижорат банкларининг тасдиқланган давлат дастурларига мувофиқ ташкил этиладиган мини-банкларни очиш бўйича сарф-харажатларини солиққа солиққа тортилмайдиган базадан чиқариб ташланади.

Хукумат томонидан берилган бундай имтиёзлар тижорат банкларнинг бақарорлигини мустаҳкамлашга ва тўлов қобилиятини оширишга, банкларнинг капиталлашини даражасини жадаллаштиришга ва айланма маблағларинг кўпайишига хизмат қилмоқда.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, тижорат банкларининг корхоналар капитали шаклланишида муҳим равишда иштирок этиши иқтисодий ўсишга ва корхоналарнинг молиявий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун Ўзбекистонда ҳам тижорат банкларининг хусусийлаштириш жараёнларидаги иштирокини кенгайтириш мақсадида тижорат банкларига қимматли қоғозларнинг бирламчи бозорида катнашишларига ҳамда хусусийлаштириладиган корхоналар акцияларининг 50 фоизигача миқдорини сотиб олишларига имкон яратилди.

Банк хатарларини назорат қилиниши банк назоратининг таркибий қисмидир. Ўзбекистонда банк назорати ҳуқуқий асослари “Марказий банк тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунларга таянади. Банк назорати механизмлари ва дастаклари мазкур қонунлар асосида назорат қилувчи органлар томонидан ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўзининг конкрет ифодасини топади. Шунингдек, Банк фаолиятини идоравий тартибга солиш ва назорат қилиш Марказий банк, тегишли вазирликлар ва идораларнинг меърий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида амлга оширлади. Чунончи Марказий банк банк соҳасига кириш ва ундан чиқиш, банк

фаолиятини амалга ошириш, хатарларни бошқариш бўйича мажбурий талабларни ўрнатади. Ўзини ўзи назоратнинг меърий-ҳуқуқий асослари эса банк уставида, акциядорлар умумий йиғилиши ва банк кенгаши томонидан ишлаб чиқиладиган ички сиёсат ва тартиб-тамоийилларда ўз ифодасини топади.

Б. Нурмуратов таъкидлаганидек, банк назорати – давлат томонидан банк-молия тизимининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, омонатчилар, кредиторлар ва миждозларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолият йўналиши ҳисобланади¹. Идоравий банк назорати ваколатли давлат органи, одатда марказий банк томонидан амалга оширилади. Банк назоратининг ноидоравий тури мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан бажарилади. Идоравий назорат давлатнинг, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини тўғридан-тўғри ҳимоялашга қаратилган. Аудиторлик назорати кредит ташкилотларининг молиявий ҳисоботларида ақс эттирилган ахборотнинг ишончлилиги ҳақида фикр билдирилши тарзда ўтказилсада, мазмунан у операцияларнинг қонунийлиги ва иқтисодий хатарларга мойил эмаслигини текширишни ҳам ўз ичига олади.

Идоравий банк назоратининг мақсадлари, биринчидан, пул муомаласи ва молиявий барқарорликни таъминлаш, банклар банкрот бўлишининг олдини олиш ва уларни соғломлаштириш бўйича чоралар кўриш, иккинчидан, активлар сифатини ошириш ва потенциал хатарларни камайитириш орқали банк тизими самарадорлигини ошириш, учинчидан эса, омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилишдир. Идоравий назорат учта усулда: лицензиялаш, яъни банкни очиш учун махсус рұхсатнома бериш, масофадан назорат қилиш (тақдим этилган ҳисоботлар ва маълумотлар асосида) ва жойига чиқиб текшириш орқали амалга оширилади.

Банк назоратининг учта функциясини ажратиб кўрсатадилар.

Олдини олиш функцияси кредит ташкилотларининг банк иши соҳасига кириб келишининг тартибга слинишини назарда тутати. Бу борадаги қоидалар ва нормативлар банклар иш фаолиятида хатарларнинг аввал бошдан оқ чеклаб қўйилишини билдиради. Шунингдек, мазкур функция банклар жорий фаолияти учун белгиланган нормативлар ва таомойилла воситасида хатарлар чекланиши ва молиявий барқарорлик таъминланишини англавати.

Хабар бериш функцияси банклар фаолиятида салбий тенденцияларни ўз вақтида аниқлаш имконини берувчи тахлилий таомиллар ва ҳаракат қилиш воситалари мавжудлигини билдиради. Назорат натижасида махсус ваколатли

¹ Қаранг: Нурмуратов Б. Банк назоратининг илмий-назарий асослари. – Бозор, пул ва кредит, № 3, 2012, 10-бет.

органга ёки банкнинг ўзига юзага келаётган муаммолар тўғрисида хабар берилади. Бу эса тегишли томонларни фаол ҳаракатларга ундайди. Таъкидлаш лозимки. Мазкур функцияни бажариш учун банк назорат бўйича ваколатли орган кредит ташкилотлари молиявий ҳолатини мониторинг қилиш бўйича махсус ахборот-таҳлил тизимига ҳамда кредит ташкилотлари фаолиятига назорат тартибида аниқлашни имконини берувчи чора-тадбирлар тизимига эга бўлиши лозим.

Текшириш функцияси жойларда ўтказиладиган текширувларни назарда тутди. Бунда тартибга солувчи нормалардан четга чиқиш ҳолатларини, уларнинг юзига келиш сабабларини аниқлаш, шунингдек банкнинг ёки банк назорати бўйича ваколатли органнинг муаммолар олдини олиш ва бартараф этиш бўйича ҳаракатлари самарадорлиги ва натижаларини баҳолаш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011 – 2015 йиллар даврида Ўзбекистон иқтисодийотида ислохотлар масштабини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда тадбиркорлик муҳитини шаллантириш бўйича мезонлар ва баҳолаш тизимини аниқлаш ва амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 7 январдаги Қарорига мувофиқ иқтисодийотни эркинлаштириш ва модернизациялаш кўлами ҳамда ишбилармонлик муҳитининг шаклланиш даражаси, шунингдек молия-банк соҳаси ривожланиши индикаторларини ҳар чоракда баҳолаш тизими тасдиқланди. Мазкур тизим асосида банклар фаолияти ҳам индикаторларни қўллаган ҳолда баҳоланиб бормоқда. Мамлакатимизда банк соҳасида кузатилаётган натижалар халқаро стандартлар талабларига жавоб берибгина қолмасдан, балки айрим кўрсаткичлари бўйича юқори даражададир.

Банк тизими барқарор ишлашига молиявий шароитлар яратиш ва банкларнинг ресурс базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистонда тижорат банкларининг капиталлари умумий ҳажмини 2,1 баробарга ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган эди. 2011 йилнинг ўзидаёқ банкларнинг умумий капитали 30 фоизга оширилди. 2012 йилнинг биринчи чораги якунида банк тизими капиталининг етарлилик даражаси халқаро Базель қўмитасининг 8 фоизлик минимал талабидан баробарга юқори бўлиб, 24,3 фоизни ташкил этди. Банкнинг молиявий барқарорлиги муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланадиган банк тизимининг жорий ликвидлик коэффиценти 30 фоизлик минимал даражадан 2,2 баробар юқори бўлиб, 65,6 фоизни ташкил этди.

2012 йилда Ўзбекистонда 30 та тижорат банки ва ҳудудларда уларнинг 9 мингдан кўпроқ таркибий бўлинмалари самарали фаолият кўрсатди. Иқтисодийотни эркинлаштирилиши шароитларида унинг реал секторини кредитлашда ресурс

манбаларини шакллантиришда асосий эътибор ички имкониятларга, яъни аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк акциялари ва узок муддатли депозитларига жалб қилишга қаратилади. Бунинг аминиди эса корхоналар ва аҳолини банк хизматлари билан қамраб олиниши этиди. Халқаро баҳолаш тизимига асосан 100 минг катта ёшдаги аҳолига тўғри келадиган банк муассасалари сони 30 тадан ва 1000 та катта ёшдаги аҳолига тўғри келадиган омонатчи-жисмоний шахсларнинг сони 1000 тадан ошса бу индикаторлар юқори деб қаралади. Ўзбекистонда ушбу кўрсаткичлар мувофиқ равишда 49,7 бирликни ва 1026 кишини ташкил этмоқда.

Тижорат банклари аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этишни янада кенгайтириш учун омонатларнинг янги ва жозибадор турларини жорий этмоқдалар. Натижада банклардаги депозитлар ҳажми йил сайин орғиб бормоқда. Чўнончи 2011 йил 1 апрелдан 2012 йилнинг 1 апрелига қадар депозитлар ҳажми 30,5 фоизга орғди ва бу ўзини доимий тенденция сифатида намоён этмоқда. 2012 йилда банкларда омонатларнинг 400 дан орғик турлари мавжуд бўлиб, уларнинг 100 дан орғиги хорижий валютада этиди.

Ўзбекистон банклари етакчи халқаро рейтинг компаниялар билан мунтазам алоқададирлар ва улар иштирокида семинарлар ўтказилади. Жўмладан 2012 йилда “Фитч Рейтингс”, “Мудис”, ва “Стандарт энд Пурс” каби етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан амалий семинарлар ўтказилиб, уларда кредит ва молия муассасаларини халқаро баҳолаш меёрлари ва услублари ҳамда рейтинг баҳолашнинг аҳамияти ёритиб берилди. 2012 йилда халқаро рейтинг компанияларининг “барқарор” рейтингини олган тижорат банклари сони 25 тани ташкил этди ва бу банкларнинг банк тизими жами активларидаги салмоғи 98 фоиздан орғик этиди. 2011 ва 2012 йилларда “Мудис” халқаро агентлиги Ўзбекистон банк тизимига “барқарор” рейтинг даражасини берди. “Стандарт энд Пурс” халқаро рейтинг агентлиги эса бу даврда Ўзбекистон банк тизимини ижобий баҳолаган ҳолда унинг рейтингини бир поғона кўтарди.

1997-1998 йилларда Жаҳон банки, АКШнинг ЮСАИД халқаро ривожлантириш агентлиги ва “Барентс групп” халқаро маслаҳат хизмати ҳамкорлигида Ўзбекистондаги банк назорати бўйича норматив-ҳуқуқий база халқаро ситандартларга ва банк назорати бўйича Базель қўмитаси талабларига тўлиқ мослаштирилди. Шўнга таянган ҳолда Марказий банкнинг назорат олиб бориши бошқарув услубидан назоратуслубига ўтказилди. Тижорат банкларини жойида текширишда банк фаолиятига баҳо беришнинг замонавий “CAMEL” тизими жорий этилди.

Шунингдек, марказий банкка тақдим этиладиган молиявий ҳисоботлар шакллари масофадан туриб назорат қилиш талабларига мувофиқ қайта шакллантирилди. Банклар фаолиятини кунлик мониторинг қилиш тизими ташкил этилди.

CAMEL – тижорат банклари молиявий ҳолатини рейтинг баҳолаш тизими. У АҚШ Федерал Резерв тизими, АҚШ Молия вазирлигининг Пул муомаласини назоратқилиш бошқармаси ва Депозитларни суғурталаш бўйича Федерал Корпорация томонидан ишлаб чиқилган.

Банк назорати бўйича Базель қўмитаси 1975 йилда Ўнлик гуруҳи (G-10) таркибига кирувчи мамлакатлар марказий банклари бошқарувчилари томонидан ташкил этилган ва банк назорати органларининг қўмитаси ҳисобланади. Унинг таркибига Бельгия, Канада, Франция, Германия, Италия, Япония, Люксембург, Испания, Нидерландия, Швеция, Швейцария, Буюк Британия ва АҚШ давлатларининг марказий банк ва банк назорати органларининг вакиллари қиради. Базель Қўмитаси Швейцариянинг Базель шаҳридаги Халқаро ҳисоб-китоблар банки биносида жойлашган. Қўмита томонидан ишлаб чиқилган қоидалар, талаблар ва тавсиялар жаҳоннинг 120 га яқин давлатларида банк амалиётида қўлланиши учун қабул қилинган ва қўллаб келинмоқда. 1990-йилларнинг бошларида мазкур қўмита ривожланаётган мамлакатлар банк назорати идоралари билан кенг микёсларда ҳамкорлик қила бошлади. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг Марказий Осиё ва Кавказортидавлатлари гуруҳига 1995 йилда аъзо бўлиб кирган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 – 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро тейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарори тижорат банклари фаолияти кўламлари кенгайтишига, самарадорлиги ошишига ва молиявий барқарорлигига мунтазам эришиб борилишига катта ижобий таъсир кўрсатди. Унга биноан банк назорати тизимини янада мустаҳкамлаш муҳим вазифа этмб белгиланди. Бунинг учун халқаро молия институтлари экспертларидан техник ёрдамни жалб этиш, банк капитали даражасига бўлган талабларни кучайтириш бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларини татбиқ этиш вазифалари белгиланди. Шунга мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Халқаро валюта фонди ва жаҳон банкининг малакали мутахассислари таклиф қилинди ва улар банк назоратини такомиллаштириш, хусусан, Базель II ва Базель

III галабларини Ўзбекистон банк тизимига жорий этиш бўйича тавсиялар бердилар.

Таъкидлаш лозимки, 2012 йил 26 апрель – 3 май кунлари хақаро валюта фондининг банк назорати бўйича техник кўмак кўрсатиш учун келган экспертлари Ўзбекистон банк тизими глобал молиявий инқироз таъсирларига яхши бардош берганлигини, Ўзбекистон Ҳукумати банк назоратини янада такомиллаштириш ва банк тизими ишончлилигини мустаҳкамлаш масалаларига жиддий эътибор бераётганлигини қайд этдилар.

2012 йил 27 июнда Ўзбекистон банклари ассоциациясида Марказий банкнинг ва тижорат банкларининг ходимлари учун Халқаро валюта фондининг етакчи таҳлилчилари иштирокида “банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини аниқлаш учун стресс тест ўтказиш” мавзусида амалий анжуман ўтказилди. Шу йили Германиянинг Дойче Бундесбанки томонидан банк назорати ходимлари учун Базель қўмитасининг янги тавсияларини жорий этиш масалалари бўйича амалий семинар ўтказилди ва тажриба алмашилди. Шунингдек, жаҳон банкининг техник ёрдамига таянган ҳолда банк назорати бўйича базель қўмитасининг Базель-2 ва Базель-3 тавсияларини Ўзбекистон банк тизимига жорий қилиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди ва 2012 йил июль ойида унинг амалга оширилиши бошланди.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистондаги банк назорати қондаларининг халқаро банк назорати меёрлари ва стандартлари асосида қайта кўриб чиқилишини назарда тутди. Жумладан, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларига асосан, тижорат банклари капиталининг етарлилиги меёрларни аниқлашда бозор ва операция хатарларни ҳисобга олиш ҳамда капитал етарлилигига қўйиладиган талабларнинг босқичма-босқич оширилиши кўзда тутилмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг оқибатлари жаҳон ҳужагининг барча бўгинларида молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисобини юритишни такомиллаштириш ва шаффофлигини янада ошириш зарурлигини яққол намоён этди. Шунинг учун халқаро молия ташкилотлар бу борада амалий ишлар олиб бормоқдалар. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ҳам жаҳон банки билан ҳамкорликда тижорат банкларида молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисобини Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МХХС)нинг янги тавсиялари асосида такомиллаштиришга қаратилган лойиҳани амалга ошира бошлади.

Оқибатлари ҳали тула бартараф этилмаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини юмшатиш ва келажакда шу каби инқирозларга нисбатан тижорат банкларининг бардошлилигини ошириш мақсадида банк назо-


раги буйича Базель қўмитаси “Базель III” деб ном олган, банкларнинг капиталларини ошириш ва банк ликвидлигига қўйиладиган талабларни кучайтириш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини оширувчи талаблар мажмуасини ишлаб чиқди. Бу мажмуа 2010 йил ноябрь ойида Жанубий Корея пойтахти Сеул шаҳрида бўлиб ўтган катта йигирматалик – G-20га кирувчи давлатлар раҳбарларининг Саммитида қабул қилинди янги стандартларда катта йигир маталик мамлакатларида 2013 – 2019 йилларда босқичма-босқич ўтилиши кутилмоқда.

II.2. Иқтисодиётнинг турли бўғинларида хатарлар

Тижорат банклари мамлакатдаги тадбиркорлик фаолияти тизимининг таркибий қисми сифатида иш олиб борадилар. Банклар эришадиган натижалар, банкларнинг молиявий-иқтисодий аҳволи бутун иқтисодиётдаги вазият билан чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, ҳар бир тижорат банки ҳам ўзининг миқозлари билан боғланиб кетган бўлиб, миқозларнинг молиявий-иқтисодий юксалиш банк даромадларини ҳам оширади. Демак, кенг маънода банк фаолиятидаги хатарлар замида иқтисодиётнинг барча ёки қўллаб соҳалари учун хос бўлган хатарлар ётади.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларида ҳар қандай ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхонаси ўзининг фаолият доирасида хатарга учрайди. Шундай бўлсада, маълум сабабларга кўра, аввало ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятида вужудга келиши мумкин бўлган хатарлар тўғрисида фикр юритиш ўринли бўлади. Иқтисодий адабиётда бундай хатарлар саноат, экология, инвестиция, техник, тадбиркорлик хатарлари деб таърифланади, улар миллий иқтисодиётда тез-тез учраб турадиган хатарлар ҳисобланади. Албатта, бу хатарларнинг ишлаб чиқариш корхоналарига таъсири банк учун ҳам жиддий аҳамиятга эга бўлади. Масалан, хатарлар билан боғлиқ равишда корхона иш натижаларининг ёмонлашуви унинг пул оқимлари орқали, банк олдидаги мажбуриятлари бажарилиши ёки бажарилмаслиги орқали, банк корхонага маблағларни инвестициялаганда эса даромад келиб тушиши камайиши орқали банк фаолияти умумий натижаларида ўз ифодасини топади.

Юқорида санаб ўтилган хатарларни бир-бирдан бутунлай ажралган ҳолда тассавур қилиш тўғри бўлмайди. Ҳар бир хатар бошқалари билан узвий боғлиқ равишда содир бўлади ва шу маънода иқтисодиётда учрайдиган хатарлар ягона мажмуани ташкилайди дейиш мумкин. Масалан, корхонада молиявий инвестиция



фаолиятида молиявий, тадбиркорлик хатарларига учрайди, ўз навбатида тадбиркорлик фаолияти натижасида молиявий хатарлар вужудга келиши мумкин. Агар ишлаб чиқариш корхонаси реал инвестициялаш билан шуғулланадиган бўлса, унда албатта саноатга оид хатарларни ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг тармоқларида саноат, экология, инвестиция, техник, тадбиркорлик, молия, тижорат, давлат-сиёсий хатарлар содир бўлиши эҳтимоллари мавжудлигини қайд этиш мумкин. Корхона ёки банк фаолиятида алоҳида хатар ёки хатарлар гуруҳи чуқур таҳлил этилиши ҳамда стратегик режалар ёки бизнес-режа тузиш ва уни амалга оширишда уларни бартараф этиш ёки юмшатиш чоралари белгилаб олиниши лозим.

Саноат хатарлари. Саноат корхоналари дуч келадиган хатарлар деганда корхоналарнинг зарар кўришига олиб келувчи ёки шлаб чиқариш жараёнларини бир маромда олиб борилишига салбий таъсир этувчи омиллар юзага чиқиши эҳтимолли тушунилади. Одатда бундай ҳолатга саноат корхоналари табиат кучлари таъсирида, ёки атайлаб бинолар, иншоотларни бузилиши, зарар етказилиши, транспорт ва асбоб ускуналарни йўқотилиши ёки синдирилиши натижасида тушиб қолади.

Саноат корхоналарида учраб турадиган хатарларга авария натижасида фуқароларнинг оғир шикастланишлари, машина, асбоб-ускуналарни ишдан чиқишини ҳам киритиш мумкин. Саноат хатарларини куйидагича гуруҳлаш ҳам мумкин:

- табиий офатлар натижасида вужудга келадиган хатарлар – ер силкинишлари, сув тошқини, ер силжиши, довул-бўрон, гирдоб, чакмоқ таъсири, вулкон ва ҳ.к.;

- техноген хатарлар – бинолар, қурилмаларнинг эскириши, машина, механизм ва ускуналарни фойдаланишга топшириш ва лойиҳалаштиришда йўл қўйилган хато, камчиликлар, хизматчи ходимларнинг техника ва технологиялардан фойдаланишда йўл қўйган хатолари, асбоб ускуналарни ўрнатиш ҳамда таъмирлаш ишларида шикастлантириш, учувчи аппаратларнинг ёки уларнинг қисмларининг кулаб кетиши ва ҳ.к.;

- аралаш хатарлар – инсон фаолияти натижасида табиатдаги мутаносибликнинг бузилиши, масалан нефт, газларни кидирув бурғулаш жараёнларида унинг отилиб чиқиб кетиши ёки қурилиш ишларида ер сурилиши ва бошқалар.

Саноат хатарларини қўпгина ҳолларда экологик хатарлар сифатида майдонга чиқади. Атроф-муҳитга инсонлар томонидан ундаги табиий мувозанатнинг

бузилишига олиб келувчи таъсир билан боғлиқ бўлган хатарларни экология хатарлари деб аталади. Одатда бундай хатарлар атроф-муҳитга таъсирни тула ўрганмасдан ва оқибатлари билан ҳисоблашмасдан қурилиш ва ишлаб чиқариш объектларининг ишга солиниши туфайли вужудга келади. Ҳозирги шароитларда экологик хатарлар саноат хатарларининг узвий бир қисмидир. Атроф-муҳитга зарар етказиш ва уни ифлослантириш ўрмонларни қуриб қолишига, сув миқдорининг салбий тарзда камайишига ёки қўпайишига, ҳаво ва ер ресурсларининг сифат ўлчамлари бузилишига, биосферага зарар етказувчи моддаларнинг чиқиб кетишига ва кишлоқ хўжалик ерлари мелиоратив ҳолатининг бузилишига олиб келади. Фуқароларнинг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг атроф-муҳитга эътиборсизлиги туфайли умуман олганда фалокатлар юз бериши эҳтимоли ортиб боради.

Экологияга ва атроф-муҳитга ҳалокатли таъсир этувчи саноат хатарларинг оқибатларини яқин ва келажакда юзага чиқиши мумкин бўлган иккита қисмга ажратилди. Яқин кунлар ичида содир бўлиши мумкин бўлган ҳалокат натижасида бинолар ва иншоотлар бузилади, атроф-муҳит ифлосланади, фуқароларнинг турли даражада жароҳат олишлари қўпаяди. Келажакдаги таъсир натижасида ер майдонлари ифлосланади, сув ҳамда бошқа табиат ресурсларининг ифлосланиши инсонлар саломатлигига таъсир этади. Улар ифлосланиш содир этилгандан сўнг сурункали равишда ўзининг салбий натижасини кўрсатади, инсонларда турли хил касалликлар кузатилади. Узок вақт давомида ушбу ҳудудлардаги инсонларнинг яшаш шароитлари ёмонлашади, ўлим сони ортади, турли хил касалликлар, болалар уртасидаги ўлим қўпаяди, ногирон болалар туғилиши ортиб боради, уларнинг аксарият қисми қувватсиз бўлади.

Саноат хатарларининг муайян қисми техника ва технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Улар аввало техник хатарлар кўринишида намоён бўлади. Техник хатарлар саноат хатарларининг ҳам, улар билан чамбарчас боғланган тадбиркорлик ҳамда инвестиция хатарларининг ҳам узвий бир қисмидир.

Техник хатарлар, жумладан, янги қурилиш объектларини бунёд этиш ва эксплуатация қилишда юзага чиқади. Уларнинг ичида қурилиш-монтаж ишларини бажариш билан боғлиқ хатарларни ва эксплуатация жараёнидаги хатарлар алоҳида ажратиб кўрсатдилар.

Техник-монтаж хатарларига куйидагилар киради:

- курилиш материаллари ва ускуналарининг нокулай шароитлар, табиий офат, портлашлар, атайин зарар етказиш натижасида йўқолиши ёки фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолиши;

- объектларни лойиҳалаштириш ва монтаж қилишда йўл қўйилган хатоликлар туфайли уларни қоникарли ёки доимий фаолият юрита олмаслиги;

- курилиш объектларидаги ходимларга жисмонан зарар етказилиши ва бошқалар.

Одатда, курилиш ишлари тугатилгандан сўнг, курувчи ташкилот буюртмачига уни шартнома муддати давомида тўла қувват билан доимо узлуксиз ишлашини кафолатлайди. +урилишга ўрнатилган ускуналарда кўпгина миқдорда носозликлар аниқланадиган бўлса, курувчи ташкилот уни бартараф этиш учун қўшимча миқдорда харажатлар қилишга мажбур ва бу ишлар унга қимматга тушади.

Асосан иқтисодий мазмунга эга бўлган хатарлар инвестиция хатарлари ва тадбиркорлик хатарлари сифатида ифодаланади.

Инвестиция хатарлари деганда, инвестиция лойиҳалари амалга оширилганда фойдани йўқотиш ёки кам миқдорда олиш билан боғлиқ хатарлар тушунилади. Хатарлар лойиҳаларни амалга ошириш, маблағларни жалб этиш усулларига қараб бир-биридан фарқланади. Умумий ҳолларда хатарларни куйидаги турларини ажратиб кўрсатадилар:

1. Инвестицион лойиҳаларни молиялашга кредит ресурсларини жалб этиш билан боғлиқ хатарлар;
2. Инвестицион лойиҳаларнинг дастлабки босқичдаги хатарлар;
3. Инвестицион лойиҳаларнинг иккинчи босқичи билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик хатарлари;
4. Давлатнинг иқтисодий сиёсатидаги ўзгаришлардан келиб чиқувчи хатарлар.

Маълумки, инвестицион лойиҳалар икки босқичда амалга оширилади: биринчи босқичда активлар курилиш объектларига ёки айланма фондларга бўнақланади, иккинчисида эса, жойлаштирилган маблағлар қайтиб, фойда бера бошлайди.

Лойиҳанинг дастлабки босқичи қатор хатарлар билан боғлиқ. Масалан, лойиҳада режалаштирилган ишлар ўз вақтида тугалланмаганда, тугалланган деб қаралаётган объектларнинг носозлиги аниқланганда лойиҳа бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун қўшимча харажатлар талаб этилади ва бу муайян зарарларни келтириб чиқаради.

Дастлабки босқичнинг хатарлари орсида техник хатарлар алоҳида ўринга эга. Бу ҳолда у қурилиш-монтаж ҳамда эксплуатация хатарларини ўз ичига олади. Лойиҳаларни амалга оширишнинг биринчи босқичидаги хатарларга қуйидагилар кирadi:

- лойиҳалашдаги техник нуқсонлар натижасида вужудга келадиган хатарлар;
- ер майдонлари ижараси, қўзғалмас мулк объекти, шунингдек қурилишга олинган рухсатнинг юридик жиҳатдан нотўғри расмийлаштирилиши;
- қурилиш лойиҳаси қийматининг ошиб кетишидаги хатарлар.

Инвестиция лойиҳасининг иккинчи босқичида унга сарфланган маблағларнинг қопланишига ва зарур миқдорда фойда олинishiга эришиш лозим. Бу босқич одатда савдо ёки ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлиб, айрим ҳолатларда корхона ноқулай шароитларга тушиб қолади. Натижада тадбиркорлик хатари вужудга келади.

Тадбиркорлик хатари фақатгина инвестиция фаолиятига хос бўлган хатар бўлмасдан балки бизнесни барча турларида учрайди. Бошқа томондан, ҳар қандай бизнесни муайян маблағларнинг инвестицияланиши деб қараш мумкин.

Тадбиркорлик - бу ўз мулкни ишлатиб ёки ўзга мулкдан амалда фойдаланиб, товарлар яратиш ёки хизматлар кўрсатиш, ундан кутилган мақсад эса пул топиш. Бундай фаолият ҳар доим хатар билан боғлиқ.

Тадбиркорлик хатарларининг ички ва ташқи турлари бир-биридан фарқлайдилар. Тадбиркорлик фаолиятига оид бўлган фойданинг контрагентларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажармасликлари оқибатида олинмай қолиши ёки камроқ олинishi ёхуд тадбиркорнинг ўз савб-харакатларига оид бўлмаган ҳолда қўриладиган зарарлар ташқи хатарларнинг натижасидир.

Ички хатарлар тадбиркорларни ишлаб чиқариш ёки маҳсулотни сотиш олиб бораётган ишлари даражаси билан боғлиқдир. Улар қуйидаги омиллар натижасида шаклланади:

- менежментнинг умумий даражаси;
- маркетинг ташкил этилиши;
- таннарх, маҳсулотнинг сифати ва ишончлилиги, сотиш шартлари, реклама, маҳсулот сотилгандан сўнг кўрсатиладиган хизматлар, айланма маблағларнинг етишмаслиги ёки айланиши секинлашуви, мижозлар турлари ва ҳ.к.

Сугурта компаниялари ва молиявий институтлар корxonанинг ички хатарлари оқибатида қўриладиган зарарларни қоплаб беришни қафолатламайдилар.

Чунки улар аксарият ҳолларда корхонадаги ички субъектив омиллар билан боғлиқдир.

Тадбиркорлик хатарлари натижасида кўриладиган зарарларни тўғри ҳамда билвосита деб ажратиш мумкин. Тўғри зарарлар - бу сабабчилар ёки айбдорлар аниқ кўриниб турган ҳолда мол-мулкдаги йўқотишлар ёки фойданинг бой берилишидир. Билвосита зарар - бу аниқ айбдорлар ёки сабабчиларни аниқ кўрсатишинг иложи булмаган ҳолда хўжалик фаолиятидаги турли узилишлар натижасида даромад олмаслик.

Иқтисодий нашрларда тадбиркорлик хатарлари оқибатларини албатта фойданинг камайиши ёки зарар билан боғлайдилар. Шу нуқтаи- назардан табиий хатарлар – ер силкинишлари, сув тошқини, довул, бўрон, чакмоқ уриши, вулқон отилиши, учиш аппаратларининг тушиб кетиши, бино ва иншоотларнинг эскириши, машина ва технологияларни ишдан чиқиши, ходимлар томонидан йўл қўйилган хатолар, атайлаб содир этилган хуфёна ишлар ва ҳ.к. ҳам салбий иқтисодий оқибатларни келтириб чиқаради.

Зарарлар кўзда тутилмаган хатарлар – судга оид ва бошқа хатарлар туфайли ҳам содир бўлади. Тадбиркорлик фаолияти ташки ва ички савдо операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлиши ялпи тижорат хатарларига, давлатнинг валюта ва божхона сиёсати туфайли содир бўлиши мумкин бўлган хатарларга дуч келади.

II.3. Банк хатарлари иқтисодий хатарларнинг таркибий қисми сифатида

Юқорида қайд этилганидек, тижорат банкларининг тадбиреорлик фаолияти иқтисодиёт бошқа субъектларининг фаолияти билан чамбарчас боғланиб кетган ва шунинг учун иқтиодиётнинг барча бўғинларидаги хатарлар банк иши натижаларига ҳам муҳим равишда таъсир кўрсатади. Шундай бўлсада, банк хизматлари кўрсатилиши мобайнида шу жараёнларга хос бўлган хатарларнинг мавжудлигини, бундан ташқари иқтисодий муносабатлар учун умумий бўлган хатарлар банк соҳасида ўзига хос тарзда юзага чиқишини инкор этиш мумкин эмас.

Тижорат банклари фаолияти нуқтан назаридан хатар деб банк ихтиёридаги ресурсларнинг маълум бир қисмини йўқотилиши, даромад олинмаслиги ёки молиявий операцияларни амалга оширишда режадагига нисбатан қўшимча харажатларга дуч келиниши эҳтимоли ёки хавфи тушунилади. Кўпинча содир

охлаётган реал вокеликин инкор қилиб ёки қутилаётган жараёнларни нотўғри аниқлаб келажак истикболни белгилаб олиниши натижасида хатар пайдо бўлади. Хатарларни вужудга келтирадиган омиллар бўйича гурухлаш бир мунча кийинроқ, ammo уларнинг пайдо бўлиши ички ва ташқи омиллар асосида шаклланади. Масалан, ликвидлилик хатарини кўпайиб кетилишига пул ресурсларини банкка кўпроқ миқдорларда жало қилишга интилган ҳолда қисқа муддатли мажбуриятлар саноғи ҳаддан зиёд ортиб кетиши, мижозларнинг ўз ҳисобрақамларидан тўловлари қутилаётган суммалари га нисбатан нотўғри тахмин қилиниши ҳам, паст сифатли кредит портфели (катта миқдорда берилган кредитлар қайтмаслиги хавфи) ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Амалий тажриба банк хатарлари кўпроқ ички омиллар туфайли кучайиб кетишидан гувоҳлик беради. Ўз навбатида банклар бу омилларнинг таъсирини имкони борича минималлаштириш учун ички назорат тизимини ташкил этадилар. Ички назорат тизимининг таркибий тузилиши банк хатарлари ички омиллари таркиби ва ҳар бир омилнинг қанчалик хавф туғдираётганлигига монанд равишда шакллантирилади. Лекин, шу билан биргаликда, банкнинг ички назорат бўлинмалари банк фаолиятига муҳим равишда таъсир этувчи барча хатарларни назорат қил борадилар.

Ҳозирги кунда бозор иктисодиётининг молиявий хизматлар сектори, технологияларни қулай қонунчилик асосида жадал ривожланиб бормоқда. Бундай ўзгаришлар натижасида банклар ўз фаолиятларини кенгайтириб, хизматларнинг турини кескин кўпайтиради ва турли ҳудудларни эгаллайдилар. Бу билан банк хатарларини бошқариш жараёнлари янада мураккаблашади.

Банк фаолиятини бошқариш нуқтаи- назаридан олиб қараганда хатар – бу шундай жарёнки, унинг қутилмаган ва кўзда тутилмаган тарзда бориши банк капитали ва даромадига салбий таъсири эҳтимоли мавжуд бўлади. Бошқарув таъсири орқали хатарларни юмшатиш ёки баратараф этиш мумкинлиги жиҳатидан уларнинг иккита асосий категорияси мавжуд:

- қафолатли;
- қафолатсиз.

Баъзи бир хатарлар бўйича улардан ҳимояланиш учун олдиндан чоратadbирлар белгилаб олиниши имколияти жуда оз бўлади ва улар қафолатсиз хатарларни ташкил этади. Қафолатли хатарларниёса бошқариш мумкин. Демак, банк қафолатсиз хатарлардан максимал даражада ҳимояланган тбўлиши керак. Бунга эришишда ички назораттизими ўта муҳим роль уйнайди.

Хатарларнинг асосий турлари сифатида куйидагиларни қайд этиш мумкин:

- кредит хатари;
- фоиз хатари;
- ликвидлилиқ хатари;
- баҳо хатари;
- валюта хатари;
- операцион хатар;
- белгиланган меъёрларга риоя қилмаслик хатари;
- стратегияни нотўғри танлаш хатари;
- репутация хатари ва ва ҳ.к.

Кредит хатари – бу қарздор ёки контрагентнинг банк билан тузган шартномасининг шартларини бажармаганлиги натижасида банкнинг капитали ёки даромадининг қисман ва бутунлай бой бекрилишидир.

Баланснинг актив қисмида кредит хатари хос бўлган моддалар:

- корреспондент ҳисоб рақамидаги қолдиқлар;
- тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлари;
- қимматли қоғозлар;
- инвестицион қимматли қоғозлар;
- ссудалар, молиявий лизинг;
- активлар, сотиб олиш ва сотиш бўйича;
- олинган кредитларга ҳисобланган фоизлар;
- бошқа дебиторлик қарзлари;

Балансдан ташқари кредит хатарлари хос моддалар:

- берилган ссудалар ёки қарзларнинг сотиб олиш бўйича мажбуриятлар;
- қимматли қоғозлар сотиб олиш бўйича мажбуриятлар;
- заҳирали (кафолатли) аккредитивлар;
- валютавий шартномалар;
- фоизли своплар;
- бошқа ишлаб чиқариш унинг молиявий инструментлари, яъни опцион ва фьючерслар.

Ички назорат тизимидаги кредит хатарини бошқаришга мисоллар:

- иккиламчи ички текширув;
- мустақил эксперт баҳолаш;
- кредит сиёсати ва кредит олиш учун керак бўлган ҳужжатлар тўпламини кредит бўлими томонидан назорат қилиниши;

- кредит ва инвестиция портфелининг сифатини назоратга таҳлили қилиб борилиши.

Фоиз хатари – бу фоиз ставкаси динамикасининг салбий ўзгариши оқибатида даромад ёки капиталнинг маълум қисмининг йўқотилиши. Баҳо хатаридан фарқли равишда фоиз хатари жорий баҳолар бўйича қайта баҳоланувчи қимматли қозғалар портфелига ҳос эмас, балки у асосан қатъий белгиланган даромадга эга бўлиб, сундирилиши муддатига қадар сақлаб туриладиган молиявий воситалар инструментлар портфели қийматига тааллуқли бўлади.

Ички назорат тизимида фоиз хатарини бошқаришга мисоллар:

- аниқ ва ишончли маълумотлардан фоиз хатарини бошқариш модели асосида фойдаланиш;
- мустақил аудиторлар ёрдамида баҳолар тизимини доимий назорат қилиш, мониторинг ва фоиз хатари бўйича ички назоратни олиб бориш.

Ликвидлилик хатари – бу банкнинг муддати етиб келган ўз мажбуриятларини тўлақонли бажаришида унинг тўловга қобилиятсизликнинг вужудга келиш эҳтимолидир. Одатда бу банк даромадлари ва капитали муайян қисмининг йўқотилиши туфайли юз беради.

Баҳо хатари – бу молиявий инструментлар портфелининг қийматини ўзгариши билан даромад ёки капиталнинг маълум қисми йўқотилиши хатаридир. Маркетмейкер, дилер сифатида фаолият кўрсатиш, фоиз ставкалари, валюта операциялари, фонд ва товарлар бозоридаги операцияларни юритилиши – буларнинг ҳаммаси баҳоли хатарни келиб чиқишига асосий омил бўлади. Кўпгина банклар баҳо хатари терминининг ўрнига бозор хатар терминини қўллайдилар.

Ички назорат тизимида баҳо хатарини бошқариш борасидаги ишлар:

- бош китобнинг назорат рақамидаги фьючерс шартномаларини ҳар кун текшириб туриш;
- қимматли қозғалар бўйича операцияларга тааллуқли мустақил аудитни ўтказиш;
- баҳолар шаклланиши тизимини кузатиш.

Валюта хатари – бу валюта курсининг ўзгариши бўйича даромад ёки капиталнинг маълум қисмининг йўқотилиши хатаридир. Бу кўринишдаги хатар ташқи иқтисодий, инвестицион ва ҳўжалик фаолиятида учрайди, яъни маркет мейкер сифатида валюта ва очиқ валюта позицияларига оид баҳо хатари билан боғлиқ операциялар туфайли вужудга келади. Валюта хатари тўловларнинг тўхтаб қолишига, мажбуриятларнинг бажарилмаслигига, эркин конвертирланадиган

валюталарнинг етишмаслигига ва булар натижасида қисман ёки тўлиқ зарарга олиб келиши мумкин.

Ички назорат тизими доирасида валюта хатарини чеклаб туриш чоралари:

- чет эл банклариغا, бошқармаларига, давлат органларига ссудалар бериш, аммо чет эллик бўлмаган жисмоний шахсларга ва компанияларга бермаслик;
- чет эл валютасини АҚШ долларига ўтказиш, чет эллик ташкилотларга қарз берилишини чеклаш;
- ҳар қандай валюта позициялари бўйича чекловларни йўлга қўйиш.

Операцион хатар – бу товарларни сотиш ёки хизматларни кўрсатиш чоғида учрайдиган муаммолар натижасида даромад ёки капиталнинг маълум қисмини йўқотилиш хатаридир. Молиявий ташкилот электрон алоқа воситаларидан фойдаланган ёки фойдаланмасдан мижозларга олдиндан тўловсиз хизмат кўрсатиши мобайнида юзага келади. Операцион хатар ички назорат тизими, информацион тизим, ходимларнинг виждонлилигини ва операцион жараёнларнинг қандай иш олиб боришига муҳим равишда боғлиқ.

Ички назорат тизимида операцион хатарни бошқаришга мисоллар:

- мижозларга молиявий хизматларни кўрсатиш тизимининг муҳофаза-ланганлиги;
- бирон-бир электрон хизмат кўрсатишда ҳар томонлама режалаштирилган чора-тадбирлар.

Меъёрга риоя қилмаслик хатари – бу хатар амалдаги қонунлар, қарорлар, йўриқномалар, низомларга риоя қилмаслик ёки уларни бузиш билан даромад ёки капиталнинг маълум қисмини йўқотилиши хатаридир.

II.4. Банк хатарларини бошқаришнинг умумий йўналишлари

Банк фаолиятига хос хатарларни 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

- кредит хатарлари;
- бозор хатарлари;
- ликвидлик хатарлари.

Тижорат банкларида хатарларни бошқариш Мапрказий банкнинг “Тижорат банкларининг банк таваккалчилигини бошқаришига нисбатан қўйиладиган

талаблар тўғрисида”ги 2011 йил 25 майдаги 2229-сонли қизомига асосан амалга оширилади

Тижорат банкларида хатарларни бошқариш қуйидаги бошқичларни ўз ичига олиши лозим:

- хатарларни аниқлаш (идентификациялаш);
- хатарларни баҳолаш (имкон даражасида миқдорий аниқликни таъминлаган ҳолда);
- келажак учун стратегияни танлаш(таваккал қилиш, таваккалдан воз кечиш ёки хатар даражасини камайтириш чораларини ишлаб чиқиш);
- хатар даражасини камайтириш йўуларини танлаш ва амалга ошириш;
- хатар даражасини доимий назорат қилиш;
- хатарлар тўғрисида ҳисоботлар тайёрлаш ва таҳлил қилиш.

Хатарларни идентификациялашда уларнинг юзага келиш сабаблари, манбалари, шуларга боғлиқ ҳолдаги ўзига хос хусусиятлари ўрганилади. Банк фаолиятидаги хатарлар ташқи омиллар тўғайли, яъни сиёсий вазият, макроиктисодий ривожланиш хусусиятлария, ижтимоий вазият, инфляция, минтақалар ижтимоий-иктисодий ривожланиши тенденциялари, хўжалик қонунчилиги таъсирида вужудга келади ва ўзгариб туради. Ички омиллар банк ўзининг ва банк маблағлари йўналтирилган хўжалик юритувчи субъектнинг (қарздорнинг) тижорат фаолияти мазмуни шароитлари, унинг кредитга лаёқатлилиги, бошқарувининг сифати, обрўси, кредитлаш объекти билан боғлиқ бошқа омиллардан иборатдир.

Одатда бозор хатарлари натижаларини аниқ режалаштириш имконияти жуда кам бўлади. Чунки бу бозордаги вазиятларнинг ўзгаришларига боғлиқ. Шунинг учун бозор хатарларини аниқлашда уларнинг молиявий натижаларга таъсирини бири неча вариантларда баҳолашга тўғри келади.

Ликвидлик хатарини аниқлаш учун банк ликвидлик ҳолати ва даражасининг ўзгариш кўрсаткичлари чуқур таҳлил этилади. Бунда банкда ҳар бир алоҳида битим бўйича пул маблағлар ёки молиявий дастакларнинг кириб келиши, чиқиб кетиши ва улар муддатларининг ўзгариши келтириб чиқарадиган хатарлар баҳоланади.

Кредит хатарини аниқлашда жами кредит портфели ва алоҳида кредитлар бўйича таҳлил ўтказилади..Бунда миқдор ва сифат кўрсаткичлари ўрганилади, таҳлилий ва коэффициент усуллари қўлланади. Таҳлилий усулни қўллашдаги таомиллар банкнинг кредит сиёсати ҳақидаги ҳужжатда расман қайд этилади. Одатда кредит ажратилишидан олдин кредит олувчининг кредитга лаёқатлилиги,

кредит тарихи, кредитга қўйиладиган гаров таҳлили назарда тутилади. Ҳар бир кредит олувчи учун алоҳида скоринг-таҳлил ўтказилиши лозим бўлади. Таҳлил натижалари кредит олувчига банк ички рейтингги берилиши учун асос бўлади.

Коэффициент усули алоҳида кредит олувчига нисбатан қўлланганда кредитга лаёқатлиликини ўлчовчи коэффициентлардан фойдаланишни билдиради. Кредит портфели хатарини ўлчашда эса қуйидаги коэффициентлар ишга солинади:

- кредит портфели сифати коэффициентлари;
- кредит портфели даромадлилиги кўрсаткичлари;
- кредит портфелининг ўртача тортилган фоиз ставкаси;
- кредит портфелининг ўртача муддатлилиги;
- кредит портфелининг таъминланганлик коэффициенти;
- стресс-тест.

Банк фаолиятидаги молиявий бозорлар билан боғлиқ хатарларни бошқаришда Марказий банкнинг 2009 йил 2 февралдаги “Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 1894-сонли низоми қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда иш олиб борилиши лозим бўлади. Бошқарув жараёни молиявий йўқотишлар ёки молиявий зарарлар миқдорини камайтиришга олиб келадиган ҳолатлар ва ҳодисаларнинг пайдо бўлиш эҳтимолигини камайтирувчи ҳаракатлар йигиндисининг амалга оширилишига қаратилган. Улар қуйидагилардир:

- молиявий дастаклар ва эмитентлар бўйича лимитлар ўрнатиш;
- ўрнатилган лимитларга риоя қилинишининг тегишли бўлинмалар раҳбарлари томонидан наозорат қилиниши;
- хатарларнинг доимий мониторинги;
- қимматли қоғозлар портфелининг доимий равишда муддатлар ва эмитентлар бўйича диверсификациялаб борилиши.

Тижорат банкида валютага оид хатарларни бошқариш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- доимий равишда валюта турлари бўйича активлар ва пасивлар очик валюта позицияларини аниқлаб бориш;
- барча валюталар ва алоҳида валюта турлари бўйича очик валюта позицияларига ўрнатилган лимитларга риоя қилинишини назорат қилиш;
- доимий равишда хатарлар мониторингини олиб бориш.

Банк учун валюта хатарни салбий ўзгариши ҳақи тугилган ҳолларда қўшбу хатарни минималлаштириш учун актив ва пассивнинг валюта буйича структурасини ўзгартириш чоралари ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Тижорат банкида фоиз хатарини бошқариш қўидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши орқали амалга оширилади:

- жалб этилаётган ва жойлаштирилаётган молиявий ресурслар буйича консерватив фоиз сиёсати олиб бориш орқали фоиз хатарини камайтириш;
- жисмоний ва юридик шахслар пул маблағларини жалб қилиш учун ўрнатилган фоиз ставкаларини мунтазам равишда қайта кўриб чиқиш;
- потенциал хатарларни мумкин қадар аниқ ҳисоблаб чиқиш, бозор ставкалари ўзгаришларининг банк молиявий ҳолатига таъсирини аниқлаш учун узлуksиз фоиз ставкалари фарқларини таҳлил қилиб бориш;
- актив ва пассивларни муддатлари ва фоиз ставкалари буйича таҳлил қилиш;
- мижозлар билан тузиладиган шартномаларда қайта молиялаш ставкаси ва бозор фоиз ставкалари ўзгарган ҳолатларда банк хизматлари тарифларининг ва кредит фоиз ставкаларининг мос равишда ўзгартирилиши ҳақида бандларни назарда тутиш.

Банкнинг жорий фаолиятига хос хатарларни бошқаришда банк ликвидлигини бошқариш алоҳида ўрин тутати. Тижорат банкнинг ликвидлиги банк томонидан жалб этилган пассивлар муддатларини ҳисобга олиб, жойлаштириладиган активлар муддатларини белгилаш ва назорат қилиш ҳамда юқори ликвидли активларни (нақд пул, Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар, банклараро кредит) зарур миқдорда сақлаб турилиши орқали таъминлаб турилади. Қўидаги чоралар банк ликвидлиги хатарини камайтиришга хизмат қилади:

- ликвидликни бошқаришнинг ҳарқуни ва узлуksиз амалга оширилиши;
- ликвидлик ва даромадлик ўртасида номуносивлик юзага келганда ликвидликнинг устувор қўйилиши;
- банк ликвидлигига таъсир этувчи битимларнинг ликвидлик хатарни ҳисоблаб чиқилгандан кейингина имзоланиши.

Банк фаолиятига хос хатарларнинг аниқланиши, ҳисоблаб чиқилиши ва уларни камайтириш чоралари қўрилиши хатарларнинг мунтазам равишда кузатиб борилиши ва назорат қилинишини, яни хатарлар мониторингини тақозо этади. Мониторингдан мақсад – банк хатарларини бошқариш учун ишлаб чиқилган ички кредит сиёсати, нормативлар, кўрсаткичлар ва лимитлар тизимининг амалда бажарилишини назорат қилиш ва уларнинг доимий булишлигини таъминлашдир.

Банк хатарларини мониторинг қилиш жараёни хатар даражаси кўрсаткичларидан фойдаланишни тақозо этади. Улар ҳар бир хатар тури бўйича алоҳида ишлаб чиқилади ва қўлланиши тартиби белгилаб берилади. Ҳар бир хатар бўйича лимитлар ўрнатилади ва лимитлар асосида банк учун муҳим аҳамиятли хатарлар аниқланади. Бу ўз вақтида хатарларни камайтириш чораларини қўришга имкон беради.

Мониторинг хатар кўрсаткичларининг мунтазам равишда ва белгиланган муддатларда таҳлил этилишини ўз ичига олади. Бунинг учун эса тегишли маълумотлар ва ҳисоботлар тизими талаб этилади. Мониторинг банк бошқарув органлари ва тузилмавий бўлинмалар раҳбарларини хатарларни бошқаришга оид асосли қарорлар қабул қилишлари учун етарлича маълумотлар билан таъминлаши лозим.

III-Мавзу

Банк хатарлари турлари ва уларнинг мазмуни

III.1. Банк хатарлари ва уларнинг банк фаолиятига таъсири

Ривожланишнинг бозор иктисодиёти йулини танлаб олган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ривожланишида банк тизими ға табиий равишда ўта муҳим ўрин эгалламоқда. Ҳозирги кунда банклар том маънода миллий иктисодиётимизнинг локомотивларига айланмоқдалар. Дарҳақиқат, банкларнинг ресурслари эвазига иктисодиётнинг реал сектори молияланиши хажмлари тинимсиз кенгайиб бораётганлиги туфайли макро ҳамда микро даражада иктисодий ўсиш жадвалишнинг эришилмоқда. Бу тенденция республикамызда сўнгги йилларда деярли барча макроиктисодий кўрсаткичларнинг истиқбол параметрлари ва аксарият кўрсаткичларнинг сезиларли даражада юксалиб бораётганлигида ўзифодасини топмоқда.

Мамлакатимиз банк тизимида хизматларнинг янги турлари тез суръатлар билан ривожланаётгани эътиборга лойик. Банкдан ташқари пул айланмасини кескин қискартириш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта барқарорлигини ошириш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳисоб-китобларни амалга оширишда пластик карточкалардан фойдаланишни кенгайтириш банк тизими фаолиятини ривожлантиришда устувор масалалар деб эътироф этилмоқда.

Иктисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитларида банк тизими олдиға янги масъулиятли вазифалар қўйилмоқда. Бу эса банк иши соҳасида ислохотларнинг изчил равишда давом эттирилишини талаб этмоқда ва мувофиқ холда банк тизими фаолиятининг энг максадлари қўйидагиларда ўз аксини топмоқда.

Биринчидан. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, инфляция даражасини минимумға келтириш, истеъмол баҳолари нархлари ўсишининг олдини олиш.

Иккинчидан. барча фуқаролар, хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимиға бўлган ишончини янада ошириш, уларға турли-туман замонавий банк маҳсулотлари, хизматларини таклиф этиш, хизматларнинг сифатли бўлишиға асосий эътиборни қаратиш.

Учинчидан. аҳолининг ва миллий иктисодиётдаги хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини узоқ муддатли банк депозитларига жалб этиш орқали банкларнинг ресурс базасини қўпайтириш, жалб қилинган молиявий ресурсларни

устун равишда миллий иктисодиётнинг реал секторини молиялаш билан боғлиқ мақсадаларга йўналтириш.

Тўртинчидан. тижорат банкларининг актив ва пасивларини самарали бошқаришнинг замонавий услубларидан кенг қўламда фойдаланган ҳолда мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш ва банкларнинг доимий молиявий барқарорлигига эришиш.

Бешинчидан. нақд пулсиз ҳисоб-китобларни рағбатлантириш мақсадида савдода ва аҳолига хизмат кўрсатиш ташкилотларида жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари, корпоратив пластик карточкалар орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар тармоғини кенгайтириш, шу жумладан пластик карточкалар асосида коммунал туловлар ва бошқа ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишни янада жадаллаштириш.

Олтинчидан. банклараро бозорни янада ривожлантириш ва банк секторида рақобат муҳитини ривожлантириш.

Еттинчидан. Марказий банк ва тижорат банклари томонидан аҳоли, хужалиқ субъектларига депозит ҳисоб рақамларидаги маблағлар доирасида, уларнинг биринчи талаби бўйича нақд пул маблағлари узлуксиз берилишини таъминлаш борасидаги фаолиятни давом эттирган ҳолда, нақд пул муомаласини янада такомиллаштириб бориш.

Юқоридаги вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши банк хатарларини ўз вақтида бартараф этиш ва минималлаштиришни таъминлайди. Банк тизими, алоҳида олдига қўйилган вазифаларнинг ижросига бевосита хатарлар таъсир этади. Уларни тўғри баҳолаш, қўламини аниқлаш, самарали бошқариш банк тизими олдига қўйилган вазифаларни белгиланган муддатларда сифатли бажарилишини таъминлашда муҳим омилдир. Айти пайтда банк тизимида доимий равишда учраб турадиган хатарларни ўрганиш банк ходимлари, мутахассисларидан маълум билим ва малака талаб этади.

Банк хатарларини ўрганиш ва бошқариш зарурияти банклар ўртасидаги рақобат кураши кейинги йилларда кучайиб бораётганлиги билан ҳам боғлиқ. Шунингдек, банк хизматлари кўрсатувчи нобанк молиявий муассасалар тармоғи ҳам барча мамлакатларда кенгайиб бормоқда. Бунинг республикамизда ҳам кузатишимиз мумкин. Албатта, рақобат - бу иктисодий фаолият иштирокчиларининг ўз манфаатларини тулароқ юзага чиқариш, яъни яхши даромад топиш, ўзининг бозор мавқеини мустаҳкамлаш учун, алоҳида ходимларга нисбатан эса ўз қобилятини ҳамон энг яхши ва имижга эга бўлиш учун бошқалар билан курашишдир.

Бу борада бозор иктисодиёти ривожланган мамлакатларда бир томондан иктисодиётда мавжуд молиявий ресурслар кўламларининг кескин ортганлиги, иккинчи томондан эса иктисодиётнинг янада эркинлаштирилиш доирасида молиявий қонунчилик талабларининг ҳам бирмунча либераллаштириш банк тизимидаги ўзаро рақобатни Яна ҳам кескинлаштириб юборди. Молиявий воситачилар гуруҳлари ичида ва бу гуруҳларнинг ўртасида кураш кучайди. Бунинг натижасида илгари асосан корпоратив шериклар ва бадавлат мижозлар билан операцияларни олиб боришга ихтисослашган «улгуржи» банклар аҳоли ва майда фирмаларни ўзларига жалб этиш мақсадида майда жамғармаларни тўплаб, истеъмол ва ипотека ссудалари бериб, хусусий мижозларга турли-туман банк хизматларини таклиф қилиб, «чакана» институтларга айлана бошлади.

Пул ҳисоб-китоблари, қисқа муддатли кредитлаш. пластик карточкалар билан операциялар олиб бориш, жорий ҳисоб варақлар юритиш, маблағларни омонатларга қабул қилиш ва бошқа операцияларни бажариб келган ихтисослашган кредит институтлари билан банклар ўртасида рақобатчилик кескин кучайди.

Кўплаб фирмалар кўшиб олиш, рақобат натижасида ютиб юбориш йўли билан йирик ихтисосланган молия муассасаларини ўзларига бирлаштириб, молия бозорларининг субъектларига айланмоқдалар. Бундай нобанк тузилмалар факатгина банкларга тааллуқли операциялар билан эмас, балки сугурталашга оид операцияларни, кўчмас мулк билан боғлиқ операцияларни шунингдек кўпгина мамлакатларда қонун бўйича банкларга руҳсат этилмаган бошқа операцияларни бажариб, банк муассасалари билан фаол рақобат курашини олиб бормоқдалар.

Шуни қайд этиш лозимки, ривожланган мамлакатлардаги йирик саноат фирмалари бу борада янада илдамлаб кетганлар. Улар молиявий воситачиларни четлаб ўтиб, капитал бозорига тўғридан-тўғри чиқиб бормоқдалар. Улар бозорларда қисқа муддатли, таъминотга эга бўлмаган мажбуриятлар нашрларини сотиб, ўзларининг четдан жалб қилинадиган ресурсларга бўлган эҳтиёжларини банклар ёрдамисиз қондиришмоқдалар.

Ш.2. Банк хатарлари асосий кўринишларининг тавсифи

Иктисодиётдаги хатар тушунчаси ушбу соҳада шуғулланаётган мутахассислар томонидан назорат қилиниши мумкин бўлган ёки мумкин бўлмаган омиллар таъсири натижасида активлар қийматини, қутилаётган даромадларни қисман, тўла бой берилиши эҳтимоли сифатида талқин этилади. Чунинчи Питер С. Роуз банк хатарини Бирон, бир ходиса билан боғланган ҳолдаги ноаниқлик деб

ифодалайди, (Қаранг: Питер С. Роуз Банковский менеджмент. – Москва, Дело ЛТД, 1995, 141-бет). В. И. Колесников, Г. Н. Белоглазова ва бошқалар томонидан чоп этилган «Банковское дело» деб номланувчи дарслигида (Москва, Финансы и статистика, 1995) банк активларига нисбатан хатар ноқулай шароитларда улар қийматнинг муайян қисмини бой бериб қуйилиши эҳтимоли деб талкин этилади. (Қаранг: 440-бет)

Ўзбекистон тадқиқотчилари банк хатарларини муайян турларини тадқиқ этадилар. Ф. Мирзаев ва В. Душаев молия хатарларини таснифлаш пайтида уларни турли омиллар таъсири натижасида ишлаб чиқариш самарасидан қутилаётган молиявий даромаднинг кескин қамайиши ва йукотилиши эҳтимоли деб талкин этадилар (Қаранг: Ф. Мирзаев, В. Душаев Молия хатарларини таснифлаш. - Бозор, пул ва кредит, №10, 2001, 37-бет). Б. Нуманова инвестицион лойиҳаларни кредитлашда хатарни пасайтириш масалаларини тадқиқ этади (Қаранг: Бозор, пул ва кредит, №1, 2003, 16-18 бетлар).

Маълумки, тижорат банки фаолиятдан қутилаётган мақсад фойда олиш ҳамда шу орқали акциядорларнинг дивидендлар қўринишидаги ва банк акцияларининг бозор баҳолари ортиши қўринишида даромад олишларини таъминлашдан иборат. Фойда олиш учун, банклар томонидан пассив ва актив операцияларни амалга оширишга тўғри келади. Бу операциялар жараёнида банк муайян даражада таваккал қилишга мажбур, чунки бўлажак хатарни олдиндан қўриш ҳамда уни аниқлашнинг иложи йўқ. Натижада банк харажатларининг қутилмаганда ортши ёки даромадларнинг қамайиб кетиши хатари вужудга келади. Банк хатарлари устидан назорат банкнинг яқин келажақдаги фойда олиши даражасини белгилаб берувчи энг муҳим омилларидан бирига айланди. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодиётдаги барқарорлик, корхоналар қўпчилиги молиявий аҳволининг мустаҳкам эмаслиги, бозор қўнқималари етишмаслиги банк хатарларини баҳолашга, бошқаришга ва назорат қилишга алоҳида эътибор беришни талаб қилади.

П. С. Роуз банк хатарларининг қуйидаги асосий қўринишларини алоҳида таъкидлайди:

- 1) кредит хатари;
- 2) баланслашмаган ликвидлик хатари;
- 3) бозор хатари (қимматли қоғозлар бозордаги хатар);
- 4) фоиз хатари;
- 5) фойдани кам олиш хатари;

б) тўловга қобилиятсизлик хатари.

Банкнинг берилган кредитлар кўринишидаги активлари қийматининг қисман ёки бутунлай бой берилиши эҳтимоли кредит хатари деб аталади. Банк берадиган кредитлар асосий қисмининг манбаи жалб этилган ресурслар бўлганлиги учун кредитларнинг озгина қисмининг ҳам қайтарилмаслиги маълум бўлиб қолса, бу банкнинг банкрот бўлишига олиб келиши мумкин. Банкнинг кредит хатари даражасини қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодалаш мумкин:

- ҳаракатсиз активларнинг (кредитлашнинг) кредитлар умумий ҳажмига (лизингни ҳам қўшиб) нисбати;
- кредитлар бўйича соф ҳисобидан чиқаришларнинг кредитлар умумий ҳажмига (лизингни ҳам қўшиб) нисбати.

Ҳаракатсиз активларга қайтарилиши муддатидан 90 кун ва ундан ортиқ вақт ўтиб кетган сундирилмаган даромадли активлар, шу жумладан кредит қўйил-малари, қиради. Ҳисобдан чиқаришлар эса қайтарилишига банкнинг ишончи йўқлиги туфайли зарарга ёзилган кредитларни билдиради. Агар ҳисобдан чиқарилган кредит бўйича кейинчалик бирон-бир даромад олинса, бу сумма ҳисобдан чиқаришлар ҳажмидан чегириб ташланади. Бу кўрсаткичлар ўсиши билан банкнинг кредит хатари ва мувофиқ равишда банкрот бўлиши эҳтимоли ортади.

Баланслашмаган ликвидлик хатари банкнинг депозитлар қайтарилишини таъминлашда, кредитлар беришда ва бошқа шу каби операцияларда нақд маблағлар ва жалб этилган маблағлар етишмовчилигини муаммосига дуч келишини ифодалайди. Баланслашмаган ликвидлик хатарига дуч келган банк нақд маблағларга жорий эҳтиёжларни қондириш учун маблағларни зудлик билан жуда юқори ставкаларда кредит ресурслари билан савдо қилувчи биржада оширилган фойзаларда жалб этишга мажбур бўлади, бу эса акс ҳолатларда банкнинг мижоз олдидаги мажбуриятларини бажара олмаслик ҳолати намоён бўлади унинг фойдаси камайишига олиб келади. Амалда нақд маблағлар етишмовчилиги муаммосига жуда кам сонли банклар дуч келадилар, чунки эркин иқтисодий шароитида маблағ етишмовчилиги банклараро бозордан ликвид маблағларни қарз олиш йўли билан бартараф этилиши мумкин.

Ликвидликни етишмовчилиги депозитларнинг қутилмаганда банкдан катта миқдорларда чиқиб кетишида юз беради. Банк депозитдаги маблағларнинг муайян қисмидан даромадли активларга йўналтириб фойдаланади. Шунинг учун депозитлар бирланига талаб этилиши маблағлар етишмовчилигини келтириб чиқаради. Бу эса банкни маблағларни одатий амалиётдагига нисбатан юқорирок ставкаларда

тезлик билан жалб этишга мажбур қилади. Ликвидлик даражасининг пасайиши туфайли банкнинг жалб этилган ресурслар бўйича харажатлар ортади.

Баланслашмаган ликвидлик хатари даражасининг кўрсаткичларидан бири бўлиб қарзга олинган маблағларнинг жами активларга нисбати хизмат қилади. Депозитлар катта миқдорларда қайтариб олинганда ёки берилган кредитларнинг қайтарилиши даражаси ёмонлашганда ликвидлик муаммоси кескинлашади.

Баланслашмаган ликвидлик хатарининг бошқа кўрсаткичлари ҳам мавжуд:

- соф кредитларнинг (нетто-кредитлар) жами активларга нисбати;
- нақд маблағларнинг ва бошқа банкларга берилган кредитларнинг муддати етиб келаётган қисмининг жами активларга нисбати;
- нақд шаклдаги активларнинг ва ҳукумат қимматли қоғозларининг жами активларга нисбати.

Нақд шаклдаги активларга банк кассасидаги нақд пуллар, банкнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисоб рақамидаги маблағлар, бошқа банклардаги НОСТРО вакиллик ҳисобрақамидаги маблағлар, Марказий банкдаги мажбурий резервлар жамғармасига ўтказиб берилган маблағлар қиради. Баланслашмаган ликвидлик хатарини пасайтиришнинг одатдаги усуллари ликвид активларга ва бозорда тез ва осон сотилувчан активларга (Ҳукумат қимматли қоғозлари) йўналтирилаётган маблағлар салмоғини орттириш ёки бўлмаса банк операцияларини молиялаш учун узок муддатли қимматли қоғозларни муомалага чиқаришдан иборатдир.

Бозор хатари қимматли қоғозлар бозори конъюнктурасидаги ўзгаришлар туфайли юзага келувчи молиявий хатардир. Муайян иқтисодий ёки сиёсий ҳодисалар туфайли қимматли қоғозларнинг бозор баҳоларида кескин ўзгаришлар содир бўлиши банкнинг улар билан олиб бориладиган операциялар бўйича харажатлари ва даромадлари даражасига кучли таъсир кўрсатади. Қимматли қоғозлар бозори ссуда капитали бозоридаги фоиз ставкалари билан ҳам боғланган. Фоиз ставкалари ошиши ўзгармас даромадли қимматли қоғозлар (облигациялар) бозор баҳосининг пасайишига олиб келади. Фоиз даражаси пасайиши эса бундай қимматли қоғозлар бозор баҳолари юксалишига сабаб бўлади.

Молия ресурслари бозоридаги фоиз ставкалари ўзгариши банк даромадлари билан операция харажатлари ўртасида тафовутнинг миқдорига ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, фоиз ставкалари ўсиши кредит фоизи таркибида банк маржаси ўсиши банкнинг жалб этилган ресурслар бўйича фоиз харажатларининг ҳам ортишига олиб келади. Агар банк берган кредитларида фоиз даражалари

Ўзгармас қилиб белгиланган бўлса. Банк фойдаси маржаси камаяди. Бу ҳолда активлардан даромадлар жалб этилган ресурслар бўйича харажатларга нисбатан тезроқ пасаяди.

Бозор фоиз ставкаларининг банк фойдаси маржасига таъсирини фоиз хатари деб аталади. Уни кўп ҳолларда қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодалайдилар:

- фоиз ставкалари ўзгаришлари таъсирига берилувчан активларнинг фоиз даражалари ўзгаришлари таъсирига берилувчан пасивларга нисбати. Агар муайян вақт оралиғида фоиз ставкалари ўзгаришлари таъсирига берилувчан пасивлар суммаси бундай активлар суммасидан ортиқ бўлса, зарар кўрилиши эҳтимоли фоиз ставкалари ўсиши пайтида вужудга келади:

- талаб қилиб олинадиган депозитлар ва фоизлар даражалари ўзгаришлари таъсирига берилувчан бошқа депозитларнинг жами суммасига нисбати. Бундай депозитлар банкнинг рақобатчилари томонидан озгина юқорироқ фоизлар таклиф этилса, банкдан депозитларни қайтариб олиниши мумкин.

Фоиз ставкалари ўзгаришлари оқибатларидан ҳимояланиш учун банклар фоиз своплари ва молиявий фьючерслардан фойдаланишлари мумкин.

Банкнинг соф фойдасига (соликлар чегириб ташлангандан сўнг қолган фойда) тааллуқли хатарни фойдани кам олиш хатари деб аталади. Ички ва ташқи омилларга иқтисодий шарт-шароитлардаги, хўжалик қонунчилигидаги, давлат томонидан тартибга солишдаги ёки солиқлардаги ўзгаришларни киритиш мумкин. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, банк иши соҳасида рақобат кучайиши билан банк активлари бўйича даромадлар билан банк томонидан жалб этилаётган ресурслар қиймати ўртасидаги тафовут (спред) қисқаради. Натижада банк акциялари эгалари қўлидаги 1 акцияга ҳисобланганда фойда миқдори қисқариши хавфи туғилади. Бу эса банк акцияларининг бозор баҳосига салбий таъсир этади.

Банкнинг ўз мажбуриятларини бажара олмаслигини характерловчи хавф туловга қобилиятсизлик хатари деб аталади. Агар банк қайтарилиши эҳтимоли насть кредитларни кўплаб берган бўлса, кредитлар қайтарилмаслигидан зарарни қоплаш учун ҳосил қилинган резервлар етарли бўлмай қолади. Бундан хабар топган инвесторлар ва омонатчилар банкдан ўз маблағларини қайтариб ола бошлайдилар, тартибга солувчи органлар эса хатто банкни ёпиш чораларини кўришлари мумкин.

Инвесторлар банк ёпилиб қолиши мумкин деб ҳисоблай бошласалар, банк акцияларининг бозор баҳоси кескин пасайиб кетади, ресурсларни қўшимча жалб

этиш учун эса банк бошқаларга нисбатан анча юқори фоизлар таклиф этишга мажбур булади. Бошқача қилиб айтганда, молиявий интизомга риоя қилмаган банкни бозор жазолай бошлайди. Ривожланган мамлакатларда туловга қобилият-сизлик хатарини қуйидаги кўрсаткичлар асосида баҳолашга уринадилар:

- банк томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятлари бўйича бозор ставкалари билан ҳукумат чиқарган ҳудди шу каби қимматли қоғозларнинг фоиз ставкалари ўртасидаги тафовутнинг катта эканлиги инвесторлар банкнинг қимматли қоғозларига қўйилмаларда анча катта хатар кўраётганликларини билдиради:

- банк акциялари сотилиши баҳосининг бир акцияга ҳисоблаганда йиллик фойдага нисбати. Инвесторлар банк капитали банк ўз зиммасига олган хатарларга нисбатан етарли миқдорда эмас деб ҳисоблаганларида мазкур кўрсаткич пасайиб кетади:

- акциядорлик капиталининг (соф капиталнинг) банкнинг жами активларига нисбати. Бу кўрсаткичнинг пасайиши банк акцидорлари ва қимматли қоғозларнинг эгалари учун хатар даражаси ортишини билдиради:

-сотиб олинган жорий ресурсларнинг (жорий мажбуриятларнинг) жами пасивларга нисбати.

Қуйидаги икки кўрсаткич эса Ўзбекистондаги банк амалиётида ҳам кенг қўлланилмоқда:

а) акциядорлик капиталининг хатарга эга булган активлар суммасига нисбати:

б) бирламчи капиталнинг (биринчи даражали капитал) жами активларга нисбати. Хатарга эга активларга кредитлар ва қимматли қоғозлар киритилади (нақд пул маблағлари, бинолар ва ускуналар хатарга эга эмас деб олинади). Баъзи ҳолларда давлат қимматли қоғозларга қўйилмалари ҳам хатарсиз ҳисобланади, чунки уларни одатда бозорда анча осон сотиш мумкин. Бирламчи капитал таркибига акциядорлик капитали, кредитлар қайтарилмаслигидан зарарни қоплаш учун резервлар ва муддатидан илгари қайтариб олинмайдиган узок муддатли мажбуриятлар киритилади.

Банкларда дуч келадиган хатарлар рўйхати юқоридагилар билан тугамайди. Улардан ташқари яна қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- инфляция хатари инфляция натижасида банк олаётган фойданинг ёки банк акциядорлари олган дивидендларнинг харид қобилияти пасайишида ифодаланади;

- валюта хатари хорижий валюталарни миллий валютага алмашилиши курси ўзгариши натижасида банк зарар кўриш ёки банк активлари ва мажбуриятлари қийматининг номакбул ўзгариши эҳтимолини билдиради;

- сиёсий хатар мамлакатдаги ёки тартибга солувчи қоидалардаги ўзгаришларнинг банк фойдасига ҳамда ривожланиш истикболларига салбий таъсирини акс эттиради;

- суистеъмоллар хатари банкнинг эгалари, ходимлари ёки миждозлари томонидан қонунларга риоя этилмаслиги, фирибгарлик, қаллоблик, ўғирлик, маблагларни ўзлаштириб юбориш сингари қилмишлар содир этилишининг банк учун салбий оқибатларини ифодалайди.

IV-мавзу

Банк хатарларини назорат қилишда Марказий банкнинг роли

IV.1. Банк хатарларини назорат қилиш тизими

Банк хатарларни минималлаштириш бўйича ҳар бир банкда кенг миқёсли ва изчил тадбирлар мунтазам равишда амалга оширилади. Чунки бозор иктисодиётига хос рақобат муҳити объектив равишда тижорат банкнинг молиявий хатарини олган ҳолда ишлашга мажбур этади. Айни банк фаолияти хатарлигини бутун мамлакат миқёсида ҳам тартибга солиб туриш ва чеклаш лозим бўлади. Банк тизимига хос бўлган хатарни челаши биринчи навбатда Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолияти иктисодий нормативларини белгилаш орқали амалга оширилади. Шу билан бирга ривожланган мамлакатларда ҳар бир банк фаолиятидаги хатарни бошқаларга таққослаган ҳолда аниқлаш ва тегишли чоралар кўриш учун стандартлаштирилган рейтинг тизимидан фойдаланилади.

Ҳозирги пайтда кўплаб мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда «CAMEL» номини олган тизим қўлланмоқда. Бу тизим 1978 йил АҚШда Федерал Резерв тизими, Валюта назорати бошқармаси ҳамда депозитлар сугуртаси бўйича федерал корпорация қўлаб келган тизимларини стандартлаштириш натижасида яратилди. CAMEL рейтинг тизими ниҳоят даражада аниқ ва маълумотлари тушунарли бўлганлиги учун кўплаб давлатларнинг банк назорати органлари томонидан ўз банкларининг баҳолашда қўлланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк тизимидаги хатарларни назорат қилиш ва чеклаш мақсадида масофадан туриб назорат қилиш тизимини ва жойлардаги инспекцион назоратни ташкил этган. Жойлардаги инспекция текширувлари CAMEL тизимига асосланган ҳолда амалаг оширилади. Бу тизим тижорат банклари фаолиятининг барча муҳим компонентларини, яъни капитал активлар, бошқариш сифати, даромадлилик, ликвидликни баҳолашга имкон беради.

CAMEL тизими хатарни аниқлаш тушунчасига асосланади ва хатарни аниқлашда юқоридан пастга ёндашувини қўллайди. Бунда Банк кенгаши ва бошқарув аъзолари ўз банкларида хатар даражасини мустақил равишда аниқлашлари ва бошқаришлари назарда тутилади. Улар банкнинг бошқариш мобайнида банк фаолияти турли йўналишлари учун хос бўлаётган хатар даражаси

устидан назорат олиб боришга масъулдирлар. Хатар даражаси чекланиши учун банкнинг сиёсати, ахборот бошқарув аппарати сифатида ҳамда ички назоратнинг ташкил этилишига талабларни ўзида мужассамлаштирган банк фаолияти тавофилилари ишлаб чиқилиши зарур. Жойлардаги назорат CAMEL рейтинг тизими асосида ташкил этилгандан сўнг, инспекциялашдан ўтган банкка ҳар бир компонентбўйича алоҳида рейтинг баҳоси берилади, сўнгра банкнинг бутун фаолияти умумий рейтинг баҳоси асосида баҳоланади.

CAMEL рейтинг тизими 5 компонентдан иборат. Ҳар бир компонент бўйича ўнг юқори даража қимматли қоғозлар билан белгиланади ва бу мазкур компонент бўйича банкнинг халқаро андозаларнинг талабларига жавоб беришни билдиради. Банк фаолиятига баҳо бериш жойида инспекцион назорат воситасида амалга оширилиб, унинг мазмуни қуйидагича:

- капитал таҳлили;
- активлар сифати ва ҳолати, қимматли қоғозлар билан операциялар таҳлили;
- бошқарув сифати таҳлили;
- даромадлилик таҳлили;
- ликвидлик таҳлили.

Жойида ўтказилган инспекцион назорат Марказий банка тижорат банкнинг юқоридаги йўналишлар бўйича ҳолати тўғрисида тўлиқ маълумотни тақдим этади. Ушбу инспекцион ҳисобот банкнинг ижобий ва салбий томонларини ўзида тўла-тўқис ақс эттириш лозим. Жойида назоратни ўтказишнинг афзалликларидан бири шундаки, бу жараёнда инспекция ходими нафақат камчиликни топади, балки уни биргараф этиш йўлларини ҳам кўрсатиб беради. Алоҳида ҳолларда эса камчиликни биргараф этиш жараёнида шахсан ўзи иштирок этади. Назорат объекти фаолияти қониқарсиз деб топилган ҳолларда Марказий банк уни ўз оталигига олади ва қушувчисининг банк фаолиятини жойида доимий назорат қилиб боришини маъқул деб топади. Демак, жойида назорат ўтказиш, биринчидан, банк фаолиятини ойдинлаштиради; иккинчидан, банк ҳисоботларини тўғрилигини тасдиқлайди; учинчидан, объектни халқаро аудит жорий этилишига тайёрлайди. Ушбу афзалликлар умумлашган ҳолда банкни банкротликдан сақлашга ҳаракат қилади ва шу орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг омонатлари ва депозитлари беҳудага сарфланиб кетшини олдини олади.

Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва тижорат қилиш тизимини қўллаш анча самарали бўлиб, унда ягона стандартлаш-

тирилган CAMEL тизими қўлланиши банкларнинг рақобат муҳитидаги фаолитида уларнинг инқирозга тушиб қолишини олдини олади. Шу билан бирга, банкларда ўз жамғармаларига эга бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатлари тула химоя қилинади.

Ўзбекистонда банклар фаолиятини жамоатчилик томонидан мустақил ахборот-рейтинг компанияларнинг тадқиқотларидан фойдаланиб назорат этилиши ҳам вужудга келиб бормоқда. Ҳозир мамлакатимизда «Ахбор-рейтинг» банклараро рейтинг компанияси иш олиб бормоқда. Мазкур компания амалга оширадиган рейтингнинг асосий вазифаси – банкнинг рейтинг тизимидаги ҳолатига баҳо беришдир. Шу баҳо асосида банкнинг хусусий омонатчиси ёки юридик шахс миждозини ўзининг банкка қўйилмалри борасида бирор-бир асосланган қарор қабул қила олади. Бундан ташқари, молия бозорининг бошқа яна бир қатор иштирокчилари ҳам рейтинг натижалари билан танишишдан манфаатдордирлар. Улар орасида банкларни назорат қилувчи идоралар, банклар, банкнинг кредиторлари мавжуд.

Банклардан олинган ахборотни «Ахбор рейтинг» банклараро рейтинг компанияси мутахасислари қайта ишлайдилар ва кўрсаткичлари гуруҳларига айлантдиладилар. Кўрсаткичларни таққослаш орқали ҳар бир банкнинг банк тизимидаги ўрни ва мавқеи аниқлаб олинади. ахборотлар таркибидаги ва қайта ишланган мутлоқ кўрсаткичлар «Ахбор-рейтинг» компанияси методикасига биноан қуйидаги йўналишлардаги кўрсаткичларга жамланади:

1. Молиявий фаолиятнинг қўлами. Бу бу кўрсаткич капиталнинг, активларнинг ва фойданинг миқдорлари билан белгиланади. У банкнинг молиявий жиҳатидан қанчалик йирик эканлигини, банкнинг молиявий қудратини ифода қилади.

2. Капиталнинг етарлилиги. Молиявий операцияларнинг банкнинг ўз маблағлари билан қанчалик даражада таъминланганлигини акс эттиради. Уни аниқлаш учун банк капиталининг мутлақ миқдори банкнинг турли йўналишлардаги операциялари қўламлирига таққосланади.

3. Ликвидлик. Банкнинг ўз миждозлари олдидаги мажбуриятларини з вақтида бажара олишга қодирлигини кўрсатади. Бу кўрсаткичнинг миқдорлари банкнинг ликвидлик активларини мажбуриятларига таққослаб аниқланади. Ликвидлик кўрсаткичлари муддатлари бўйича ҳам фарқланиши мумкин. Биринчи ўринга жорий ликвидлик қўйилади.

4. Даромадлилиқ (фойда келтириш даржаси). Банкнинг ўз маблағлари ва жалб этилган маблағларнинг актив операцияларга йўналтириш йўли билан қўнайтириб боришга банк қанчалиқ қодирлигини ифодалайди ёки банкнинг фойда шакллантириш қобилитини билдиради.

Биринчи кўрсаткич мутлак микдорларда, кейинги уч кўрсаткичлар эса нисбийда микдорларда ўз ифодасини топган. Туртта кўрсаткични бирлаштириб, ягона яхлит кўрсаткич ишлаб чиқилади. У «Банкнинг якуний рейтинги» деб аталади ҳулосавий баҳо сифатида майднга чиқади. Ахборотни қайта ишлаш методикасини рейтинг компанияси сир тутати. Ҳар бир банк таққослашнинг икки турида қатнашади: барча рейтингда қатнашаётган банклар таққосланадиган мутлок рейтингда ва йирикликнинг ўз гуруҳидаги рейтингда. Молиявий фаолият қўлами баҳо бериш асосида банклар гуруҳларга бўлинади. Баҳо 0 баллдан 100 баллгача. Гуруҳлар кичик, ўрта ва йирик деб номланиб, гуруҳлаш интерваллари 0 дан 33,33 гача, 33,34 дан 66,67 гача, 66,68 дан 100 гача балларни ўз ичига олади.

Банклараро рейтинг компанияси статистик маълумотларнинг катта ахборот базасига эга. Бу рейтингни тайёрлашда замонавий математик моделларни ишлаб чиқиш ва қўллашга имкон беради. Бундан ташқари, материаллар ҳар чоракда ҳисоботларнинг ахбороти негизида ишлаб чиқилади. Компанияда йирилган маълумотлар базаси чораклик ҳисоботларга суяниши таҳлил этилаётган статистик қаторни анча узайтиришга ва математик методларни қўллаб олинган натижаларнинг ишончлилиқ даражасини оширишга ёрдам беради. Натижада ҳисоботлардаги ахборот тижорат банки фаолиятига яна ҳам тўғрироқ баҳо беришга асос бўладиган тарзда таҳлил этилади. «Ахбор-рейтинг» компанияси рейтингда иштирок этаётган банклар активлари 31 % га, 2002 йилда кредит қўйилмалари 28 % га, корхоналарга ссудалар 42 % га, банкларга қўйилган депозитлар эса 85 % га ўсди. «Ахбор-рейтинг» компанияси эълон қилган натижалар бўйича банкларнинг бир-бирига таққослаш мумкин (1-жадвал).

**«Ахбор-рейтинг» компанияси ишлаб чиққан банкларнинг рейтинг тизими
маълумотлари**

01.01.03. даги ҳолатига кўра гуруҳ даги мавқеи	Банк	Балл		
		1.01.03. даги ҳолатга кўра мутлокрейтинг	Гуруҳдаги рейтинг	
			1.02.02	1.01.03
Йирик банклар				
1.	ЎзР ТИФ Миллий банки	98,68	92,80	94,23
2.	«Асака» банки	98,37	87,69	92,34
3.	«Пахтабанк»	91,10	56,99	64,75
4.	«Саноат-қурилишбанк»	81,78	38,59	41,99
5.	«Ўйжойжамгармабанк»	80,86	36,37	40,15
6.	АБН АМРО банк	78,31	-	35,36
7.	«/аллабанк»	68,80	6,19	21,01
8.	Ҳалк банки	66,29	9,10	18,01
Гуруда рейтинг баллар ўртача ўсиши 6,40				
Ўртача банклар				
1.	«У-Т банк»	68,76	91,48	99,16
2.	«Авиабанк»	56,23	64,47	92,00
3.	«Ҳамкорбанк»	51,81	36,86	84,26
4.	«Бизнесбанк»	44,64	38,97	65,97
5.	«Алоқабанк»	43,33	58,44	62,01
6.	«Савдогарбанк»	43,17	43,43	61,52
7.	«Туронбанк»	43,08	7,89	61,85
8.	«Тадбиркорбанк»	42,37	33,57	59,05
9.	«Трастбанк»	41,19	33,87	55,33
10.	«Ипак йўли» банки	40,10	7,96	51,85
11.	«Замин» банки	27,89	4,98	15,35
12.	«Парвинабанк»	23,30	-	6,45
Гуруҳда рейтинг баллар ўртача ўсиши 26,09				
Кичик банклар				
1.	«Алпжамолбанк»	33,33	45,99	86,81
2.	«Универсалбанк»	24,62	-	78,22
3.	«Карвонбанк»	16,56	77,50	66,79
4.	«Капиталбанк»	11,49	-	56,91
5.	«Истикболбанк»	9,53	8,66	52,54
6.	«Туркистонбанк»	0,87	6,24	9,90
Гуруҳда рейтинг баллар ўртача ўсиши 11,91				

Жадвал маълумотлари гувоҳлик беришича, 2002 йилда йирик банклар орасида «Галлабанк», Ҳалк банки, «Пахтабанк» ва АБН Амробанкнинг рейтинг баҳолари бошқаларга нисбатан тезроқ кўтарилган, яъни рейтинг тузувчиларни фикрича, бу

банклар 2002 йилда энг муваффақиятли ривожланган. Йирик банклар гуруҳида энг ишончли банк бўлиб ташки иктисодий фаолият Миллий банки қолмоқда, у рейтинг жадвалида биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Ўртача банклар гуруҳи мамлакатда шиддат билан ривожланмоқда, уларнинг якуний ўсиб бориши йирик банкларникидан 4 марта, кичик банкларникидан активлар ва пасивлар бир марта тезроқ юз бермоқда. Айнан шу гуруҳ ичида ракобат кучли. «Ў-Т банк», «Туронбанк», «Ипак йўли» банки ва «Ҳамкорбанк» юкори ўсиш суръатларини ва ишончилиқ мустаҳкамланишини намойиш этмоқдлар.

Кичик банклар гуруҳи ҳам ривожланиб бормоқда. Бу гуруҳнинг етакчиси «Алп жамол банк» бўлиб, у барча кўрсаткичлар бўйича яхши натижаларга эга. Умуман олганда мамлакат банк тизими ривожланиши истикболлари муҳим равишда шу гуруҳ банкларининг тақдирига боғлиқ. Чунки йирик банклар капиталларидан давлат иштироки кучли бўлса, кичик банклар деярли тўла равишда хусусий капиталлардан шаклланган ва реал ракобат муҳити барпо этилишига кўпроқ даражада хизмат қилади. 2-жадвал барча гуруҳдаги рейтинг жадвалини тузиш учун асос бўлган кўрсаткичлар бўйича энг яхши банклар номлари алоҳида ажратиб кўрсатилган (2-жадвал).

2-жадвал.

Умумлаштирувчи кўрсаткичлар бўйича гуруҳларнинг етакчилари

Умумлашти- рувчи кўрсаткичлар	Ранг	Йирик банклар гуруҳи	Ўртача банклар	Кичик банклар
Молиявий фаолиятнинг кўлами	1 2 3	«Асака» банки «Пахтабанк» саноат қурилиш банки	«Савдогарбанк» «Тадбиркорбанк» «Бизнесбанк»	«Алпжамолбанк» «Кравонбанк» «Универсалбанк»
Капиталнинг етарлиги	1 2 3	«Асака» банки АБН Амробанк «Галлабанк»	«Ў-Т банк» «Авиябанк» «Трестбанк»	«Истикбол» банк «Универсалбанк» «Алпжамол» банк
Ликвидлик	1 2 3	Халқ банки «Пахтабанк» «Уйжойжамгармабанк»	«Ў-Т банк» «Савдогарбанк» «Парвинабанк»	«Универсалбанк» «Туркитон» банк «Истикбол» банк
Даромадлиқ	1 2 3	«Пахтабанк» «Уйжойжамгармабанк»	«Бизнесбанк» «Авиябанк» «Ҳамкорбанк»	«Алпжамол» банк «Капитал» банк «Универсалбанк»

Миллий банк 2-жадвалга киритилмаган, чунки Ўзбекистонда унинг куламига мос тушадиган бошка банк йук. Жадвал маълумотларига қараганда йирик банклар гуруҳида барча нисбий курсаткичлар бўйича ягона пешқадам банк мавжуд эмас. Лекин биринчи учликда АБН Амробанк, «Пахтабанк» ва «Уўжойжамгармабанк»нинг номлари кўп мартадан қайд этилган. Ўртача банклар гуруҳида худди шу нарса «Ў-Т банк» ва «Авиабанк» учун хос. Умуман бу гуруҳда рақобат кучли эканлиги сезилиб турибди. Кичик банклар гуруҳида катнашчилар сони 6 та холос. Айни пайтда мамлакатдаги кичик банкларнинг анчагина қисми «Ахбор-рейтинг» компаниясининг рейтинг тизими билан камраб олинган. Агар улар ҳам камраб олинса, айниқса кичик банклар гуруҳида натижалар янада салмоқлироқ ва эътиборлироқ бўлар эди.

Мустақил рейтинг компанияси томонидан банклар фаолияти ҳолисона баҳолаб борилиши банк тизимига мижозлар ишончини мустаҳкамлаши билан бир қаторда банк фаолиятининг жамоатчилик томонидан назорат қилинишига ва банк хатарлари камайтирилишига хизмат қилади.

IV.2. Чет мамлакатларда банк хатарларининг назорат қилиниши ва тартибга солиниши

Иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви, ахборот технологияларини такомиллашуви банк бизнесини муҳим таъсир курсатмоқда. Жаҳон миққиёсида компьютерлаштириш, интернет-технологиялар тармоғининг кенгайиши мижозларга ҳисоб-китоб хизматлари курсатадиган самарали тизимлар яратишга, ҳисоб-китоблар ва туловларнинг тезлашишига, пул оқимлари назорат қилиниши кўчайишига имкон берди ҳамда янги банк маҳсулотларини жорий этишга кўмаклашди. Айни пайтда мазкур ўзгаришлар банк фаолиятидаги хатарларнинг хилма-хиллашувига олиб келди. Бундай шароитда банк муассасалари молиявий аҳолини баҳолаш ва таҳлил қилишга янгича ёндашувларни ҳам такозо этади. Турли мамлакатларда назорат органларининг банклар молиявий барқарорлигининг баҳолашларида муҳим ўзгаришлар юз берди. Уларда қуйидаги хусусиятлар мужассамлашган:

1. Ҳозирги пайтда назорат органларининг асосий эътибори банк фаолияти хатарларига қаратилган. Назорат ёндашувлари ва тизимларида менежмент ва ички назорат сифатини баҳолашга стандартлаштирилган тарзда амалга оширилади. Шу

билан бирга, бундай омилларни масофали (дистанцияли) назорат орқали баҳолаш старли натижа бермаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун, кўп мамлакатларда жойлардаги текширишларга асосий эътиборни қаратадилар. Шунингдек, тижорат банклари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказиш амалиётини қўллайдилар.

2. Назорат органлари «тезкор ҳаракат тизимлари» статистик моделларини ишлаб чиқдилар ва қўлламоқдалар. Бу моделларнинг асосий мақсади тижорат банклари фаолиятидаги эҳтимолий муаммоларни аниқлаш ва уларни йўл қўйилмаслиги учун самарали назорат ҳаракатларини ташкил этишдир.

АҚШда ва Европанинг катор мамлакатларида назорат ишлари амалиётида бир-бирини таққослаш асосида тижорат банклари жорий аҳволини баҳолаш тизими ҳамда башорат моделлари тузиш негизида тезкор ҳаракат тизими иш олиб боради. Назорат тизимининг бундай тузилиши банк муассасаси фаолияти устидан доимий назоратни таъминлаш. Банк фаолиятидаги муаммоли соҳаларга таъсир этишини самаралироқ назорат дастакларини олиш имконини беради.

3. Назорат тизими тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш даврини белгилаш ва назорат дастурини ишлаб чиқишдан тортиб, то назоратни амалга ошириш самардорлигини аниқлаш ва махкур даврдаги банк фаолиятини баҳолашгача узлуксиз давом этувчи жараёни ўз ичига олади.

Турли мамлакатларнинг назорат органларининг тижорат банклари фаолиятини баҳолаш тизимлари муҳим ухшаш жиҳатларга эга. Булар асосан қуйидагиларда ифодаланеди: жойларда текширишлар ўтказиш мумкинлигини, уларнинг тез-тез ўтказиб турлиши ва камрови; масофали назорат тизимлари; назорат доирасида тақдим этиладиган ҳисобот турлари ва таркиби; ахборотнинг бошқа манбаларидан фойдаланиш имкони борлиги; техника билан юқори даражада жиҳозланганлик. Хатарларни баҳолаш ва тезкор ҳаракат тизимлари турли мамлакатларда 1980 йилдан жорий этила бошланди (3-жадвал).

3-жадвал

Турли мамлакатларда хатарларни баҳолаш ва тезкор ҳаракат тизимлари

Мамлакат ва назорат органлари	Тизимлар ва жорий этилган йил	Тизим тури
Франция: Банк комиссияси	ORAP (Хатарнинг олдини олиш ҳаракатларини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш), 1997	Масофали рейтинг тизими
	SAABA (Агрегациялашган таҳлил учун статистик усул), 1997	Тезкор ҳаракат тизими қўтилаётган зарар

Мамлакат ва назорат органлари	Тизимлар ва жорий этилган йил	Тизим тури
Германия: банклар устидан назорат федерал идораси	BAKIS (Ахборот тизими), 1997	Молиявий коэффи циентлар ва айрим банк гурухлари тахлилий тизими
Италия: Италия банки	PATROL, 1993	Масофали рейтинг тизими
	Тезкор ҳаракат тизими ишлаб чиқилмоқда	Тезкор ҳаракат тизими - вазият ёмонлашуви башорати
Нидерландия: Нидерландия банки	RAST (хатарларни баҳолаш учун дастаклар), 1999	Банк хатарларини баҳолаш комплекс тизими
	Кузатув тизими ишлаб чиқиш босқичида	Молиявий коэффициентлар ва айрим банк гурухлари тахлилий тизими
Буюк Британия: Молиявий сиёсат бўйича идора	RATE (Хатарни баҳолаш ва меъёрий тизими), 1998	Банк хатарларини баҳолаш комплекс тизими
АҚШ: Федерал захира тизими	Баъзи банклар мониторинги модели, 1980	Молиявий коэффи циентлар тахлили
	SEER Rating (Рейтингларни баҳолаш тизими), 1993	Тезкор ҳаракат тизими рейтингларни башорат қилиш
	SEER Risk Rank, 1993	Тезкор ҳаракат тизими вазият ёмонлашуви башорати
АҚШ: Депозитларни сугурталаш Федерал Коррацияси	CAEL, 1985 (1999 йилда қайта кўриб чиқилган)	Банк назорати масофали тизими
	SCOR (масофали назорат доирасида статистик тарзда ҳисоблаб чиқилган CAMELS рейтинг), 1995	Тезкор ҳаракат тизими пасайиб борувчи динамикага эга рейтингларни баҳолаш
АҚШ: Пул муомаласи назоратчиси	Bank Caleurator (ишлаб чиқилмоқда)	Тезкор ҳаракат тизими вазият ёмонлашуви башорати
АҚШ: Уччала назорат органлари	CAMELS, 1998	Жойлардаги инспекцион текширув негизидаги рейтинглар тизими

Жадвалдан кўриниб турибдики, ривожланган мамлакатларда қўлланаётган банк фаолияти хатарни баҳолаш тизимларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

- тижорат банкларининг рейтинг бўйича баҳолаш тизимлари;
- масофали мониторинг (молиявий коэффициентларни ҳисоблаб чиқиш ва банк гурухларини тахлил қилиш);
- банк фаолиятидаги хатарларни статистик тизимлари;
- тезкор ҳаракат тизимлари статистик моделлари.

Рейтинг бўйича баҳолаш тизимларининг жаҳонда энг кенг тан олинган АҚШда вужудга келган (1979 йил) CAMEL тизимидир.

Унинг асосий компонентлари капиталнинг монандлиги (C), активлар сифати (A), менежмент сифати (M), даромадлилик даражаси (E) ва ликвидликдир (L). 1997 йилдан бошлаб банкларнинг рейтинг баҳосини белгилашда бу тизимда бозор хатарларга сезгирликни (S) эътиборга ола бошладилар. Натижада CAMELS тизими вужудга келди.

Рейтинг тизимининг ҳар бир компоненти мазкур компонентга таъсир этадиган бир неча омилни таҳлил қилиш асосида банк фаолиятига баҳо берилишини назарда тутди. Айрим омиллар тизимдаги бир неча элементларнинг таснифида учрайди. Бу эса банкка хос хатарни баҳолаш учун мезон бўлиб хизмат қилаётган компонентларга ўзаро ички боғланиш мавжудлигини билдиради. Чунончи, активларнинг муаммолилик даражасидан банк капитали монандлигини (C) баҳолашда ҳам, активлар сифатини (A) баҳолашда ҳам фойдаланилади. Яқиний рейтинг ва ҳар бир компонент рейтингини миқдорий баҳолаш 5 балли шкала асосида амалга оширилади. 1-рейтинг олий кўрсаткич ҳисобланади ва тижорат банкининг бозордаги мустаҳкам мавқени эгаллаганлигидан далolat беради. Демак, бу банк назорат органлари томонидан жуда кам кузатилиши мумкин. Энг паст ҳисобланган 5-рейтинг банкининг танг аҳволдалигини, менежмент сифати пастлигини, назорат органлари томонидан шошилиш аралашув ва тузатувчи ҳаракатлар зарурлигини билдиради.

Тижорат банклари фаолиятини назорат қилишда кўпгина мамлакатларда масофали мониторинг тизимлари қўлланади. Маълумки, тижорат банклари фаолияти юритилишининг шарт-шароитлари банк ичида ҳам, ташқи бозорда ҳам рўй берадиган хилма-хил ўзгаришлар билан боғлиқ. Уларни ҳисобга олиш учун бир қатор кўрсаткичлар ва коэффицентларнинг динамик тарзда ўзгаришларини банклар гуруҳлари бўйича аниқлаб чиқилиши зарур бўлади. Ҳисоблаб чиқилган индикатор белгиланган энг юқори даражадан ошган, хавфли ораликдаги даражада бўлган ёки аввалги давр кўрсаткичларига нисбатан анча пасайган бўлса, молиявий кўрсаткичлар таҳлили банк учун хатарли ҳудудни аниқлашга имкон беради.

Банкларни гуруҳлар бўйича таҳлил қилиш муайян белги бўйича ажратилган банклар гуруҳларининг молиявий индикаторлари асосида амалга оширилади. Бу муайян гуруҳдаги банкнинг гуруҳ таркибидаги банклардан анча фарқли фаолият юритаётганлиги ёки юритилмаётганлигини аниқлаш, мавжуд фарқ сабабларини билиб олиш имконини беради. Банклар гуруҳларга турли белгилар бўйича, яъни активларнинг кўплигбўйича, ўзлари ишлаётган сегментлари бўйича бўлинади. Банкнинг кўрсаткичлари гуруҳдаги мавжуд кўрсаткичлар билан таққосланади ва пасайувчи динамикага эга бўлган банклар аниқланади.

1980 йилларнинг охирида АҚШ Федерал захира тизими муаммоли банкларни аниклаш учун муайян банклар мониторинги тизимини ишлаб чиқди. Бу тизим 39 та молиявий 35 та бозор индикаторларни (кўрсаткичларини) ўрганadi. Натижада банк фаолиятидаги муаммоли ўзгаришларни аниклаш мумкин бўлади. Бу эса навбатдаги инспекцион текширувда алоҳида аҳамият бериладиган масалаларни белгилаб олинишини таъминлайди.

Германияда 1997 йилда банкларни назорат қилиш Федерал идораси ва Бундесбанк томонидан BAKIS ахборот тизими жорий этилган. У банкларни баҳолайдиган стандарт тизимдир. Мазкур тизимнинг мақсади банкдаги молиявий вазиятни тезкор тхл қилиш, кредит хатари, бозор хатари, ликвидлик хатари даражасидаги ҳолатни ниқлаш, шунингдек, банк гуруҳлари ва бутун банк тизими ривожланишини асосий ҳолатларини татқиқ қилишдир. BAKIS ахборот тизимида ойлик, чораклик, ярим йиллик ва йиллик асосида махсус дастурга мувофиқ равишда 47 та кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилади ва таҳлил этилади. Бу кўрсаткичлар жумласига кредит хатарини баҳолайдиган 16 та кўрсаткич, ликвидлик хатарига оид 2 та кўрсаткич ва фойда хатари бўйича 10 та кўрсаткич киради. Мутахассис муайян банк кўрсаткичларни гуруҳга кирувчи банкларнинг кўрсаткичлари билан киёслаб таҳлил қилади.

Масофали назорат тизимлари кейинги йилларда назорат текшируви мақсадлари учун айрим кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқишдан банклар фаолиятидаги кундалик хатарларни баҳолаш қуролига айланди. У турли статистик форматларда кўрсаткичларни жамланган ҳолда мавжуд назорат тизимига қўшимча сифатида фаол ва самарали қўлланмоқда.

Банк фаолиятидаги хатарларни баҳолаш ялпи тизимлари банкдаги вазият билан дастлаб танишишдан тортиб, то назорат чоралари самарадорлигини аниқлашгача давом этадиган, босқичлари ўзаро боғлиқ бўлган ва бир бирини тўлдирадиган доимий жараёндан иборатдир. Ёндашув банклар ва банк гуруҳларининг ҳар бирига вазн коэффицентлари берилишига, шунингдек, кейнчалик ҳар бир бирликни хатар тури ва хатар устидан назорат қилиш тоифалари бўйича баҳолашга асосланган. Ҳар бир бирликнинг баҳолари юқорирок даражадаги гуруҳлар баҳосига қўшилади, кейин эса банкдаги ёки банклар гуруҳидаги вазият баҳоланади. Ҳозирги пайтда бундай ёндашув Буюк Британияда ва Нидерландияда қўлланмоқда.

Нидерландияда хатарлар комплекс таҳлили тизимида (RAST) катта бирликларни ажратиш муахассиснинг малакали фикр-мулоҳазасига асосланади. Бунда ҳар бир бирлик тегишли миқдор кўрсаткичининг (даромадлар, фойда, капитал) 10 фоиздан кўпроғини камраб олади. Фаолиятнинг қўшимча жиҳатлари

тахлилига банк учун камроқ аҳамият бўлган даражасида ҳам қўшилиши мумкин. Лекин улар назорат органлари нуктаи назаридан банк учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши керак. Уларнинг доимий ўсиши динамикаси кузатилаётган ёки улар жиддий хатар хавфига сабаб бўлаётган бўлса, шундай қилинади.

Ҳар бир ташкилий бирлик ва функционал фаолият тури буйича вазнларни белгилаш уларни банк ривожига қўшадиган ҳиссаси нуктаи-назаридан муҳимлигига, микдор кўрсаткичларнинг шаклланганлигига ёки хатар хавфи қандайлигига ёки хатар хавфи қандайлигига боғлиқ бўлади ва паст, ўрта ва юқори деб таснифланади. Нидерландия Банки тижрат банки дуч келиши мумкин бўлган хатар хавфининг 10 та тури (кредит, баҳолар, фоиз ставкалари, айрибошлаш операциялари, ликвидлик йўқолиши, операциялар ўтказиш, ахборот, стратегия, қонунлардан фойдаланиш, обрўсизланиш хавфлари) ва хатар устидан назоратни фоиз ставкаси та тоифасини (ички назорат, ташкилий омил ва менежмент) фарқлайди. Хатарлар 4 балли шкалада бҳоланади (1 балл-паст даражали хатар).

Банк фаолиятининг назорат қилишда статистик усулларида «Олдиндан аниқлаш тизимлари»дан фойдаланиш кейинги 5-7 йилда хорижий мамлакатларда кенг қўлланмоқда. Ҳозирги пайтда статистик моделлар шартли равишда учта гуруҳга бўлинади: рейтинг башоратини берадиган ва рейтинг кўрсаткичлари ўзгариши эҳтимолини баҳолайдиган моделлар (АҚШдаги SEER ва SCOR тизимлари). Молиявий институтларнинг банкрот бўлишини башорат қиладиган моделла (АҚШдаги SEER Risk Rank Bank Calculator, Италиядаги олдиндан башорат тизими), башорат қилинадиган зарарлар моделлари (Франциядаги SAABA).

Тижрат банкларини назорат қилишни амалга ошириш, уларнинг ишлаши амалиётдаги салбий ўзгаришларни олдиндан аниқлаб, назорат ҳаракатларини ўз вақтида ва монандлик билан қўллаш учун бундай тизимлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги равшан.

IV. 3. Капиталга минимал талаблар банк хатарларини Марказий банк томонидан тартибга солинишининг энг муҳим элементи сифатида

Банк хатарларини тартибга солишнинг амалиётда кенг қўлланаётган ва таъсирчан усули банк капиталининг белгилаб қўйилишидир. Ўзбекистонда бундай талаблар Марказий банкнинг Бошқаруви томонидан 1998 йил 25 сентябрда тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил декабрда 560-сон билан рўйхатга олинган «Тижрат банклари капиталининг монандлигига талаблар

туғриси»даги Низомда белгилаб берилган. Унга биноан тижорат банклари устав капиталининг минимал миқдори 2,5 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида белгиланган эди.

Мазкур низомга биноан капитал минимал миқдорига талаблар умумий капиталнинг етарлилиги коэффиценти даражасига талабда (минимал миқдор 10%) ва I даражали капиталнинг етарлилиги коэффиценти даражасига талабда (минимал миқдори 5 %) ифодаланadi. Капиталнинг етарлилиги коэффиценти капитал миқдори хатарни эътиборга олиб ҳисоблаб чиқилган активлар умумий суммасига нисбатида аниқланади.

Банкнинг капитали қанча кўп бўлса, унинг барқарорлиги шунчалик ортади. Лекин, молиявий воситачи сифатида банк бозорда турли хатарларга дуч келади. айрим ҳолларда банкнинг капитали хатарларни қоплаш учун етарли бўлмай қолиши мумкин.

Банкнинг барқарорлиги кўплаб омилларга боғлиқ. Масалан, банкнинг эгалари қимлар эканлиги ҳам банк фаолиятига таъсир этади. Давлат мулки бўлган ёки акциялари пакети катта қисми давлат муассасаларига тегишли бўлган банк нисбатан барқарор, чунки унинг ортида давлат турибди. Лекин давлатга тегишлик банк самарали ишлашининг тўлиқ ва ягона қафолати бўла олмайди. Одатда юксак самарадорликка юқори таваққулчилик билан ишловчи хусусий банклар эришадилар.

Банк капиталининг етарлилиги коэффиценти активларнинг ўз капитали билан қопланганлиги даражасини ифодалайди ва шу жиҳатдан банк барқарорлигининг кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Капиталнинг активларга нисбати юқори бўлгани сайин банкнинг барқарорлиги ҳам юқори бўлади ва умумий хатар даражаси пасаяди. Шунинг учун мазкур кўрсаткичнинг минимал миқдори тижорат банклари фаолиятининг тартибга солувчи ва назорат қилувчи идора бўлган Марказий банк томонидан белгиланади.

Банкнинг даромад келтирувчи активлари қанчалик катта бўлса, яъни банк активлари таркибида даромад келтирувчи активлар улуши қанча катта бўлса, банк инвесторлар учун шунчалик жозибадор бўлади ва банкнинг даромадлари ўсиб боради. «Банк ахборотномаси» газетаси маълумотларидан фойдаланиб (№7, 2001 йил) Ўзбекистондаги банкларнинг активлари; қредит қўйилмалари ва умумий капитали ҳақидаги маълумотларни кўриб чиқамиз (4-жадвал).

Ўзбекистондаги тижорат банкларининг молиявий курсаткичлари

	Банklar номи	Активлар жами	Шундан кредит кўйилмалари	Умумий капитал
1.	ЎзР ТИФ Миллий банки	1197967	718397	156543
2.	«Ўзсаноатқурилишбанк»	126829	82264	14290
3.	«Асака» банк	78344	50129	42406
4.	«Пахтабанк»	71024	43442	17998
5.	«Ғаллабанк»	46579	43338	4754
6.	«Уйжойжамгармабанк»	44891	23240	11407
7.	«Халкбанки»	22064	471	4053
8.	АБН АМРО банк	14311	745	1552
9.	«Савдогарбанк»	9941	5627	2300
10.	«Тадбиркорбанк»	9281	5763	1694
11.	«ЎзДЭУбанк»	9231	36	2892
12.	«Алоқабанк»	5088	1391	1644
13.	«Ў-Тбанк»	4738	254	1588
14.	«Авиабанк»	4539	1141	1477
15.	«Ўзприватбанк»	4530	648	1527
16.	«Заминбанк»	3707	2195	1213
17.	«Ҳамкорбанк»	3648	2871	1022
18.	«Ипакйўли» банки	3569	1617	1012
19.	«Туронбанк»	3517	1565	885
20.	«Парвинабанк»	3253	2106	419
21.	«Трастбанк»	3030	923	1064
22.	«Бизнесбанк»	2157	870	496
23.	Марказий Осиё Ҳамкорлик ва ривож лантириш банкнинг шуъба банки	2120	530	1047
24.	«Алпжамолбанк»	1877	448	239
25.	«Содерот» шуъба банки (Эрон)	1862	-	1682
26.	«Карвонбанк»	1256	400	514
27.	«ХИФ-банк»	302	118	76
28.	«Истикболбанк»	142	75	47
29.	«Туркистонбанк»	140	32	36

	Банклар номи	Активлар жами	Шундан кредит кўйилмалари	Умумий капитал
30.	«Олимбанк»	100	51	75
31.	«Ўктамбанк»	99	40	63
32.	«Адилетбанк»	91	7	66
33.	«Сугдиёнабанк»	55	-	45
34.	«Ташаббус» банки	56	-	50
35.	«Самарқанд» банки	50	-	50

Ўзбекистон банкларининг даромадли активлари асосан кредит кўйилмаларидан иборат. Қимматли коғозларга кўйилмалар салмоғи эса ҳозирча анча оз. Шунинг учун даромад киритувчи активлар сифатида жадвалда кредит кўйилмаларининг ўзи олинган ҳолос. Жадвалдаги кўрсаткичлар 2001 йил 1 январ ҳолатига олинган бўлсада, улар бўйича қилинадиган хулосалар ҳозир ҳам аҳамиятли. Чунки капиталларнинг даромадли активларга нисбатида жиддий ўзгаришлар содир бўлгани йўқ. Жадвал маълумоти асосида капиталнинг етарлилиги ва даромадли активлар даражаси кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилиши мумкин (5-жадвал).

5-жадвал.

Тижорат банкларининг капиталнинг етарлилиги ва даромадли активлар даражаси коэффицентлари

Т/р	Банклар номи	Капиталнинг етарлилиги	Даромадли активлар даражаси
1.	ЎЗР ТИФ Миллий банки	0,131	0,600
2.	«Ўзсаноатқурилишбанк»	0,113	0,649
3.	«Асака» банк	0,541	0,640
4.	«Пахтабанк»	0,253	0,612
5.	«Ғаллабанк»	0,102	0,931
6.	«Ўзжойжамғармабанк»	0,254	0,518
7.	«Халк банки»	0,184	0,021
8.	АБИ АМРО банк	0,108	0,052
9.	«Савдогарбанк»	0,231	0,566
10.	«Гадбиркорбанк»	0,183	0,612
11.	«ЎзДЭУбанк»	0,313	0,004
12.	«Алоқабанк»	0,323	0,273
13.	«Ў-Т банк»	0,335	0,054
14.	«Авиабанк»	0,325	0,251
15.	«Ўзприватбанк»	0,337	0,143

Т/р	Банклар номи	Капиталнинг етарлилиги	Даромадли активлар даражаси
16.	«Заминбанк»	0,327	0,592
17.	«Ҳамкорбанк»	0,280	0,787
18.	«Ипакйули» банки	0,284	0,453
19.	«Туронбанк»	0,252	0,445
20.	«Парвинабанк»	0,129	0,647
21.	«Трастбанк»	0,351	0,305
22.	«Бизнесбанк»	0,230	0,403
23.	Марказий Осиё Ҳамкорлик ва ривожлан- тириш банкининг шуъба банки	0,494	0,250
24.	«Алп Жамол банк»	0,127	0,239
25.	«Содерот» шуъба банки (Эрон)	0,903	-
26.	«Карвон банк»	0,409	0,318
27.	«ХИФ-банк»	0,252	0,391
28.	«Истикболбанк»	0,331	0,528
29.	«Туркистонбанк»	0,257	0,229
30.	«Олимбанк»	0,750	0,510
31.	«Уктамбанк»	0,636	0,404
32.	«Адилетбанк»	0,725	0,077
33.	«Сугдиёнабанк»	0,818	-
34.	«Ташаббус» банки	0,893	-
35.	«Самарканд» банки	1,000	-
	Ўртача кўрсаткич	0,377	0,358

Жадвалдаги маълумотларга қараганда Ўзбекистон банкларида капитал етарлилиги коэффиценти ўртача 37,7 фоизни ташкил этмоқда. Марказий банкнинг бу борада ҳам кўпроқ ҳолларда худди шундай туюлади. Лекин капитал етарлилиги коэффиценти жуда юқори эканлигини Ўзбекистон шароитида ижобий ҳол сифатида бақолаб бўлмайди. Чунки, бу банклар актив операциялари суст йўлга қўйилганлиги оқибатидир. Иқтисодийдаги умумий хатар даражаси бозор иқтисодиётига ўтиш даврида юқори эканлиги банкларнинг даромад келтирувчи актив операцияларнинг анча турларидан тийилиб туришга мажбур этмоқда. Банкларнинг даромадлари эса устун даражада миқозларга ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатишдан шаклланмоқда. Жадвал маълумотларига эътиборни қаратсак, айрим банклар кредитлаш операциялари билан деярли шуғулланмаётганлигини кўришимиз мумкин. Улар жумласига иқтисодий солоҳияти анча юқори бўлган Халқ банки, АБН АМРО банк, «ЎЗДЭУбанк», «Ў-Тбанк» билан бирга қатор кичик банклар ҳам кирмоқда. Демак, бу банклар ўтиш даврининг молиявий мураккаб

шароитларида хатарни пасайтиришни таъминлаш чораларини кўрган ҳолда даромадли актив операциялар олиб борилишини йўлга қўймаганлар.

Банкларни капиталнинг етарлилиги ва даромадли активлар солмоғи бўйича тўртта гуруҳга бўлиш мумкин (6-жадвал).

6-жадвал.

Капитал етарлилиги ва даромадли активлар салмоғи бўйича банклар гуруҳлари

Гуруҳлар	Банклар
I гуруҳ таваккалчилик фаолияти гуруҳи	ЎЗР ТИФ Миллий банки, «Ўзсанратқурилишбанк», «Пахтабанк», «Тадбиркорбанк», «Заминбанк», «/аллабанк», «Уўжойжамгармабанк», «Савдогар банк», «Туронбанк», «Парвинабанк», «Ҳамкорбанк», «Бизне-банк», «Ипакйўли» банки, «ХИФ-банк», «Истикболбанк»
II гуруҳ (Макбул фаолият)	«Асака» банки, «Ўқтамбанк», «Олимбанк»
III	Марказий Осиё Ҳамкорлик ва ривожлантириш банки шуъба банки, «Содерот» шуъба банки, «Сугдиёнабанк», «Ташаббусбанк», «Карвонбанк», «Самарқанд» банки, «Адилетбанк»
IV	Ҳалқ банки, «Авиабанк», «Ўзприватбанк», АБН АМРО банк, «ЎзДЭУ банк», «Али Жамол банк», «Ў-Т банк», «Туркистонбанк».

I гуруҳга мансуб банклар одатдаги банк хатарлари шароитида уларни эътиборга олган ва мослашган ҳолда фаолият олиб боришга интиломқдалар. Том маънода олиб қараганимизда иктисодиётнинг ривожланишига реал хисса қўшмоқдалар, чунки молиявий воситачилик вазифаларни айнан шу банклар етарли даражада ижро этмоқдалар.

II гуруҳга мансуб банклар ҳам худди шундай вазифаларни ижро этмоқдалар. I гуруҳдаги банклардан уларнинг энг муҳим фарқи шундаки, мазкур банкларюкори таваккалчиликка юз тутишни истамаяптилар ва шунинг учун уларни даромадли активлари улардаги капитал ҳажмларига солиштирилганда нисбатан камроқ бўлиб чикмоқда.

III ва IV гуруҳлардаги банклар молиявий ресурсларини даромадли ва айти пайтда хатарли булган активларга жуда оз йуналтирмоқдалар. Натижада иктисодиёт улардан молиявий қувватини деярли олмаяпти.

Ҳозирги пайтда кўпчилик банклар ўз устав капиталларини оширмоқдалар. Бу уларнинг барқарорлигини ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Одатда, банкнинг ўз капитали қанчалик катта бўлса, шунчалик кўп миқдорда юқори ликвидли активлар банк мажбуриятларига хазмат кўрсатиши мумкин. Бунинг натижасида жалб қилинган маблағларнинг хажми банклардан чикиб кетиш даражасидан ошади. Бу ҳолатда банк қарздор бўлиб ишласада, маблағларни жойлаштиришдаги муддатлар ва суммаларнинг қайтарилишидаги муддатлар ва суммаларга мувофиқ келишини осонроқ таъминлади ва назорат қилади.

Шундай қилиб, банк капитали актив операцияларни амалга оширишнинг муҳим манбаидир ва айти пайтда жалб этилган маблағлар қайтарилишини кафолати бўлиб ҳам хизмат қилади. Банк капиталининг асосини устав капитали ташкил этади. Бунинг ўзбекистондаги фоиз ставкаси 3 та банклар мисолида кўриш мумкин (7-жадвал).

7-жадвал.

Ўзбекистонда 3 та банк пасивлари ва капитали
(2002 йил 1 январ ҳолатига, млн. сўм)

Банклар	Жами пасивлар	Ўз капитали	Устав капитали	Ўз капиталнинг жами пасивлардаги улуши (%)	Устав капиталнинг жами асвийларидаги улуши (%)	Устав капиталнинг ўз капиталидаги улуши (%)
«Пахтабанк»	84998	28396	18706	33,41	22,01	65,88
«Халқбанки»	54300	3950	3086	7,27	5,68	78,4
«Тадбиркорбанк»	13757	2373	1886	17,85	8,69	79,46

7-жадвалдаги маълумотлар билан 4-жадвалдаги маълумотларни таққосланса, «Пахтабанк»нинг ўз капитали, активлар ва пасивларнинг ўсиши бир йилда 10,4

млрд. сўмдан иборат бўлган. Халқ банкида капитал миқдори ортмаган. Халқ банкининг фаолияти расман тижорат негизига кўчирилган бўлса ҳам, банкдаги реал ўзгаришлар қийинчилик билан кечмоқда. Халқ банки рақобат муҳитида актив операцияларни ўтказилишида бозорда ўз жойини эгаллашга қийналмоқда. Айни пайтда «Пахтабанк» фаолиятини янада кенгайтириш ва даромадларини ошириш учун қулай имкониятларга эга. Бунинг молиявий пойдеворини эса банкнинг ўз капитали ташкил этмоқда.


Сўнгги йилларда мамлакатимизда банкларнинг ва банк тизимининг жадал ва барқарор ривожланиши кузутилди. Юқорида таҳлил этилган йўналишлар бўйича салмоқли ижобий натижаларга эришилди. Микрокредит банкларнинг жами капитали миқдори 2013 йил 1-январь ҳолатига қура 175,9 млрд сумни йки банк ташкил этилгандан буйон 2,2 баобарга ошди жами пассивлари 361,5 млрд сумга этди. Жами капиталнинг жами капагалдаги улуши 48,65 фоиз ортишига еришилди. Таъкидлаш мумкинки, ҳозирда мамлакатимиз банк тизими халқаро талабларга қатъий жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда. Буни «Standard & Poor's», «Moody's», «Fitch ratings» каби халқаро рейтинг агентликлари томонидан Ўзбекистон банк тизимига муттасил равишда "барқарор" рейтинг даражасини бериб келинаётгани ҳам тасдиқламоқда.

2008 йилда республикаимизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг 12 таси халқаро «Мудис», «Фитч Рейтингс» ва «Стандарт энд Пурс» рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олишга эришган эди. 2010 йилда улар сони 15 тага, 2011 йилда эса 23 тага етди. Бундай банкларнинг активлари мамлакат банк тизими умумий активларининг 98 фоизини ташкил этмоқда. 2011 йилда 6 та тижорат банкининг халқаро рейтинг баҳолари яна бир поғонага кўтарилди. Банк тизими активларининг 62,7 фоизини ташкил қилувчи 5 та йирик тижорат банки бир йўла иккита халқаро рейтинг агентлиги томонидан ўз молиявий ҳолатлари ва фаолият натижалари бўйича ижобий рейтинглар билан баҳоланди. Шу билан бирга, 2011 йилнинг август ойида «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон банк тизими бўйича ривожланиш истикболларининг «барқарор» даражадаги рейтинг баҳоси қайта тасдиқланди. «Стандарт энд Пурс» халқаро рейтинг агентлиги эса 2011 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон банк тизимини ижобий баҳолаб, унинг рейтингини бир поғона юқори кўтарди. 2011 йилда 17 та тижорат банки акциялари «Тошкент» фонд биржаси листингига киритилган бўлиб, ушбу қимматли қоғозларнинг котировкаси биржада мунтазам равишда амалга оширилмоқда, оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиб борилмоқда.

Тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилаётган акцияларнинг 25 фоизидан кам бўлмаган қисми фонд биржасида бирламчи жойлаштириш учун йўналтирилмоқда. 2011 йил давомида тижорат банкларининг 53 миллиард сўмлик акциялари «Тошкент» республика фонд биржасининг бирламчи савдоларига чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодийни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2007 йил 12 июлдаги ПҚ-670 сонли ва «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ-1317- сонли қарорларига асосан банкларнинг минимал устав капиталлари миқдорига ўзгартиришлар киритилди. Ушбу қарорларга мувофиқ янги ташкил этилаётган тижорат банкларининг минимал устав капитали 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб қуйидагича миқдорда белгилаб қўйилди:

- Тижорат банклари учун сўм эквивалентида 10 м ллион евро миқдорида;
- Хусусий банklar учун сўм эквивалентида 5 миллион евро миқдорида;
- Хорижий капитал иштирокидаги банklar учун сўм эквивалентида 10 миллион евро миқдорида.




1-расм. Тижорат банклари капиталининг ўсиш динамикаси.

(Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича уқув қўлланма. – Т.: Иқтисодийёт. - 2012. – 282 бет.)

Банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозитлари хажмининг ўсиши, яъни молиявий базасининг мустаҳкамланиши актив операциялар хажмини оширишга, кредитлаш имкониятларини янада кенгайтиришга, мустаҳкам замин бўлмоқда.

2008 – 2011 йилларда тижорат банкларининг умумий активлари 2,3 баробар ўсди.



2-расм. Тижорат банкларининг жами активлари динамикаси.

(Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараккиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш буйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.)

2-расмдан кўриниб турганидек, банк активлари йил сайин жадал ўсиб бормоқда. Бу 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 32,4 фоизни ташкил этиб, банк активлари жами суммаси 27,5 триллион сўмга етган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия- банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва бароқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли қарорининг қабул қилингани жаҳон ва миллий иқтисодиётда ўзгарган молиявий аҳвол шароитида Ўзбекистон банк тизими ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди.

Ушбу қарорга мувофиқ:

1. Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро андозалар талабларига асосан тижорат банкларининг янада капиталлашуви, ушбу соҳага хусусий капитални жалб қилиш, ресурс базаларини ошириш, активлар сифатини яхшилаш, банк

ишини такомиллаштириш ҳисобидан банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш;

2. Етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланадиган ва алоҳида банклар ва ҳамда бутун банк тизимининг бутун дунёда қабул қилинган баҳолаш кўрсаткичлари бўйича янада юқори даражага кўтарилишини объектив баҳолаш имконини берадиган халқаро нормалар, стандарт ва мезонлар асосида алоҳида банклар ва бутун банк тизими фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг замонавий тизимини жорий қилиш каби устувор вазифалар белгилаб берилди.

IV.4. Банк назорати Базель III тизими

Жаҳон молиявий инқирози таъсири ва оқибатлари сабабли 2010 йил декабрда банк назорати бўйича Базель қўмитаси икки ҳужжатни қабул қилди: “Базель III: банклар ва банк тизимларининг барқарорлигини оширишга умумий тартибга солувчи ёндашувлар” ва “Базель III: ликвидлик хатарларини ўлчашга, стандартлар ва мониторингга халқаро ёндашувлар”. Мазкур ҳужжатлар биргаликда Базель III деб номланмоқда. Мазкур ҳужжатларда капитал ва ликвидлик халқаро даражада тартибга солиниши ислоҳ қилинмоқда ва бундан кўзланган мақсад эса банк секторини мустаҳкамлаш, унинг молиявий ва иқтисодий тушқунликлар оқибатида келиб чиқадиган тазйикларга бардошлилигини ошириш. Шунингдек банкларни тартибга солиш ва назорат қилишни мустаҳкамлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк назорати соҳасида унинг халқаро стандартларга максимал даражада яқинлаштирилишини назарда тутувчи сиёсат олиб бормоқда ва бу нуфузли халқаро молия институтлари томонидан тўла эътироф этилган. Шунинг учун Базель III тизимини ундан аввал 2004 йилда қабул қилинган Базель II (Базель қўмитасининг капитал бўйича келишуви) билан таккослаган ҳолда кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Базель II уч асосий қисмдан иборат. Унинг биринчи қисми банк капиталига минимал талабларни ақс эттиради. Капиталнинг минимал даражаси кредит, бозор ва операцион хатарлардан ҳимояланиш учун етарли бўлиши лозим. Мувофиқ равишда тегишли уч йўналиши бўйича хатарларни ҳисоблаб чиқишнинг вариантлари белгилаб берилади. Иккинчи қисмда назорат жараёнининг, хатарларни бошқаришнинг, банк назорати органлари олдида шаффофлик ва

ҳисоботларнинг асосий коидалари кўрсатиб берилади. Учинчи қисмда капитал ва хатарлар баҳоланиши ҳақидаги ахборотнинг очиб берилиши йўли билан бозор интизомини мустаҳкамлашни рағбатлантириш назарда тутилади.

Базель II га қатор ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган бўлсада, унинг асосий коидаси - Базель I дан ўтиб келаётган тартибга солувчи (регулятор) капиталнинг талаб этиладиган миқдорини аниқлаш, унга нисбатан минимал тартибга солувчи талаблар ўзгаришсиз қолди. Яъни умумий капитал кредит, бозор ва операцион хатарлар миқдори (ВР)суммасининг 8 % идан кам бўлмаган миқдорни ташкил этиши лозим.

Базель III капитал стандартлари борасида капитал таркибига нисбатан ҳам, капиталга норматив талаблар бўйича ҳам янги ёндашувни назарда тутди. Капитални ҳисоблаб чиқишдаги ўзгаришлар унинг таркибий қисмлари минимал миқдорлари бўйича ҳам талаблар қўйилишидир. I босқич капитал (Tier 1 Capital – Т 1) I базавий капиталидан ва I босқич қўшимча капиталидан иборат бўлади. I босқич базавий капитали (Common Equity Tier – CET 1) ўз ичига оддий акциялар ва уларнинг эквивалентларини, яъни қуйидагиларни олади: банк эмиссия қилган оддий акциялар, эмиссион даромаддан шаклланган қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва бошқа жамғарилган ва очиб берилган резервлар, банкнинг консолидациялашган шўъба компаниялари томонидан чиқарилган ва учинчи томонларнинг қўлида бўлган (лекин назорат пакети эмас) I босқич базавий капиталига киритиш мезонларига жавоб берадиган оддий акциялар, I босқич базавий капитални ҳисоблашда қўлланадиган чегирмалар. I босқич базавий капитали элементлари уларнинг банк фаолияти мобайнидаги йўқотишларни қоплашга тўла равишда йўналтирилиши мумкинлиги нуктаи назаридан белгилаб олинган. I босқич базавий капиталга киритиладиган элементлар улар учун ўрнатилган 14 та мезонларга мувофиқ келиши лозим.

I босқич қўшимча капиталга (Additional Tier 1 – АТ 1) расман I босқич базавий капиталга мансуб, лекин капитал таркибига киритилиши мезонлари анча юмшоқ бўлган элементлар қиради. Масалан, I босқич базавий капиталнинг элементи муддатсиз характерда, I босқич қўшимча капиталнинг худди шу элементи бўйича уни муайян муддатдан сўнг сўндирилиши ҳуқуқи пайдо бўлиши мумкин.

I босқич капиталнинг миқдори банк хатарлари ВР йиғиндисининг 6 фоизидан кам бўлмаслиги лозим. I босқич капитал таркибидаги I босқич базавий капитал эса ВР нинг 4,5 фоизидан кам бўлмаслиги талаб қилинади.

2 босқич капитал (Tier 1 Capital – Г 1) банк тугатилиши чогида зарарлар копланишини таъминлаш учун зарур ва мувофик равишда унинг элементлари мазмунига нисбатан пастроқ талаблар кўйилади ва куйидаги элементлардан иборат:

- банк томонидан эмиссия қилинган, лекин 1босқич капитал таркибига киритилмаган. белгиланган 9 та мезонлар талабларига жавоб берадиган дастаклар;
- 2 босқич капитал дастакларига оид кўшилган капитал;
- консолидациялашган шўъба муассасалар томонидан чиқарилган ва учинчи томонлар ушлаб турган, 1босқич капиьалга киритилмаган ва 2босқич капиталга киритиш талабларига жавоб берадиган кўшимча капитал элементлари;
- умумий резервлар (кредитлар бўйича ҳозирги пайтда идентификацияланмаган келгусидаги йўқотишлар бўйича кредит хатарини ҳисобга олган ҳолда тортилган миқдор сифатида ҳисоблаб чиқилган активларнинг 1,25 фоизидан кўп бўлмаган умумий резервлар). Бу ёндашув кредит хатарини ҳисоблашни стандартлашган ҳолда амалга оширувчи банкларга нисбатан қўлланади;
- 2 босқич капитални ҳисоблаб чиқишда қўлланадиган регулятор тузатишлар (чегирмалар).

Базель II да капитал куйидаги суммаларга камайтирилар эди:

- гудвилл (1босқич капиталдан чегириб ташланади);
- банк томонидан назорат қилинмайдиган банкла, суғурта компаниялари ва бошка молиявий муассасаларга муҳим миноритар ва мажоритар кўйилмалар;
- акциялар ва регулятор капиталнинг суғурта шўъба муассасаларига бошка кўйилмалари;
- тижорат ташкилотларига муҳим миноритар ва мажоритар кўйилмалар;
- кутилаётган йўқотишлар бўйича ҳали яратилмаган резервлар;
- ВР га киритилмаган секьюритизациялашган (қимматли коғозлар кўринишидаги) позициялар.

Базель III стандартига кўра капиталнинг регулятор тузатилишлари (чегирмалари) таркибига куйидаги элементлар киради:

- гудвилл (банкнинг бозор қиймати билан унинг соф активлари суммаси ўртасидаги тафовут), гудвиллга бошка номоддий активлар ҳам киритилади, лекин ипотека кредитига хизмат кўрсатиш ҳуқуқи бундан мустасно;
- кечиктирилган солиқ активлари;
- адолатли қиймати бўйича ҳисобга олинмаётган дастакларга оид пул оқимларини хежлаштириш резервлари;

- кутилаётган йўқотишлар буйича яратилмаган резервлар;
- секьюритизация операциялари буйича сотишлардан фойда;
- адолатли қиймати буйича баҳоланган молиявий мажбуриятлар буйича ўз кредит хатарининг ўзгаришлари билан боғлиқ жамгарилган фойда ва зарарлар;
- тўловлари шартномавий (қайд этилган) характердаги пенсия режасининг активлари ва мажбуриятлари;
- қайтариб сотиб олинган ўз акциялари;
- банк, молия ва суғурта ташкилотларининг капиталида бир-бирида ўзаро катнашиш;
- регулятор консолидациялашув доирасидан ташқаридаги банк, молия ва суғурта ташкилотларининг капиталига каттароқ инвестициялар, бунда банк ташкилот-эмитентнинг оддий акциялар кўринишида чиқарилган капиталининг 10 фоизидан ортиғига эга эмас, ёки ташкилот банкнинг аффилашган тузилмасидир.

Консолидациялашмаган молиявий муассасаларнинг оддий акцияларига қўйилмалар, ипотека кредитларига хизмат кўрсатиш ҳуқуқлари (бу асосан АҚШда) ва кечиктирилган солиқ активлари тўла чиқариб ташланмаслиги ҳам мумкин. Бу элементларга катта қўйилмаларни чегаралаш мақсадида банклар мазкур элементлар йиғиндисининг 1 босқич базавий капитал 15 фоизидан ортиб кетадиган қисмини бу капиталдан чегиришлари белгиланган.

Базель II да 2 босқич капитал миқдори буйича ўрнатилган чекловлар (1 босқич капиталдан кўп бўлмаслиги) Базель III да бекор қилинди. 3 босқич капитал янги стандартга киритилмади. Базель II да у бозор хатарларини қоплаш учун мўлжалланган эди.

Капиталнинг сақлаб қолинишини таъминлаш ва асосий хатарларни қоплаш учун зарур миқдорга қўшимча равишда хавфсизликнинг монанд даражасига эришиш мақсадида Базель III да капитални ҳисоблаб чиқишга капиталнинг консервацион буфери ва капиталнинг циклга қарши буфери қўшиб қўйилган. Уларнинг яратилиши банк капиталини режалаштиришнинг таркибий қисми бўлиб, фойдани дивидендлар тўланишига, ўз акакцияларини сотиб олишга, ходимларга бонуслар тўлашга йўналтирилишини қисқартириш ва (ёки) хусусий сектордан янги капитални жалб этиш орқали амалга оширилади.

Капиталнинг консервацион буфери (Capital conservation buffer) ВР нинг 2,5 фоизига тенг миқдордаги капиталнинг захирасидир. У тушқунлик давридан ташқари пайтларда 1 босқич базавий капитал миқдорига белгиланган ВР нинг 4,5 фоизи даражасидаги регулятор талабга қўшимча равишда таъминлаб турилиши лозим.

Улар биргаликда ВР нинг 7 фоизини ташкил этади. монанд тарзда умумий капиталга (ВР нинг 8 фоизи) нисбатан ҳам қўшимча характерда, яъни улар биргаликда ВР нинг 10,5 фоизини ташкил этади. Бунга риоя этилмаса, фойданинг таксимланишига чекловлар қўйилиши талаб этилади.

Циклга қарши буферни яратишга талаб молиявий тизим микёсида иктисодиётнинг реал секторида иктисодий тушқунликка олиб келиши мумкин бўлган муаммолар кучайганда ўрнатилади. Иктисодий тушқунлик арафасида кредитлашнинг ҳаддан зиёд ўсиши содир этилган бўлса банк тизимида ҳам катта зарарлар эҳтимоли вужудга келади. Циклга қарши буфер назоратчи орган томонидан активларнинг тизимли хатарни келтириб чиқарадиган даражада ортикча ўсиши кузатилганда ўрнатилиши мумкин. Циклга қарши буферга талабларни ўрнатиш ҳақида қарор қабул қилишда назоратчи органлар амал қиладиган қоидалар ва уни ҳисоблаб чиқиш методологияси Базель қўмитасининг "Капиталнинг циклга қарши буферидан фойдаланиш бўйича миллий органлар учун кўрсатма"да баён қилинган (Basel Committee on Banking Supervision. Guidance for national authorities operating the countercyclical capital buffer. – Bank of International Settlements, December 2010/ - mode of Access: <http://www.bis.org/publ/bcbs187/pdf>).

Циклга қарши буфердан фойдаланиш қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- ваколатли органлар томонидан кредитлаш ўсишини ва бутун тизимда кредит хатари ортиши ҳақида гувоҳлик берадиган бошқа кўрсаткичларни мониторинг қилиш, кредитлашнинг ҳаддан зиёд кенгайиши ва кредит хатари ўсишининг келажакдаги ортишини баҳолаш; зарур бўлганда юқоридаги баҳоларга таяниб циклга қарши буферга талабларни ўрнатиш;

- халқаро операцияларни амалга оширувчи банклар томонидан кредит хатарига дуч келаётган позицияларнинг географик жойлашувини текшириш; циклга қарши буфер бўйича ҳар бир позицияга талабларни банкнинг ўзи учун ҳисоблаб чиқиш, турли юрисдикциялардаги кредит хатари хос позициялар учун талаблар ўртача тортилган миқдорларини ҳисоблаб чиқиш;

- циклга қарши буферга талаблар ўрнатилиши капиталнинг консервацион буфери миқдорини оширади, талабларга риоя этилмаганда банкка нисбатан тўловларга чекловлар жорий этилади.

Циклга қарши буфер ВР нинг 0 - 2,5 фоизи миқдорида ташкил этилиши мумкин. Банклар циклга қарши буфер бўйича талабларга мослаша олиши учун унинг миқдори ёки миқдорининг оширилиши ваколатли орган томонидан 12 ой

олдин эълон килинади. Буфер микдорининг камайтирилиши хақидаги қарор эса уша захоти кучга киради.

Базель II ва Базель III даги норматив капитал стандартларига талаблар жадвалда келтирилган

Элементлар	Базель I ва Базель II Қоидалари	Базель III нинг янги қоидалари
Капиталга минимал талаблар	1 босқич базавий капитали/ хатарлар микдори (BP)= ёки > 2% 1 босқич капитал/BP)= ёки >4% Умумий капитал/BP)= ёки >8%	1 босқич базавий капитали/BP = ёки >4,5% 1 босқич капитал/BP)= ёки >6% Умумий капитал/BP)= ёки >8%
Инновацион	1 босқич капиталга киритилган диганлар (1 босқич капиталнинг 15% идан кўп бўлмаган микдор- да)	Аста-секин чиқариб ташланади
3 босқич капитал	1 босқич капиталнинг 250 % идан ортмаслиги керак, бозор хатарларини қоплаш учун мўлжалланган	Бекор қилинди
Чекловлар	2 босқич капитал < ёки = 1 босқич капитал	Бекор қилинди
Тузатишлар/чегирма алар (гудвилдан ташқари)	1 босқич капиталдан 50% ва 2 босқич капиталдан 50%	1 босқич базавий капиталдан 100%
Консервацион буфер	Йўқ	BP га нисбатан 2,5 % (BP га нисбатан 4,5% бўлган 1 босқич капиталга қўшимча равишда)
Циклга қарши буфер	Йўқ	BP га нисбатан 0 – 2,5%

Банк талабларини бошқариш нуктаи назаридан банк капиталига баҳо беришда қуйидаги кўрсаткичлар қўлланади.

Левеж кўрсаткичи (Leverage Ratio):

$$\frac{\text{Ўбсқич капитал} \times 100}{\text{Хатарлар жами суммаси (балансдаги ва балансдан ташқари)}} = \text{ёки} > 3\%.$$

Ликвидликни қоплаш қозғициенти (Liquidity Coverage Ratio):

$$\frac{\text{Юқори ликвидли активлар жами}}{\text{Яқин 30 кунда пул маблағларининг соф қикиб қетиши}} = \text{ёки} > 100\%.$$

Бу кўрсатқич ликвидлик жиддий тушқунлиги шароитида банкнинг яқин 30 кундаги ликвидлигини таъминлаб туриш нуқтаи назаридан юқори ликвидли активлар даражасини қувватлаб туриш заруриятини ифодалайди.

Соф барқарор фондлаш кўрсатқичи (Net Stable Funding Ratio, NSFR):

$$\frac{\text{Мавжуд барқарор молиялаштириш ҳолати}}{\text{Фондлашнинг зарур ҳажми}} = \text{ёки} > 100\%.$$

Базель қўмитасининг янги талаблари капитал базанинг шаффофлигини оширишга қаратилган. Мувофиқ равишда капиталнинг барча элементлари бухгалтерия ҳисоби маълумотларига мутаносиб тарзда очиб берилиши, шунингдек барча норматив тузатишлар ҳақида ва капиталдан қегирилмайдиган элементлар ҳақида, капиталнинг эмиссияланувчи дастаклари асосий тавсифлари ҳақида ва бошқа шу қаби маълумотлар, яъни манфаатдор томонлар банк билан муносабатларда муносиб қарорлар қабул қила олишлари учун зарур ахборот очиб берилиши лозим. Бу эса банк учун ҳам, унинг контрагентлари учун ҳам хатарларни қамайтиради.

Базель қўмитаси томонидан Базель III қондаларини 2010 - 2018 йилларда жорий этиш режаси ишлаб қикилган.

V-мавзу

Кредитлаш жараёнига хос хатарларни тартибга солиш

V.1. Кредит сиёсати зарурлиги ва мазмуни кредит жараёнига хос хатарларни минималлаштириш воситаси сифатида

Иктисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитларида кредит муносабатларининг вужудга келиш доираси кенгайиб бормоқда. Ҳозирда тижорат банкларидан ташқари ҳам кўплаб кредит муассасалари иш олиб бормоқдалар. Кредитлаш бўйича хизматлар бозорида рақобат шаклланиб ва ривожланиб бормоқда. Кредитлаш операциялари кўламларининг жадал равишда кенгайиб бориши кузатилмоқда. Бундай шароитларда тижорат банклари ўз даромадларини ошириб борган ҳолда банк фаолиятидаги хатарларни камайтиришга эришишлари учун оқилона кредит сиёсатини ишлаб чиқишлари ва уни собиткадамлик билан амалга оширишлари лозим.

Умуман олганда кредит сиёсатини ишлаб чиқиш нафақат кредитлаш жараёнини ташкил этишнинг муҳим томони, балки бу жарённи энг кам хатарлар билан йўлга қўйишнинг жиддий шартидир. Бу кредитларни бошқаришнинг асоси демакдир. Тижорат банкларининг кредит сиёсатини мазмунан қуйидагиларни ўз ичига олади:

- банк кредит портфелини аниқлаш ва шакллантириш;
- банк бошқаруви раисининг кредит бўйича жавобгар ўринбосари, кредит қўмитаси раиси ва кредит инспекторига юклатиладиган ваколатлар рўйхати;
- банк кредит хизмати ҳуқуқларини ўтказиш ва ахборот тақдим этиш бўйича жами мажбуриятлар;
- кредит аризалари бўйича текшириш, баҳолаш ва қарор чиқариш тизими;
- кредит аризаларига илова қилинадиган зарурий ҳужжатлар ва кредит ишида сақланиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати (қарздор молиявий ҳисоботи, кредит шартномаси, гаров ёки кафиллик шартномаси ва бошқалар);
- кредит ишлари сақланиши ва текширилиши учун ким жавобгарлиги ва ким, қандай ҳолатларда уни олиш ҳуқуқига эгаллиги тўғрисида батафсил маълумот;
- кредит билан таъминлашни қабул қилиш, баҳолаш ва амалга оширишнинг асосий қоидалари;

- барча кредитлар сифатини белгилайдиган меъёрлар баёни;
- энг юкори кредит имтиёзларини белгилаш ва кўрсатиш (кредит суммалари ва банк ялпи активларнинг энг юкори нисбати);
- банк хизмати кўрсатадиган минтақа, кредит кўйилмаларининг асосий қисми жорий этиладиган тармок, иктисодиёт соҳаси ёки тармоги;
- муаммоли кредитлар ташхиси ва тахлили, бунда муаммоларни қандай ҳал этилиши эҳтимоли кўрсатилади.

Албатта кредит сиёсати банк фаолиятидаги умумий сиёсатнинг - банк сиёсатининг таркибий қисмидир. Ўз навбатида, банк сиёсати - банкнинг депозит сиёсати, кредит сиёсати, фоиз сиёсати, валюта сиёсати, миқдорларга касса-ҳисоб хизматини кўрсатиш сиёсати ва бошқа хизматларни кўрсатиш бўйича сиёсати. Банкларнинг ликвидлигини таъминлаш сиёсати, кадрлар сиёсати мажмуасидан иборатдир.

Кредит сиёсатининг моҳияти тўғрисида баъзи иктисодчиларнинг фикрларини келтириб ўтиш мумкин. Россия иктисодчиси Г. С. Панова кредит сиёсатнинг таркибига банкларнинг ресурсларни жалб қилиш билан боғлиқ фаолиятини ҳам қўшган ҳолда қараш зарур деб уқтиради¹. Унинг фикрича, банкларнинг депозит сиёсати билан кредит сиёсатининг келиб чиқиш асоси бир деб қаралиши зарур. Таъкидлаш лозимки, депозит сиёсат бирламчи, кредит сиёсати эса иккиламчидир. Лекин бир-бири билан боғланмаган ҳолда уларнинг ҳар бири етарли даражада самарали бўла олмайди. Бу сиёсат турларининг умумийлиги мавжуд бўлиб, у қуйидагиларда юзага чиқиши мумкин:

- биринчидан, депозит сиёсати ва кредит сиёсати бирлашган ҳолда банк сиёсатини ташкил қилади;
- иккинчидан, депозит ва кредит сиёсатларининг охириги натижаси бир, яъни банкнинг даромадини ошириш ва унинг ликвидлигини таъминлашга қаратилган бўлади;
- учинчидан бу сиёсат турлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, депозит сиёсатини бўлиши кредит сиёсати ўтказилишини тақозо қилади.

Бу таърифнинг ижобий томони шундаки, унда кредитлаш жараёнида хатарлар бўлишининг ва кредит портфелини самарали бошқариш учун кредит сиёсати зарурлиги таъкидланган. Шу билан биргаликда бу таърифда энг муҳим нарса - кредит сиёсатининг кредит жараени ва у билан боғлиқ хатарлар пайдо бўлишидан

¹ Панова Г. С. Анализ состояния коммерческого банка. М. «ФиС», 1996.

олдин ишлаб чиқилиш ва бу сиёсат шу рисклар юзага келишига йўл қўймаслик учун ишлаб чиқилаётганлиги, банк раҳбарияти ва ходимлари учун кредит сиёсати кредитлаш бўйича олдиндан белгилаб олинган қоида ва ечимлар, банкнинг стратегия ва тактикаси эканлиги эътиборга олинмаган.

Ҳозирги кунда кредит сиёсатини ишлаб чиқишда ҳар бир тижорат банки мустақилликка эга бўлиб, уларда кредит сиёсатининг моҳияти, мақсади ва таркиби такомиллашиб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг фаолиятида ҳужалик субъектларини кредитлаш функцияси биринчи даражали аҳамиятга эга бўлганлиги учун банклар фаолиятининг самарадорлиги ва ликвидлигини таъминлаш аввало банкларнинг кредит сиёсатини тўғри ишлаб чиқишга эътибор беришни тақозо қилади. Банклар оладиган даромадлар унинг актив операциялари натижасида, асосан кредит операциялари туфайли вужудга келиши банклар томонидан кредит сиёсатини оқилона танлаш ва ўтказишнинг аҳамиятини оширади.

Кредит сиёсати кредит муносабатларига таянади.

Кредит муносабатларининг амалга оширилиши учун унинг икки асосий шартининг, биринчидан, кредит муносабатлари субъектининг бўлиши ва иккинчидан, кредит муносабатлари объектининг бўлиши зарур. Кредитнинг субъектлари бу қарз берувчи томон - кредитор ва қарз олувчи томон - қарздор. Кредитнинг объекти эса, банк миқёсида оладиган бўлсақ, қарзга берилиши (олиниши) мумкин бўлган вақтинча бўш пул маблағлари ҳисобланади.

Кредит сиёсати томонлар ўртасида кредит муносабатларининг самарали амалга оширилишини таъминлаши лозим. Шунинг учун кредит сиёсати кредитлаш жараёнида юзага келувчи хатарларни ва банкнинг кредит портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмаларни ўзида акс эттиради. Ҳар бир банк ўзининг кредит сиёсатини мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий, географик, ташкилий ва бошқа банк фаолиятига таъсир килувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқади.

Кредит сиёсати банк стратегиясининг бир бўлаги сифатида стратегик жиҳатдан, кредит бозорида банкнинг ҳаракат қилишидан қўзлаган мақсадини, тамойилларини ва йўналишларини ўз ичига олади, тактик жиҳатдан эса молиявий ёки бошқа воситаларни, кредит битимларни амалга оширишдан банкнинг мақсадларига эришиш йўналишларини ва қоидаларини ҳамда кредит жараёнини ташкил этиш тартибларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида хулоса қилиб айтганда, кредит сиёсати кредит хатарларини камайтириш орқали банкнинг хавфсизлиги, ликвидлиги ва

рентабеллигини таъминлаш мақсадида кредитлаш бўйича олдиндан белгиланганда ва ечимлар мажмуи асосида ташкил қилинган кредит портфелини бошқариш соҳасидаги банкнинг стратегия ва тактикасидир. Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда мустақил ўзининг кредит сиёсатини ишлаб чиқиши ва олиб бориши мумкин.

Одатда ссуда операцияларидан фойзалар банк фойдасининг асосий қисмини ташкил қилади. Шу боис банклар ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқишда ва олиб боришда ссуда операцияларига алоҳида эътибор қаратади. Банкнинг кредит операциялари олиб борилиши ва уларнинг самарадорлиги учун масъулият банкнинг бошқаруви зиммасига юкланади.

Банкнинг бошқаруви кенгаши кредитларни бериш билан боғлиқ вазифаларни бошқарув тизимининг қуйи табақаларига юклайди. Кредит сиёсатини амалиётга жорий этишнинг ташкилотчиси сифатида иш олиб боровчи Банк кредит комиссияси кредитларни қайси соҳаларга бериш, кредит беришнинг умумий тамойиллари, уни беришдаги чекланишлар ва бошқаларни ишлаб чиқади ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилиб боради.

Ривожланган мамлакатларнинг йирик банкларида одатда кредит сиёсати тўғрисида меморандум ишлаб чиқилади ва банкнинг барча ходимлари ўз фаолиятларини шу меморандумнинг талаблари асосида юритадилар. Меморандумнинг мазмуни ва таркиби ҳар бир банкнинг фаолият хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил, лекин у банк фаолиятининг асосий йўналишлари қай тарзда иш олиб борилишини ўз ичига олади. Меморандумда акс эттирилган банк фаолияти сиёсати асосан ва кўпроқ ишончли ва фойда келтирувчи кредитлар бериш, унда мавжуд кредит ресурсларни ҳисобга олиш, бериладиган кредитларнинг қайтиш эҳтимоли даражасини аниқлаб бориш, кредит беришнинг охириги чегарасини белгилаб бериш ва бошқа қоидаларни ўзида мужассамлаштирган бўлади.

Меморандумда қайси кредитларни бериш банк учун фойдали ва қайси кредитларни беришдан банк сакланиши лозимлиги, банк ходимларига кредитлар бериш, кредитларнинг сифатини назорат қилиш шакллари ва бошқалар кўрсатилади.

Бунинг учун қуйидагилар аниқланади:

- банк учун маъқул бўлган кредитларнинг турлари;
- қандай кредитларни беришдан банк ўзини саклаши;
- кўнгилдагидек бўлган қарзларнинг таркиби;
- кўнгилисиз қарзларнинг таркиби;

- банкнинг кредитлаш билан боғлиқ фаолияти доираси;
- банкнинг ўз ходимларига кредит бериш доирасидаги сиёсати;
- карздорликнинг ҳар хил даражаларига кўра кредитларнинг ҳажмини кискартириш;
- кредит хатарини бошқариш, текширув ва назорат доирасидаги банк сиёсати.

Америка банкларининг меморандуми кўпинча 5 бўлимни, яъни умумий коидалар, кредитлар категорияси, кредит сиёсатининг ҳар хил масалалари, кредит портфели сифати устидан назорат ҳамда банк қўмитаси тўғрисидаги бўлимларни ўз ичига олади.

Юқорида кайд этилганидек, Ўзбекистонда тижорат банклари мустақил равишда ўз кредит сиёсатларини ишлаб чиқадилар. Тижорат банкларининг кредит сиёсатида асосий масалалар кредитлар беришда бошқарув тизими турли поғоналарининг ваколатларига, кредит турлари, кредитларни тўлаш, фоиз ставкалари, кредит бўйича гаров қиймати ва унинг баҳоси, мижоз тўғрисида молиявий ахборот, ўз вақтида тўланмаган ва муддати кечиктирилган кредитлар, Банк кенгаши ва Банк бошқарувига такдим этиладиган хисоботлар, кредитларнинг концентрацияси, алоқадор шахслар билан ишлаш тамойиллари, хатарларни баҳолаш, кредит портфелини аудит қилиш каби йўналишларни ўз ичига олиши кўзда тутилган.

Тижорат банклари кредит сиёсатини ишлаб чиқишда фаолият йўналишлари бўйича аниқ маълумот ва ҳужжатларга эга бўлишлари, кредит сиёсатини амалга оширишда эса сифатли ишлаб чиқилган бизнес-режаларга таянишлари банкларни олдиндан катта хатарлардан химоя қилишда муҳим роль ўйнайди.. Банклар томонидан бериладиган кредитлар республикани иктисодий жихатдан ривожлантиришга, инфратузилмани такомиллаштиришга, устувор, экспорт салоҳиятини кенгайтирувчи соҳаларга йўналтирилган бўлиши керак.

V. 2. Кредит сиёсати кредит жараёнига хос хатарларни минималлаштириш воситаси сифатида

Кредит сиёсатини малакали тузиш ва изчил амалга ошириш, бу жараёнларда банк бошқарувчисидан тортиб, то банк операторигача бўлган барча иштирокчиларнинг банк ва унинг мижозлари манфаатларини астойдил ҳимоя қилган ҳолда иштирок этиши банк фаолиятидаги ортикча хатарлардан ҳоли бўлиш, банк кредитлашини тўғри олиб бориш имконини беради. Шу билан бирга кредит

сиёсати сиёсий, иктисодий ва ҳуқуқий меъёрлар ва шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда тузилиши мақсадга мувофиқдир.

Тижорат банкларининг пухта ишлаб чиқилган ва оқилона олиб борилаётган кредит сиёсати банкнинг бутун фаолияти жорий ва узок муддатли самарадорлигига эришишнинг жуда муҳим воситасидир ва кредит менежментининг асоси бўлиб хизмат килади. Бу сиёсат банк ходимларининг кредит бериш, банкнинг кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ иш фаолиятини банк манфаатлари дахлсизлигини таъминловчи объектив стандартлар ва мезонларга буйсундиради.

Банк катта-кичиклигидан, унда кам ёки кўп ходим ишлашидан қатъий назар кредит сиёсати банкда бўлиши керак. Мамлатимиздаги банк қонунчилигида бу коида мустаҳкамалаб қўйилган. Бу борада Марказий банк белгилаб берган умумий коида ва тамойилларнинг бажарилиши барча банкларда операциялар бажарилишидаги бир хилдаги кетма-кетликни ва шу орқали кредитлаш жараёнининг етарли даражада шаффофлигини таъминлайди. Кредит сиёсатини самарали олиб боришда банк ходимлари ўз мижозларининг маблағларини кимларга фойдаланишга бериш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқ ва яққол кўриниб туради. Демак, банк ресурсларни суистеъмол қилишга имкон берилмайди.

Банк фаолияти давомида қандай кредитлар, қанча миқдорда, қандай шаклда, кимга, қандай шартлар билан бериш кераклигини ҳал қилиши зарурияти доимо юзага келиб туради. Аини пайтда эса банк фаолияти ҳар бир йўналиши муайян ҳаттарлар билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун кредит сиёсати банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган хатарли ҳолатларнинг олдини олишга қаратилади. Ёунинг учун эса депозитлар ва кредитлар ўртасидаги нисбатнинг, банк капитали ва мажбуриятлари ўртасидаги нисбатнинг ва бошқа кўрсаткичларнинг маълум чегаралардан ташқарига чиқмаслиги такозо этилади. Хатарларни чеклаш мақсадларидаги оқилона кредит сиёсати бериладиган кредитларни сифатини оширишга хизмат килади. Хатарларни чеклаш бўйича ишлар бошқарув жараёнидаги муҳим йўналиш бўлиб, фондларнинг етарлилигини, хатарларни сифат бўйича турқумлаш ва таҳлил қилишни, кредит портфели баланслашганлигига эришишни, мажбуриятларни таркибий қисмларга ажратиш ва бошқариш каби элементларни ўз ичига олади.

Шунингдек, тижорат банкининг кредит сиёсати кредит бозорини таҳлил қилиш ва кредит энг кичик хатарга эга бўлган мақсадли бозорларни аниқлаш; маблағларни депозитга жалб қилиш; кредитлаш жараёнида юқори самарадорликка эришиш;

банкнинг депозит ва кредит портфелини бошқаришни оптималлаштириш; муаммоли кредитлар салмоғини камайтириш; банкнинг ликвидлиги ва тўловга лаёқатлигини таъминлаш каби масалаларни ўз ичига олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида" ги 21 март 2000 йил 21 мартдаги Фармони тижорат банкларининг фаолият олиб боришида ва шу жумладан кредит сиёсатини ишлаб чиқишларида уларга мустақиллик берилишига йўл очиб берди. Эндиликда тижорат банклари ўзларининг кредит сиёсатларини мустақил ишлаб чиқмоқдалар. Чунки ҳамма банklar учун тўғри келадиган, ягона кредит сиёсати мавжуд эмас. Алоҳида олинган тижорат банки банкнинг фаолиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи хатарларни инобатга олган ҳолда минтақа, вилоят, тумандаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳолатдан келиб чиқиб, ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқишлари энг яхши самара беради. Банкнинг аниқ кредит сиёсатига эга эмаслиги банк хатарларини оширади. Кредит сиёсатининг аниқ эмаслиги белгилаб қўйилган вазифаларининг тўлиқ бажарилишига ва ундан қутилган самарага эришишга тўсқинлик қилади. Банкнинг кредит сиёсати олиб борилиши кредит портфелининг самарали натижасини таъминлаш га қаратилган. Бу сиёсат банкнинг кредит портфели шаклланишига таъсир қилувчи омилларни алоҳида эътиборга олади. Улар ичида банкнинг хизмат кўрсатиш бозори, ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан ҳар бир банк ўзи танлаган бозор секторидagi асосий мижозларнинг қарз маблағига бўлган талабини ҳисобга олиши керак.

Маълумки, кредит портфелининг таркиби банк капиталининг миқдорига ҳам боғлиқ. Бу ўз навбатида ҳар бир қарз олувчига бериладиган кредитнинг энг юқори миқдорини аниқлаб қўйиш учун асос бўлиши мумкин. Республикада йирикрок банklar одатда улгуржи кредиторлар бўлиб, ўзларининг кредит ресурсларининг асосий қисмини йирик корхоналар ва бошқа тадбиркор фирмаларга йўналтирадilar. Лекин, шу вақтнинг ўзида банк хизматлари соҳасида рақобатнинг кучайиб бориши билан барча банklar, шу жумладан йирик банklar ҳам жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга йирик бўлмаган кредит беришмоқда.

Хатарларни амалда чеклаб туришга эришилиши учун ҳар қандай банкда кредит сиёсатининг батафсил таснифи катта аҳамиятга эга. Бунда кредитлаш бўйича ҳамма қилинадиган ишлар ва банк ходимларининг шу ишлар бўйича вазифалари ҳам кўрсатилади. Банкнинг кредит сиёсатига оғинмай амал қилиниши банкка шундай кредит портфелини гашқил қилишга ёрдам берадики, бунда банк ишидан қўзланган мақсадларга эришиш анча осонлашади. Бу мақсадларга - банк фойдалилигини

таъминлаш, хатарларни бошқариш ва уларнинг устидан назорат, банк фаолияти доирасидаги қонунларга риоя қилиш кабилар қиради.

Кредит сиёсатидан чекинмишлар одағда салбий оқибатларга олиб келади. Агар банк фаолиятида бундай ҳолат вужудга келадиган бўлса, у албатта хужжатлаштирилиши, асосланиши ва мустасно тавенфига эга бўлиши керак. Шу билан бир вақтда кредит сиёсатини аниқлаштириб берувчи ички низомлар етарли даражада мослашувчан бўлиши керак. Бу эса сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларнинг барча асосий ўзгаришларини ҳисобга олиши таъминлайди.

Республикамизда иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитларида банк ишини замонавийлаштириш ва такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишларнинг ижобий натижаларидан бири ҳозирги пайтда барча тижорат банкларида ўз кредит сиёсатининг ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширилаётганлигидир. Кредит сиёсати таркибидаги барча банклар учун умумий элементлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- кредит сиёсатининг мақсади;
- кредит бўлими ходимлари ваколати;
- кредит кўмитаси ва унинг вазифалари;
- банк фаолиятининг асосий йўналишлари;
- кредит хатарларини бошқариш бўлими ва унинг вазифалари;
- кредитнинг таъминланганлиги ва гаров;
- кредитлаш бўйича хужжатларга талаблар;
- ҳуқуқий бўлим вазифалари;
- кредит сиёсатини амалга ошириш;
- кредит портфели ва уни бошқариш;
- кредит мониторинги;
- кредитлаш жараёнини ташкил қилишнинг умумий меъёрлари;
- кредитнинг турлари;
- банк кредит портфели умумий суммасининг текланганлиги;
- кредитларни тармоқлар бўйича диверсификациялаш;
- кредитлашда фоиз сиёсати;
- молиявий ахборот ва гаров;
- кредитларнинг сифатини баҳолаш ва захиралар ташкил қилиш.

Бундай таркиб ва талабларни ўз ичига олган кредит сиёсати қўпгина банклар томонидан амалиётда муваффақиятли қўлланилмоқда. Албатта, ҳар бир банк ўз

фаолятининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кредит сиёсати мазмуни ва таркибини белгилаб олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тижорат банклари томонидан аниқ кредит сиёсатининг иктисодий моҳиятини тўла тушуниб олинishi ва изчил риоя этилиши банк фаолятида юзага келиши мумкин бўлган хатарлани чеклашнинг жуда муҳим шартидир.

V.3. Марказий банкнинг тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан талаблари

Марказий банкнинг тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан талаблари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2000 йил 22 февралда тасдиқланган, 429-сон, ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 2 мартда рўйхатга олинган, 905-сон, Низомда ифодаланган. Унга кўра, банкнинг кредит сиёсати - кредитлаш жараёнида юзага келувчи таваккалчиликни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир. Кредит сиёсати банкнинг кредит фаоляти мақсадларини аниқ кўрсатиши ва аниқлаб бериши шарт. Тижорат банклари кредит сиёсати алоҳида ҳужжат сифатида ишлаб чиқилади ва банк Кенгаши томонидан тасдиқланади. Ҳар бир банк ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалда жорий этиши лозим. Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва ижро эташ юзасидан жавобгарлик банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзолари, банкнинг бошқа мансабдор шахсларига юклатилади. Кредит сиёсатининг характери банк кредит портфелининг таркибига, банк ўз фаолятини амалга ошираётган ҳудуднинг иктисодиётига қараб аниқланиши лозим.

Кредит сиёсати банк фаоляти турларига қараб мазмуни ва тузилмаси жиҳатидан фарқ қилади. Кредит сиёсатининг йўналишларида берилаётган кредитларнинг ҳажми ва шакли, қиски ва узок муддатли кредитлар ўртасидаги нисбат, молиявий ахборотларни ташкил этиш жараёни, кредит портфели ҳамда маблағларнинг қайтарилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар акс этгирилиши лозим.

Низомда таъкидланадиги, ҳар қандай кредит сиёсатининг мақсади одатда узок муддатли инвестициялардан акциядорларга юқори даромад келишини таъминлаш, ликвидликни сақлаб туриш, таваккалчиликни диверсификация қилиш, сиёсат ва тадбирлар бирлигини кафолатлаш, қонулар ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш, ҳудуднинг кредитларга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат бўлади. Кредитлашнинг стратегик йўналишлари банк Кенгаши томонидан белгиланади ва тасдиқланади. Кредит сиёсати кредит бериш жараёнига жалб этилган кредит ходимларининг лавозими ва ваколатларига қараб уларнинг ҳар бири учун кредитлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ва кредит миқдорини чеклаш тартибини белгилаб беради. Кредитлаш учун масъул бўлган барча шахслар ваколатлари кредит сиёсатида қайд этилади.

Кредит қўмитаси мажлислари ва унинг банк бошқарув органи олдида ҳисобот бериши даврийлиги ҳам кредит сиёсатида белгилаб қўйилиши керак.

Низомда таъкидланадиги, кредит сиёсати банк томонидан бериладиган кредитлар тоифаси ва турларини аниқлаши ва белгилаши лозим. Масалан, кредитлаш соҳалари бўйича: тижорат фаолияти, саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қўйилмаларни молиялаш ва бошқалар. Кредит турлари бўйича: «кредит линияларини очиб ва очмай» кредитлаш, ломбард ва вексель кредитлари ва бошқалар. Шунингдек, кредит сиёсатида махсус ссудаларни бериш директив тамойиллари аниқ ифодаланган ҳолда мазкур банк учун мос келмайди ёки мақбул бўлмайди, деб ҳисобланувчи қредят турлари ва тоифалари ҳам кўрсатилган бўлиши керак.

Марказий банк томонидан тижорат банкининг кредит сиёсати кредитлашнинг турли кўрсаткичлари (кредит турлари, икгисодиёт тармоқлари, жуғрофий ҳудудлар ва бошқалар) бўйича кредитларнинг тўқиланиши даражасини аниқлаш ва уни мониторинг қилиш тўғрисидаги тартиб-қоидаларни ўз ичига олиши зарурлиги талаби қўйилган. Кредит сиёсати раҳбарият нуктаи назаридан ҳар хил тоифа ва турдаги кредитларни тўлашнинг маъқул дастурларини белгилаб бериши зарур. Кредит сиёсати кредитлар беришнинг максимал муддатларини белгилаши лозим. Ушбу сиёсат шунингдек, кредитнинг асосий суммасини кредит тўлаш муддатининг сўнгида ва кредит тўлашнинг бошланғич муддати узайтири-лаётганда қайтариладиган кредит турларини бериш тартибини ҳам ўз ичига олиши керак. Кредит сиёсати тўловларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш, маблағларнинг қайтарилиши ва берилган кредитлар бўйича қарзни ундириб олиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олиши керак.

Низомда банк кредит сиёсати кредит бериш босқичида ҳам, кейинги мониторинг босқичларида ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг молиявий ҳисоботларига нисбатан қўйиладиган талабларни ўз ичига олиши керакки кўрсатишган. Банкка топширилаётган молиявий ҳисоботларнинг аудиторлик текширувларидан ўтказилганлиги юзасидан қўйиладиган талаблар аниқ ифодалангани зарурлиги кайд этилган. Молиявий ҳисоботлар Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мослаштириб тақдим этилиши керак.

Кредит сиёсатида потенциал қарздорларнинг кредит қобилиятини (ликвидлик, қоплаш, мухторят коэффициентлари, капиталлаштириш даражаси, гаров таъминоти экспертизаси ва бошқалар) аниқлаш учун уларнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш тартиби батафсил ёритилиши лозим. Банк қарздорларнинг кредит қобилияти мезонлари ва уларни баҳолаш методикасини аниқ белгилаб олиши керак.

Кредит сиёсати муайян турдаги бойликлар (қўчмас мулк, автомобиллар ва бошқалар) гарови асосида бериладиган ссудаларнинг максимал миқдори лимитларини ўз ичига олиши ҳамда таъминланган ссудаларнинг ҳар бир тури учун кредит ҳужжатлари тўпламини расмийлаштириш тадбирларини белгилаши лозим. Банк кредит сиёсатида гаров кредитлашнинг уни бериш вақтидаёқ кредитни тўлаш манбаси ҳисобланган ягона асос бўлмаслиги белгилаб қўйиши зарур.

Кредит сиёсати гаровга олинган мулк турига қараб гаров объектига нисбатан қўйиладиган талабларни ва кредитнинг гаров қийматига нисбатини ўз ичига олиши керак. Мазкур бандда гаров мавзуи синчиклаб баҳоланиши ва унинг бозор қиймати уни сотиш лозим бўлган пайтда юзага келиши мумкин бўлган зарар ўрнини қоплаши лозимлиги аниқ ёритилиши зарур.

Кредит сиёсати тўғрисидаги ҳужжатда гаров объекти мустақил баҳоловчи ва ички банк баҳоловчиси томонидан баҳоланадиган ҳоллар кўрсатиб ўтилиши керак. Турли гаров топфаларини баҳолаш услублари батафсил аниқ этирилиши лозим. Сиёсат қўчмас мулк, ишлаб чиқариш жиҳозлари ва истемол кредитларини молиялаш учун бериладиган кредитларнинг қарз объекти қийматининг муайян қисми қарздор томонидан бундай тўловлари сифатида қайтарилишига тўланишига доир аниқ талабларни ўз ичига олиши зарур.

Кредит сиёсатида кредитларни таснифлаш тизими аниқ ифодаланиши лозим. Кредит ходимлари кредит портфелидаги барча маълум бўлган салбий ўзгаришлар тўғрисида раҳбариятга хабар беришлари керак. Қарздор ёки гаров аҳволи

Ёмонлашишини олдиндан аниқлаш эҳтимоли тўқотишларни камайтириш учун жуда муҳимдир.

Кредит сиёсати кредитларнинг барча тоифалари бўйича «тўловсизлик» тушунчасининг аниқ ифодалаб бериши, фоизларни ўстирмаслик мезонларн, шунингдек, банк Бошқаруви ва Кенгашининг тегишли ҳисоботларига нисбатан талабларни ўз ичига олиши долзарбдир. Ҳисоботларда аҳволнинг ёмонлашиши, яширин зарарлар сабаблари ва соғломлаштириш режалари батафсил баён қилиниши талаби ҳам кредит сиёсати тўғрисидаги ҳужжатда мавжуд ақс этиши лозим.

Кредит сиёсати банкнинг масъул ходимлари олдига қарзларни қайта-ришга доир изчил, босқичма-босқич чора-тадбирлар кўрилиши талабини кўйган бўлиши керак. Раҳбарият Марказий банк томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ кредитларни ҳисобдан чиқариш тадбирларини ишлаб чиқиши лозим.

Кредит сиёсати турли кредитлар ва қарздорлар бўйича белгиланувчи фоиз ставкаларини аниқлашда фойдаланиладиган омилларни ўз ичига олиши керак. Бунда ҳеч бўлмаганда ресурслар қиймати, кредит бўйича хизмат кўрсатишга доир қўйилган харажатлар, воситачилик ҳақи, маъмурий сарфлар, эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ва банк маржаси баҳолаиши зарур.

Банк билан боғлиқ шахсларга бериладиган кредитлар бўйича кредит сиёсати Марказий банк талабларига мувофиқ келувчи лимитларни ўз ичига олиши керак. Кредит сиёсатида банк билан боғлиқ шахслар билан битимларни қисқартириш ёки уларни тузишнинг имкониятларини нисбатан чеклаш мақсадида боғлиқ шахсларга бериладиган кредитларни тасдиқлаш ва қайта тиклаш тартиби ва тадбирлари белгилаб қўйилиши ўринли.

Кредит сиёсатида қафолатлар ва аккредитивларнинг мақсади ва ишлатилиши, мансабдор шахсларнинг бундай мажбуриятларни чиқаришга доир ваколатлари ва бундай воситалар чиқарилиши мумкин бўлган ҳоллар, шунингдек, уларга доир ҳужжатлар ва ҳисоботларга нисбатан қўйиладиган талаблар батафсил ёритилади. Балансдан танқари мажбуриятларни беришда молиявий ҳисоботлар (ҳужжатлар)ни тақдим этишга оид талаблар кредитнинг исталган бошқа турларини беришда фойдаланиладиган ҳужжатлар ва ҳисоботлар билан бир хил бўлиши зарур. Тижорат аккредитивлари бўйича тўловларни ўтказиш, тўлов ва юк ортиш ҳужжатлари (юк хатлари), сугурта полислари, савдо халқаро андозалар ва тадбирларга мувофиқ талаб қилинадиган

бошқа ҳужжатларга нисбатан кўйиладиган қўшимча талаблар қайд этилиши керак.

Марказий банкнинг мазкур низомида кредит сиссати ҳужжати банк кредит портфелини вақги-вақги билан баҳолашга жавобгар бўлган мансабдор шахслар рўйхатини белгилаши ҳамда кредит портфели сифатини аниқлаш ва юзага келувчи йўқотишлар бўйича тузатишлар киритилиши муаммоли кредитларни аниқлаш учун зарур бўлган ички банк кредит таҳлили мақсадларини белгилаб қўйиши лозимлиги қайд этилган.

Таҳлил мақсадлари кредит сифатини аниқлаш билан бир қаторда кредитлаш жараёнини бошқариш сифатини баҳолаш, жумладан, тасдиқланган кредит сиссати мақсадга мувофиқлигини таъминлаш ва қонунчилик меъёрларига риоя қилиш зарурияти билан белгиланади.

Кредит сиссати банк хизматлари ва бўлиналари то-монидан Банк кенгашига ва Банк бошқарувиغا кредитлашнинг турли жиҳатлари бўйича топириладиган ҳамда кредит портфели сифати ва кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ бўлган бошқа маълумотларни ўз ичига олган ҳисоботлар тури ва даврийлигини белгилаши лозим. Ҳисоботлар филиаллар ва банк бўйича умуман кредитлаш воситалари ва йўналишларига қараб ҳатарларни баҳолаш учун бошқаришнинг турли даражаларига мослаштирилган ҳамда батафсил ёритилган бўлиши керак.

V.4. Ликвидлик ҳатарлари ва уларнинг кредитлаш жараёнига таъсирини теклаш

Ликвидлик ҳатарларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- жорий ликвидлик ҳатари, яъни жорий тўлоаларни бажариш учун ҳозирок маблағ бўлмайд қоладиган вазият;
- истикболдаги ликвидлик ҳатари, бу ҳаё келажак истикболда муддатли активлар ва пассивлар ўзаро баланслашмаганлиги туфайли тўлов қобилияти бузилишини билдиради.

Ҳатарларнинг бу гуруҳлари ҳар-хил оқибатларга олиб келади, ликвидликдаги узилишларни бартараф этиш учун турли усуллар қўлланишини талаб этади, улар муддатлари бўйича ҳар хил бўлган активлар ва пассивларга нисбатан келиб чиқади. Жорий ликвидлик ҳатари вужудга келишининг оқибатлари

қўйидагилардир: режадан танқари банклараро кредитларни жалб этишга харажатларни орттириш, юқори ликвидли активларни муддатидан илгари сотиб юборилиши туфайли олинмай қолган фойда ёки қўрилган зарар, банк обрўсига путур этиши. Истикболдаги ликвидлик хатарининг оқибатлари келажакда жорий ликвидлик хатари вужудга келиши ва фонд хатарининг пайдо бўлишидир.

Жорий ликвидликдаги узилишни бартараф этиш усуллари: банклараро кредитларни жалб этиш, маблагларни режалаштириб қўйилган жойлаштиришдан воз кечини, юқори ликвидли активларни сотиш. Истикболдаги ликвидлик хатарини бартараф этишнинг усули актив-пассив операциялар ўтказилиши сиёсатини ўзгартиришидир. Жорий ликвидлик бир ойгача муддатга эга бўлган активлар ва пассивларга тааллуқли, истикболдаги ликвидлик эса барча муддатлардаги активлар ва пассивларга дахлдордир.

Хатарни ўрганиб чиқиш натижасида икки хил лимитлар ўрнатилади: жорий ликвидлик лимити ва истикболдаги ликвидлик лимити. Биринчи лимит абсолют сумма қўринишига эга. Бу ликвидлик этишмовчилигининг (мажбуриятларининг активлардан ортиқлиги) энг юқори суммасидир. Иккинчи лимит нисбий қўрсаткич сифатида ифодаланади: ликвидлик этишмовчилиги коэффициентининг энг юқори даражаси, бу коэффициент ликвидлик этишмовчилиги ўсиб боровчи суммасининг банк активларига нисбати сифатида аниқланади.

Ликвидлик хатарини аниқлаш учун база бу банк мажбуриятлари ва уларга монанд келувчи активлардир. Банкнинг ўз маблаглари ва уларга мувофик келувчи активлар ликвидликни режалаштириш учун базадан чиқариб ташланади. Активлар ва пассивлар уларни бир бирига мувофиклигини таҳлил қилиш учун гуруҳларга ажратилади.

Юқорида қайд этилганидек, банк кассасидаги ва вакиллик ҳисоб варақларидаги пул, тез пулга айланадиган активлар, зарур бўлиб қолганда банклараро бозордан ва бошқа манбалардан жалб қилинадиган кредитлар мажбуриятларни бажаришнинг асосий манбаларидир.

Бу манбалардан фойдаланиш банк учун жиддий йўқотишларга олиб келмаслиги керак, банкнинг ушбу манбаларидан фойдаланиб олган даромади унинг маскур йўналишдаги хатарларини қоплаши лозим. Масалан, ликвид маблаглар ҳосил бўлиши манбаи ҳисобланган қимматли қоғозларни сотиш олдиндан келишилган нархларда ва муносиб равишда режалаштирилган муддатларда амалга оширилиши лозим.

Мажбуриятларнинг ўз вақтида йўқотишларсиз бажарилиши банк фаолиятига таъсир этувчи кўлаб ички ва ташқи омилларга боғлиқ. Ички омиллар жумласига банкнинг мустаҳкам капитал базаси, активлар сифати, депозитлар сифати, активларнинг ташқи манбаларга боғлиқлигининг минимал даражаси, муддатлар бўйича активлар ва пасивларнинг муносиблиги, менежментнинг тўғри йўлга қўйилганлиги, банкнинг мамлакат банк тизимида обрў-эътибори кабилар киради. Ўзбекистондаги тижорат банклариининг кўпчилигида бу омиллар мустаҳкамланиб бормокда. Масалан, «Галлабанк»да 2002 йил 1 январь ҳолига жалб этилган депозитлар суммаси 2001 йил 1 январга нисбатан 162,1 фоизни ташкил этган. Банк активларининг 81,6 фоизи жалб этилган маблағлар ҳисобидан ташкил этилган эди. Активларнинг 94,6 фоизи фойда келтирадиган активлардир.

Банк ликвидлигини қай даражада бўлиши ташқи манбаларга ҳам боғлиқ бўлиб, улар каторига банклараро кредитларни ҳам киритиш мумкин. Банклараро кредитларнинг маълум даражада бўлиши банк ликвидлигига кўрсаткичи унчалик салбий таъсир этмасдан, банкнинг ликвид маблағларига бўлган вақтинчалик қисқа муддатли эҳтиёжларни қоплаганга ёрдам беради. Лекин, банклараро кредитлар банкка жалб этилган маблағларнинг асосини ташкил этишига йўл қўйилса, бу банкнинг молиявий аҳволи ёмонлашувига замин яратади.

Банк ликвидлиги хатарини камайтиришга ташқи омил - мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ҳам жуда катта таъсир кўрсатади. Бу омил банк операцияларини ривожлантириш, банк тизими ва ундаги ахборот технологиялари такомиллашуви, банк фаолиятининг иқтисодий асоси барқарорлигини таъминлаши орқали банкнинг барқарор фаолият юритиш учун шароит яратади.

Банкнинг ликвидлиги хатарининг камайтирилиши ликвидликнинг самарали бошқарилишига боғлиқдир. Самарали бошқариш куйидагиларда ифодаланади:

- банк ва унинг ташқи муҳитининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган, аниқ ифодаланган ва ҳужжатлаштирилган ликвидликни бошқариш сиёсати ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши;
- банк турли бўлинмалари фаолиятининг самарали мувофиқлаштирилиши;
- банк ликвидлиги ҳолатини мониторинг қилиш вазифаси юкланган бўлинма мавжудлиги;
- маълумотлар базасини шакллантириш ва банкнинг активлар ва пасивлари ҳолатини таҳлил қилиш учун ахборот тизимига эга бўлиши.

Банк ликвидлигини самарали бошқарини активлар ва пасивларни бошқаришни ҳам ўз ичига олади. Ликвидлиқни бошқаришга бўлган талаблар банк балансининг актив ва пасив қисмларини бошқаришни таъминлашни лозим.

Активлар ва пасивларни бошқарини жараёнида банк менежери ликвидлик хатарини камайтиришни таъминловчи қуйидаги вазифаларни ҳал этади:

- мижозлар аниқ асосланган ва тегишли таъминотга эга бўлгандагина уларнинг кредитга бўлган талабларини қондириш (кредит хатарини минималлаштириш);

- мижознинг ўз депозитларини қайтариб олиш бўйича ҳоҳиш-истакларини қондириш (мижозларнинг банкка ишончи пасайиши хатарини бартараф этиш);

- молия бозорида банкнинг ишончилигини намойиш этиш;

- активларни зарарга соғмаслик ва шу асосда банк маблағларини йўқотмаслик;

- бозордан жалб этилаётган ресурслар қийматини чегаралаш (бу активларни жойлаштиришда имкониятларни кенгайтиради, даромад даражаси нисбатан паст, лекин барқарор даромадли инвестицияларга йўл очилади);

- банкнинг яши фойдасини оширилишига эришиш.

Актив операциялар орасида кредитлаш муҳим ўрин тутди. У банк операцияларининг барча турлари ичида энг даромадлиси ҳисобланади. Бошқарини механизми жалб жалб этилган пасивлар ҳар бир бирлигининг самарали ишлатилишига йўналтирилган. Бунинг учун нафақат қарз маблағларини жалб этиш жараёнини ташкил қилиш, балки даромадли активларга қўйиш йўли билан уларнинг етарли даромад келтирган ҳолда аввалги эгаларига ўз вақтида қайтарилишининг ишончли чоралари кўрилиши зарур. Фақат шундай ёндашувгина банкка фойдани максималлаштириш билан бир вақтнинг ўзида ликвидлик хатарини минимумга тушириб, фаолият кўрсатиш имконини беради.

Активлар ва пасивларни самарали бошқаришда уларнинг муддатлар бўйича мос келиши жуда муҳимдир. Ўзбекистон банк тизимида амал қилаётган бухгалтерия ҳисоблари режасида активлар ва мажбуриятлар ҳисоблари муддатлари бўйича фарқлаб қўйилганлиги банк ликвидлиги ҳақида ахбортни олишга ва таҳлил қилишга қулайлик туғдиради.

Банк маблағларини муддатларига қараб туркумлаш ва ҳисобга олиш актив ва пасив барқарорлигини ва монандлигини сақлаб туриш учун муҳим аҳамият касб этади. Унга суянган ҳолда жалб этилган маблағларни етарли даражада эҳтиёткорлик билан бошқарини мумкин. Муддатлар ўзаро монандлигининг энг

биринчи талаби шундан иборатки, берилган қарзларнинг қайтарилгани муддатлари жалб этилган маблағларнинг қайтарилгани талаби қуйидадиган вақтдан кечроқ бўлмаслиги лозим. Афсуски, бу қонда тез-тез бузилиб туради. Фойда кетидан қувини банкнинг хатар даражаси юқори операциялар томонга этаклайди.

Маълумки, депозитлар банк томонидан жалб этилган ресурсларнинг асосий манбаидир. Жалб этилган ресурсларни бошқарини ва даромадли активларга йўналтирини ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилини учун депозитлардан фойдаланини самарадорлигинини коэффицентидан фойдаланини мумкин. У барча ссудалар бўйича қарздорлик суммасини (с) барча депозит ҳисоблари бўйича қолдиқларга (д) нисбати билан аниқланади. Таҳлилий мақсадларда шартли мисол кўриб чиқамиз (8-жадвал).

8-жадвал.

Депозитлардан фойдаланини коэффицентинини кредит сиёсати турни кўринишларидаги миқдорлари

Банклар номи	Ссуда ҳисоблари бўйича қолдиқ, минг сўм	Депозит ҳисоблар бўйича қолдиқ, минг сўм	Депозитлардан фойдаланини коэффицентини, %
Банк А	18311	25531	72
Банк В	78834	26500	297
Банк С	134	557	24
Банк Д	214	232	92

Жадвал маълумотларига қараганда, С банкдан бошқа банклар жалб этилган депозитларни фаол равишда ссудаларга йўналтирмоқдалар. гарб адабиёти гувоҳлик беришича, депозитлардан фойдаланини коэффицентинини 75 фоиздан юқори бўлини агрессив кредит сиёсатидан далолат беради. 65 фоиздан паст бўлини эса кредит сиёсати агрессив эмаслигини кўрсатади. В ва Д банклар агрессив кредит сиёсатини юритмоқдалар. Бу банкларда ликвидлик хатари даражаси юқори, улар маблағлар кичик қисмини тула ликвид кўринишида сақламоқдалар. С банк кредит сиёсатини жуда эҳтиёткорлик билан олиб бормоқда. Бундай сиёсатни олиб боришига банкнинг депозит базасида катта ҳажмдаги ликвид активларни сақлаб туринини назарда тутувчи талаб қилингунча бўлган депозитларнинг улуши юқори эканлиги мажбур қилади.

А банки муътадил кредит сиёсати олиб бормоқда. Унинг депозитлардан фойдаланиш коэффициенти 65-75 фоиз оралигида жойлашган. Бироқ, унда ҳам агрессив кредит сиёсатига интилиш мажуд.

Банк даромадни максималлаштиришга бир томонлама эътибор қилган ҳолда хатар даражаси юкори актив операцияларни суистеъмол қилмаслиги лозим. Бунинг учун банк ихтиёридаги маблағлардан самарали фойдаланишни таъминловчи маблағларни бир кўринишдан иккинчи кўринишга айлантириш (трансформация қилиш) жараёнларини олдиндан режалаштириб, банк активлари ва пасивларини мунтазам мувофиқлаштириб бориш зарур. Банк амалиётида трансформация деб, одатда, қисқа муддатга жалб этилган маблағларни узок муддатли қўйилмаларга йўналтириш ёки, аксинча, узок муддатга жалб этилган ресурсларни қисқа муддатли қўйилмаларга жойлаштириш тушунилади.

Трансформациянинг биринчи усулидан банкнинг депозит базаси етарли даражада кенгайгандагина фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу ҳолда банкдаги талаб қилиб олингунча депозитлар ҳажми ҳам барқарор тус олади. Инфляция шароитларида эса кўпроқ трансформациянинг иккинчи усулидан фойдаланишга тўғри келади. Чунки бундай пайтда маблағларни тез айланадиган соҳаларга жойлаштирилишигина коникарли даромад бера олади.

Одатда, депозит маблағларининг умумий суммаси уларни ссуда опеprацияларига ёки бошқа актив операцияларга жойлаштирилишидан ортиқроқ бўлади. Бунинг энг биринчи сабаби тижорат банклари учун Маркази банкда сақланиши лозим бўлган захира фондларига ажратмаларнинг минимал меъёрлари белгилаб қўйилганлигидир.

Банк актив операцияларининг асосий қисми депозитларга жалб этилган маблағлардан амалга оширилиши банк фаолиятининг энг характерли хусусиятларидан биридир. Лекин талаб қилингунча бўлган маблағларни уларнинг бекарорлиги туфайли муддатли кредитлаш учун тўла қўлланиши мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун қисқа муддатли ресурсларни узок муддатли қўйилмаларга трансформациялашга жуда эҳтиёт бўлиб ёндашиш зарур. Марказий банк шундан келиб чиққан ҳолда талаб қилингунгача бўлган депозитлар бир қисмини ликвид кўринишида захирада сақлашга мажбур этади.

Таъкидлаш жоизки, жалб этилган ресурсларни бошқариш жараёнида даромадлар ва харажатларни мувозанатлашга, харажатлар позициясидаги ресурслар бўйича харажатларни камайтиришга, актив операциялардан тушадиган даромаднинг оширилишига доимо таъсир кўрсатиб борилиши лозим. Айниқса

фоиъ ҳаражатларининг ўсишига олиб келадиган объектив ва субъектив сабабларни чуқур ўрганиб бориши талаб этилади. Кредитлаш жараёнига йўналтирилган маблағлар бўйича бу асосан кредит мониторинги орқали амалга оширилади.

Демак, активлар ва пасивларнинг эҳтиёткорлик билан бошқарилиши тижорат банкида ликвидликни зарурий даражасини ва айни пайтда юқори даромадлиликни ҳам таъминлашга имконият яратади. Натижада банкнинг инвесторлар учун жозибадорлиги, mijozлар учун ишончилиги ортади.

VI-мавзу

Кредит хатарларини таҳлил қилиш

VI.1. Кредит хатарларининг умумий тавсифи

Банк хатарлари таркибида кредит хатари марказий ўрин эгаллайди. Умуман олганда, кредит хатари кредитлаш жараёнига таъсир этувчи бошқа омилларни истисно қилинса, кредит йўналтирилган корхона ёки тармокнинг махсулотига талабнинг ва мувофик равишда ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиш эҳтимоли билан узвий боғланиб кетади.

Банк кредит хатари умумий даражаси қуйидаги омиллар таъсирида шаклланади:

- банк кредит фаолиятининг иктисодиётдаги ўзгаришларга тез мослашадиган, ўз махсулотига мослашувчан талабга эга бўлган тармоқларда ёки корхоналарда тўпланиши даражаси. Ўзбекистонда банк кредитларни ўз мижозларигагина беради. Шунинг учун мижозларнинг иктисодий конъюнктура қулай географик ҳудудларда ва тармоқларда, айниқса бозор ўзгаришлари таъсирига берилувчан корхоналар доирасига тўпланиши банк хатарини муҳим равишда объектив тарзда шакллантириб қўяди;

- банк фаолиятининг кам ўрганилган, янги, ноанъанавий тармоқ ва доираларида шаклланиши;

- кредитлашнинг янги турларини қисқа муддат давомида қўп миқдорда жорий этиш. Бундай амалий тажриба етишмаслиги банк хатарини оширади;

- қисқа муддат ичида банкка қўплаб янги мижозлар жалб этилиши ва уларга кредитлар берилиши;

- кредит қўйилмаларининг анчагина қисми ўз бошидан иктисодий қийинчиликларни кечираётган корхоналарга тўғри келиши.

Кредит хатари банк томонидан ишончли бошқарилиши лозим. Бунда энг муҳими кредит хатарининг катта бўлмаган миқдорларда қўп сонли қарздорлар орасида тақсимланишидир. Бозор иктисодиётига ўтиш давридаги ҳамда банк хизматлари бозори етарли даражада шаклланиб улгурмаган мамлакатда кредит хатари биринчи навбатда кредит портфелини диверсификациялаш йўли билан камайтиради. Лекин, иктисодий муносабатларнинг эркинлаштирилиши даврида ҳам кредит портфелини диверсификациялашнинг аҳамияти янада ортади.

Кредит портфели диверсификациясида банклар икки хил кийинчиликларга дуч келадилар. Биринчидан, иктисодиётдаги кўпгина корхоналар молиявий барқарор бўлмаганлиги учун банкнинг бўлажак қарздорни танлаш имкониятлари чекланган. Иккинчидан, ўтиш даврида банк фаолиятига давлат бошқарув органлари кенг аралашувига барҳам берилган эмас. Бу эса кредитлаш жараёнига ҳам таъсир этади. Бу муаммолар тижорат банкларининг хусусийлаштирилиши ва давлат тасарруфидан чиқарилиши йўли билан ҳал этиб борилади. Ўтиш даврида бошқа муаммолар ҳам мавжуд: капитал бозори ривожланмаганлиги ва зарур малакали кадрларнинг етишмаслиги, миқдорлар ишончига сазовор бўлиш ва сақлаб қолиш кийинлиги, банкларнинг анчагина даражада муайян тармоқлар ва фаолият соҳалари ихтисослашганлиги оқибатлари бартараф этилмаганлиги ва бошқалар. Буларнинг ҳаммаси кредитлаш жараёнидаги банк хатарини кучайтиради.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда айрим банкларнинг ихтиёрида нисбатан катта миқдордаги ресурслар жамланган бўлиб, улар асосан ишлаб чиқариш ёки хизмат фаолиятининг муайян турларига ихтисослашганликни амалда сақлаб қолган. Бу бошқа банклар учун эркин рақобатлашиш имкониятларини чеклайди ҳамда банк хатари даражасини оширади.

Кредит қўйилмаларини турли тармоқлар ва миқдорлар гуруҳлари орасида диверсификациялаш банкларнинг рақобатбардошлик даражасини оширади, банк соҳасини монополиядан чиқаришга хизмат қилади. Тижорат банклари фаолиятини универсаллаштириш банклараро рақобатнинг шаклланишига ёрдам беради, уларни бозор тамойиллари асосида фаолият кўрсатишга ундайди. Кредит портфелининг тармоқлар бўйича диверсификацияси миқдорлар бозорида банклараро рақобат учун шароит яратилгандагина амалга оширилиши мумкин. Ўз навбатида, рақобат банк хизматлари бозорларини кенгайтириш заруриятини белгилайди, яъни универсаллаштиришнинг объектив шarti сифатида намоён бўлади.

Мазкур масала мамлакатимиз учун аҳамиятли бўлганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 104-сонли Қарори билан тасдиқланган «2000-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислох қилиш дастури»да шундай деб таъкидланган эди: «...Ҳозирги вақтда банк тизими активларининг 80 фоиздан ортиғи давлат ва ихтисослаштирилган (тармоқ) банклар улушига Ёўғри келмоқда. Банклар активларининг иктисодиёт айрим тармоқларида нотекис жамланиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига, молия бозорида банклар ўртасида рақобатнинг кучайишига, банклар таваккалчилик активларининг диверсификациясига, шунингдек, банк фаолиятининг монополиядан чиқарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда».

Жаҳон тажрибасига мурожаат қилсак, кўпчилик банклар банк капиталининг қатта қисми кредит қўйилмалари сифатида бир ёки бир неча гуруҳ қарздорларга ёки маълум бир тармокни кредитлашга йўналтирилган ҳолда қарзлар тўпланиши натижасида банкротликка учраганлари маълум.

Фикримизча, Ўзбекистонда тижорат банкларининг рақобатбардошлигини ошириш ва уларни универсаллаштирувини тезлаштирилиши учун қуйидаги омилларнинг ишга солиниши мақсадга мувофиқдир:

1. Кредит ҳатарини ҳисобга олиб активлар ва пассивларни самарали бошқаришга асосланган банкларнинг кредит сиёсатини амалга ошириш;
2. Тижорат банкларида самарали ва таъсирчан ички кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва банк амалётида ундан узуксизфойдаланиш;
3. Банкларни универсаллаштириш ва рақобатбардошлигини оширишда кредит портфели диверсификациясини кенгайтиришга ва кредит қўйилмаларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор аратиш;
4. Тижорат банкларида кредит қўйилмаларининг нотекис ва номутаносиб тақсимланиши муайян тармоқларда активлар ҳатарлилигини ошириши мумкин ва айни пайтда бошқа тармоқларда ресурслар тақчиллиги кучаяди. Муаммонинг олдини олиш учун банкларнинг универсаллашуви жараёнини тезлаштирилиши зарур. Бу эса ўз навбатида банк фаолияти эркинликлари доирасини кенгайтирилиш;
5. Банкларнинг реал иқтисодий мустақиллиги томон ҳаракат жадаллашуви ҳозирда жуда ҳам долзарб масала. Иқтисодий мустақиллик кредит сиёсатини банк томонидан реал равишда ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Активлар диверсификацияси ва тадбиркорлик фаолияти ҳам иқтисодий мустақилликка асосланади;
6. Банкнинг ликвидлигини бошқариш. Кредит институтлари, Марказий банк томонидан белгилаб берилган иқтисодий меъёрлар ҳатарларни чеклашга хизмат қилади. Айни пайтда меъёрлар талабларига риоя қилган ҳолда жалб этилган ресурсларни ҳамда жойлаштирилган маблағларни муддатлари бўйича диверсификациялашни таъминлаш ўта муҳим. Шу асосда банклар ўз кредит операцияларини амалга оширишни режалаштириш зарур. Бу билан тижорат банки зарур бўлган ликвидлик даражасини таъминлаб турган ҳолда максимал даражада юқори даромадга эришади.
7. Кредит портфелини шакллантириш жараёни оптимал кредит сиёсатини олиб бориш нуктаи-назаридан унинг диверсификацияланишини назарда тутати. Кредитларнинг бир неча мижозлар ўртасида жамланиш даражасининг ва

кредитлаш умумий ҳажмининг ошиши билан кредит хатари ҳам ўсиб боради. Шунинг учун банк доимо бир-биридан мустакил булган кўп сонли мижозларга муайян миқдордан ортмаган чегараларда кредитларни тақдим этишга ҳаракат қилиши лозим. Кредитларни қуйидаги белгилар бўйича бир текис тақсимланишига эришиш мақсадга мувофиқдир:

- муддатлари бўйича (киска ва узок муддатли қўйилмалар салмоғини иқтисодиётдаги қутилаётган ўзгаришларга ва депозитларнинг муддатларига боғлиқ ҳолда тартибга солиш);
- йўналиш бўйича (саноат, кишлок хўжалик, қурилиш, савдо ва ҳ.к.);
- таъминоти бўйича (таъминот сифатида хизмат қилувчи активларнинг турлари);
- кредит учун белгиланган фоиз ставкалари бўйича (қайд этилган ва ўзгарувчан);
- тадбиркорлик фаолияти турлари бўйича (якка хусусий мулкка асосланган корхоналар, акциядорлик жамиятлари, фермер хўжаликлари, тадбиркорлар ва бошқалар).

8. Кредит хатарини чегаралаб туриш учун банкнинг кредит сиёсатига мувофиқ ҳолда кредитларнинг таъминланганлик даражасини, кредитларни ҳудудлар ва тармоқлар бўйича жамланганлигини, кредитлаш манбаларини, кредитларнинг қайтарилиши ишончлилигини ҳар ойда мунтазам таҳлил этиб борилиши лозим.

Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда кредит хатари даражасига таъсир қиладиган ва тижорат банкнинг активлари сифатини оширадиган кредитлаш жараёнини бошқаришнинг янада мукамалроқ ва пухтароқ усуллари ва йўллари белгилаб олиш. Бу ўз ичига, жумладан, қуйидаги омилларни олади:

- иқтисодиёт алоҳида тармоқларида кредитлар жамланиши жараёнини бошқариш мақсадида кредит портфелини диверсификациялаш;
- молиявий-иқтисодий кийинчиликларни ўз бошидан кечираётган мижозлар ҳиссасига тўғри келадиган кредитлар салмоғини қисқартириш;
- янги мижозларга кредит беришда кредитлашнинг кредит сиёсатида белгилаб олинган тартибларига қабил оғишмай риоя қилиш;
- гаровга олинаётган моддий бойликлар сифатини баҳолаш ва ўз қийматини тез йўқотадиган ёки бозорда қийин сотиладиган моддий бойликларни таъминот сифатида олиши учун йўл қўймаслик.

Бу омиллар банк кредит сиёсатининг асосий йўналиши сифатида диверсификациялаш танлаб олиншини тақозо этади. Айни пайтда, банк ихтисослашуви

даражасини пасайтириб бориш, кредит кўйилмаларини тармоқлар ва мижозлар гуруҳлари бўйича иктисодий самарадорлик мезонлари асосида эркин тақсимлаш, янги банк маҳсулотлари ва хизматларини жорий этиш банк фаолияти самарадорлигини оширади.

Ҳар қандай кредит сиёсатини мақсади акциядорларга уларнинг банкка узоқ муддатли инвестицияларидан юқори даромад келишини таъминлаш, ликвидликни сақлаб туриш, хатарни диверсификациялаш ва камайтириш, кредит сиёсати ва амалга оширилаётган тадбирлар ўзаро монандлигини таъминлаш, конунлар ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш, ҳудуднинг ва мижозларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжини самарали ривийда қондиришдир.

Бозор иктисодиёти шароитида ривожланган мамлакатларда тижорат банкларининг кредит сиёсати амалга оширилишида кредит портфели сифатида, ундан фойдаланиш даражасига катта эътибор берилади. Кредит сиёсатининг тўғри ташкил этилиши банк самарали бошқарилаётганидан далолат беради. Кредит операцияларини банк ходимлари томонидан олиб боришда йўл қўйилган камчиликлар банклар даромадининг камайишига, баъзи ҳолларда эса уларнинг банкрот бўлишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, банкнинг кредит портфели таркиби ва сифатини назорат қилиб бориш, уни оқилона бошқариш кредит хатарларини камайтиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Кредит портфели сифатини доимий назорат қилиб борилиши тижорат банклари фаолияти самарадорлигини оширишнинг гаровидир. Кредит портфели таркибини такомиллаштириш эса кредит хатарини муайян чегараларда ушлаб туришга кўмаклашади.

Сўнги йилларда банк амалиётида кредитлаш шаклларида кенг фойдаланиш мижозларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга, банкларнинг кредит операциялари кўламини кенгайтиришга, кредит хатарини муайян даражада минималлаштиришга ва ниҳоят, банкларнинг кредит операцияларидан оладиган даромадлари ошишига олиб келди.

2001 - 2011 йилларда давомида ички манбалар ҳисобидан мамлакатимиз иктисодиётининг реал секторини кредитлаш ҳажми 25 баробар ошди, бу манбаларнинг 2010-2011 йилларда кредитлар умумий улушининг тахминан 47-49 фоизини ташкил этди.

Президент И. А. Каримов таъкидлаганидек, банкларнинг кредит портфели таркиби сифат жиҳатидан тубдан ўзгармоқда. Агар 2000-йилда кредит портфелининг 54 фоизи ташки қарзлар ҳисобидан шакллантирилган бўлса, 2011-йилда унинг 85,3 фоизи ички манбалар – юридик ва жисмоний шахслар

депозитлари ҳисобидан шакллантирилди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодийтимиз тармоқларига инвестиция киритиш ва шунинг ҳисобидан тараққийтимизни таъминлашда ички имкониятларимиз тобора ортиб бораётганининг далилидир.

Банк кредит портфели, ўз тузилишига қўра, иқтисодийнинг турли соҳалари камраб олган ҳолда, хилма хилдир. Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар энг муҳим тармоқларда - автомобилсозлик, нефть-газ, кимё, электротехника каби юқори технологияли ва стратегик муҳим тармоқларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Тижорат банклари томонидан иқтисодий реал секторига йўналтирилган кредитлар миқдори йилдан йилга ўсиб бормоқда. Хусусан, 2011 йилда иқтисодийнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35,6 фоиз ошиб, бугунги кунда уларнинг миқдори 15,6 триллион сўмга етди.



3-расм. Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ва инвестицион кредитлар, миллиард сўм.

(Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққийтини янги босқичга кутарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодийет. - 2012. – 282 бет.)

3-расм маълумотлардан кўриниб турибдики, тижорат банклари томонидан берилган кредитлар сўнги йилларда жадал ўсиш динамикасига эга ва уларнинг 75 фоиздан ортигини узок муддатли кредитлар ташкил этмоқда.

Тижорат банклари томонидан 2011 йилда халқаро молия институтларининг 143,4 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит линиялари ўзлаштирилди. Ушбу кўрсаткич 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар ошди. Мазкур соҳага ажратилган кредитлар ҳисобидан ҳудудларда 291 мингдан ортик янги иш ўрни яратилди.

Иктисодий ўсишни янада рағбатлантириш учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2011 йилнинг 1 январидан йиллик ҳисобда 14 фоиздан 12 фоизга туширилди ва йил давомида ўзгартирилмасдан сақлаб турилди. Натижада пул бозорида фоиз ставкаларининг пасайишига шароит яратилиб, хўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг камайиши ва бунинг натижасида уларнинг инвестицион фаоллигини оширишга хизмат қилди. 2010 йил давомида пул бозоридаги операциялар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари йиллик ҳисобда 8,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда ушбу кўрсаткич 8,5 фоизга тенг бўлди.

2011 йилда кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаларининг ҳам пасайди. Хусусан, қиска муддатли (муддати бир йилгача бўлган) кредитлар бўйича фоиз ставкалари йил бошидаги 13,8 фоиздан йил охирига келиб 13,2 фоизга тушди. Узок муддатли кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкалари 2010 йилда 13 фоизни ташкил қилган бўлса, 2011 йилда 11,8 фоизгача пасайди.

2011 йилнинг **“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”** деб эълон қилиниши банк тизимида ҳам катор устувор вазифаларни амалга оширишга туртки берди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, шу жумладан, микрокредитлар ажратиш механизмлари такомиллаштирилди ва янада содаллаштирилди. Оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, бошланғич капитал ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида узок ва ўрта муддатли кредитларни ажратиш механизмлари қайта кўриб чиқилди ва ҳозирги давр талабларига мослаштирилди.

Тижорат банклари ва банкдан ташқари кредит ташкилотлари томонидан ажратиладиган микрокредитларнинг таъминоти сифатида кредит қайтарилмаслиги хатарини сўғурталашда сўғурта полисини қўллаш амалиётини кенгайтириш, яқка тартибдаги тадбиркорларга, жумладан, касб-ҳунар билим юртлари битирувчиларига берилган тижорат банклари кредитлари бўйича таъминот сифатида жисмоний шахсларнинг мол-мулкни гаровга олиш амалиёти кенг жорий қилинганлиги алоҳида эътиборга сазовордир.

Бошқа тадбирлар каторида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда ишчанлик мухитини шакллантиришнинг мезонлари ва баҳолаш тизимини аниқлаш ва амалга оширишга доир чоралар-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги ПҚ-1464-сонли Қарорига асосан, тижорат банкларида кичик бизнес субъектларига кредитларни ажратишда гаровга қўйилган мулкни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни кредитнинг умумий суммасида акс эттириш амалиёти жорий қилинди.

2011 йилнинг 1 январидан бошлаб Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси йиллик 14 фоиздан 12 фоизга 2013 йилнинг 1 январидан эса 10 фоизга туширилди. Бу, ўз навбатида тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг фоиз ставкалари пасайишига олиб келди.

Банкларнинг барча филиалларида тадбиркорларга “Тадбиркорлар хонаси” орқали маслахатлар бериш бўйича ишлар ташкил этилди. Шунингдек, филиаллар ва мини банкларда ташкил этилган “Тадбиркорлар бурчаги” орқали республика миёнада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар, таклиф этилаётган янги банк хизматлари тўғрисида доимий равишда ахборот бериб борилди.

Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида инвестицион лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштиришга ихтисослаштирилган жамғарма ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартда имзоланган ПҚ-1501-сонли Қарори, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик мухитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 24 августда чиқарилган ПФ-4354-сонли Фармони ва бошқа бир қатор меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди.

Жумлатан:

↓ **КИЧИК** бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк иш кунидан ошм. йдиган муддат қилиб белгиланди;

↓ тижорат банкларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров


таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди;

↓ кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобварақ очгани учун тўлов ундириш бекор қилинди;

↓ имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратишдан оладиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қалар фойда солиғидан озод қилинди.

2011 йилда Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар 1,3 баробарга кўпайтирилиб, уларнинг ҳажмини 24 миллиард сўмдан ошириш чоралари кўрилди. Ушбу кредитлар асосан узок ва чекка, шунингдек, ортиқчи меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Олиб борилган кенг қўламли ишлар натижасида 2011 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар ошиб, 4,0 триллион сўмни ташкил этди ва мазкур маблағлар ҳисобига ҳудудларда 291 мингтадан ортиқ янги иш ўрини яратилди.




4-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар, миллиард сўм.

(Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодийёт. - 2012. – 282 бет.)

4-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилган кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 2,2 баробар, 2010 йилга нисбатан 1,5 баробар ошиб, 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 4,1 триллион сўмни ташкил этди. Ажратилган микрокредитлар ҳажми 752,3 миллиард сўмни ташкил этди ва 1,5 баробар ўсди.

Давлат дастурига мувофиқ, турли соҳа ва йўналишлар учун кредитлар ажратиш истикболли кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланди.



5-расм. Кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитларнинг ўсиш динамикаси, миллиард сўм.

(Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.)

Жумладан:

- озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга 712,4 миллиард сўм;
- ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадларига 724,0 миллиард сўм;
- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 351,1 миллиард сўм;
- касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиши учун имтиёзли шартлар асосида 25,6 миллиард сўмлик микрокредитлар;

- шахсий ёрдамчи ва деҳкон хўжалиklarига қорамол сотиб олиш учун 59,7 миллиард сўм;

- тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармалари маблағлари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларига 31,2 миллиард сўм;

- оилавий тадбиркорлик ва хўнарамандчиликни ривожлантириш учун 54,1 млрд. сўм миқдоридаги кредитлар ажратилди.

“Микрокредитбанк” АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 159,7 миллиард сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилганини ҳам таъкидлаш лозим. Халқаро молия институтлари ва хорижий давлатлар ҳукуматларининг 143,4 миллион АКШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредит линиялари ва грантлари ўзлаштирилди.

VI. 2. Инвестицион лойиҳаларни кредитлаш ҳатарини пасайтириш

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини кредитлашнинг бошқа турлари каби инвестицион лойиҳаларни кредитлаш ҳам ҳатар даражаси юқори бўлган банк операциялари қаторига қиради. Айни пайтда банklar қорхоналардаги инвестицион жараёнларни молиялаш ҳар томонлама манфаатдордирлар. Шунинг учун инвестицион лойиҳани амалга оширишга киришмасдан туриб, аниқланиши мумкин бўлган ҳатарларни аниқлаш ва пасайтириш муҳим аҳамият касб этади. Лойиҳанинг турли вариантларида ҳаражатлар ва натижалар турлича бўлади. Уларни таққослашда ва самарадорликни ҳисоблаб чиқишда ҳатар ва эҳтимоллик омиллари эътиборга олиниши зарур. Инвестицион лойиҳаларни баҳолашда эҳтимоллик ва инвестицион ҳатарларнинг қуйидагилари энг муҳим аҳамиятга эга:

- иқтисодий қонунчиликнинг ва жорий иқтисодий вазиятнинг, инвестициялаш шарт-шароитларининг ва фойдадан унумли олиш имкониятларининг беқарорлиги билан боғлиқ ҳатар;

- ташқи иқтисодий ҳатар (савдога ва маҳсулот етказиб берилишига тўсиқлар жорий этилиши, чегаралар ёпиб қўйилиши эҳтимоли ва шу қабилар);

- мамлакатдаги ва ҳудуддаги сиёсий вазиятнинг ноаниқлиги, ноҳуш ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ҳатари;

- янги техника ва технология тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг кўрсаткичлари ва ўлчамлари ҳақида ахборот тўла ва аниқ эмаслиги;

- бозор конъюктураси, баҳолар ва валюта курслари тебранишлари табиий-иклим шароитлар бекорорлиги, табиий офатлар эҳтимоли;

- ишлаб чиқариш ва технология хатари (авариялар, усқуналар ишдан чиқиши, ишлаб чиқаришдан брак ва бошқалар);

- иштирокчилар мақсадлари, манфаатлари ва бўлажак ҳаракатлари аниқлаб олинмаганлиги;

- иштирокчи корхоналарнинг молиявий аҳволи ва ишдаги обрўси ҳақидаги ахборотнинг тўла ва аниқ эмаслиги (тўловга қобиятсизлик, банкротлик, шартнома мажбуриятларини бажармаслик эҳтимоли).

Хатарлар хос бўлган лойиҳани амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми хатарлар билан боғлиқ нонамақбул оқибатларини камайитиришга ва хатарларни пасайитиришга имкон берувчи махсус элементларни ўз ичига олиши лозим. Хатарларни пасайитиришга қуйидагилар қўмақлашиши мумкин:

- лойиҳа иштирокчиларининг муайян «йўл харитаси билан ташқари» вазиятларда ҳаракат қилишларининг қондаларини олдиндан ишлаб чиқиш (масалан, лойиҳанинг амалга оширилиши у ёки бу шароитлар ўзгариб қолганда иштирокчиларнинг ҳаракатлари сценарийлари);

- лойиҳа амалга оширилиши шароитларидаги муҳим ўзгаришлар пайтида иштирокчилар ҳаракатларини мувофиқлаштириб турувчи бошқарувчи марказ, мавжулиги;

Лойиҳада махсус барқарорлаштирувчи механизмлар назарда тутилиши мумкин. Улар лойиҳа амалга оширилиши шароитлари ноқулай ҳолатда ўзгарганда, лойиҳа мақсадларига эришилмаганда ёки камроқ даражада эришилганда иштирокчилар манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлайди, лойиҳа иштирокчиларининг лойиҳа амалга оширилишини хавф остига қўювчи ҳаракатларига тўсқинлик қилади. Бу икки йўналишда амалга оширилиши мумкин. Биринчисида захира яратиш, технологияларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришдаги бузилишларни камайитириш, маҳсулот сифатини оширишни моддий рағбатлантириш йўли билан хатар даражасини пасайитирилади. Иккинчисида эса хатар иштирокчилар ўртасида баҳоларни индекслаш, қафолатлар бериш, суғурталашнинг турли шакллари, мулк гарови, ўзаро жарима чоралари тизими қабиларни қўллаган ҳолда тақсимланади.

Одатда, лойиҳада барқарорлаштирувчи механизмлардан фойдаланиш иштирокчилардан қўшимча ҳаражатларни талаб этади. Бу ҳаражатларнинг миқдори лойиҳанинг амалга оширилиши шароитларига, иштирокчиларининг

лойихадан умидлари ва манфаатдорлигига, хатар даражасининг улар томонидан баҳоланишига боғлиқ бўлади.

Инвестицион лойиҳани амалга оширилиши шароитларининг эҳтимолийлик даражаси аввалдан аниқ маълум эмас. Лойиҳанинг амалга оширилиши жараёнида инштирокчилар уни рўёбга чиқарилиши шароитлари тўғрисида қўшимча ахборотга эга бўладилар ва эҳтимолийлик йўқолади. Шунини эътиборга олган ҳолда инвестицион лойиҳанинг амалга оширилишини бошқариш тизими ўзгариб бораётган шароитлар ҳақидаги ахборотни йиғиш ва қайта ишлашни, инштирокчиларнинг биргаликда ҳаракатлари жадвалига тузатиш киритилишини, уларнинг ўртасидаги шартномалар шартларига тегишли ўзгаришларни назарда тутиши лозим.

Лойиҳа самарадорлигини баҳолашда эҳтимолийлик ва хатарнинг омилларини ҳисобга олиш учун уни амалга оширилишининг шароитлари тўғрисидаги барча мавжуд ахборот, шу жумладан таксимланишининг бирон-бир эҳтимоллик конуллари билан ифдаланмайдиган ахборот ҳам ишга солинади. Бунда қуйидаги уч усулдан фойдаланиш мумкин (улар аниқлик даражаси ортиши тартибда келтирилади):

1. Барқарорликни текшириш;
2. Лойиҳанинг ўлчамларига ва иқтисодий нормативларга тузатишлар киритиш;
3. Эҳтимолийликни расман аниқлаб ва тасвирлаб бериш.

Барқарорликни текшириш усули лойиҳани энг эҳтимолий ёки бирон-бир инштирокчилар учун энг «хавфли» шароитларда амалга оширишнинг сценарийлари ишлаб чиқилишини назарда тутди. Ҳар бир сценарий бўйича лойиҳани «хавфли» шароитларда амалга оширилишининг ташкилий-иқтисодий механизми ҳаракатланиши тадқиқ этилади. Бунда алоҳида инштирокчилар, давлат ва аҳоли учун даромадлар, йўқотишлар ва самарадорлик кўрсаткичлари қандай бўлишини аниқлаб олиниши жуда муҳим. Лекин кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилишида хатар омилларининг дисконт нормасига таъсири эътиборга олинмайди.

Агар барча кўриб чиқилган вазиятларда инштирокчилар манфаатларига риоя этилаётган, эҳтимолий ноҳуш оқибатлар яратилган захиралар ҳисобидан ёки сугурта тўловлари билан қопланаётган бўлса, лойиҳа барқарор ва самарали деб қабул қилинади. Лойиҳанинг амалга ошириш шароитлари эҳтимолий ўзгаришларда унинг барқарорлик даражаси ишлаб чиқариш ҳажмининг, мақсулот баҳосининг ва бошқа ўлчамларнинг чегаравий даражалари кўрсаткичлари билан характерланади.

Агар ишлаб чиқариш ҳажмлари ёки ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ўзгаришларида харажатлар миқдори нотекис ўзгарган ҳолларда барқарорликни текшириш усулини қўллаш қийинлашади. Лойиҳа амалга оширилиши шароитларидаги эҳтимолийлик лойиҳа ўлчамларини ва ҳисоб-китобларда қўлланаётган иқтисодий нормативларга тузатиш киритиш. миқдорлари билан алмаштириш орқали ҳисобга олиниши мумкин. Бунинг учун:

- қурилиш муддатлари ёки бошқа ишларни бажариш муддатлари эҳтимол тутилаётган кечикишларнинг ўртача миқдорига узайтирилади;

- лойиҳаловчи ташкилотнинг хатолари, қурилиш мобайнида лойиҳа ечимлари қайта кўриб чиқилиши ва назарда тутилмаган харажатлар туфайли қурилиш қийматининг ўртача ортиб кетиши ҳисобга олинади;

- тўловларнинг кечикиши, хом-ашё ва материалларнинг бир маромда етказиб берилмаслиги, ускуналарнинг режадан ташқари ишдан чиқиши, ходимлар томонидан шартнома мажбуриятлари бузилиши ҳисобга олинади;

- агар лойиҳада иштирокчини инвестицион хатарнинг муайян туридан суғурталаш назарда тутилган бўлса, бу иштирокчи харажатлари таркибига мазкур хатардан қутилаётган йўқотишлар киритилади.

Шунингдек, билвосита молиявий натижалар таркибида инвестицион хатарларнинг бегона корхоналар ва аҳолига таъсири ҳисобга олинади. Бунда дисконт нормаси ва даромадлиликнинг талаб этиладиган ички нормаси оширилади.

Техникавий жиҳат мураккаб, лекин энг аниқ усул эҳтимолийликни расман аниқлаб тасвирлаб бериш усулидир. Инвестицион лойиҳаларни баҳолашда кўп ҳолларда ундан фойдаланадилар. Бу усул ўз ичига қуйидаги босқичларни олади:

- эҳтимолийлик омиллари ҳақидаги бошланғич ахборотни лойиҳани амалга оширишнинг алоҳида шароитлари ва самарадорлик кўрсаткичлари ёки уларнинг ўзгаришларини оралик эҳтимоллари ҳақидаги ахборотга айлантириб олиш;

- лойиҳанинг амалга оширилиши эҳтимолий шароитлари тўпламини (лойиҳанинг асосий техник, иқтисодий ва бошқа ўлчамлари миқдорига чекловлар тизими кўринишида ёки сценарийлар кўринишида) тавсифлаб бериш ва шароитларга мувофиқ келувчи харажатларни (эҳтимолий жарималарни ҳамда суғурталаш ва захиралаш билан боғлиқ харажатларни қўшган ҳолда), натижаларни ва самарадорлик кўрсаткичларини ёритиб бериш;

- бутун лойиҳанинг самарадорли кўрсаткичларини уни амалга оширишнинг шароитлари эҳтимолийлигини, қутилаётган самарадорли кўрсаткичларини ҳисобга олиб аниқлаш.

Тижорат банки олдида турган энг муҳим амалий вазифа инвестицион лойиҳанинг амалга оширилиши учун берилган кредитнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлашдир. Кредит механизмининг йўлга қўйилган фаолияти кредитлашни бошқаришнинг иқтисодий усулларидан фойдаланишга, ҳар бир кредитнинг иқтисодий чегараларига риоя қилишга, асосиз кредит қўйилмаларига йўл қўймасликка, кредитлар устидан тўла ва ўз вақтида мониторинг ўрнатишга, тўловсизлик хатарини пасайтиришга йуналтирилган.

Корхонанинг кредитни ўз муддатида қайтариш қобилияти корхона балансини таҳлил қилиш, ликвидлик даражасини аниқлаш, кредитдан ва айланма маблағлардан самарали фойдаланишни, рентабеллик даражасини ўрганиб чиқиш орқали баҳоланади. Мажбуриятни бажаришга тайёрлик қарздорнинг иқтисодий аҳволини, ривожланиш истикболларини, корхона раҳбарининг ишбилармонлик фаиллатларини ўрганиб чиқиб аниқланади.

Банк амалиётида қўлланилаётган усулларнинг хилма-хиллигига қарамадан, бўлажак қарздорнинг кредит қобилиятига ва кредит хатарига объектив баҳо бериш жиддий муамолигича қолмоқда. Бунинг сабаблари кўп. Биринчидан, кредит битишувининг асосий ўлчамларини аниқлашда миқдорнинг молиявий аҳволи таҳлили натижаларини эътиборга олишнинг мезонлари ва усуллари танлаб олинмаган. Иккинчидан, миқдорнинг сифат (номолиявий) кўрсаткичларини (миқдорнинг ишончлиги, бошқарув сифати, унинг бозордаги ўрни, гудвилл ва ҳоказо) формаллаштиришнинг аниқ механизмлари мавжуд эмас. Учинчидан, банклар миқдор билан олиб бориладиган ишларнинг даромадлилигини ҳисоблаб чиққанда ҳам, бу кўрсаткични кредит битишуви ўлчамларини белгилашда қўлланиши чекланган. Шунинг учун банкнинг кредит портфели кўплаб омиллар, шу жумладан тасодифий характердаги омиллар таъсири остида ҳам, шаклланади. Кредит таҳлилининг натижалари эса ҳамма вақт ҳам кредит хатари даражаси билан боғланган эмас.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида банк томонидан иқтисодиётнинг реал секторидаги лойиҳаларни кредитлаш хатар даражаси юқори бўлган операция сифатида майдонга чиқади. Чунончи, божхона божлари ставкалари юқори эканлиги олиб кирилаётган хом-ашёни қимматлаштириб, инвестицион лойиҳа бўйича ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини оширади. Бу эса сотиш ҳажмига ва пул оқимларига салбий таъсир кўрсатади. Экспорт ва импорт операцияларига чекловлар, валюта конвертацияси мавжуд эмаслиги лойиҳа бўйича маҳсулотни ташқи бозорга чиқиши имкониятларини жиддий равишда

юритувчи субъектларнинг молиявий нуктаи-назардан кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтара олишидир.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит қобилияти бир қатор кўрсаткичлар билан таърифланади. Кўрсаткичлар сони чекланмайди ва ҳар бир тижорат банки томонидан хизмат кўрсатилувчи мижозлар фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқиб мустақил равишда белгиланади.

Ўзбекистонда қўлланаётган методикада кредитга қобилликнинг энг муҳим ёки мажбурий кўрсаткичлари сифатида қоплаш коэффициенти, ликвидлик ва ўз маблағлари билан таъминланганлик (мустақиллик коэффициенти), шунингдек, ўз айланма маблағлари мавжудлиги, тўловсизликлар, айланма маблағлари фойда келтириши ва айланувчанлиги динамикалари кўриб чиқилади.

Кредит қобилиятини баҳолаш хўжалик юритувчи субъектлар баланси ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Бундан ташқари, зарур ҳолларда кредитга қобилликни баҳолашда статистик ҳисоботлар материаллари, банкнинг иқтиёридаги статистик ва таҳлилий материаллардан ва ҳоказолардан фойдаланилади.

Кредит қобилиятининг асосий кўрсаткичлари қоплаш, ликвидлик ва ўз маблағлари билан таъминланганлик (мустақиллик коэффициенти) коэффициентлари дир.

Балансни қоплаш коэффициенти қисқа муддатли ликвид маблағларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати сифатида ҳисобланади. У қуйидаги тарзда аниқланади:

$$1. KK = \frac{LM}{K_{Maj}}$$

бу ерда:

кК - қоплаш коэффициенти.

ЛМ - қисқа муддатли ликвид маблағлар. Уларга қуйидагилар қиради:

а) пул маблағлари:

- 320-сатр - пул маблағлари жами (50, 51, 52, 55, 56, 57);

б) осон амалга ошириладиган талаблар:

- 370-сатр - қайтариш муддатлари 3 ой давомида бўлган қисқа муддатли қўйилмалар;

- 220-сатр - дебиторлар: харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар;

- 260-сатр - муддати 3 ойдан ошмайдиган бунақ тўловлари;

- 270-сатр ва 280-сатр - бюджет билан ҳисоб-китоблар;
- 250-сатр - ходимлар билан ҳисоб-китоблар;
- 240-сатр - шуъба корхоналар билан ҳисоб-китоблар (3 ойга бўлган келгуси туловлар);
- 310-сатр - бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар (кайтириб бериш бўйича реал талаб);

в) осон ишлатиладиган захиралар;

- 390-сатр - баланс активи II бўлимнинг якуни (ТМБ ортикча захиралари, тўхтатилган қурилиш бўйича ускуналар захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича харажатлар ва ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулот колдикларига тузатган ҳолда).

К Маж. - қисқа муддатли мажбуриятлар. Қисқа муддатли мажбуриятларга киради:

а) қуйидагилар моддаларнинг тузатишсиз баланс маълумотлари:

- 740-сатр - қисқа муддатли заёмлар;
- 730-сатр - қисқа муддатли кредитлар;
- 610-сатр - маҳсулот етказиб берувчилар;
- 680-сатр - бюджет бўйича қарз;
- 720-сатр - меҳнатга ҳақ тулаш бўйича қарз;
- 690-сатр - ижтимоий сугурта ва таъминот бўйича қарз;
- 700-сатр - бюджетдан ташқари туловлар бўйича қарз;
- 630-сатр - шуъба корхоналарга қарз;
- 760-сатр - бошқа кредиторлар;

б) қуйидагилар моддаларнинг тулов муддати яқин 3 ой бўлган қисми:

- 750-сатр - узок муддатли заёмлар.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб;

$$KK = \frac{\text{пул маблағлар + осонамалга ошириладиган талаблар + осон ишлатиладиган захиралар}}{\text{қисқа муддатли мажбуриятлар}}$$

Пул маблағлари - 320-сатр

Осон амалга ошириладиган талаблар - 220+230+240+250+260+290-сатрлар

Осон ишлатиладиган захиралар - 170-сатр;

Қисқа муддатли мажбуриятлар - 600-сатр.

Агар ликвид активлар киска муддатли мажбуриятлардан камида икки баравар ортик бўлса, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати яхши деб ҳисобланиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъект микдори бўйича киска муддатли мажбуриятларга тенг қийматли ликвид активларга эга бўладиган чегара, энг паст чегара деб қабул қилинади.

Шу билан бирга ишлаб чиқариш характери, хўжалик юритувчи субъектлар активлари тузилиши сингари омиллар хўжалик юритувчи орган баланс ликвидлигининг қоплаш кўрсаткичлари муайян микдорий даражасининг корхона кредит қобилиятини акс эттириш нуктаи-назаридан аҳамиятлилиги турлича бўлиши мумкин.

Турли омиллар таъсирини пасайтириш учун хўжалик юритувчи субъектлар баланснинг ликвидлик кўрсаткичи ҳисоблаб чиқилади, у пул маблағлари ва осон амалга ошириладиган талаблар суммасининг киска муддатли мажбуриятларга нисбати сифатида аниқланади, яъни ҳисоб-китобга товар-моддий бойликларнинг захиралари киритилмайди, балки фақат ҳақиқий ликвид активлар ҳисобга олинади.

$$2. ЛК = \frac{ПМ + ОАТ}{К Маж}$$

бу ерда:

ЛК - ликвидлик коэффиценти;

ПМ - пул маблағлари;

ОАТ - осон амалга ошириладиган талаблар;

к Маж.- киска муддатли мажбуриятлар;

Ликвидлик коэффиценти жорий мажбуриятларнинг қандай қисми нафақат нақд пуллар ҳисобига, балки юқлаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳисобига ҳам туланиши (узилиши) мумкинлигини кўрсатади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз манбалари билан таъминланганлиги (ёки мустақиллик коэффиценти - МК) корхона баланси пасивининг умумий якунида ўз манбалари ҳиссасини ҳисоблаш йўли билан баҳоланади ва корхонанинг маблағларини қарз манбаларидан мустақиллигини акс эттиради.

Ўз манбалари билан таъминланганлик коэффиценти қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$МК = \frac{УМ}{БП}$$

бу ерда: МК - мустақиллик коэффиценти;

ЎМ - ўз манбалари;

БП - баланс пассиви (БП) - 780-сатр;

Ўз манбалари (ЎМ) таркибига кирадилар:

- 410-сатр - устав капитали;

- 420-сатр – қўшилган капитал;

- 430-сатр - резерв капитал;

- 450- сатр - таксимланмаган фойда;

- 460-сатр - мақсадли тушумлар;

- 470-сатр – келгуси давр харажатлари резервлари.

Корхонанинг ўз манбалари билан таъминланганлик фоизи 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Айланма маблағлари айланувчанлиги юқори бўлганда ва хўжалик фаолиятининг характерига боғлиқ ҳолда ушбу кўрсаткичнинг йўл кўйиладиган даражаси бир қадар паст бўлиши мумкин.

Агар ушбу коэффициент 0,6 дан, яъни 60 фоиздан юқори бўлса, кредит хатари энг кам деб ҳисобланади. Ўз айланма маблағлари мавжудлиги динамикаси, тўловсизликларнинг ва айланма маблағлар айланувчанлигининг фойда келтириши кредит қобилиятининг қўшимча кўрсаткичларига киритилади.

4. Ўз айланма маблағлари мавжудлиги

$$\dot{УОМБ} = \dot{УММ} - АВ,$$

бу ерда:

- $\dot{УОМБ}$ - ўз айланма маблағлари мавжудлиги

- $\dot{УММ}$ - ўз маблағлари манбалари.

- АВ - асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли активлар

- $\dot{УОМБ}$ – айланма маблағлари ўз манбалари - (480-сатр) - асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли активлар 130-сатр.

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари ва бошқа узоқ муддатли иктивлари (баланс активининг I бўлими) ўз маблағлари манбаларидан ошиб кетган ҳолларда ноликвид баланс ҳосил бўлади. Ноликвид балансларга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга банк кредитлари берилмаслиги ёки берилган кредитлар қайтариб олинishi лозим бўлади.

5. Хўжалик юритувчи субъектлар айланма маблағларининг айланувчанлиги икки кўрсаткич: айланма маблағлари айланувчанлиги ва айланма маблағларининг кунлардаги айланувчанлиги коэффициентлари билан аниқланади.

Айланма маблағлар айланувчанлиги коэффициентлари айланма маблағлар характерининг тезлигини таърифлайди ва таҳлил қилинаётган давр учун махсулот

сотишдан олинган тушум ва айланма маблагларнинг ўртача қиймати ўртасидаги нисбат сифатида аниқланади:

$$Айл К \frac{С}{УК}$$

бу ерда:

Айл. К - айланувчанлик коэффициенти,

С - маҳсулотни сотиш ҳажми

Ўк - оборот маблагларининг ўртача хронологик қолдиқлари.

Айланма маблагларнинг кунлардаги айланувчанлиги:

$$АК = \frac{УК \times К}{С}$$

бу ерда:

АК - оборот маблагларининг кунлардаги айланувчанлиги,

К - таҳлил қилинаётган даврдаги кунлар,

С - сотиш ҳажми.

11-жадвал.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит қобилияти кўрсаткичлари таҳлили учун жадвал

Т/р	Номи	Даврлар			
		I чорак	ярим йил	9 ой	йил
1	коллаш коэффициенти				
2	Ликвидлик коэффициенти				
3	Мустақиллик коэффициенти				
4	Ўз оборот маблаглари мавжудлиги коэффициенти				
5	Фойдалилик				
6	Тўловсизликлар: а) банк ссудалари, бўйича; б) ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича				
7	Айланма маблаглар айланувчанлиги: а) айланувчанлик коэффициенти: б) кунлардаги айланувчанлик				

Кредит қобилияти турли даражаларида унинг асосий кўрсаткичлари бўйича талаблар

Г р	Номи	I даража	II даража	III даража	IV даража
1	коплаш коэффициенти	Кўп > 2	2 < к > 1	1 < кам > 0,5	0,5 < кам
2	Ликвидлик коэффициенти	1,5 ортик	1,0 дан 1,5 гача	1,0 дан кам	ликвид маблаглари бўлмаганда
3	Мухторлик коэффициенти	кўп > 60%	60% > к > 30%	30 % дан кам	ноликвид балансларга

Кўриниб турибдики, молиявий таҳлилга ва коэффициентлар миқдорига асосан хўжалик органлари кредитга қобилиятнинг 4 даражаси ,бир-бирдан ажратилади ва муайян даражага мансубликка қараб банкнинг қорхона билан ўзаро кредит муносабатлари қурилади.

Биринчи даражага киритилган қорхоналар умумий асосларда (шартларда) кредитланади. Уларга нисбатан кредит беришнинг имтиёзли тартиби ҳам назарда тутилиши мумкин, яъни ишонч кредити берилиши, қўшимча маълумотлар ва ҳисоб-китобларсиз (маълумотларда кўрсатилган рақамларнинг ишончлилиги асосида) кредит ва бошқа имтиёзлар тақдим этилиши мумкин.

Иккинчи даражага киритилган қорхоналар умумий асосларда кредитланади ва агар ижобий қўшимча кўрсаткичлар мавжуд бўлса, имтиёзлар ҳам берилиши мумкин (ишонч кредити тақдим этилишидан ташқари).

Агар иккинчи даражага киритилган қорхона салбий қўшимча кўрсаткичларга эга бўлса, унинг молиявий барқарорлиги етарли эмас деб ҳисоблаш лозим. Бундай қорхона билан шартномалар тузилганида унинг фаолияти ва кредитнинг қайтарилиши устидан назоратнинг қўшимча чоралари назарда тутилиши керак.

Хусусан, гаров ҳуқуқи қаттиқлаштирилиши, фоиз ставкалари оширилиши, қафолатлар берилиши ҳамда ссудалардан фойдаланиш миқдорлари ва муддатлари чекланиши керак ва ҳоказо.

Учинчи даражага киритилган қорхоналар фақат фавқулодда ҳолларда, юқори ташкилот қафолати ёки оширилган фоиз ставкасини ундириш билан мол-мулк гаровга қўйилгандагина кредитланади.

Туртинчи даражага киритилган корхоналар кредитланмаслиги керак (факат хукуматнинг махсус фармойишлари ва кафолати билан кредитланиши лозим).

Иктисодиётнинг етакчи тармоklarини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, уй-жойлар қурилишини, транспорт ва инфратузилмавий коммуникацияларни ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширишда банк ўзининг инвестицион сиёсатиға таянган ҳолда, инвестор сифатида иштирок этади. Тижорат банкларининг инвестицион фаолияти йилдан-йилға кенгаймоқда. 2011 йил мобайнида тижорат банкларининг инвестиция жараёнларидаги иштироки янада фаоллашиб, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан 4,4 триллион сўм ёки 2010 йилға нисбатан 35 фоизға кўп инвестицион кредитлар ажратилди.

Иктисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 2011 йилда 15651,5 миллиард сўмға тенг бўлди, яъни 1990 йилға нисбатан доллар эквивалентида 27 баробар кўп эди. Бунда банкларнинг инвестицион мақсадларға мўлжалланган кредитлар улуши умумий кредитлар портфелида қарийб 75 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришға йўналтириладиган узок муддатли кредитлари улушини қўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 28 июнда имзоланган ПК-1166-сонли Қарорига биноан тижорат банкларига қуйидаги имтиёзлар берилди:

- 2015 йилнинг 1 январигача тижорат банклари кредит портфели таркибида узок муддатли инвестициявий молиялашнинг улушиға қараб, табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда солигини тўлаш;

- тижорат банкларига корхона ва ташкилотлар - йирик инвестиция лойиҳалари ташаббускорларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қабул қилишда экспертизадан ўтказиш бўйича харажатларни умуман лойиҳани молиялаш учун бериладиган кредитнинг умумий суммасига киритган ҳолда, молиялашға кредитлар беришни амалиётға татбиқ қилиш жорий этилди.

Юкоридагилар мазкур йўналишда банк учун молиявий хатардарни жиддий равишда қамайтиради. Натижада 2011 йилнинг ўзида банклар томонидан инвестиция мақсадлари учун ажратилган кредитлар ҳажми 11738,3 миллиард сўмни ташкил этиб, 2010 йилға нисбатан 35 фоизға ошди.

Яна бир йўналиш банк тизимининг республикамизда уй-жой қурилишини ривожлантириш ва мазкур жараёни молиялаштиришдаги фаолиятидир. Банкларнинг ушбу йўналишдаги кредитлари ҳам узок муддатга мўлжалланган бўлиб, улар инвестицион кредитлар таркибида салмоқли ўрин эгаллайди.

Қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилишини молиялаштириш бўйича банклар томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. 2011 йилда “Қишлоқ қурилиш банк” намунавий лойиҳалар бўйича 7400 та якка тартибдаги уй-жой қурилишини молиялаштиришга жами 573,4 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилди. Ушбу маблағнинг 208,4 миллиард сўми миջозларнинг бадаллари ва 365,0 миллиард сўми “Қишлоқ қурилиш банк”нинг кредитлари ҳиссасига тўғри келди. Мазкур кредитлар “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан имтиёзли равишда 15 йил муддатга 7 фоизли ставка бўйича ажратилган.

Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, қайта тиклаш, техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кейинчалик ушбу корхоналарни стратегик инвесторларга сотиш ҳам ўз мазмуни бўйича банкларнинг кредитлаш фаолиятини тўлдириб туради.

2008 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чоратadbирлари тўғрисидаги» ПФ-4053-сонли Фармони, 2009 йил 19 ноябрда эса «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги» Ф-4010-сонли Фармойиши қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжатлар банкрот корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун банклар томонидан қўшимча инвестиция киритилишини назарда тутди. Шу асосда корхоналарни молиявий соғломлаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва замонавий бошқарув усулларини татбиқ этиш, шунингдек, иш ўринларини қайта тиклаш ва янги иш ўринларини яратиш мумкин бўлади.

Тижорат банклари балансига олинган иқтисодий ночор корхоналарни тиклаш, улар базасида янги ташкил этилган корхоналарни салоҳиятли инвесторларга сотиш ишлари самарали амалга ошириб келинмоқда. Ушбу мақсадда барча етакчи тижорат банклари қошида қатор инвестицион ва инжиниринг компаниялари ташкил этилди.

Банкрот корхоналарни тиклаш жараёнини рағбатлантириш мақсадида янги солиқ имтиёزلари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва унинг инвестицион

фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари туғрисида»ги ПҚ-1317-сонли Қарори билан ҳам киритилди.

Унга кўра, тижорат банклари томонидан, шу жумладан, бошқа инвесторлар иштирокида банкрот корхоналар негизида ташкил этилган корхоналарга, янги инвесторларга сотилгунга қадар, улар давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб уч йилдан кўп бўлмаган муддатга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- мавжуд имтиёзлар буйича мол-мулк солиғи суммасини корхона харажатларига киритмаслик;

- асосий воситалар ва номоддий активлар буйича амортизация ажратмаларини ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш.

Мазкур имтиёзларни амалда қўллаш учун қўшимча меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Амалга оширилган ишлар натижасида 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра тижорат банклари балансига қабул қилинган жами 164 та иктисодий ночор корхоналардан 156 тасининг фаолияти қайта тикланиб, 110 таси 851,6 миллиард сўмга янги мулкдорларга сотилди.

2011 йилда тижорат банклари томонидан ночор корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш ишларига 275 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилди, натижада 22 мингдан ортиқ янги иш ўрини яратилди. Ишлаб чиқариш фаолияти тикланган корхоналар томонидан 1 триллион сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, 320 миллион АҚШ долларидан кўп маҳсулотлар экспорт қилинди. 2012 йилда тижорат банкларининг тассаруфида қолган 54 та корхонадан 46 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ тикланган бўлса, 8 та корхонада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, технологик линияларни тиклаш, қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди.

VI. 4. Банклараро ахборот алмашиш кредит хатарларини камайитириш усули сифатида

Кредит хатарини камайитиришда банк амалиётида ўзаро ахборот алмашиш тизим муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, Ўзбекистонда кредит ахборотларини ҳисобга олишнинг икки поғонали тизими ташкил этилди. Улар: Марказий банк кредит ахбороти миллий институти (КАМИ) ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси қошидаги банклараро кредит бюросидир (БКБ). Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит ахбороти миллий институти ташкил этилганидан сўнг зарур замонавий техника воситалари

билан таъминланиб, қарздорларнинг ягона кредит реестри шакллантирилди. Банклар орасида кредит ахбороти алмашинуви йўлга қўйилди.

Кредит ахбороти миллий институтини фаолиятидан мақсад банк тизимида молия интизомини мустаҳкамлаш, кредит операциялари бўйича таваккалчиликларни камайтириш учун тижорат банкларини потенциал қарз олувчилар тўғрисидаги ахборот билан таъминлашдир. Бунинг учун Кредит ахбороти миллий институтида тижорат банклари ва уларнинг қарз олувчиларининг кредит операциялари, қарз олувчиларнинг мажбуриятларини таъминлаш турлари тўғрисидаги маълумотлар тўпланади ва тегишли маълумотлар базаси шакллантирилади. Шунингдек, институт Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк назорати функцияларини амалга ошириш, кредит сиёсатидаги ўзгаришларни ва тижорат банкларининг кредит портфели ҳолатини таҳлил этиш учун кредит ахборотининг ягона реестрини юритиш, шартнома асосида тижорат банкларига ва кредит ахбороти бюроларига кредит маълумотларини бериш каби асосий вазифаларни амалга оширади.

Тижорат банки қарздорнинг кредит олиш учун берган буюртмаси асосида КАМИга электрон сўров билан мувожаат қилиб, қарздор тўғрисида кредит ахборотини, жумладан, банклардан олган кредитининг умумий суммаси, у бўйича муддатли ва муддати ўтган қарздорликнинг умумий суммаси, кредитнинг таъминоти сифатида гаровга қўйган мол-мулк тўғрисидаги маълумотларни қисқа муддат ичида олиши мумкин. Бундай маълумотларни Ўзбекистон Республикаси «Банк сири тўғрисида»ги қонунига қатъий амал қилган ҳолда тақдим этилади, яъни ахборот алмашинуви давомида маълум бўладиган банк сири ҳисобланадиган маълумотларнинг сақланиши ва махфийлиги кафолатланишига алоҳида эътибор қаратилади.

2006 йил ўрталарида институтнинг ахборотлар базасида 400 мингга яқин кредит, лизинг ва факторинг шартномалари тўғрисидаги маълумотлар сақланмоқда эди. Кредит ахбороти алмашинувида республикамиз тижорат банкларининг барча филиаллари қатнашади, улардан ҳар бир иш куни давомида ўрта ҳисобда 15 мингдан зиёд кредит операциялари ва бир мингдан ортиқ кредит шартномалари тўғрисидаги маълумотлар қайта ишланади ва электрон ахборот базасига киритилади. Институт ташкил этилгандан то 2006 йилнинг биринчи ярмигача тижорат банкларининг салоҳиятли қарздорлар тўғрисидаги электрон сўровларига асосан 100 мингдан ортиқ маълумот берилган.

2005 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қароридан институтнинг тижорат банклари кредит портфелининг ҳолатини таҳлил қилиш ва банк назорати чораларини ишлаб чиқиш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Банклари ассоциацияси қошидаги Банклараро кредит бюроси тижорат банкларининг қарз олувчилари - жисмоний ва юридик шахслар тўғрисида уларнинг кредит тарихини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотлар базасини шакллантиради. Бюро ахборотларни таҳлил қилиш, реал сектор қорхоналари фаолиятини таҳлил этиш ва қарз олувчиларнинг рейтинг баҳолаш тизимини шакллантириш билан шуғулланиди, шартнома асосида банкларга ва бошқа кредит ташкилотларига, шунингдек, қарз олувчиларнинг ўзига уларнинг сўровномалари бўйича қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги маълумотларни тўлов асосида тақдим этади. Банклараро кредит бюроси ўз фаолиятини бевосита Кредит ахбороти миллий институти ва мамлакатимиз тижорат банклари билан шартнома асосида олиб боради ва ўрнатилган тартибда тегишли ахборот алмашади.

Тижорат банклари Кредит ахбороти миллий институти электрон ахборотлар базасидан қарздор тўғрисида қуйидаги маълумотларни олиши мумкин:

- қарздорнинг тўлиқ номи;
- қарздор солиқ тўловчининг идентификацион рақами;
- сўралган сана ҳолатига тижорат банкларидан олган кредитларининг умумий суммаси;
- сўралган сана ҳолатига кредитлар бўйича қарздорликнинг умумий суммаси;
- қарздорнинг банк кредитлари таъминоти сифатида гаровга қўйган мулклари тўғрисидаги маълумотлар;
- қарздор томонидан учинчи шахс мажбуриятлари таъминоти сифатида берилган кафилик (кафолат, кредит таваккалчилигини суғурталаш);
- сўралган сана ҳолатига қарздор томонидан берилган кредит буюртмалари сони кабилар.

КАМИнинг электрон ахборот базасига киритилган қарздор тўғрисидаги маълумотлар, биринчидан, қарздор томонидан шартнома бўйича ўз мажбуриятларини вақтида ва тўлиқ бажарганлиги муносабати билан кредит шартномаси бекор қилинганидан 5 йил муддат ўтгандан кейин, иккинчидан қарздорнинг ҳужалик фаолияти тугатилганидан 10 йил ўтгандан кейин реестрдан чиқарилиши

мумкин. Шартномаларни бошқа асослар билан реестрдан чиқарилишига эса йўл қўйилмайди.

Кредит ахборотларини ҳисобга олиш тизими ривожланган давлатларда ҳам ташкил топган. Дастлаб бундай ташкилотлар истеъмол кредитлари бозорига хизмат килиш мақсадида АКШ ва Буюк Британияда ташкил этилган. Ҳозирги пайтда дунёда энг катта саналган «Ехрепап» (Англия компаниясининг 11 та давлатдаги бўлимлари бўлиб, ташкилот қарз олувчилар тўғрисидаги ахборотларни йиғади ва сотади. Германияда эса «ЗНИв» кредит бюроси 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида фаолият кўрсатиб келади. Бу кредит бюроси салоҳиятли қарз олувчилар, ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслари тўғрисида ахборотларни гакдим этиш ҳамда йиғиш борасида катта тажрибага эга. Аксарият мамлакатларда кредит ахборот алмашинуви банкларнинг тўлов қобилиятига эга бўлмаган қорхоналар ва шахсларга кредит беришдан ҳимоя қилувчи механизмга айланган.

Ривожланган мамлакатларда кредит ахбороти алмашинуви турли шаклларда ташкил этилган, Баъзи мамлакатларда (масалан, Мексикада) Марказий банк ва ҳукумат кредит бюрларининг фаолиятида иштирок этмайди. Буюк Британияда қарздорларнинг кредит тарихини йиғиш билан шуғулланадиган иккита хусусий кредит агентлиги мажбур. Германияда эса барча кредит ташкилотлари қарздорлар тўғрисидаги маълумотларни Кредит операцияларининг хавфсизлигини таъминлаш жамиятига юборади.

Айрим мамлакатларда кредит ахбороти Марказий банкда йиғилади, Масалан, Францияда кредит ташкилотлари кредит ахборотини Франция Банкининг таркибий қисми бўлган Кредит хатарлари марказий бюросига мажбурий равишда тақдим этадилар. Қозоғистон ва Қирғизистонда Миллий банк ҳузурида кредит регистри ташкил этилган. Россия банкида кредит тарихи Марказий каталоги мавжуд, У кредит тарихи субъектлари ва фойдаланувчиларига фақат сўралаётган субъектнинг кредит тарихи қайси кредит бюросида сақланаётганлиги тўғрисида маълумот беради.

Марказий банк қошидаги Кредит ахборотлари миллий институтининг ташкил этилиши тижорат банклари учун кредит хатарларини қамайтириш борасида катта амалий ёрдам бермоқда. Жумладан, салоҳиятли қарз олувчилар тўғрисида тезкор маълумотлар олиш ва бунга асосан кредит хатарини самарали бошқариш, мижозларнинг тўлов интизомига риоя қилишига таъсир кўрсатиш воситаси сифатида кенг имкониятлар очиб бермоқда.

VII-мавзу

Кредит хатарларини камайтириш усуллари

VII.1.Кредит хужжатлари пакетини тайёрлаш ва расмийлаштириш

Кредит хатарларини камайтиришда кредит хужжатлари пакетини тайёрлаш ва расмийлаштириш қандай олиб борилиши ҳам муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун Марказий банк томонидан

тижорат банкларида кредит хужжатларини юритишга нисбатан муайян талаблар қўйилади. Бу талаблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан 2000 йил 22 февралда тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 22 мартда рўйхатга олинган, 906-сон ҳамда 27.02.2001 й. 906-1-сон ўзгартириш билан) «Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит хужжатларини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низом (Янги тахрирда)»да ўз ифодасини топган.

Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк фаолиятини назорат қилиш ва банк тизимида кредит хатарини бошқаришни яхшилашга доир вазифаларини ижро этиши учун шароит яратиш мақсадида банklar кредит хужжатларини юритиш бўйича талабларни қамраб олган. У банklar томонидан бериладиган барча кредитларга, шунингдек, очилаётган кредит линияларига нисбатан қўлланилади.

Низомда тижорат банки кредитларни ўзининг ички кредит сиёсати ва кредит операцияларини юритишнинг умумий шартларига мувофиқ равишда, кредит шартномаси асосида, пул шаклида беради, деб қайд этилган. Кредит берилишида банк бўлажак қарз олувчидан Низомга мувофиқ равишда кредит хужжатларини юритиш учун зарур бўладиган барча ахборотни талаб этиши зарур.

Кредит берган банк шартнома асосида ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган бошқа усул воситасида кредит бўйича тўловни талаб этиш ҳуқуқини ҳар қандай миқдорда бошқа кредиторга ўтказиши мумкин. Кредит бўйича қарзлар бошқа шахс зиммасига ўтказилиши янги шартнома тузиб амалга оширилиши лозим.

Кредит таркибидаги ўзгаришлар (реструктуризация) ёзма тарзда кредит шартномаси, гаров ҳақидаги шартнома, кредит шартномасини бажаришга доир

бошқа шартномаларга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш йўли билан тайёрланиши керак.

Низомда берилган кредитлар бўйича ҳужжатларни юритишда қуйидаги коидаларга риоя қилиниши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Банк ҳар бир берилган кредит бўйича кредит йиғмажилдини тайёрлайди, у кредит шартномаси имзоланган ёки тасдиқланган кундан бошлаб очилади ҳамда. Низомда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, асосий қарз ва фойзалар тўлик туланганидан сўнг ёпилади.

Кредит йиғмажилди ҳужжатлари муҳофазаси ва ҳақиқийлигини таъминлаш мажбурияти юклатилган банк ходими кредит йиғмажилдини юритиш ва сақлаш учун масъулдир.

Бланк (иншончли) кредитга доир йиғмажилдда ҳар қандай турдаги кредитни бериш учун талаб қилинадиган умумий ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши етарли деб ҳисобланади. Умумий ҳужжатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- қарздор томонидан имзоланган ва кредит берилишидан олдинги сана қўйилган, кредитдан фойдаланиш мақсадлари баён этилган ва кредит таъминланган ҳолда гаров объекти кўрсатилган ариза;
- қарз олувчининг таъсис ҳужжатлари: бунда ҳужжатнинг иусхалари масъул кредит ходими томонидан қарз олувчининг юридик ишидан олинган бўлиши шарт;
- бизнес-режа (истеъмол кредити ва бизнес-режани тақдим этиш шарт бўлмаган кредитнинг бошқа турлари бундан мустасно);
- агар шахс қарздорнинг вакили бўлса, қарздор номидан кредит шартномасини имзолаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат, имзолар нусхаси;
- тузилган кредит шартномасининг асл нусхаси;
- қабул қилинган бухгалтерлик андозаларига мувофиқ тайёрланган. охириги ҳисобот санасида қарздор томонидан имзоланган, молиявий ҳисоботлар, жумладан, баланс ҳисоботи ҳамда молиявий натижалар ва пул оқимига доир ҳисоботлар; зарурат туғилганда қарз олувчининг ҳисоботлари банк ва банкнинг консултацион бўлимининг масъул кредит ходими ҳамкорлигида талаб қилинаётган форматга мувофиқ келтирилиши шарт;
- масъул банк ходими томонидан тайёрланган, кредитни тўлаш учун қарздорнинг нақд пул массаси оқимининг етарлилигини тасдиқловчи пул оқими тўғрисидаги ҳисобот таҳлили;
- банк кредит қўмитасининг кредит тасдиқланган муддат ва шартларини ўз ичига олувчи кредит шартномасини тасиқлашга доир қарори.

Агар кредит кўчмас мулк гарови билан таъминланган бўлса, унда кредит йиғмажилдида қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши талаб этилади:

- ипотека тўғрисида тузилган шартноманинг асл нусхаси;
- гаровга берувчи ва банк томонидан имзоланган, гаров объекти қийматининг келишув далолатномаси;
- гаровга қўйилган мулкни суғурта қилиш шартномаси ва ушбу шартнома бўйича суғурта полиси;
- гаров шартномасининг давлат кадастр идораларида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки давлат кадастр идораларида гаров шартномасининг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи, белгиланган шаклда гаров шартномасига қўйилган белги;
- гаров предметини сотиш нархини тасдиқловчи ҳужжатлар, агар кредит, уни сотиб олишни молиялаш мақсадида берилган бўлса.

Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи қарздорга ўтганидан сўнг гаров воситаси бўладиган мулкни сотиб олиш учун бериладиган кредитларга доир кредит йиғмажилдларида мазкур мулкни сотиш нархини ва бу мулк суғурта қилинган пул маблағлари миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши лозим.

Агар кредит кўчмас мулкни қуриш, таъмирлаш ва тиклашни молиялаш мақсадида берилган бўлса, банк кредит йиғмажилдига смета ҳужжатларини, шунингдек, банк томонидан тайёрланган текшириш тўғрисидаги ҳисоботни ёки кредит берилган ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани киритиш лозим.

Кредит бошқа шахс томонидан қафолатланганда кредит йиғмажилдига қуйидаги қўшимча ҳужжатлар киритилади:

- кафиллик тўғрисидаги шартнома ёки ёзма қафолат;
- аудиторлик ташкилоти ёки аудиторнинг қафолатчининг (кафил) қоникарли молиявий аҳволини тасдиқловчи ҳулосаси;
- шахснинг кафил номидан (қафолатчи) қафолат тўғрисидаги шартномани (мажбуриятни) имзолаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

Кредитни беришга доир банк билан тузилган шартномага, жумладан, гаров тўғрисидаги шартномага киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар ушбу шартномалар шартларига мувофиқ расмийлаштирилиши ва тегишли йиғма жилдларга киритилиши лозим.

Кредит тўлик ёки қисман тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар кредит йиғмажилдига киритилиши ва кредитни тўлаш манбаларини (қарздор томонидан ўтказилган ёки гаров объектини сотишдан олинган маблағлар) акс эттириши зарур.

Низомда кредитларга доир олинган ҳуқуқлар бўйича ҳужжатларни юритиш тартиби ҳам белгиланган.

Банк кредитга доир ҳуқуқларни сотиб олган ҳолда бу банк ён бериш тўғрисидаги шартнома имзоланган вақтда кредит йиғмажилдини очиши керак ва унга мазкур низом талабларига мувофиқ тайёрланган ва дастлабки кредитор томонидан текширилган, дастлабки кредиторнинг йиғмажилдига тикиб қўйилган барча ҳужжатларни киритиш лозим. Булардан ташқари ўтказма амалга оширилган банкнинг кредит йиғмажилдида қуйидагилар бўлиши лозим:

- ўтказишни амалга оширган банкнинг кредит ўз вақтида ва тўлик тўланиши тўғрисидаги батафсил ҳисоботи;

- пул ўтказиш тўғрисидаги шартнома, жумладан, кредитга доир хизмат кўрсатиш шартларига низом (кредитни тўлаш ҳақидаги қвитанция), кредитни тўлашга доир маълумотлар ва ёзма ҳужжатлар билан ўзаро алмашиш;

- ён берган банк томонидан кредит бериш мезонларини белгиловчи ҳужжат нусхаси.

Низомга мувофиқ банк томонидан амалга ошириладиган ён бериш ҳужжатларини юритишда кредитни ён берган банк кредит йиғмажилдига мазкур кредит билан боғлиқ мажбуриятлар юзасидан банк томонидан тузилган ён бериш тўғрисидаги барча шартномаларни киритиши лозим. Агар мазкур шартнома янги кредиторга бундай хизматларни кўрсатиш бўйича банк мажбуриятларини ўзида камраб олса, банк ён берган кредит йиғмажилди ён бериш тўғрисидаги шартномага мувофиқ кредитга оид барча тўловлар олинмагунча ёпилиши мумкин эмас.

Низом қарздорларни ўзгартиришга доир ҳужжатлар юритилиши тартибини белгилаб беради.

Қарздорнинг ўзгариши дастлабки қарздор томонидан ўз қарзини бошқа шахс - янги қарздорга бериш тўғрисидаги шартнома, шунингдек, кредит шартномасига киритиладиган тегишли тўлдиришлар ёрдамида расмийлаштирилади.

Қарздор ўзгарган кредитга доир асосий ҳужжатлар қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши лозим:

- қарздор ва мўлжалланаётган янги қарздорнинг банк томонидан қарзни ўтказишга розилик беришини сўраб ёзган аризалари;

- мазкур низомнинг тегишли талабларига мувофиқ янги қарздорга нисбатан тайёрланган асосий ҳужжатлар;

- банкнинг қарзни ўтказиш юзасидан берган ёзма розилиги, дастлабки ва янги қарздор ўртасида тузилган ёзма шартнома;

- кредит шартномасига ёзма тарзда киритилган ва янги қарздор томонидан имзоланган ўзгартириш ва тўлдиришлар.

Банк қарзни ўтказиш юзасидан ўз розилигини беришга асос бўлган, янги қарздор берган таъминот шартларига қараб янги қарздорга очилган кредит йиғмажилдига тегишли қўшимча ҳужжатлар киритиб қўйилиши лозим.

Мажбуриятларнинг банк томонидан кафолатланишига доир ҳужжатлар қуйидагича юритилади.

Қарздор кредитни тўламаган тақдирда, кафил банк жавобгарликни ўз зиммасига олиши ҳақида ёзма шартномада кредит берган банкдаги кредит йиғмажилдида сақланади.

Кафолат берган банкда қарздор кредитни тўламаганлиги сабабли банк томонидан амалга оширилган кафолатлар бўйича йиғмажилд очилади. У кафолат берган банк томонидан қарз тўлангунга қадар юритилади.

Кредитлар мониторингини олиб боришда ҳужжатларнинг юритилиши қуйидагича белгиланган.

Банк ҳар бир берилаётган ёки олинаётган кредитлар бўйича йиғмажилдга қуйидаги ҳужжатларни тикиб қўйиши лозим:

- қарздорнинг молиявий аҳволи ва тўловларни ўз вақтида амалга ошириш имкониятини текшириш мақсадида тегишли шартномалар тузилганидан сўнг банк ва қарздор ўртасида юз берган муомалаларни акс эттирувчи ёзишмалар ва ҳужжатлар;

- кредит таъминоти сифатида берилган мулкни текшириш ҳужжатлари;

- қарздор кафилининг (кафолатчи) молиявий аҳволини акс эттирувчи барча ҳужжатлар;

- кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- қарздор тўловларни амалга оширмаган ҳолда банк томонидан қўрилган чора-тадбирларни тасдиқловчи ҳужжатлар.

Кредитга доир хизмат кўрсатувчи банк ўтказиш тўғрисидаги шартнома шартларига мувофиқ кредитнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини акс эттирувчи ҳужжатларни кредит йиғмажилдида юритиши шарт.

VII.2. Кредит шартномаси кредит хатарини камайтириш воситаси сифатида

Иктисодиёт субъектларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тегишли кредит шартномаларини тузиш оркали амалга оширилади. Кредит шартномаси, берилётган кредитнинг суммасидан катъи назар, ёзма шаклда тузилиши лозим. Бу коиданинг мажбурий эканлиги Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодексига алоҳида белгилаб қўйилган.

Фукаролик кодексининг 744-моддасида белгиланишича, кредит шартномасига кўра бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини белгиланган муддатларда қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади. Кредит шартномаси қуйидаги энг муҳим хусусиятларга эга:

- бу икки тарафлама шартнома, яъни унда ҳар икки томоннинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгилаб олинган бўлади. Янада аниқроқ қилиб айтилса, бу шартнома фақат бир томоннинг мажбуриятлари ёки ҳуқуқларидан иборат бўлиши мумкин эмас;

- шартнома қарз берувчи томонидан қарз олувчига кредитлаш хизмати кўрсатилиши борасида тузилади. Бу хизмат учун эса қарздор кредиторга фоиз, маржа, комиссия кўринишида ҳақ тўлаши лозим. Демак, томонлар ўртасидаги қарз муносабати кредит шартномаси сифатида расмийлаштирилмаган бўлса, фоиз тўланиши лозимлиги шартномада қайд этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки фоиз даражаси ёки суммаси шартномада тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса, қарздор кредиторга мазкур минтақадаги ўртача фоиз даражасига тенг даражада фоиз тўлаши лозим бўлади. Яъни кредит шартномасида фоиз даражаси қайд этилмаганлиги қарздорни фоиз тўлаш мажбуриятидан озод этмайди. Шундай қилиб, кредит шартномаси ҳақ олининини назарда тутиб тузиладиган шартномадир;

- бу консенсуал шартномадир, яъни у ҳар иккала томон имзолаши, яъни ёзма розилиги билан кучга кирази ва бу билан бир ёқлама тузиладиган шартномалардан фарқ қилади. Шартнома кучга кириши деганда томонларнинг шартномада назарда тутилаётган ҳуқуқлар ва мажбуриятларининг юзага келиши тушунилади. Лекин, бу ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг юзага келиши шартномада яна бир қатор шарт-

ларга ёки омилларга боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин. Масалан, кредит суммасининг берилиши кредит шартномаси имзоланишидан ташқари гаров шартномаси тузилишига, зарур ҳолларда гаров шартномасининг давлат рўйхатидан ўтказилишига боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин. Шунингдек, берилган кредитга фоизлар шартнома тузилган тқундан эмас, балки кредит маблағларидан ҳақиқатда фойдаланилган давр учун туланади;

- кредит шартномаси хўжалиқ шартномасидир, чнки у тадбиркорлик фаолияти соҳасида тузилади. Унинг шартлари бажарилишидан томонлар муайян иктисодий манфаатларни кўзлайдилар.

Кредит миқдори ва унинг қайтарилиши муддати, кредит мақсади, фоиз миқдори ва уни тулаш муддати, бошқа шу каби шартлар кредит шартномасининг муҳим шартлари ҳисобланади. Муҳим шартлар кредит хатари даражасини белгиловчи омилларни камраб олиши лозим.

Кредит шартномаси қарз шартномасининг бир тури ҳисобланади. Аммо кредит ва қарз шартномалари бир-биридан фарқ қилади. Аввало, барча жисмоний ва юридик шахслар бошқа шахсларга қарз беришлари мумкин, кредит бериш билан эса асосан банклар ва бошқа ихтисослашган кредит муассасалари шуғулланади. Кредит сифатида фақат пул маблағлари берилади, қарқ сифатида эса пул маблағлари ва бошқа ашёлар берилиши мумкин. Кредит шартномаси доимо ёзма шаклда тузилиши керак, қарз шартномалари эса баъзи ҳолларда оғзаки шаклда ҳам тузилиши мумкин. Кредит фақат ҳақ эвазига берилади, қарз эса фоизсиз ҳам берилиши мумкин. Кредит шартномаси томонларнинг ёзма розилиги билан кучга қиради. Қарз шартномаси эса фақат пул ёки ашёлар қарз олувчига топширилиши билан тузилган ҳисобланади. Кредитор томонидан қарз олувчига, ҳатто шартнома тузилгандан кейин ҳам, кредит суммаси бутунлай ёки қисман берилмаслиги мумкин. Қарз берувчи қарз олувчига қарз суммасини беришдан бош тортишга шакли эмас, чунки қарз суммаси берилмаган тақдирда, қарз шартномаси тузилмаган бўлиб қолади.

Фуқаролик кодексининг 746-моддасига биноан кредитор қарз олувчини туловга қобилиятсиз деб ҳисобласа, кредит олувчи кредитни таъминлаш бўйича мажбуриятларни бажармаса, кредит маблағларидан мақсадсиз фойдаланса, шунингдек, шартноманинг ўзида назарда тутилган бошқа ҳолларда кредитор қарз олувчига имзоланган кредит шартномасида назарда тутилган кредит суммасини беришдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақлидир. Чунки кредит шартномасида кредит суммасини беришдан бутунлай ёки қисман бош тортишга сабаб

булувчи бошка ҳоллар белгилаб олинishi мумкин. Ҳз навбатида, қарз олувчи кредит олишдан, кредит суммаси олингунга қадар, бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақлидир. агар қонун ҳужжатларида ва шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи бу ҳақда кредиторни кредит шартномасида белгилаб қўйилган кредит бериш муддатига қадар хабардор қилиши шарт. Шунингдек. Фуқаролик кодекси қоидалари қарздорга кредитни муддатидан илгари қайтариш ҳуқуқини ҳам бериб қўйган.

Юқорида таъкидлаганидек, қарз шартномасидан фарқли ўлароқ, кредит шартномаси суммасидан қатъи назар фақат ёзма шаклда тузилиши шарт. Бу Фуқаролик кодексиде белгилаб қўйилган мажбурий қоидадир. Ёзма шаклга риоя қилмаслик кредит шартномасининг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади, яъни бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди. Лекин. қонунчилик ёзма шаклда тузиладиган кредит шартномасининг бироқ-бир аниқ ва риоя қилиниши мажбурий бўлган таркибий қўринишини белгилаб бермайди. Бу томонларнинг ҳошишига боғлиқ.

Шундай бўлсада, банк амалиётида кредит шартномаларининг намунавий шаклларида кенг фойдаланилади. Намунавий шакл шартнома тузилаётганда назарда тутилган энг муҳим қоидалар қамраб олинishiга амалий ва услубий жиҳатдан қўмақлашади. Шунинг учун у, айниқса, банк филиалларида шартнома тузиш жарёнини муҳим равишда енгиллаштиради ва хатарларни қамтиради.

Тадқиқотчилар ва мутахассислар кредит шартномаларининг намунавий шакллари қўлланишда томонларнинг манфаатлари етарли даражада эътиборга олинishi ва ҳимояланиши учун қўйидаги жиҳатларни назарда тутган ҳолда кредит шартномасини тузиш мақсадга мувофиқ бўлишини тавсия этадилар:

- барча ҳолатлар ва вазиятларга тўғри қелувчи, барча ҳуқуқ ва манфаатларни тўлиқ ҳимоя қилиш имқонини берувчи шартномалар универсал шаклини яратиш мумкин эмас. демак, намунавий шаклни тўғридан-тўғри қўллашда муайян эҳтиёт-қорлик лозим бўлади;

- кредит шартномаси оммавий характердаги эмас, балки индивидуал характердаги шартнома. У ҳар бир қарз олувчи билан алоҳида равишда, кредит предмети муҳим фарқланадиган ҳолларда эса кредитлаш предметлари ва йўналишлари бўйича тузилиши зарур бўлади. шунинг учун унинг шартлари барча қарз олувчилар учун мутлақо бир хил бўлиши жуда қам учрайди;

- кредит олиш учун мурожаат қилаётган иқтисодиёт субъектига индивидуал ёндашган ҳолда, унинг ҳуқуқий мақоми, ташкилий тузилиши, мулк эгаллиги

таркиби, молиявий-иктисодий аҳволи, кредитланаётган лойиҳнинг реаллиги, самарадорлиги, пул оқимлари хусусиятлари каби омилларнинг чуқур ўрганиб чиқилиши банк учун ҳам, миждоз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга;

- қарз олаётган қорхона билан ҳуқуқий ва иктисодий жиҳатдан пухта, қонунчилик ва ҳужалик амалиёти талаблари даражасидаги кредит шартномаси тузилишини таъминлаш учун шартнома тузиш жараёнига иждодий ёндашиш керак;

- юқоридаги сабаблардан келиб чиққан ҳолда, шартномаларнинг намунавий шакли нусхаларини кўплаб тайёрлаб олиб, унга миждознинг номи, почта манзили, шартноманинг баъзи шартларини (кредит суммаси, қайтарилиши муддати, таъминланганлиги турлари, максаси, фоиз даражаси ва бошқалар) кейинчалик авторучкада ёзиб тўлғзиб қўйилишини тўғри амалиёт деб бўлмайти.

Умуман олганда намунавий шакл мавжудлиги фойдали эканлигини батамом инкор этиш мумкин эмас, чунки у кредитлаш жараёнининг умумий характердаги энг муҳим хусусиятларини шарномада тўла қамраб олинишини таъминлайди. Лекин унинг мавжудлиги кредитлашни ташкил этишдаги муаммолар тўла ҳал этилишини ҳам асло кафолатлай олмайди. Айнан шунинг учун кредитлашнинг ташкил этилиши иждодий мазмунга эга.

Миждоз билан кредит шартномаси тузилишидан олдин у банкка кредит буюртмаси ҳамда кредитланаётган лойиҳа ёки тадбир бўйича бизнес-режа тақдим этади. Улардаги маълумотлар қанчалик асосли эканлигини аниқлаш учун банк миждоздан унинг фаолиятини акс эттирувчи молиявий ҳисоботларни ва бошқа маълумотларни сўраб олади. Бу маълумотларни таҳлил этиш асосида бизнес-режанинг, шунингдек кредит буюртмасида кредитдан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатиш учун келтирилган далилларнинг қанчалик ҳаққоний эканлиги аниқлаб олинади. Миждознинг кредит олиш ҳақидаги буюртмасига илова қилинаётган бизнес-режанинг ва бошқа ҳужжатларнинг таҳлили асосида аввалдан келишиб олинган кредит суммаси, унга ҳисобланадиган фоиз миқдори, кредитни қайтариш ва фоиз тўлаш муддатлари ўзгартирилиши мумкин. Чунки бизнес-режада ёки кредит буюртмасида айрим харажатлар етарли даражада инобатга олинмаган, пул оқимлари нотўғри ҳисобланган, натижада кредит суммаси ва кредит самарадорлиги нотўғри аниқланган бўлиши мумкин.

Кредитлашни ташкил этишдаги муҳим жиҳат унинг таъминланганлиги, яъни кредитланаётган лойиҳа бўйича пул оқимлари келиб тушмаганда ёки қамроқ миқдорда келиб тушганда кредитнинг ниманинг ҳисобидан қайтарилиши ҳақидаги масаладир. Таъминланганликнинг асосий кўринишлари гаров, кафилик, кафолат

ва сугурталашдир. Мижоз учун энг маъкул шакл гаров бўлиб, бунда қарздор ўзига тегишли бўлган мулкни кредит қайтарилишининг таъминланганлиги сифатида гаров шаклида кредиторга тақдим этади. Кредит шартномасида белгилаб олинган шартлар асосида кредитнинг қайтарилиши амалга оширилмаса, гаровдаги мулк кредиторнинг ихтиёрига ўтади ва у ўзининг талабларини шу мулк ҳисобидан қондиради. Кредит ёки сугуртанинг қарз олувчи учун ноқулайлиги шундаки, улар учун қўшимча равишда алоҳида ҳақ тўланиши лозим (чунки улар молиявий хизмат турлари бўлиб ҳисобланади). Бу эса кредит олувчи учун кредит олиш бўйича харажатларнинг ортишига олиб келади.

Гаров ва кафиллик кредит шартномасидан алоҳида бўлган тегишли шартнома кўринишида расмийлаштирилади. Гаров ва кафиллик шартномасида асосий мажбурият (кредит)нинг муҳим шартоари аниқ кўрсатилиши келгусида пайдо бўладиган тушунмовчиликлар ва низоларнинг олдини олади.

Фуқаролик кодексининг 271-моддасига ва «Гаров тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасига асосан гаров ёлдан таъминланадиган мажбуриятнинг моҳияти, унинг миқдори ва бажарилиши муддати (яъни кредит берилишида кредит суммаси, уни қайтариш муддати, фоиз миқдори уни тўлаш муддати) кўрсатилган бўлиши керак.

Айрим ҳолларда бирон-бир кўринишдаги гаров шартномасини нотариал идорада тасдиқланишида тузилган кредит шартномаси тақдим этилиши талаб қилинади. Хусусан, ипотека шартномаси (ердан фойдаланиш ҳуқуқи гаровга қўйилаётган шартнома) ҳолида хундай талаб мавжуд. шунинг учун кредит шартномасини гаров шартномасидан олдин тузишга ҳам тўғри келиб қолади. Бу ҳолда кредит шартномасида кредит суммаси гаров ёки кафиллик шартномаси тўла расмийлаштирилгандан сўнг берилиши белгилаб олиниши лозим.

Банк филиаллари бош банк томонидан белгилаб қўйилган низомлар ҳамда филиал бошқарувчисига бо банк берган ишончнома асосида иш олиб боради. Филиалдаги кредит комиссиясининг миқозларга кредитлар бериш ҳақидаги қарорлар қабул қилишдаги бош банк томонидан муайян чегералар билан чеклаб қўйилади. Бош банк белгилаб қўйган лимитдан ортиб кетадиган миқдорларда кредит шартномаларини мустақил равишда тузишга ёкм кредитлар беришга филиал шакли эмас.

Кредит беришдаги энг муҳим омил бўлажак қарздорнинг кредит қобилияти, яъни унинг кредитдан самарали фойдаланиш ва кредитни ўз муддатларида қайтара олишга қобиллигидир. Кредит қобилиятини банк мутахассислари бўлажак

қарздорнинг иктисодий аҳволини молиявий таҳлил этиш йўли билан аниқлай-дилар. Кредит қобилиятига эга бўлмаган субъектларга кредит таъминланганлиги (гаров, кафилик ёки суғурта)мавжуд бўлганда ҳам кредит берилмаслиги лозим. Бу банк фаолиятининг энг муҳим, яъни «олтин» қоидадир.

Мазмуни ва таркиби жиҳатидан қаралганда, кредит шартномасида шартнома предмети, кредит суммаси, уни қайтариш муддатлари (график), мақсади, фоиз ставкаси ва тўлаш муддатлари, томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, томонларнинг жавобгарлиги, низоларнинг кўриб чиқилиши тартиби, шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, уни бекор қилиш тартиби форс-мажор ҳолатлар ва бошқа муҳим шартлар белгилаб олинади

Хорижий банклар ва халқаро молия ташкилотлари билан кредит шартномалари тузишда қарздор томонидан молиявий ва бошқа ҳисоботлар тақдим этилиши мажбуриятига, кредит шартномасининг ижобий ва салбий деб номланадиган шартларига, мажбуриятларни бажармаслик ҳолатларига (дефолт) ва бундай ҳолатлар вужудга келганда амалга ошириладиган чоралар каби шартларга алоҳида эътибор қилинади.

Кредит шартномасида назарда тутилган ижобий шартлар – бу кредит олинганидан сўнг, қарздор томонидан шартнома амал қилаётган давр мобайнида бажариладиган ижобий ҳаракатлардир. Ижобий шартларга қарздорнинг қуйидаги мажбуриятлари мисол бўлади:

- вақти-вақти билан молиявий ҳисоботлар тақдим этиш(банк қарздорнинг молиявий аҳволини тўғри баҳолай олиши учун);
- мол-мулкнинг, Айниқса гаровдаги мол-мулкнинг банк мақбул топган суғурта ташкилотида суғурталаниши (хорижий амалиётда баъзи ҳолларда қорхона раҳбарлари ва мутахассислари ҳаёти суғурталанишини ҳам талаб қиладилар);
- қарздорнинг фаолиятини қонунчилик талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда ва умумэтироф этилган тамойиллар асосида юқори малакали раҳбарлар назорати остида олиб борилиши ва оқилона иш юритилиши;
- бухгалтерия ҳисобининг ва молиявий ҳисоботларнинг миллий ёки халқаро андозалар асосида олиб борилиши;
- мулкни, биноларни, асбоб-ускуналарни нормал ҳолатда саклаш;
- айланма маблағлари мавжудлигини (баланс ликвидлиги), капиталнинг ва ликвидликнинг, тўлов қобилиятининг шартномада белгиланган меъёрлардан кам бўлмаган миқдорларда бўлишини таъминлаш вўа бошқалар.

Кредит шартномасининг салбий шартлари деганда кредит ажратилганнидан сўнг, қарздор банкнинг розилигисиз амалга ошира олмайдиган ҳаракатлар тушунилади. Демак, бундай шартлар воситасида банк қарздорнинг ҳужалик фаолиятига муайян чекловлар қўяди ва у йўл билан қарздорнинг банк учун мақбул даражадаги тўлов қобилиятини сақлашга интилади. Одатда бундай шартлар қарздор қорхонасининг пул оқимлари етарли даражада мавжуд бўлмаганда, яъни қорхонанинг одатдаги жорий пул оқимлари кредитнинг шартномага мувофиқ қайтариб борилишини таъминламай қўйганда ишга солинади. Чекловлар, асосан, қорхонанинг бошқа йўналишларда ҳам қарзлари пайдо бўлмаслиги ёки ошиб кетмаслигига қаратилади, чунки бу ҳам банкдан қарзларнинг ўз вақтида қайтарилишига хавф солади.

Кредит шартномасидаги салбий шартларга қуйидагилар мисол бўла олади:

- қарам ва шўба қорхоналар ташкил этмаслик;
- бошқа қорхоналарни сотиб олишда, қорхоналар ташкил этишда иштирок этмаслик, қайта ташкил этишни амалга оширмаслик;
- мулкни гаровга қўймаслик, бошқа шахслар учун қамал бўлмаслик;
- қорхона фаолиятига жиддий таъсир этадиган даражада қорхона раҳбарияти таркибига ўзгартириш киритмаслик;
- қорхонанинг мулк шаклини ўзгартирмаслик;
- дивидендлар ва бошқа даромадлар тақсимланиши бўйича тегишли чекловлар ва бошқалар.

Қўриқиб турибдики, кредит шартномасининг салбий шартлари бозор эркинликлари ва рақобат муҳити шароитларида банк кредитларининг қайтарилмай қолиши хатарини камайтиришга ёки олдини олишга қаратилган. шунинг учун бундай чекловларнинг кредит шартномаларига тобора кўпроқ киритиб борилишини табиий ҳол деб шисоблаш лозим. Ҳозирдаёқ мамлакатимиздаги банкларда халқаро молия ташкилотлари ва хорижий банкларнинг кредит линиялари ҳисобидан республикаимизда фаолият кўрсатаётган ҳужалик юритувчи субъектларга кредитлар берилишида, ушбу молия ташкилотлари ва банкларнинг талабларидан келиб чиқиб, кредит шартномалари тузилмоқда. Бу шартномаларда ижобий ва салбий шартлар аниқ кўрсатиб қўйилган.

Шартномалардаги ижобий ва салбий шартларнинг бекаму-қўст бажарилишини банк назорат қилиб боради, яъни доимий мониторинг амалга оширилади. Бу айни пайтда кредит ҳисобидан молияланаётган лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилишини назорат қилиб борилишини ҳам таъминлайди. Ўз навбатида

кредит муддатларида кайтариледи, унга ҳисобланган фоизлар вақтида туланади. Шу тарзда, банк билан қарздорнинг манфаатлари бир-бирига боғлиқ кетишига эришилади. Демак, қарздор кредит шартномасидаги салбий шартларни ўзининг хўжалик фаолиятига салбий таъсир этувчи, унинг эркинликларини ноўрин равишда чекловчи восита деб ҳисобламаслиги лозим.

Шундай қилиб, кредит шартномаси ҳар икки томоннинг манфаатларини қўзлаган ҳолда тузилади. Унда белгилаб олинган шартларнинг асосий қисми ҳар икки томоннинг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Кредит шартномаси банкнинг ва қарздорнинг манфаатларини бирлаштирувчи механизм сифатида намоён бўлади.

VII.3. Кредит мониторинги

Маълумки, мамлакатимизда банк активларининг деярли асосий қисми, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардан фарқли ўларок, кредитлаш операцияларига йўналтирилган. Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётининг ҳозирги босқичида банклар даромадларининг ярмидан кўпроғи берилган кредит бўйича олинган фоиз даромадларига тўғри келмоқда. Шу билан бирга миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида банклар томонидан берилган кредитларнинг аҳамияти муҳим даражада кучайиб бормоқда. Банк кредитлари ёрдамида қўлаб янги корхоналар барпо этилмоқда, мавжуд корхоналар кенгайтирилмоқда ва меҳнатга лаёқатли аҳоли учун қўшимча иш жойлари яратилмоқда. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун банк кредитлари ҳаётий аҳамиятга эга. Бу корхоналар банк кредитларидан фойдаланиб илғор техника-технологияга асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқдалар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик хўжалиқларини кредитлаш жараёнида банк учун кредит хатарини минимал даражада саклаб туриш масалалари ҳам анча изчил равишда ҳал этилади. Аввало, иқтисодиётнинг бу соҳасини кредитлашда банк кредитларни диверсификациялашнинг чекланмаган имкониятларига эга. Бошқа томондан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бизнес-режаларини молиявий-иқтисодий экспертизадан ўтказиш, кредитларнинг мақсадли ишлатилишини бевосита назорат қилиш банк учун бир мунча соддалашган ҳолда амалга оширилиб, банк ходимларидан ҳаддан зиёд юқори малака талаб этмайди.

Юқорида қайд этилганидек, банк учун кредит хатарини минималлаштиришга, биринчи навбатда, банк кредит портфелини диверсификациялаб эришилади. Шу билан бирга банк мунтазам равишда кедит портфели таркиби ва ҳажмини такомиллаштириб боришга интилиш лозим. Банк кредит портфелини шакллантириш, такомиллаштириш ва унга хос бўлган хатар даражасини камайтириш бўйича олиб бориладиган ишлар кредит портфели мониторингида ўз ифодасини топади.

Банкнинг кредит портфели мониторинги - бу кредитлаш учун банк томонидан ажратилаётган ресурсларни соҳалар, тармоқлар, корхоналар гуруҳлари ва муайян корхоналар бўйича оқилона жойлаштириш, берилган кредитлардан миқозлар самарали фойдаланишларини таъминлаш ва назорат қилиш, берилган кредитларнинг асосий қийматини ва улар учун ҳисобланган фоизларнинг ўз вақтида ундириб олиншига қаратилган ишлар ва чора-тадбирлар мажмуасидир. Кредит портфели мониторинги банк учун кредит хатарини минималлаштирган ҳолда кредитлаш операцияларидан банк даромадини максималлаштиришга хизмат қилади.

Ҳозирга пайтда иқтисодий ён барча соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилаётган банк кредитлари ҳажми ортиши, банк кредитларидан фойдаланаётган мулкчиликни турли шаклларига мансуб миқозлар сони ортиши, кредит қўйилмаларини оқилона жойлаштириш зарурлиги ва улар самарадорлигини ошириш, берилган кредитлар ва улар бўйича ҳисобланган фоизлар ўз вақтида ундирилишини таъминлаш банкларнинг кредит портфели устидан доимий мониторинг олиб боришни зарур қилиб қўймоқда. Банк фоолиятига бевосита тааллуқли бўлган иқтисодий адабиётларда одатда банк кредит портфели мониторинги жараёнининг турт босқичдан иборат эканлиги қайд этилади:

Биринчи босқич - берилаётган кредитларнинг расмийлаштирилишининг қонунийлигини ва тўғрилигини назорат қилиш;

Иккинчи босқич - берилган кредитларнинг мақсадга мувофиқ ишлатилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

Учинчи босқич - қарздорнинг ва кафиллик берувчининг молиявий аҳволини, гаровга олинган мулкнинг бутлигини доимий кузатиб бориш ҳамда кредит ва у бўйича ҳисобланган фоизларнинг белгиланган график асосида ундирилишини назорат қилиш;

Туртинчи боскич - кредит ва у буйича хисобланган фоизларни шартномада белгиланган муддатларда тўлик ундириб олишни таъминлаш, ўз вақтида ундирилмаган тақдирда зудлик билан чора-тадбирлар кўриш.

Кредит хатарини минималлаштиришнинг энг самарали йўли муаммоли эканлиги эҳтимоли юқори бўлган кредитлар берилишига йўл қўймаслик, яъни аввал бошданок кўриниб турган хатарни банк кредит портфелига олиб кирмасликдир. Шунинг учун кредитларни расмийлаштиришнинг дастлабки боскичида, аввало, миқознинг тақдим этган бизнес-режасини ҳамда молиявий аҳволини чуқур ўрганиб чиқилади. Бунда миқознинг молиявий аҳволи ўзгаришига таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни таҳлил этилади, яъни бўлажак қарздорнинг фаолияти учун хос бўлган молиявий хатар таснифланади. Масалан, объектив омиллар сифатида табиат ҳодисаларини (зилзила, ёнғин, сув тошқини, кургоқчилик, эпидемия ва ҳоказо), мамлакатдаги ички ва ташқи сиёсат ўзгаришларини (халқаро муносабатлар, бошқарув тизими, нул бирлигининг кадрсизланиши кабилар), субъектив омиллар сифатида эса кредит олишга буюртма берган миқознинг иқтисодиётда тутган ўрни, кредит йўналтирилиши лозим бўлган тадбирларнинг долзарблиги ҳамда уларнинг ҳудуд иқтисодиётига таъсири, миқознинг иқтисодий кўрсаткичларини (кредит қобилияти, асосий ва айланма маблағлар миқдори, таркиби ва ҳолати, ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар ҳажми ва уларни сотишдан тушган тушум ҳажми, соф фойда ҳажми, кадрлар сони ва уларнинг сифати таркиби кабилар) чуқур таҳлил этиш ҳамда корхона раҳбарларининг билим савияси, дунёкараши ва маданиятини ўрганиш керак. Кредит олишга буюртма берган миқознинг молиявий ҳолати таҳлил этилиб, берилган кредит ва у буйича хисобланган фоизларни ўз вақтида қайтарилишига шубҳа бўлмаган тақдирдагина кредитни расмийлаштириш жараёнини бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Кредитни расмийлаштириш жараёнида миқознинг молиявий аҳволини ўрганиш билан бирга, кредитнинг таъминот объектини чуқур таҳлил этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Агар кредит таъминоти сифатида учинчи шахсларнинг кафилиги тақдим этилса, бу шахсларнинг молиявий ҳолати кенг қўламда ўрганилиши лозим ва қарздор томонидан баъзи бир сабабларга кўра кредитни ўз вақтида қайтаришда қийинчиликлар туғилган пайтда, ушбу кредитни кафилик берувчи шахсдан ундириб олишга шубҳа бўлмаган тақдирдагина, кафиликни кредит таъминоти сифатида қабул қилиш мумкин.

Банк бўлимлари кредит портфеллари тахлили жараёнида айрим банклар томонидан учинчи шахсларнинг кафиллик таъминоти орқали берилган кредитлар бўйича, кафиллик берувчиларнинг мулки берилаётган кредит суммасини тўлик қопламаслиги ҳоллари аниқланмоқда. Бир юридик ёки жисмоний шахс бир неча кредит олувчига кафиллик бермоқда ёки кафиллик берувчининг ўзида кредитлар ва улар бўйича ҳисобланган фоизлардан муддати ўтган қарздорлик мавжуд.

Кафиллик берувчиларнинг ҳисоботлари ҳар чоракда талаб қилинмаяпти ва уларнинг ҳолатлари таҳлил этилмаяпти. Бу ҳолат кредит таъминоти сифатини пасайтиради ва кредитларни ўз вақтида қайтаришда муаммолар туғдиради.

Агар кредит таъминоти сифатида кўчмас ёки кўчадиган мулкларни гаровга қўйиш таклиф этилса, кредит вақтида қайтарилмаган тақдирда ушбу мулкларни тезликда сотиб, ундан тушган тушимдан кредит ва ҳисобланган фоизларни тўлик ундириб олишга шубҳа бўлмаган тақдирдагина қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Банк амалиётида баъзи балансдаги муддати ўтган кредитларни кўрсатмаслик ва «сўндириш» мақсадида гаровга олинган мулкларни балансга кирим қилиш ва сўнгра уларни сотиш жараёнини бошлаш ҳоллари учраши мумкин. Бу эса ўз навбатида кўпинча банкни қўшимча унумсиз харажатларга дучор қилади.

Иқтисодийетимизни ҳозирги шарт-шаронтларида кредитлар ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда гаровга олинган мулкни ҳеч қандай мулоҳазаларсиз банк балансига олиб, сўнгра уни сотиш жараёнини бошлаш ҳар доим ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Кўпчилик ҳолларда гаровга олинган мулкларни сотиш аяча узок давом этмоқда. Маънавий эскирган мулкни сотиш айниқса қийин кечмоқда. Бу даврда банк балансига олинган гаровдаги мулклар даромад келтирмайдиган активлар тоифасига киритилади ва уларни сақлаш учун банк томонидан харажатлар қилишга тўғри келади (солиқлар, қўриқлаш суммаси ва бошқалар). Шунинг учун бундай нохуш вазиятни олдини олиш мақсадида фақат гаровдаги мулкнинг тезда сотилишига етарли ишонч бўлган тақдирдагина банк балансига олинган маъқул. Акс ҳолда гаровга олинган мулкларни банк балансига олмасдан сотиш чораларини кўриш ва кредит бўйича қарзларнинг шу йўл билан сўндирилишига эришиш керак.

Кредит таъминоти учун гаров сифатида тақдим этилган кўчмас ёки кўчар мулкларнинг аҳволи, уларнинг бутлиги белгиланган муддатларда банк ходими томонидан жойига чиқиб текшириб борилиши ва назорат қилиниши зарур. Бу шарт қарздор билан тузилган кредит шартномасига алоҳида банд сифатида киритилиши

лозим. Гаровга олинган мулкларнинг аҳволи ва бутунлиги шубҳа уйғотган тақдирда, гаров сифатида бошқа мулклар тақдим этилишини талаб қилиш лозим. Агар гаров кўринишида таъминот қонқарли даражага келтирилмаса, берилган кредитни муддатидан илгари ундириб олиш чораларини кўриш талаб этилади.

Кредит хатари маълум даражада кредитнинг муддатига ҳам боғлиқ. Шунинг учун кредитни расмийлаштиришда ундан фойдаланиш муддатини тўғри белгилаш жуда муҳимдир. Кредитнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлашда кредит маблағлари йўналтириладиган тадбирлар қанча вақтда ўзини қоплайди, қайси пайтдан фойда келтира бошлайди, кредит сўндирилишини қайси даврдан бошлаш мумкин каби масалаларни оқилона ечимини топиш муҳим аҳамиятга эга.

Чакана савдо корхоналарига товарларнинг олди-сотти операциялари учун берилган киска муддатли кредитларнинг муддати бир-икки ойдан ортиқ бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай корхоналарда товар айланиши тез содир бўлади ва кредитнинг қайтарилиши кредитга олинган товарларни сотишдан кўнлик тушум миқдоридан ҳар кун амалга оширилмоғи лозим. Кредит ва улар бўйича ҳисобланган фоизлар ўз вақтида ундириб олинганидан сўнг яна кредитга талаб бўлса, янгидан кредитни расмийлаштириш мумкин.

Кредит мониторинги кредит маблағларининг кредит берилгандан кейинги ҳаракати устидан назоратни ҳам ўз ичига олади. Бу кредит хатарини камайтиришнинг энг таъсирчан чораларидан ҳисобланади. Банк берилган кредитнинг қарздор томонидан мақсадли ишлатилишини назорат қилади. Бунинг учун жойларга чиқилиб, кредит маблағлари йўналтирилган товарлар олинганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари ўрганилади (юк хати, ишончнома, товар-транспорт юк хати, товарларнинг оморларга қирим қилинганлигини тасдиқловчи қирим ордерлари, омордан ишлаб чиқаришга берилган товар-моддий бойликларини тасдиқловчи талабнома ёки лимит карталари, нарядлар, бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳ.к.). текшириш натижалари бўйича далолатнома тузилади. Кредитнинг мақсадсиз ишлатилганлиги аниқланган тақдирда, берилган кредит муддатидан илгари қайтариб олинади.

Кредит мониторинги кредит таъминотининг гаровдан бошқа турлари қўллаиғанда ҳам улар устидан назоратни ўз ичига олади. Берилган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш мақсадида қарздорнинг ва қафиллик берувчининг молиявий аҳволи мунгазам равишда таҳлил этилиши, молиявий аҳволнинг яхшиланиши ёки ёмонлашуви кузатиб борилиши керак. +қарздор ёки

кафиллик берувчининг молиявий аҳволи улар томонидан ҳар чоракда тақдим этиладиган бухгалтерия баланси ва бошқа молиявий ҳисоботлар, дебитор-кредитор қарзларнинг ёйилмалари ва уларни тасдиқловчи солиштирув далолатномалари асосида амалга оширилади. Шу билан бирга қарздорнинг банкдаги ҳисоб варақларида пул маблағларини айланиш ҳажмлари ҳамда К-2 да корхонага нисбатан талаблар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳам қарздорнинг ёки кафилнинг молиявий аҳволини муҳим равишда ифодалаб туради.

Дебитор-кредитор қарзлар ошиб бориши, айниқса муддати ўтган дебитор ёки кредитор қарзлар пайдо бўлиши корxonани молиявий аҳволи ва молиявий бошқарув жиҳатидан салбий равишда характерлайди. Чунончи, дебиторлик қарзлар ошиб бориши ёки муддати ўтган дебиторлик мавжудлиги корхона айланма маблағларининг корхона хўжалик оборотидан ташқарига жалб этилишини билдиради ва молиявий аҳволга салбий таъсир кўрсатади.

Албатта қарздорнинг молиявий аҳволи унинг ишлаб чиқариш фаолияти билан чамбарчас боғланган. Ишлаб чиқариш жараёнида сифатсиз хом-ашёдан фойдаланиш тайёр маҳсулот сифатининг пасайишига олиб келади. Тайёр маҳсулотни сотиш қийинлашади, оморда тайёр маҳсулот захиралари ортади. Натижада айланма маблағлар айланиши тезлиги пасаяди ва корxonанинг молиявий аҳволи ёмонлаша бошлайди. Бундай ҳолларда банк қарздор корхона раҳбарлари билан бирга корхонадаги аҳволини соғломлаштириш бўйича кескин чораларни кўриши зарур бўлади.

Ривожланган мамлакалар амалиётида кредит хатарини камайтирилишига кўмаклашувчи институтлар мавжуд. Уларда тижорат банкларининг (инвестиция сугурта ва бошқа молия институтларининг ҳам) кредит хатарини камайтириш муаммоларини мамлакат миқёсида ҳал этиш, шунингдек бошқа мажбуриятларнинг бажарилмаслигини олдини кредит берувчилар ўртасида кредит олувчилар ҳақидаги маълумотларнинг алмашинуви учун тузилган кредит маълумот бюрolari ёрдамида амалга оширилади. Кредит маълумот бюроси эҳтимолий кредит олувчилар ҳақида тижорат банкларини оператив тарзда хабардор қилади. Бу ҳолда банк миқозларга кредит бериш ёки бермаслик ҳақида аввалроқ қарорга келиши мумкин бўлади. Миқоз эса мурожаат қилган захоти кредит олиши ёки рад жавобини ҳам тез олиши мумкин бўлади. Муҳими банкининг номақбул миқозга учраб қолиши хавфи камаяди. Кредит маълумот бюроси банкка эҳтимолий миқознинг ишончлилиги тўғрисида маълумот бериш билангиа чекланмайди. Миқоз ҳақида молиявий-иқтисодий, статистик, рейтинг характеридаги маълум-

мотлар ҳам берилади. Натижада кредит бериш масаласини маълумот бюроси фаолияти мамлакатда кредит интизомини мустахкамлашга реал равишда кўмаклашади. +арздор ўз мажбуриятларини бажармаса, бу барча банкларга ошкор бўлиб қолади, бошқа банклардан кредит олиш имкониятлари ҳам ўз-ўзидан йўқолади, бу миқозларини виждонсиз хатти-ҳаракатлардан тийиб туради.

Баъзи мамлакатларда кредит маълумот бюроси маълумотларига таянмасдан берилган кредитлар буйича банкларнинг даъво аризаларини хўжалик судлари қабул қилмайдилар. Жаҳон амалиётидаги мазкур тажриба Ўзбекистонда ҳам жорий этилиши лозим.

VIII-мавзу

Муаммоли кредитлар ва улар билан ишлаш

VIII.1. Муаммоли кредитлар пайдо бўлиши шарт-шароитларини ўрганиш

Муаммоли кредитлар вужудга келиши биринчи навбатда қарздорнинг молиявий аҳволи ёмонлашуви билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун муаммоли кредитлар пайдо бўлиши сабабларини ўрганишда қарздорларнинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлиги мунтазам кузатиб борилиши муҳим аҳамиятга эга Бозор муносабатлари шароитида корхона тўлов қобилиятининг таҳлил ва назорат қилиш, унга баҳо бериш махсус билимларга таянади ҳамда қатор методологик воситалардан фойдаланишни тақозо этади. Ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги корхоналарда улар фаолиятининг молиявий нуқтан-назардан таҳлил этиб борилиши юқори даражада деб бўлмайди. Бу эса иқтисодий назоратни, шу жумладан молиявий назоратни самарали олиб борилишига салбий таъсир этади. Корхона молиявий ҳолатига ўз вақтида баҳо берилмаслиги бир томондан корхона иши фаолиятини қийинлаштиради, иккинчи томондан потенциал инвесторлар ва кредиторларни қалғитади. Шунингдек, молиявий аҳволни тузатиш буйича ўз вақтида чорлар қўрилмаслиги муаммоли кредитларни ҳам вужудга келишига сабаб бўлади.

Молиявий таҳлил ва назоратни соддалаштириш, уларнинг натижасида корхонани аҳволига реал баҳо берилишига эришиш мақсадида молиявий коэффициентлардан фойдаланилади. Коэффициентларнинг сифати ўз навбатида

уларни ҳисоблаб чиқилиши усулларига ҳамда ҳисоб-китобларда фойдаланилаётган ҳисобот маълумотларининг тўла ва ҳаққонийлигига, прогноз маълумотларни тўғри асосланганлигига боғлиқ бўлади. Молиявий коэффицентларнинг эиг муҳим афзаллиги шундаки, улар корхонанинг инвестицион жозибадорлигини узлуксиз равишда кузатиб ва назорат қилиб боришга имкон беради.

Молиявий коэффицентлар корхона молиявий ҳолатини акс эттирувчи инсбий микдорлардир. Уларнинг динамикасини муайян вақт давомида кузатиб борилиши мумкин бўлгандагина улар тўлақонли мазмун касб этади. Албатта, динамикани кузатишда инфляциянинг таъсирини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Айни пайтда молиявий коэффицентларни талқин қилиш ва шарҳлашда эҳтиёткорлик ҳам талаб этилади. Молиявий коэффицентлар таҳлилига асосланиб назорат қилишда ишончли хулосаларга эга бўлиш учун бу коэффицентлар ўтган йиллар билан тармоқнинг ва рақобатчи фирмаларнинг кўрсаткичлари билан умум қабул қилинган стандартлар асосида таққослана олиши лозим.

Кўпинча коэффицентларнинг қўйидаги гуруҳларини ажратиб кўрсагадилар. Бунда молиявий таҳлилнинг турли вариантларида гуруҳларнинг номлари ўзгариши ҳам мумкин:

1. Ликвидлик кўрсаткичлари. Улар корхонанинг тўлов қобилиятини ва молиявий барқарорлигини назорат қилишга имкон беради.

2. Активларни бошқариш кўрсаткичлари. Активларни энг кам хатар ва юқори даромадли шакллантирилишини назорат қилишга хизмат қилади.

3. Рентабеллик кўрсаткичлари. Корхона умумий самарадорлигини назорат қилиш орқали корхонанинг яхлит ҳолда бозорғирлигини (капиталлашишнинг юқори даражасини) таъминлайди

4. Қарзларни бошқаришнинг самарадорлиги кўрсаткичлари. Улар корхона дебитор ва кредитор қарздорлиги ҳолати назорат қилинишига қўмақлашади.

Биринчи гуруҳ кўрсаткичларининг норматив микдорлари мавжуд. Улар кўп йиллик тажриба асосида ишлаб чиқилган. қолган гуруҳларнинг кўрсаткичлари уларни йиллар бўйича ёки бошқа қорхоналарининг кўрсаткичларига таққослаб баҳоланади.

Биринчи гуруҳдаги молиявий коэффицентлар ликвидлик даражасини баҳолаш учун қўлланилади. Ликвидлик активни унинг тўла қийматини сақлаган ҳолда қанчалик даражада осон ва тез пулга айлантириш мумкинлигини билдиради. Ўнг ликвид актив пул маблағларидир. Улардан қарзларни тўлаш учун, ускуна сотиб олиш ёки ҳар қандай бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Компаниянинг ликвид активлари канчалик кўп бўлса, компания шунчалик эркин иш кўра олади. Шундай қилиб компания ликвидлиги тахлили, унинг молиявий мослашувчанлиги ва таваккалчилигини назорат қилиш кулолидир. Мамлакатимиз корхоналарида ликвидлик кўрсаткичлари талкин қилишда маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ёндашиш зарурлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Чунончи ликвидлик кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш учун маълумотлар бухгалтерия балансидан олинади. Баланс активида моддалар активларнинг ликвидлик даражаси ортиб боришга мос равишда жойлаштирилган. Ҳар бир активнинг ликвидлиги унинг активлар қайси тоифага мансублигига боғлиқ бўлади, лекин конкрет равишда у мазкур активнинг ўзига хос хусусиятлари билан ҳам белгиланади. Масалан, асосий воситаларга мансуб муайян актив ишлаб чиқариш захираларига мансуб муайян активга нисбатан ликвидроқ бўлиб чиқиши мумкин. Активларнинг балансдаги баҳолари ҳам ҳар доим уларнинг реал бозор қийматига мос келавермайди. Сўнги йилларда асосий воситалар кўп марта қайта баҳоланиши ҳам масалага тўла равишда оидинлик киритиб бергани йўқ. Шундай экан асосий воситаларни баҳолашга субъектив ёндашув муҳим равишда ўз кучини сақлаб қолмоқда. Умуман олганда ишлаб чиқариш захираларни қиймати, нисбатан ошириб кўрсатилиши ва асосий воситалар қиймати камайтириб кўрсатилиши тез-тез учраб туради. Ликвидликни баҳолашда биринчи навбатда тўлов қобилияти коэффициенти ишга солинади. У айланма маблағлар миқдорини жорий мажбуриятларнинг ҳажмига бўлиб топилади.

$$K_1 = \text{ОБМ} / \text{ЖМ}$$

бу ерда K_1 - тўлов қобилияти коэффициенти,
 ОБМ- айланма маблағлар миқдори,
 ЖМ- жорий мажбуриятларнинг ҳажми.

Айланма маблағлар ўз ичига пул маблағларини, омбордаги товар-моддий бойликларни ва дебитор қарзларини олади. Жорий мажбуриятларга банкдан, ресурслар етказиб берувчилардан, солиқ органларидан ва ходимлардан жорий қарздорлик ва бошқа шунга ўхшаш моддалар киради. Мазкур коэффицентнинг мазмунини қўнидагича шарҳлаш мумкин.

1. Агар компания қарзларни уларнинг муддатлари етиб келгунга қадар тўламаса, уни судга беришлари ва ҳатто банкрот деб эълон қилишлари мумкин.

2. киска муддатли қарзларни тўлаш муддати узок муддатли қарзларга нисбатан жуда тез етиб келади, шунинг учун бу ерда тўлай олмаслик хатари юкори бўлади.

3. Агар мажбуриятларни зудлик билан сўндириш зарур бўлиб қолса, энг ликвид активларни пулга айлантириб олиш осонроқ кечади.

Жорий мажбуриятларнинг муайян даражасида компаниянинг айланма маблағлари қанча кўп бўлса, унинг ликвидлиги шунча юкори, демак инвесторлари учун компанияга қўйилмалар хатари ҳам шунча паст. Агар вақт ўтиши билан мазкур коэффициент насайиб бораётган бўлса, инвесторлар учун хатар даражаси ортомқда деб билишимиз лозим бўлади. Айланма маблағлар таркибида дебитор қарзлар ўзига хос ўрин эгаллайди. Бозор муносабатлари шароитида корхона ўз маҳсулотини 100 % олдиндан тўлов билан сота олмайди. Рақобат шароитларида харидорларни жалб этиш учун уларга тўловлар борасида ён беришга тўғри келади ҳамда дебитор қарзлар мавжудлиги корхона учун одатдаги ҳолга айланади. Айни пайтда, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида корхоналар қўпчилигининг молиявий барқарорлиги мустаҳкам эмаслиги дебитор қарзлар ўз вақтида сўндирилишида муаммоларни келтириб чиқаради.

Бундан ташқари корхона омборидаги тайёр маҳсулотнинг ликвидлиги ҳам нисбий характерда. Унинг сифати ва баҳосига эътироз бўлмаса ҳам, харидорнинг молиявий аҳволи қониқарли даражада бўлмаса, тайёр маҳсулотни сотиш қийинлашади. Албатта, корхоналарнинг бозордаги рақобатбардошлиги мустаҳкамланиб бориш жараёнида бу муаммолар ҳал этилади.

Ликвидликнинг иккинчи кўрсаткичи тез ликвидлик коэффициентиدير. Унинг ҳисоблаб чиқилишида омбордаги товар- моддий захиралар қиймати айланма маблағларнинг миқдоридан чиқариб ташланади ва ҳосил бўлган айирмани жорий мажбуриятларнинг миқдorigа бўлинади.

$$K_2 = (\text{ОБМ} - \text{ТМЗ}) / \text{ЖМ}$$

бу ерда K_2 - тез ликвидлик коэффициенти, ТМЗ - омбордаги товар-моддий захиралар миқдори. Товар-моддий захираларининг айланма маблағлар миқдоридан чиқариб ташланиши сабаби шундаки, бозор иқтисодиёти амалиётида улар пул маблағлари ёки дебитор қарзлар сингари юкори ликвидли ҳисобланмайди. Одатда товар-моддий бойликлар жуда тез ёки мажбуран сотилишида уларнинг реал қиймати бир қисми бой берилади. Жаҳон тажрибаси ва илгор корхоналар амалиёти

K1 коэффициентлари миқдори 2-2,5 пунктдан, K2ники эса 1,2-1,8 пунктдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда. Йил охирига K1 ва K2 коэффициентлар миқдорлари пасайиши корхонага инвесторлар қўйилмалари учун хатар ортганлигини билдиради ва аксинча. Агар K1 ва K2 нинг миқдорлари 1,0 дан паст бўлса, бу асосий воситалар қисман қисқа муддатли қарздорлик ҳисобидан молиялаштирилганлигини англатади, бу эса корхонани молиявий бошқаришдаги салбий ҳолат деб тан олинган. K2 коэффициент ҳаддан зиёд юқори бўлса, корхона ўз маблағларини анчагина қисмини пулга айлантириб, ишлаб чиқаришда фойдаланмаётганлигидан дарак беради. Даромадлар эса, маълумки, ишлаб чиқаришда яратилади. Сотиш бу даромадни рўёбга чиқаришга қўмаклашади.

Айланма маблағларнинг таркиби ва миқдорини, унинг кредитор қарздорлик тегишли моддалар билан баланслашганлигини ҳисобга олган ҳолда ликвидликни ҳар тарафлама баҳолаш учун юқоридагилардан ташқари ҳисоб-китоблар бўйича айланувчанлик коэффициентидаи (K3) ва моддий заҳиралар айланувчанлиги коэффициентидаи (B4) фойдаланиш лозим.

$$K_3 = \text{ДК} / \text{СХ} : 360$$

бу ерда СХ - маҳсулот сотиш ҳажми, ДК - дебитор қарзлар миқдори. K3 фирманинг харидорларни кредитлаш сиёсати қанчалик даражада самарали эканлигини, дебитор қарзларнинг нисбий миқдорини характерлайди. Бу коэффициент насияга сотилган маҳсулот учун тўлов ўрта ҳисобда неча кунда келиб тушаётганлигини кўрсатади. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида банк тизими егарли даражада ривожланмаганлиги, банкларнинг, корхоналарни кредитлаш имкониятлари кредитга талабдан анча орқада қолиши туфайли буюртмачилар билаи ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро қарздорлик муносабатлари ҳаддан зиёд тус олиб, кредитор қарздорлик қўпчилик ҳолларда айланма капитални молиялашнинг асосий шаклига айланиб қолади. Натижада K3 коэффициенти ўсиш тенденциясига эга бўлади. Ўзбекистонда дебитор қарзлар сўндирилиши муддатлари ҳўжалик қонунчилигида 90 кун муҳлат билан расман чегаралаб қўйилган. Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши бир томондан дебитор қарзларнинг тобора кенгрок тус олишига сабаб бўлса, иккинчи томондан корхоналар молиявий соғломлашиб бориши билан муддати ўтган дебитор қарзларга асосан барҳам берилиши учун қулай шарт-шароитларни яратади. Агар корхонада K3 коэффициенти барқарор равишда ўсиб бораётган бўлса, дебитор қарзлар таркиби ва муддатларини

синчиклаб ўрганиб чиқиш лозим. Дебитор қарзлар таркибини ўрганиш ҳар бир дебиторлик аналитик ҳисоблари бўйича тўловнинг кечикиши миқдори ва сабабини аниқлаб олиш мақсадида амалга оширилади. Бунда тўловларнинг кечиктирилишига айнаи қайси харидорлар йўл қўйганлиги аниқланади. Корхонада йирик миқдорда муддати ўтказиб юборилган дебитор қарз аниқланиши қуйидагилардан дарак беради:

- корхонада молиявий бошқарув самарали йўлга қўйилмаган;
- маҳсулот бозорида рақобат ўта кучли ёки сотиш жараёни яхши йўлга қўйилмаган;
- харидорларнинг тўлов қобилияти паст (улар молиявий қийинчиликларни бошдан кечирмоқда);
- фойданинг миқдори ошириб кўрсатилган (агар корхонада шубҳали қарзлар бўйича резерв ташкил этилмаган бўлса).

Ликвидликка товар-моддий захираларнинг айланиши муайян таъсир кўрсатади. Унинг миқдори корхонага молиявий баҳо беришда муҳим аҳамиятга эга. К4 коэффиценти ишлаб чиқариш фаолияти билан сотиш ва маркетинг соҳасидаги ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатнинг эиг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Компания ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг сотилиши натижасида тушум ҳосил бўлади. Агар маҳсулот уни сотиш мумкин бўлган ҳажмлардан кўпроқ ишлаб чиқарилса, омбордаги маҳсулот кўпайиб товар-моддий бойликлар даражаси ортади. Бошқа томондан эса, маҳсулот тез сотилиб кетаётган бўлса, омборлар бўшаб қолади ва корхона талабни қондиришга қийналади. Шундай қилиб, омбордаги маҳсулот буфер вазифасини ўтайди. Муҳими захиралар даражаси ҳеч қачон нолга тушиб қолмаслиги керак (харидор қўлдаи чиқади), лекин бошқа томондан маҳсулотнинг омборда йиғилиб қолиши қиммат капитални банд этиб қўяди. Товар-моддий захираларнинг айланиши товар сотилгунга қадар омборда қанча вақт туришининг ўртача муддатини аниқлашга имкон беради. Агар товар-моддий захиралар бир йилда икки марта айланса, товар омборда ўрта ҳисобда 6 ой туради, агар тўрт марта айланса - 3 ой. Товар моддий захиралар айланишидаги тенденцияларни билиб олиш раҳбарларга ишлаб чиқаришни тезлатиш ёки секинлатиш, маҳсулотни ўз вақтида сотилишини таъминлаш борасида мулоҳаза юритишга қўмақлашади. Товар-моддий захиралар айланишини ҳисоблаб чиқишда тушум бозор баҳоларида, товар-моддий захиралар эса таннархи бўйича кўрсатилишини назарда тутиш лозим, Шунинг учун товар-моддий захиралар

айланишини тушум асосида ҳисоблаб чиқар эканмиз, айланишнинг реал миқдорини ошириб кўрсатамиз.

$$K_4 = \text{СХ} / \text{ТМЗ}$$

Мазкур коэффициентдан тахлилий мақсадларда фойдаланишда ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги билан боғлиқ муаммо келиб чиқиши мумкин. Бундай ҳолда балансда ёки молиявий натижалар ҳақида ҳисоботдаги маълумотлар фақат йил охиридаги аҳволни акс эттириб, бошқа даврларда ҳам корхонада шундай вазият сақланганлигини билдирмайди. Шунинг учун баъзан ойма-ой маълумотларни кўриб чиқилиши ҳам зарур бўлиб қолади.

K_4 нинг норматив миқдорини белгилаш аичагина мураккаб иш. Шунинг учун унинг миқдорини тармокдаги бошқа корхоналар билан таққослайдилар ёки қатор йиллар бўйича динамикасини кўриб чиқадиладар. Ликвидликнинг аъъанавий нисбий кўрсаткичлари билан бир қаторда унинг абсолют кўрсаткичлари ҳам қўлланади. Уларга "соф айланма капитал" ёки "соф ўз капитали" (K_5) кўрсаткичи киради. Соф оборот маблагларга ўз капиталининг бир қисми ва қисман қарз маблаглари ҳисобига ҳосил қилинган сафарбарликдаги маблагларнинг доимий минимуми киради. Унинг миқдори қуйидагича аниқланади:

$$K_5 = \text{ОБМ} - \text{Қр}$$

бу ерда $Қр$ - қиска муддатли кредитор қарзлар, K_5 нинг ижобий миқдори корхона соф айланма активларини, унинг молиявий ҳаракатчанлигини ифодалайди. Бу эса пировард натижада узоқ муддатли молиялаш амалга оширилишига ҳам таъсир этади. Асосий фаолиятдан зарар кўрилиши, умидсиз дебитор қарзлар ҳосил бўлиши ва ўсиши ва шу қабилар корхона соф айланма активларнинг тугаб боришига олиб келади, бу эса унинг банкротлигига сабаб бўлиши мумкин. Айни пайтда соф айланма активларнинг уларга оптимал эҳтиёждан юқори бўлиши ресурсларда инокилона фойдаланишни билдиради.

Кредит қобилиятининг энг умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлиб фойданинг кредитдан фойдаланганлик учун барча туловларга нисбатини ифодаловчи коэффициент (K_6) хизмат қилади:

$$K_6 = \frac{\text{СФ}}{\text{ФТ} + \text{АС}}$$

бу ерда СФ - соф фойда (солиқларни чегириб ташлаб), ФТ- фоиз тўловлари суммаси, АС- қарзнинг асосий суммаси.

Бу кўрсаткич инвестицион лойиҳаларни баҳолашда айниқса муҳим роль ўйнаши мумкин. Бунда мазкур коэффициент лойиҳани характерловчи муҳим омилларнинг ўзгаришига мос равишда лойиҳа самарадорлиги ўзгаришларига баҳо бериш учун қўлланади:

- сотиш ҳажмлари ортиш ёки камайиши:
- инфляция таъсирида баҳолар ўсиши:
- бошқарув харажатлари ўзгариши ва бошқалар.

К6 нинг бирдан кичик бўлиши қўйилманинг анчагина юқори хатари мавжуд эканлигидан дарак беради. Чуқи қорхона қарз бўйича тўловларни олиндиған фойда билан қопдай олмаса, у ҳолда активларни сотиш йўли билан ёки қўшимча равишда капитал жалб этиш орқали бу харажатларни қоплашга тўғри келадн. Бозордаги вазият беқарор бўлиб турған ҳолатларда К6 нинг пасайиши қорхонада бошқарув самарадорлиги ёмонлашаётганлигини билдиради. Қорхонанинг молиявий менежменти К6 мунтазам пасая бошлайдиган бўлса, қарздан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги масаласини чуқур ўрганиб чиқиши ва тегишли қарор қабул қилиши лозим.

Қўйилмаларнинг хатари даражасини ифодаловчи муҳим кўрсаткич пул маблағлари оқими билан қоплаш коэффициентиدير (К7). Уни қуйидаги формулага бнноан ҳисоблаб чиқилади:

$$K_7 = (СФ + А + ФТ) / (ФТ + АС)$$

бу ерда А - амортизация миқдори.

К7 коэффициенти қарзни солиқлар тўлангандан сўнг қорхона ихтиёрида қолаётган маблағлар билан қопланиши имкониятини характерлайди. қарзга олинган маблағларни бошқариш даражасини қарз ва ўз маблағлари ўзаро нисбати коэффициентини (К8) акс эттиради:

$$K_8 = УК / \bar{УК}$$

бу ерда Ук- узок муддатли қарзлар, $\bar{УК}$ - ўз капитали. Амалиётдаги қузатишларнинг кўрсатишича мазкур коэффициентдаги нисбат 20:80 ёки 1:4 бўлған ҳолларда кичик ва ўрта қорхоналар учун қўйилмаларинг хатари энг кам даражасига эришилади.

Бозор иктисодиётига ўғиш даврида ўз капитали улуши қанча юқори бўлса корхонадаги қўйилмалар шунча хагарсиз ҳисобланади. Бирок, бозор муносабатлари ривожланиб бориши билан корхона капиталига юқори фойдани таъминлашнинг муҳим омилларидан бири қарз маблағларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш бўлиб қолади. Яъни қарз маблағни ишга солишдан олинадиган даромад қарз бўйича туловлардан юқори бўлишига эришилса, бу корхонанинг ўз капиталига тўғри келаётган фойда миқдорининг ортишини билдиради. Узок муддатли даврда корхонанинг муваффақиятли ишлаши унинг реинвестициялаш учун маблағ ишлаб топиш қобилиятига, ишлаб чиқаришни кенгайтира олишига, солинган капиталга муносиб даромадлилик даражасини таъминлай олишига боғлиқ бўлади. Бу хусусиятларни ўз капиталининг даромадлилиги коэффиценти (К9) ўзида мужассамлаштиради.

$$K9 = CF / (UK + TF)$$

бу ерда TF- таксимланмаган фойда.

К9 коэффиценти орқали корхона фаолияти икки жиҳатдан назорат қилинади. Биринчидан, корхонада менежментнинг, шу жумладан, молиявий менежментнинг самарали йўлга қўйилини. Корхона бошқаруви корхона ўз маблағларига нисбатан олиб қаралганда юқори даромадлилик даражасини таъминлаш лозим. Бу маблағларга ўз капитали (устав капитали) билан бирга таксимланмаган фойда ҳам қиради. Иккинчидан, К9 коэффиценти корхонанинг, кредиторлар учун ишончлилигини ва инвесторлар учун жозибадорлигини ҳам характерлаб туради. Агар режалаштирилаётган даврда корхона хўжалик фаолиятида кескин тебранишлар содир этилмаслиги тахмин қилинаётган бўлса, ўз капиталининг корхона молия хўжалик фаолияти натижалари ҳисобига ўсишини (ички молиялаш) характерлаш учун барқарор ўсиш суръатининг бирлаштирилган кўрсаткичидан (К10) фойдаланиш мумкин.

$$K10 = (CX:A) \times (CF:CX) \times (A:K) \times (K:UK) \times (1-d)$$

бу ерда К - барча қарзлар, А - активларнинг умумий миқдори, d - соф фойдадан дивидендларга ажратилган улуш.

Мазкур формуладан корхона активлари, унинг қарз мажбуриятлари, ўз маблағлари миқдори ва дивиденд сисъати ўргасидаги ўзаро алоқадорликни

бахолаш учун фойдаланиш зарур бўлади. Шунингдек, мазкур формула корхона ривожланишини таъминлайдиган оқилона молиявий сиёсатнинг танилаб олинишига кўмаклашади. Корхона самарадорлигини баҳолашда доимий равишда қўлланиладиган ўз капитали фойдалилиги кўрсаткичлари билан бир қаторда, асосий воситалар рентабеллигини ўрганиб чиқиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу кўрсаткич асосий воситаларнинг 1 сумига олинган фойдани ифодалайди:

$$K_{11} = C\Phi / AB_x$$

бу ерда AB - асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати.

Асосий воситаларнинг қолдиқ қийматидан фойдаланиш жадаллаштирилган амортизация имкониятлари билан боғланган. Таҳлил жараёнида асосий воситаларнинг алоҳида турларига солинган капиталнинг самарадорлиги ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Бунда уларнинг қай тарзда амортизацияланиши самарадорлик кўрсаткичлари даражасига таъсир этади. Шунга суянган ҳолда асосий воситалар умумий самарадорлигига уларнинг қайси турлари қандай сабабларга кўра таъсир этаётганлигини аниқлаш мумкин. Бу эса корхона оборотидаги маблағларни асосий воситаларга қай тарзда сафарбар қилиниши масаласини оқилона ечишга имкон беради. Фойдалилик (рентабеллик) капитални қандай йўналишларда жойлаштириш лозимлиги ҳақидаги энг муҳим саволга жавоб бериши лозим. Шунинг учун унинг даражаси иктисодиётдаги умумий фойда нормасига таққосланади.

Жуда кўп ҳолларда молиявий коэффицентлар ёки корхона фаолиятини баҳоловчи бошқа кўрсаткичларнинг баъзилари нормативлар талабларига жавоб беради, бошқалари эса қониқарли бўлмайди. Бундай ҳолларда гажрибага суянган ҳолда ҳар бир коэффицентга салмоқ бериб, умумлаштирувчи кўрсаткич ишлаб чиқишга уришиб кўриш ва бу кўрсаткични бошқа корхоналар билан таққослаш мумкин. Иктисодий адабиётда бундай кўрсаткич сифатида банкротлик эҳтимоли кўрсаткичини (Z) тавсия этадилар. Z кўрсаткичи бўйича компанияларни 3 гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга банкротлик эҳтимоли жуда кам, хавфсиз зонадаги компаниялар, охириги гуруҳга эса банкрот бўлиш хатари юқори компаниялар киради. Иккинчи гуруҳ компаниялари ноаниқлик зонасида бўлиб, корхона раҳбарларининг ҳаракатлари натижасида биринчи гуруҳга утиб олиши ҳам ёки, аксинча, учинчи гуруҳга тушиб кетиши ҳам мумкин. Z кўрсаткичини ҳисоблаб чиқишда қуйидаги коэффицентлардан фойдаланилади:

$$Z_1 = \frac{AB}{A} \times 1,2; \quad Z_2 = \frac{T\Phi}{A} \times 1,4; \quad Z_3 = \frac{БФ}{A} \times 3,3;$$

$$Z_4 = \frac{ABГ}{A} \times 0,6; \quad Z_5 = \frac{\Phi T}{A} \times 0,9$$

бу ерда БФ - баланс фойдаси. АББ - акцияларнинг бозор баҳоси.

$$Z \text{ к } Z_1 + Z_2 + Z_3 + Z_4 + Z_5$$

VIII. 2. Муаммоли кредитларни бартараф этишниги халқаро тажрибаси

Банк тизимида ишончсиз қарзлар вужудга келиши ва ҳатто қўнайиши муаммоси жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида учрамоқда. Шунинг учун банкларнинг муаммоли кредитларини реструктуризация қилиш масалаларининг долзарблиги ортиб бормоқда. Ишламаётган активлар муаммосини ечиш ҳамда банк соҳасидаги инкирозни бартараф этиш учун давлатнинг банклардан муаммоли активларни сотиб олиши қўлланмоқда. Бир қатор мамлакатлар ҳукуматлари томонидан банкларнинг «ёмон» активлари билан мақсадли ишланг учун махсус корпорациялар тузилган. Бундай ташкилотлар банк тизимининг таркибий тузилиши ҳамда иқтисодий ривожланиш даражаси турлича бўлган мамлакатларда мавжуд.

Халқаро амалиётда банкларга муаммоли активларни бартараф этишда қўмақлашишда марказлашган ва марказлашмаган ёндашув ёки ҳар икала ёндашув биргаликда қўлланиши кузатилади. Биринчи ёндашув муаммоли кредитлар масаласини давлатнинг молиявий иштирокида ҳал этилишини назарда тутди. Бунинг учун давлат томонидан банк тизимидаги муаммоли активларини сотиб олиш ва бошқариш бўйича махсус корпорация тузилади. Бундай тузилманинг вазифаси тижорат банкларининг муаммоли кредитларини ажратиш ва сотиб олиш ҳамда имкон даражасида уларни ундириб олиш ишларини амалга оширишдир. Сотиб олиган кредитлар корпорациянинг қарз мажбуриятлари ёки акцияларига, ёхуд бевосита ҳукуматнинг қарз мажбуриятларига алмаштирилади. Муаммоли кредитлар масаласини тез ҳал қилиб бера олиш имкониятини мавжудлиги, мазкур ёндашувнинг афзаллигидир. Камчилиги эса, алоҳида тузилмани шакллантириш.

учун кўшимча харажатларнинг талаб этилиши ҳамда қарзи реал равишда ундириш жараёнининг узок давом этиши ҳисобланади. Муаммоли қарздорликни бу тарзда реструктуризация қилиш бўйича қатор мамлакатларнинг тажрибасининг тахлили, кредит портфелида муаммоли кредитлари мавжуд банклар сонининг кўплигида ва сотиб олинаётган активлар асосан бир хиллигининг маълум даражасида, реструктуризациянинг бундай усули маъқул эканини кўрсатмоқда.

Марказлашмаган усулнинг моҳиятишундаки, муаммоли кредитлар масаласини ҳал этиш учун банк ўзининг таркибида ёки унинг доирасидан ташқарида ишламаётган активларни бошқариш бўйича тегишли тузилмани ташкил этилади. Бундай ёндашув Швеция ва Польшада қўлланилган. Қийинчиликни бошдан кечираётган банкларнинг сони кўп бўлмаганда, марказлашмаган усулдан фойдаланиш жуда яхши смара бериши мумкин. лекин бу усулда банклар муаммоли кредитларни бошқариш бўйича юқори малакага мутахассисларга эга бўлишлари лозим. Бу моделнинг ижобий томонлари билан бир қаторда баъзи банкларнинг ташқи аралашувсиз ўз фаолиятида бурилиш ясашга қодир эмаслиги, шунингдек, муддати ўтган қарздорликка эга бўлган миқозларни кредитлашни давом этиши мумкинлиги каби салбий томонлари ҳам мавжуд. Япония ва Швецияда муаммоли кредитлар билан ишлашда иккала усулдан ҳам фойдаланилади.

Банклардан муаммоли кредитларни сотиб олишни баъзи мамлакатларда Марказий банк (Чили, Венгрия, Польшада), бошқаларида эса реструктуризация қилиш бўйича агентлик (Чехия, АҚШ, Мексика, Жанубий Корея) амалга оширади. Муаммоли кредитларни сотиб олиш баҳоси кредитлар баланс қийматиининг 3 фонзидан 100 фоизигача бўлган оралиқда тебраиниб туради.

Муаммоли активларни тижорат банкларининг бошқарувида қолдиришнинг ижобий томонларидан бири, банк-миқоз муносабатларининг узилмаслигидир. Бунда қарзининг сўндирилиши масласи ижобий ҳал этилганда, кредит муносабатларини қайта тикланиши ҳамда ишончлдирик асосда давом эттирилиши мумкин.

Одатда давлат корпорацияси томонидан муаммоли активларнинг сотиб олиниши пул маблағлари билан бир қаторда, ҳукумат қафолати остидаги облигация ва векселлар ҳисобига ҳам амалга оширилади. Реструктуризация жараёғида сўндириш муддатининг тугашига қадар муаммоли активларнинг номинал қиймати кўп қисми копланди, бундан олиган маблағлар эса қимматли қозғалар бўйича туловларга йўналтирилади.

Корпорация томоидан муаммоли активларий бошқариш буйича иккита асосий стратегия қўлланади. Биринчи стратегиянинг асосида активларий келгусида сифати тушишининг давлат бюджетига салбий таъсирини камайтириш мақсадида уларни кечиктирмаган ҳолда сотиш ётади. Бу ерда паст сифатли активларнинг қўп ҳажмда сотилиши улар қийматининг пасайиб кетишига хизмат қилиши эҳтимоли ҳам мавжуддир. Иккинчи ёндашув мазмуни шундаки, маълум вақт давомида корпорация муаммоли кредитлар билан иш олиб боради ва уларнинг қиймати максимал даражага етганда, уларни аста-секин сотади. У ёки бу стратегияни, ёхуд иккаласининг муайян пропорциялардаги гибридини танлаб олиниши корпорация олдида турган мақсад ва вазифалар, мамлакатдаги умумий иқтисодий ҳолат ҳамда банк соҳасидаги инқироз шароитларига боғлиқ ҳолда юз беради.

Активларни бошқариш буйича давлат корпорациялари банк тизимини реструктуризация қилиш даврига тузилади. Уларнинг фаолият олиб даври турли мамлакатларда турличадир. Чехиядаги соғломлаштириш буйича Агентлик, Швециядаги банкларни қўллаб-қувватлаш Агентлиги - 5 йил атрофида, АКШнинг Тарғибга солиш буйича Траст Компанияси - 6 йил атрофида ишлаган ҳолос. Жаҳон амалиётида бундай тузилмалар ўз фаолиятини инқироз давридан кейин ҳам давом эттирганлиги маълумдир. Қатор мамлакатларда улар сақлаб қолинган. Масалан, Жанубий Корея ва Таиландда янги ваколатларга эга бўлган активларни бошқариш буйича агентликлар ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда. Доимий равишда ишловчи муаммоли активлар бозорининг ташкил этилиши инқироздан дарак берувчи деб эмас, балки банк фаолиятида хатарларни камайтириш воситаси деб қаралмоқда.

Муаммоли кредитларни реструктуризация қилишда ва молиявий соғломлаштиришда давлатнинг иштироки турлича усуллар билан амалга оширилиши мумкин. Давлат корхоналарни кредитлар ёки махсус давлат мажбуриятлари шаклидаги қўшимча маблағлар билан таъминлаши, яъни, тижорат банклари балансларидаги корхоналарнинг ишончсиз қарзларини ўзининг узоқ муддатли мажбуриятлари билан алмаштириши мумкин ва бошқалар. Чунончи Польшада давлат банкларга молиявий ёрдам кўрсатиши орқали, корхоналарни реструктуризация қилишга банкларни жалб этиш амалиёти қўлланилди. Банкларга муаммоли кредитларни ажратиб олиб, уларни шу банкларнинг ўзида махсус ташкил этилган бўлимларга ўтказиш ҳуқуқи берилган. Бундай бўлимларнинг асосий вазифаларига қуйидагилар қиради:

- қарздор-корхоналардаги молиявий-иқтисодий ҳолатни ўрганиб чиқиш;

- реструктуризация қилиниши мумкин бўлган ҳамда соғломлаштиришнинг самараси бўлмайдиган корхоналарни аниклаш;
- реструктуризация дастурларини ишлаб чиқиш мақсадида «қелиштириш» (мувофиқлаштириш) тадбирларини ташкил этиш;
- реструктуризация дастурларини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Давлат тегишли тадбирларда иштирок этаётган банкларни уларга Польша Банкнинг махсус хусусийлаштириш Фонди томонидан муддати етиб келганда тулаб бериладиган узок муддатли «реструктуризация қилинган облигациялар»ни бериш орқали қўллаб-қувватлашни амалга оширади. Шу билан бирга банклар «ишончсиз» корхоналарга нисбатан банкротлик жараёнини бошлаб юбориш, қарзларни корхонанинг акцияларига конвертация қилиш, маълум муддат давомида қарзларни чегирма билан бошқа кредиторларга сотиб юбориш ҳуқуқига эгадирлар.

Даврий нашрларда қайд этилишича, молиявий инқироз пайтида Кореяда умидсиз кредитлар тахминан 150 трлн. вон (150 млрд. доллар)га баҳоланган ва ЯММга нисбатан 35 фоизни ташкил этган. Кореядаги молиявий инқироз асосида, авваламбор, қўшимча капиталга эҳтиёж ётар эди. 1997 йилдаги банк тизимидаги инқироз даврида активларни бошқариш бўйича Корпорация (КАМСО) банкларнинг муаммоли кредитларини таъминланган кредитлар баланс қийматининг 45 фоизига тенг баҳода, таъминланмаган кредитларни эса номинал қийматининг 3 фоизига тенг бўлган баҳода сотиб олган.

КАМСО доимий фаолият кўрсатувчи ташкилот сифатида ташкил этилган. Банкларда ликвидлик билан боглик муаммолар пайдо бўлганда, бу корпорация уларнинг муаммоли активларини сотиб олади. Мазкур тузилма нотижорат характерда, яъни фойда олиш мақсадини кўзламайди Шу сабабли, у узок вақт давомида муаммоли активлар билан ишлаши, уларнинг сифатини яхшилаши, уларни бошқалари билан айирбошлаши мумкин. Бу эса ўз навбатида, бутун банк-молия тизимини барқарор даражада ушлаб туришга имкон беради.

Хитой банк тизимида баикларнинг жами кредит портфелининг деярли 50 фоизини ташкил этувчи қайтарилмаган кредитлар натижасида юзага келган йўқотишларни ўрнини коплаш учун (Standart & Poog's Агентлиги таҳлилчиларининг баҳолаши бўйича) 500 млрд. доллар ҳажмдаги молиявий ёрдам зарур деб ҳисоблайдилар. Таъкидлаш жоизки, зарур бўлган мазкур ёрдам ҳажми Хитойнинг 2002 йилдаги ЯИМининг 40 фоизини ташкил этади. Статистик маълумотларга мувофиқ, 2002 йил охирига келиб, банк сектори бўйича муаммоли кредитлар ўртача 19,8 фоизни ташкил этган, ишламаётган кредитларнинг умумий ҳажми

408.5 млрд. юанга тенг бўлган, бу бўйича қўрилган зарарнинг умумий ҳажми эса 187,4 млрд. юанни ташкил қилган.

Ҳукуматнинг баҳолашича, 2002 йилда Хитойнинг тўртта йирик банклари томонидан берилган жами кредитларида муаммоли кредитларнинг улуши 21,3 фоизни ташкил этган эди. Хитойнинг етакчи банклари умидсиз кредитларининг асосий қисми - 91,1 фоизи 2004 йил бошида давлат банкларига тўғри келган.

Вужудга келган ҳолатдан чиқиш учун Хитой ҳукуматн томонидан муайян натижалар берган қуйидаги чоралар қўрилган:

1. Тўртта давлат банклари муаммоли кредитларининг бир қисми траст компанияларининг тасарруфига ўтказиб берилган (Чайна Хуаронг компанияси қарзлар бўйича муддати ўтган тўловларнинг 50 фоизини тикладн ҳамда қарз асосий ҳажмининг учдан бир қисмини қайгарди).

2. Молиявий ҳолатларини яхшилаш ҳамда акцияларини бирламчи бозорда жойлаштиришга тайёрлаш мақсадларида иккита давлат банкларига миллий валюта захираларидан жами умидсиз кредитлар ҳажминиинг 17,6 фоизини ташкил этувчи 45 млрд. долларлик маблағ йўналтирилди.

3. Муддати ўтган қарздорлик муаммосини ечиш учун ҳукумат валюта маблағлариини жойлаштирди ҳамда иккита давлат банкларини акциядорлик компанияларига айлантиришни амалга оширди.

4. Ривожланишнинг янги стратегиясини ишлаб чиқиш учун чет элдан юқори малакага эга бўлган бошқарувчи кадрлар ҳамда консальтинг компанияларн жалб этилди.

Хитой ҳукумати ишончсиз қарзларни хорижий инвесторларга чегирма билан сотишни банк тизимини муддати ўтган кредитлардан озод этиш усулларидан бири деб қарамоқда.

1998 йилда Япония банк тизимидаги умидсиз кредитлар ҳажми ЯИМга нисбатан 12 фоиздан ортиқроқни ташкил этган эди. Бунинг натижасида 21 та йирик банклардан 3 таси банкротликка учради. Банклар томонидан хусусий АБК (Япониянинг кредитлариини сотиб олиш бўйича кооператив компанияси) ташкил этилди. Лекинб усул банкларини инқироздан олиб чиқа олмади. 1998 йилнинг ноябр ойида ҳукумат муаммоли кредитларини ҳукумат назоратига ўтказилишини назарда тутувчи механизмни ишлабчиқди.

Буюк Британияда 1989 йилдан буён муаммоли кредитлар масаласини хал этишнинг ўзига хос тизими қўллаб келинмоқда ва у ўзида қуйндаги тамойилларни мужассамлаштирган:

1. Агар, қарздор корхона муаммоларга дуч келса, банк кредит шартномаларини саклаб қолади ва банкротлик жараёнини бошлашга шошилмайди.

2. Қарздорнинг келажаги тўғрисидаги қарор фақатгина барча кредитор-банклар ҳамда манфаатдор томонлар фойдаланиш имкониятига эга бўлган комплекс маълумот асосида қабул қилинади.

3. Барча манфаатдор банклар биргаликда ишлайди.

4. Талабларни навбат бўйича амал қилиши тан олинади, аммо шу билан бирга умумий (биргаликдаги) жавобгарликни тақсимлаш элементи мавжуддир.

Мазкур ёндашув Англия Банки томонидан 160 ҳолатда қўлланилган ва ижобий натижа берган. Кейинчалик бу ёндашувдаи Жаууби-Шарқий Осиё мамлакатларида банкларнинг муаммоли кредитларини реструктуризация қилиш жараёнида фойдаланилди.

Британияча ёндашувнинг тамойиллари INSOL international (тўлов қобилиятини тиклаш ва молиявий соғломлаштириш бўйича мутахассисларнинг халқаро ассоциацияси) томонидан тқамиллаштирилган ва қуйидаги қўриқишга келтирилган:

- тўловлар бўйича мораторийга, яъни қарз мажбуриятлари бўйича тўловларнинг муддатини қарздорнинг молиявий ҳолатини ўрганиб чиқиш ҳамда реструктуризация бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш даврига тўловлари кечиктиришга барча кредиторларнинг розилиги;

- мораторийнинг амал қилиш даврига кредиторларнинг қарзни ундириш, мулкни мусодара қилиш ва гаровга қўйилган активларни сотиш бўйича ҳаракатлардан воз кечишлари;

- қарздор мораторий амал қилиш даврининг бошига нисбатан кредиторларга тўланиши керак бўлган тўловларнинг келажакда камайишига олиб келиши мумкин бўлган чораларни қўрмастикка мажбурлиги;

- кредиторлар томонидан мустақил маслаҳатчиларни жалб этиш орқали фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича махсус кенгаш тузиш;

- қарздор кредитор вакилларини реструктуризация бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш ва баҳолаш учун керак бўлган барча маълумотлар билаи таъминлаши лозимлиги;

- қарздор тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш бўйича барча кредиторлар тенг ҳуқуққа эга бўлиши;

- реструктуризация жараёнида қўшимча молиялаштириш зарурати келиб чиқканда, қарз мажбуриятини тўлаб бериш борасида янги кредиторлар дастлабки кредиторларга нисбатан афзалликка эга бўлишлари.

1991-1992 йилларда банк тизимидаги инкирозга дуч келган Швецияда ҳукумат активларни бошқариш бўйича Securum ва Retrixa давлат компанияларини ташкил этиш йўли билан Nordbanken ҳамда Gota Bank банкларининг яхши кредитларидан муаммоларини ажратиб олиш бўйича режани қабул қилди. Securum компаниясига Nordbankenнинг 51 млрд. крона ҳажмдаги муаммоли кредитлар портфели ўтказиб берилган.

1997 йилда келиб унга юклаingan вазифаларни бажариб бўлган Securum хусусий шахсларга сотилди ва тижорат уюшмасига айланди.

Муаммоли кредитларни бартараф этиш бўйича жаҳон мамлакатларининг бой тажрибасини ўрганиб чиқиш ва ундан республикамизда ҳам банклар кредит портфелида пайдо бўлаётган муаммоли кредитларни бартараф этишда фойдаланиш юқори самара келтириши мумкин.

IX-мавзу

Активлар ва пасивлар ўзаро нисбати билан боғлиқ хатарлар

IX.1. Тижорат банклари активлари ва пасивлари ўзаро муносиблигини таъминлаш зарурлиги

Банк фаолиятида активлар ва пасивларини ташкил этиш билан боғлиқ банк хатарларининг чегаралари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари учун ўрнатилган иктисодий нормативларда белгилаб қўйилган.

Тижорат банки Марказий банк белгилаб берган иктисодий нормативлар ва бошқа тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда фойда олишни кўзлаб маблағларини ўзига жалб этиши ҳамда ўз маблағлари ва жалб этилган маблағларни юқори самара берадиган тарзда жойлаштириши лозим. Бу жуда мураккаб вазифа, чунки маблағларни юқори самара билан жойлаштиришда таваккалчилик (хатар) даражаси ҳам ортади, банкнинг ликвидлик даражаси эса пасаяди. Ликвидлик даражасини ошириш учун маблағларни узокроқ муддатларга жалб этиш лозим, бунинг учун эса маблағ эгаларига кўпроқ даромад тўлашга тўғри келади. Банк максимал даромадга ва хатарларнинг минималлашувиغا интилади. Бунга банкнинг активлари ва пасивларини бошқариш орқали эришилади.

Хатар даражаси, ликвидлиги ҳамда даромад келтириши кафолатларига кўра банк активларини тўртта гуруҳга бўлган ҳолда таҳлил қилиш мумкин.

Биринчи гуруҳга банкнинг пул маблағлари (кассадаги нақд пул, вакиллик ҳисоб варақларидаги, маблағлар, Марказий банкда мажбурий резервлар фондидаги маблағлар) ҳамда тез муддатларда иулга айлангирилиши мумкин бўлган иккиламчи резервлар (давлат қимматли қоғозлари, қайтариллиши давлат томонидан кафолатланган қиска муддатли кредитлар) қиради. Бу гуруҳдаги активлар, одатда, банкка даромад келтирмайди ёки бошқа активларга нисбатан анча оз даромад келтиради. Лекин банк ўзига қўйиладиган талабларни бажара олиши учун бу маблағлар бўлиши жуда муҳим, яъни улар банкнинг қиска муддатли ликвидлигини таъмин этади. Бу миқозлар ишончини қозонишда жуда муҳим роль ўйнайди.

Иккинчи гуруҳга корхона ва ташкилотларга берилган кредитлар қиради, шу жумладан лизинг ҳам. Бу гуруҳдаги активларнинг ликвидлиги кредитлар

муддатлари ва мақсадларига, кредит олувчиларнинг молиявий аҳволига боғлиқ. Бу гуруҳда ликвидлик даражаси биричи гуруҳга нисбатан жиддий равишда паст, таваккалчилик даражаси юкори, лекин даромадлилик даражаси ҳам юкори. Биричи тоифа кредит қобилиятига эга бўлган миқозларга берилган қисқа муддатли кредитлардаги маблағларнинг ликвидлик даражасини анча юкори деб ҳисоблаш мумкин. Шу гуруҳга тижорат банкнинг кредит характеридаги бошқа операцияларида байд маблағлари ҳам киритилиши лозим. Улар энг аввало қимматли қогозларни (одатда векселларни) ҳисобга олиш бўйича операциялардаги маблағлар бўлиб, Ўзбекистон Республикасида ликвид маблағлар етишмовчилиги кузатилаётган ҳозирги пайтда тижорат банклари ҳисобга олиш операцияларидан яхшигина даромад олишлари мумкин. лекин жорий характеридаги инвестициялар солиниши мумкин бўлган қимматли қогозлар бозори юкори даражада ривожланмаганлиги бунга тўсқинлик қилмоқда.

Тижорат корхоналари ва ташкилотлари қимматли қогозларининг кафолатланганлик даражаси давлатнинг қимматли қогозларидан анча паст, лекин даромад даражаси юкори. Шунинг учун қимматли қогозлар эмитентларининг молиявий аҳволини назардан кочирмаган ҳолда мазкур операциялар билан шуғулланиш банк учун фойдалидир. Муайян ҳуқуқлар олди-сотдиси билан боғлиқ операциялар (масалан фьючерс битимларидаги ҳуқуқлар олди-сотдиси) моҳиятига кўра қимматли қогозлар билан операцияларга яқин туради.

Учинчи гуруҳга қимматли қогозларга узок муддатли қўйилмалар (инвестициялар) қиради. Бунда банк маблағларни корхона ва ташкилотларнинг акцияларини, узок муддатли облигацияларини, депозит сертификатларини сотиб олишга йўналтиради. Бундай активларнинг ликвидлик даражаси паст бўлсада, акцияларнинг эмитенти юкори даромадли барқарор ишловчи корхона бўлган ҳолларда уларнинг реал ликвидлиги жуда юкори бўлиши ҳам мумкин.

Тўртинчи гуруҳдаги активлар банкнинг асосий фондларидан иборат (бинолар, ишоатлар, ҳисоблаш техникаси, транспорт воситалари, хўжалик инвентари ва бошқалар). Асосий фондлар паст ликвидли актив ҳисобланади.

Банк активлари жойлаштирилиши. таркибининг шакллантирилишида пассивлар таркибидаги қарзга олинган маблағларнинг қайтарилиши муддатларини назарда тутган ҳолда активларни ишончли ва даромадли жойлаштириш заруриятдан келиб чиқмоқ лозим. Шу нуқтаи назардан биринчи гуруҳ активлари. таркибини кўриб чиқадиган бўлсак, банк кассаларида нақд пулнинг катта миқдорда мавжудлиги мамлакатда нақд пул етишмовчилиги мавжуд ҳозирги шароитда банкнинг миқозлар учун жозибадорлигини оширади. Бироқ, кассадаги нақд пул,

ликвидлик даражаси канчалик юкори бўлмасин, банкка даромад келтирмайди. Шунинг учун кассадаги эҳтиёждан ортиқ нақд пулни имкони борича бошқа банкларга топшириб уни вакиллик ҳисоб варагидаги пулга айлантирган маъқул. Вакиллик ҳисоб варагидаги маблағлар банкининг миқозларнинг туловларини ҳеч қандай қийинчиликларсиз, ўша заҳоти бажара олишига имкон беради. Бирок, вакиллик ҳисоб варагидаги маблағлар ҳам банк учун бевосита даромад манбаи эмас.

Марказий банк томонидан тижорат банки вакиллик ҳисоб варагидаги маблағ билан тижорат банки миқозларининг банкдаги ҳисоб варақлари маблағлари суммаси ўртасида мутаносиблик таъминлаши талаби қўйилади. Шунинг эътиборига олган ҳолда вакиллик ҳисоб варагидаги маблағларни юкори даромадли мақсадларга йўналтирилиши имкони бўлмаганда банк уларни давлат қисқа муддатли облигацияларини сотиб олишга ишлатиши мумкин. Облигациялардан келадиган даромад даражаси унча юкори бўлмасда, уларнинг ликвидлиги кафолатланган характерга эга.

Ҳозирги пайтда қўпгина тижорат банкларида иккинчи гуруҳга мансуб активлар ликвидлигини таъминлашда қийинчиликлар мавжуд.

Кредитлар сифатида жойлаштирилган активларнинг амалдаги ликвидлиги қарздорларнинг молиявий-иқтисодий аҳволига боғлиқ. Бирок, ўтган йилларда банклар барча ҳолларда ҳам кредит беришда миқозларининг кредит қобилиятини тўғри аниқлай олмадилар, кредитлар қайтарилиши кафолатлари юридик жиҳатдан охиригача расмийлаштирилмай қолиб кетган ҳоллар қўп бўлди, кредитлар мақсадли ишлатилиши устидан банк назорати етарли йўлга қўйилмади.

Кредитларнинг маълум бир қисми бошқа банкларга берилади, яъни банклараро кредит мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банклараро кредитлар фақат биржадаги қим ошди савдоси орқали берилиши ва расмийлаштирилишини белгилаб қўйган. Марказий банк ўриятган тартиб қоидаларига биноан банклараро кредитлар бўйича қарзлар муддати етиб келганда банклик вакиллик ҳисоб варагидаги мажбурий тарзда ундириб олинади. Шунинг учун банклараро кредитга йўналтирилган активларнинг ҳам ликвидлик даражаси юкори, ҳам яхши даромад келтиради.

Тижорат банкларининг бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва сўғурта фаолияти билан шуғулланишини қонун ҳужжатларида тақиқлаб қўйилган. Лекин улар қорхона ва ташкилотлар капиталида иштирок этишлари мумкин. Бошқа қорхона ва ташкилотлар капиталида иштирок этиш банкка дивидендлар қўринишида даромад келтиради. Айни пайтда банк сотиб олган акциялар ҳамма вақт ҳам харидорғир

булавермайди, натижада банкнинг ликвидлик даражаси пасаяди. Акцияларни бошқариш ҳам банк раҳбарияти ва ходимларида муайян куникмалар бўлишини такозо қилади.

Банк раҳбарияти активларнинг барча турлари бўйича хатарларнинг ҳақиқий даражаси ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши лозим. Активларнинг муайян турларини бошқариш ва назорат қилиш вазифаси юкланган бўлимлар ёки ходимлар хатарлар нуктаи назаридан маблағлар ҳолатини баҳолай олишлари, хатарлилик даражаси ортган ҳолларда раҳбариятга тегишли таҳлилий маълумотларни тақдим этишлари зарур. Банкни ва банк маблағларини оператив бошқарув жараёни банк олиб бораётган сиёсатнинг активлар муайян турлари бўйича хатарларнинг минимал даражасини таъминлай олиши муҳим аҳамиятга эга. Банк даромадлари пировард натижада мижозларнинг даромадларига боғлиқ бўлганлиги учун банк хатарларини камайтириш банк маблағлари йўналтирилган мижозларда менежмент даражаси ва тадбиркорлик хатарларига муҳим равишда боғлиқ бўлади.

IX. 2. Активлар ва пасивларни уларнинг муносиблигига эришиш мақсадларида бошқариш

Банк тижорат фаолияти билан шугулланувчи бошқа иқтисодий субъектлардан ўз оборотида четдан жалб этилган маблағлардан катта хажмларда фойдаланиши билан ажралиб туради. Банк жалб этган маблағларнинг эгалари банкдан ўз маблағларини турли муддатларда қайтариб оладилар ёки маблағини қайтариб бериш тўғрисидаги талабни турли муддатларда қўядилар. Мамлакатда озми-кўпми иқтисодий барқарорлик мавжуд шароитларда банк жалб этилган маблағларнинг асосий қисмидан худди ўз маблағларидан фойдалангандек фойдаланишига имконият тугилади. Айни пайтда банк ўз фаолиятида жалб этилган маблағларнинг муайян қисми етарли даражада юқори эҳтимоллик доирасида яқин муддатларда эгалари томонидан талаб қилиниши мумкин эканлигини эътиборда тутмоғи лозим. Банкнинг муайян муддат давомида маблағлар эгаларининг уларни қайтариб бериш ҳақида талабларини кондирати олиш қобилияти, яъни банкнинг ўз мажбуриятларини бажарати олиш қобилияти банк ликвидлиги деб аталади.

Банк пасивларида корхоналар ва ташкилотларнинг талаб қилиб олинган ҳисоблардаги маблағлари катта ўрин эгаллайди. Банк бу маблағлардан кредит ресурслари сифатида фойдаланиш имкониятига эга. Банкнинг мижозлар билан тузадиган ҳисоб-китоб хизмати кўрсатиш шартномаларида мижозларнинг

маблагларини бошқа корхоналарга ўтказилиши учун ҳақ белгиланганлиги туфайли корхоналар ҳисобларига маблаг келиб тушиши ва чиқиб кетиши баикка даромад келтириб гуради.

Корхоналар, ташкилотлар ва аҳолининг ҳисобларидаги маблагларни банкнинг барқарор кредит ресурсига айлантириш учун бу маблагларга муддатли омонатлар ва депозитлар шаклини бериш лозим. Муддатли омонатлар ва депозитлар учун мижозларга тўланадиган фоиз даражаси маблагларнинг тегишли қисми Марказий банкдаги кредит ресурсларини тартибга солиш фондига ўтказиб берилишини, маблаг кредит ресурсига реал равишда айланиши учун маълум муддат ўтишини ва берилган кредитлардан реал равишда ундирилиши мумкин бўлган фоизларни эътиборга олган ҳолда ўрнатилиши зарур. Мамлакатимизда инфляция суръатлари пасайиб бориши муддатли омонат ва депозитларга маблаглар жалб этиш бўйича ишлар учун қулай шароит яратишга хизмат қилади.

Банк пасивларида муҳим ўринни банклараро кредитлар ва Марказий банкнинг кредитлари эгаллайди. Марказий банкнинг кредитлари одатда мақсадли характерда бўлиб, улар ҳисобидан мижозларга бериладиган кредитлар бўйича фоизлар даражасини ҳам Марказий банкнинг ўзи белгилаб қўяди. Бу кредитлар муайян тармоқ ёки корхонанинг фаолиятини яхшилашга қаратилган бўлади. Шунинг учун мазкур кредит ресурслари тижорат банкнинг аҳволига билвосита, яъни мижозларнинг молиявий аҳволи яхшиланиши орқали таъсир кўрсатади. Банклараро кредит ресурсидан тижорат банки фойдаланади. Бирок, банклараро кредитнинг баҳоси анча юқори ва ундан фойдаланиш шартлари ҳам оғир бўлади.

1995 йилдан бошлаб Ўзбекистондаги тижорат банклари маблаг манбаи сифагида вексель эмиссиясидан фойдалана бошладилар. Вексель эмиссияси воситасида банкка катта миқдорларда маблаглар жалб этилиши мумкин. Лекин, банк векселлар бўйича тўловларини ҳам ўз муддатларида бажаришга қодир бўлиши лозим. Шунинг учун маблаглар ушбу манбаи векселлар тўлов муддатларини эътиборга олган ҳолда ишлатилиши зарур. Банклар векселлардан ташқари қимматли коғозларини ҳам муомалага чиқаришлари мумкин.

Банк ликвидлигини бошқаришда икки асосий усул (метод) мавжуд: маблаглар умумий фонди методи ва активларни тақсимлаш методи (пасивларнинг муайян моддаларини активларнинг муайян моддаларига бириктиб қўйиш).

Маблаглар умумий фонди методида банкнинг барча ресурслари ягона фондга бирлаштирилади ҳамда уларни активларга тақсимлаш активларнинг даромадлигига қараб амалга оширилади. Айни пайтда ликвидлик зарур даражасини таъминлашга ҳам эътибор берилди, яъни банк «даромадлилик-ликвидлик»

мувозанатига роя қилган ҳолда активлари жойлаштиради. Шунинг учун ҳам мазкур методда даставвал биринчи навбат резервлари ташкил этадиган активлар шакллантирилади. Бу активлар миқозларнинг нақд пулга эҳтиёжларини, омонатларни қайтариб олиш бўйича талабларини, ҳисоблардаги маблағларни бошқа банклардаги ҳисобларга ўтказиш бўйича талабларини, кредит олиш бўйича талабларини қондириш учун етарли бўлиши керак. Биринчи навбат резервларни банк кассасидаги нақд пуллар, вакиллик ҳисоб варақларидаги маблағлар, Марказий кредит ресурсларини тартибга солиш фондидаги маблағлар ташкил этади.

Шундан сўнг иккинчи навбатда резервларга жойлаштириладиган маблағлар ҳиссаси аниқлаб олинади. Бу навбат резервларга қисқа муддатли давлат қимматли қоғозлари, банклараро кредитлар ҳамда жуда қисқа муддатга берилган кредитларни киритиш мумкин. Ўз мазмуни жиҳатидан банкнинг қимматли қоғозларни ҳисобга олишга йўналтирилаётган маблағларини ҳам шу тоифа резервларга мансуб деб қараш мумкин.

Активлар учинчи гуруҳи миқозларга берилган ссудалардан иборат. Бу гуруҳ активлар банкка энг кўп даромад келтириши мумкин. Лекин улардаги таваккалчилик (хатар) даражаси ҳам жуда юқори.

Активлар сўнгги гуруҳини қайтарилиши муддати нисбатан узок бўлган қимматли қоғозларга қўйилмалар ташкил этади. Бундай қимматли қоғозлар одатда банкка доимий равишда даромад келтириб туради. қайтарилиш муддати яқинлашиши билан эса иккинчи навбат резервларга тенглашиб қолади.

Чет эл банк амалиётида банкнинг активлари таркибида биринчи навбат резервлар 5 - 10 фоиз, иккинчи навбат резервлар 10 - 15 фоиз ва ссудалар кўпи билан 65 фоиз ўрни эгаллаши тавсия этилади.

Активларни тақсимлаш методида ликвид маблағларнинг банкка жалб этилган маблағларга мувофиқ бўлиши лозимлигини ҳисобга олган ҳолда активлар ва пасивларнинг муайян турлари ўртасида зарур нисбатлар вужудга келтирилади. Ҳар бир манбадан маблағлар бўйича резервларга эҳтиёжлар ўзаро фарқ қилади. Масалан, талаб қилиб олинadиган омонатлар бўйича резерв даражаси муддатли омонатларга нисбатан юқорирок бўлиши зарур. Маблағлар активлар конкрет турларига жойлаштирилишида резервларга эҳтиёжлар фарқлаиши эътиборга олинади.

Активларни тақсимлаш методи нуктаи назаридан маблағлар манбалари (пассив) қуйидаги гуруҳларга бўлинади: йўқлаб олинadиган омонатлар ва депозитлар; муайян муддатга жалб этилган маблағлар; устав капитали ва резервлар

(банкнинг ўз маблаглари). Йўқлаб олинадиган талабларнинг маблаглари биринчи навбат резервларга йўналтирилади.

Молиявий иўқтаган назардан активлар даромад келтирувчи (ишловчи) -ва даромад келтирмайдиган активларга бўлинади. Ҳ. Насриддинов маълумотларига караганда («Банк ахборотномаси», № 39, 1999) Ўзбекистондаги тижорат банкларида даромад келтирувчи активлар салмоғи 82-85 фоиздаи кам бўлмаслиғи лозим.

Юқорида кайд этилгандек, активлар таркибини шакллантиришда пассивларнинг монанд гуруҳлари ҳажми асос қилиб олинаши лозим. Ўзбекистонда тижорат банклари кўп ҳолларда бир неча тармоқлар корхоналарига хизмат кўрсатади ҳолос, яъни банкларнинг универсаллашиш даражаси етарли эмас. Бу хусусият активларни диверсификациялашда бир мунча кийинчиликларни келтириб чиқаради, банк фаолияти натижалари турли тармоқлардаги ишлаб чиқаришга хос мавсумий, иклимий ва баҳо хатарларига ҳам боғлиқ бўлиб қолади.

Активлар таркибини шакллантиришда уларнинг турли хиллари ликвидлик хусусиятлари, активлар ҳар бир тури бўйича таваккалчилик (хатар) ҳисобга олинади. Умуман олганда активлар турлари бўйича ликвидлик ва хатарлилик бир-бирига мувофиқ келади.

«Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида Низом» (Адлия вазирлигида 1998 йил 2 декабрда 560-сон билан рўйхатга олинган) банк балансидаги активларни таваккалчилик (хатар) даражаси бўйича тўрт тоифага бўлади.

Биринчи тоифага таваккалчиликдан ҳоли бўлган активлар киритилади (таваккалчилик коэффиенти - 0 фоиз):

- банкда ва унинг филиалларида нақд пул кўринишида сақланаётган миллий ва чет эл валютаси;
- Марказий банк ва унинг ҳудудий бошқармаларида вакиллик ва захира ҳисоб рақамларидаги маблаглар;
- ҳукуматга ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тўғридан-тўғри талаблар ва бу эмитентлар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар;
- Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига (ИХТТ) кирувчи мамлакатлар ҳукуматлари ва марказий банкларига қўйиладиган бошқа талаблар;
- активларнинг ёки уларнинг Ўзбекистон Республикаси ва ИХТТга кирувчи мамлакатлар миллий валюталарига деноминация қилиниб, нақд пул билан таъминланган ҳамда банкда алоҳида чеклаб қўйилган депозит ҳисоб рақамда сақланаётган қисми.

Иккинчи тоифага минимал таваккалчилик даражасига эга бўлган активлар (таваккалчилик коэффициенти - 20 фоиз) киритилади:

- ИХТТга кирувчи давлатларда рўйхатга олинган депозитар институтларга нисбатан талаблар, шу жумладан қарзлар ва пул бозори воситалари;

- ИХТТ давлатларида рўйхатга олинган депозитар институтлар кредитлари билан таъминланган бошқа барча активлар. Бу институтларнинг капиталига қўйилма бўлган қимматли қоғозлар таваккалчилик даражаси юқори (100 фоиз) активлар қаторига киради;

- банкнинг ИХТТ давлатлари маҳаллий ҳокимият органларига нисбатан талаблари, шунингдек, улар томонидан қафолатланган байк активлари (бу талаблар мазкур органлар бюджети ҳисобидан қондирилади);

- банкнинг Жаҳон банки, Халқаро Валюта Ҳоиди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки. Осиё тараққиёт банки каби халқаро кредит ташкилотларига нисбатан талаблари ва бу ташкилотлар томонидан қафолатланган байк активлари:

- жорий бозор қийматида баҳоланган ва Жаҳон банки, Халқаро валюта Ҳоиди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро кредит ташкилотлари томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар билан таъминланган активлар ва уларнинг қисмлари;

- банкнинг ИХХТга аъзо бўлмаган мамлакатларнинг миллий валюталарига деноминация қилинган ва миллий валютадаги мажбуриятлар билан қопланган, шу мамлакатларнинг марказий ҳукуматлари ва марказий байкларига нисбатан талаблари. Миллий валютага деноминация қилинмаган ва миллий валютада молиялаштириш суммасидан ошиб кетган активлар қисми таваккалчилик даражаси 100 фоиз активларга мансуб деб олинади;

- жорий бозор қийматида баҳоланган ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки ИХТТга кирувчи давлатлар марказий ҳукуматлари томонидан эмиссия қилинган ёки қафолатланган қимматли қоғозлар қўринишидаги гаров билан таъминланган ёки қафолатланган активлар, уларнинг қисмлари ва балансдан ташқари мажбуриятлар. Бу қимматли қоғозлар белгиланган тартибда банк тасарруфига берилган бўлиши, гаров ёки қафолат уларни қўллашни чекловчи қўшимча шартлардан холи бўлиши лозим;

- ўтказиш жараёнидаги пул ҳужжатлари (йўлдаги иақд пуллар ҳисобга қирмайди).

Учинчи тоифага таваккалчилик даражаси ўртача (таваккалчилик коэффициенти - 50 фоиз) активлар киради:

- жисмоний шахсларга, бир оилага уй-жой (хонадон) сотиб' олиш ёки қуриш учун берилган ва дастлабки гаров (гаров предметиға эғалик қилишнинг имтиёзли ҳуқуқи) билан таъминланган кредитлар. Кредитнинг миқдори гаров қийматиға нисбатан 60 фоиздаи ортимаслиги керак. 60 ва ундан ортиқ кунға муддати ўтган, фоизлар ҳисоблаш тўхтатилган ёки реструктуризацияланган кредитлар таваккалчилик даражаси 100 фоиз активларға киритилади. Кредит шу уй-жойда яшамокчи бўлган хусусий шахсларғагина берилиши лозим. Банк дастлабки гаров ҳуқуқиға эға бўлмаса, бундай кредитлар таваккалчилиги 100 фоиз актив деб ҳисобланади;

- банкнинг ИХХТға кирувчи давлатлар маҳаллий ҳокимият органлариға нисбатан талаблари ёки бу талаблар ва кафолатлар бўйича тўловлар мазкур мажбуриятлар бўйича молиялаштирилладиган муайян лойиҳа тушумлариға боғлиқ бўлса, ушбу ташкилотлар томонидан кафолатланган активлар ва эмиссия қилинган қимматли қоғозлар.

Тўртинчи тоифаға юқори таваккалчилик даражасиға эға активлар (таваккалчилик даражаси - 100 фоиз) киритилади, Бу гуруҳға банкнинг аввалги уч гуруҳға киритилмаган бошқа барча активлари, шу жумладан барча турдаги кредитлар (1-3-гуруҳлардаги таъминотға эға бўлмаганлари), банкнинг асосий воситалари, иншоатлари, жиҳозлари, қўчмас мулки, бошқа моддий ва номоддий бойликлари қиради.

Таваккалчиликдан ҳоли активлар тоифаси банкка тўғридан-тўғри даромад келтирмайди. Одатда уларни саклаб туриш ва фойдаланиш банкдан муайян харажатларни талаб этади. Лекин, миждозлар ишончини қозонишда бу тоифа активлар белгиловчи роль ўйнайди.

Иккинчи ва учинчи тоифа активлар салмоғи Ўзбекистондаги тижорат банкларида хали жуда паст.

Банк активларининг жуда катта қисми ҳозирда тўртинчи тоифа активларға мансуб. Банк даромадларининг катта қисми шу тоифаға қирадиган кредитлаш операцияларидан олинади. Айни пайтда таваккалчилик даражаси юқори активларға маблағлар солиниши учун банкнинг пассивлари мувофиқ равишда шакллантирилиши лозим.

Тўртинчи тоифа активларнинг даромад бермайдиган қисмини (ёрдамчи активлар) шакллантиришнинг манбаи банкнинг ўз капитали бўлиши зарур. Албатта, бундай активларсиз банкнинг нормал иш фаолияти ва обрўсини таъминлаб бўлмайди. Лекин, жалб этилган маблағларининг даромад бермайдиган активларға жойлашуви банкнинг реитабеллиги пасайишиға олиб келади. Банкнинг ўз капитали

ёрдамчи активлар суммасини коплаб, ундан ташқари, етарли миқдорларда даромад келтирувчи активларни молиялашга йўналтирилсагина баикнинг даромадларини муқим равишда оширишга имконият туғилади.

Даромад келтирувчи активларни молиялашда ҳал қилувчи роль жалб этиладиган маблағларга тегишли бўлади. Шунинг учун банк томонидан пассивлар оқилона ташкил этилиши, аввало тўғри депозит сиёсати олиб борилиши муқим аҳамият касб этади. Бу сиёсат ресурслар турли манбалардан жалб этилишини, ресурслар диверсификациясини (ресурслар таркибида битта манба ҳал қилувчи бўлиб қолмаслиги чоралари қўрилишини), яъни ресурсларнинг географик, тармоқлар, мижозлар, муддатлар жиҳатидан турли йўналишлардан олиншини назарда тутати.

Ресурсларнинг асосий турларига юридик шахсларнинг талаб қилиб олинадиган ва муддатли депозит ҳисоб варақлари қолдиқлари, банк томонидан юридик шахслар учун чиқарилган депозит сертификатлари ва векселлар, жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олинадиган ва муддатли депозит ҳисоб варақлари қолдиқлари, олинган баиклараро кредитлар, бошқа банкларнинг банкдаги ҳисоб варақлари қолдиқлари қиради. Ривожланган мамлакатлар банкларида ўз маблағлари билан жалб этилган маблағлар ўртасидаги нисбат 1:10 дан кам бўлмаслиги тавсия этилади, бир омонатчининг банк пассивларидаги улуши эса 2,27 фоиздан ошмаслиги керак. Бу талаблар жуда қаттиқ талаб бўлиб, айниқса кичик банкларнинг унга риоя қилишлари қийин бўлади: Банкда муддатли депозитлар етарли миқдорини ташкил этиш банкнинг ресурс базаси йирик мижозга қаттиқ боғланиб қолишини юмшатиб туради. Йирик мижоз депозитдан маблағларини қўтилмаганда қатта миқдорда олган пайтда муддатли депозитлар резерв вазифасини бажаради. Айни пайтда баикнинг ишончилиги (ликвидлиги) унга йирик мижозларни жалб этади.

IX. 3. Фонз хатари ва унинг активларва пассивларнинг муносабати таъсири

Фонз ставкалари умумий даражасидаги назарда тутилмаган ўзгаришлар банк фойдасига салбий таъсир этиши мумкин ва бу фонз ставкалари ўзгариши хатарини ташкил этади. Фонз ставкалари ўзгарувчанлиги бозор иқтисодиётига ҳос бўлган объектив ҳодисадир. Шунинг учун банк фаолиятида фонз хатари эътиборга олинishi лозим.

Банк активлари киймати қайтарилиши билан банкнинг ўз мажбуриятларини бажариш муддатлари ўртасида тафовут мавжудлиги ҳар қандай банк учун ҳос. Банк тузилаётган шартномалар бўйича (кредит шартномалари бўйича ҳам, депозит шартномалари бўйича ҳам) фоиз ставкаларини қайд этар экан, қўпинча шундай назиятга тушиб қоладики, бунда у қимматроқ ресурсларни молия бозоридаги даромадлилик даражаси пастроқ пайтларда белгилаб олинган актив операцияларни (яъни даромадлилиги бозорнинг ҳозирги ставкаларига нисбатан пастроқ операцияларни) молиялашга йўналтиришга мажбур бўлади. Бошқа ҳолларда эса илгари қимматга сотиб олинган ресурсларни шартнома бўйича қайтариш муддатлари егиб келмаганлиги учун пастроқ ставкали операцияларда ҳам қўллаб туришга тўғри келади. Чунки қиммат ресурслар бекор туриши банкка ҳам қўпроқ зарар келтириши мумкин.

Фоиз хатарини бошқаришдан мақсад бозор фоиз ставкалари тебранишларининг банк реитабеллигига салбий таъсирини минималлаштиришдан иборат. Фоиз ставкаларини ўзгариш хатарининг муҳим хусусияти шундаки, унинг банк фойдасига таъсири ҳам салбий, ҳам ижобий бўлиши мумкин. Шунинг учун фоиз хатарини банк фойдасига салбий таъсирини камайтириш чораларини белгилаб олиш ва амалга ошириш, яъни фоиз хатарини бошқариш муҳим аҳамиятга эга.

Фоиз хатарини бошқариш учун фоиз хатарининг банк фойдасига таъсирини миқдори жиҳатдан чамалаб қўришга тўғри келади. Бунинг учун тафовутни таҳлил қилиш методидан фойдаланиш мумкин. Умуман олганда, ҳар икки метод бири-бирини тўлдирди, лекин мақсадлари, бозордаги вазиятни ўзгаришига таъсир этувчи воқеаларни ҳисобга олиш ва хатар даражасини ўлчаш усули билан бири-бирдан фарқ қилади.

Фоиз хатари жорий даражасини ўрганиб чиқиш, активлар ва пассивлар таркибидаги ўзгаришларнинг прогнози (энг аввало шартномаларнинг тугаш муддатлари бўйича) ҳамда бозор ставкаларининг ўзгариши прогнози фоиз хатарини бошқариш стратегиясини ва тактикасини пойдевори бўлиб хизмат қилади. Уларга асосланган ҳолда банк ресурсларини қўндалик бошқариш амалга оширилади.

Фоиз хатари бўйича банк аҳолини асосий кўрсаткичларидан бири активлар билан пассивлар ўртасидаги номувозанатлилиқ (номувофиклик) даражасидир. Номувозанатлилиқ вақтдаги тафовутга оид бўлиб, муайян вақт оралиғида активлар даромадлилигида ва пассивларнинг баҳосида юз берган ўзгаришлар туфайли вақт оралиғи бошланишидаги мувофиклик унинг охирига келиб бузилганлигини билдиради. Вақт оралиғининг яқунловчи санаси сифатида пассивлар моддалари

бўйича илгариги нархлардан муҳим равишда фаркланувчи янги нархлар қарор топган сана олинади. Активлар ва пасивлар бўйича янги нархлар белгиланиши тўлов вақти етиб келган санага тўғри келиши ҳам мумкин. Одатда, шартномаларда активлар ёки пасивлар баҳолари ўзгармас қилиб қайд этилган бўлса шундай ҳол юз беради. Ставкалари ўзгариб турувчи активлар ва пасивлар учун янги нарх белгилаш санои тўлов санасидан илгарироқ бошланади.

Ҳоиз ставкалари ўзгаришининг ҳатарлилик даражасини аниқлашнинг асосий методи тафовут таҳлили ёки гэн менежмент деб аталади. Инглизча «gap» - интервал, оралик маъносини билдиради. Бу методни қўллашда банк ҳисоботлари маълумотларидан фойдаланилади. Ҳоиз ҳатарини тавсифлаш учун даставвал ҳоиз ставкалари айрим вақт оралиғида ўзгариши мумкин бўлган активлар ва пасивлар турли моддаларнинг ҳажмлари аниқлаб олинади. Айрим вақт оралиқлари бўйича активлар пасивларга қарши муддатлари ва ҳоиз ставкалари бўйича гуруҳланади. Гуруҳлаш ҳар бир давр учун активлар ва пасивлар моддаларидаги салбий ёки ижобий тафовутни аниқлаб олишга имкон беради. Банк раҳбарияти ҳоиз ставкаси ўзгаришини тафовутга кўпайтириб ҳоиз ставкаси ўзгаришининг банк даромади камайишига қанчалик таъсир эта олиши мумкинлигини аниқлаб олади.

Тафовутни таҳлил қилиш методининг асосий мазмуни қуйдагиларда ўз ифодасини топади:

- режалаштириш кўламларини белгилаб олиш;
- банк активлари ва пасивларини икки тоифага, яъни ҳоиз ставкалари ўзгариши таъсир этадиган активлар (пасивлар)га ҳамда ҳоиз ставкалари ўзгариши таъсир этмайдиган активлар(пасивлар)га ажратиш;
- ҳоиз ставкаларининг ўзгариши прогнози.

Ҳоиз ставкаларини ўзгариши ҳатарини режалаштириш кўламини белгилаш тафовут таҳлилининг бошланғич нуқтасидир. Масалан, ҳоиз ставкаларининг ўзгариш ҳатари таъсирини келгусида бир чоракка ёки фақат бир ойга баҳолаш мумкин. Бунда иккидан бирини танлаб олишга тўғри келади: ё қараб чиқилаётган даврни узайтириш ва кенгрок доирадаги активлар ва пасивларнинг ҳоиз ставкаларининг ўзгариш ҳатарига қанчалик мойиллигини таҳлил қилиш, ёхуд режалаштириш кўламини торайтириш, лекин таҳлилнинг аниқлик даражасини ошириш.

Кейинги босқичда ҳоиз ставкаларнинг ўзгариши таъсир этувчи активлар ва пасивлар ажратиб олинади. Улар қайтарилиши муддатларига қараб ёки эҳтимолда тутилга биринчи қайта баҳолашга вақтинчалик гуруҳларга бирлаштирилади. Ҳоиз ставкаси ўзгариши таъсир этадиган активлар ва пасивлар - булар аниқ

белгиланган муддатдан кейин баҳоланиши ёки қайтарилиши лозим бўлган активлар ва тегишлича пассивларнинг қийматидир. Бошқача қилиб айтганда, ўзгарувчан фоиз ставкасига эга бўлган барча активлар ва пассивлар, шунингдек таҳлил этилаётган давр оралиғида қайтариладиган активлар ва пассивлар фоиз ставкалари ўзгаришлари таъсир этадиган активлар ва пассивларни ташкил этади. Тафовут фоиз ставкасининг ўзгаришлари таъсир этадиган пассивларни фоиз ставкаси ўзгаришлари таъсир этадиган активлардан айириш йўли билан ўлчанади. Маркур кўрсаткич банк дуч келаётган умумий фоиз хатарини ифодалаб беради.

Агар тафовутни қараб чиқиш даврида фоиз ставкалари ортса, бунда ижобий тафовут фойданинг кўпайишига олиб келади. Агар ставкалар насайса, салбий тафовут ҳам қутнлаётган соф даромаднинг кўпайишига олиб келади. Фоиз шаклидаги даромаднинг ҳақиқий ўзгариши тахмин қилинаётган даврдаги соф даромаднинг қутилаётган ўзгаришига мос келади. Умумий ҳолда бу ерда кўпайтирувчи коидаси амал қилади: илнос кўпайтирув плюс плюсни беради, плюс кўпайтирув минус минусни беради ва ҳақозо.

Агар банкда тафовут нолга тенг бўлса (яъни фоиз ставкалари ўзгаришлари таъсир этувчи активлар фоиз ставкаларитаъсир этувчи пассивларга тенг бўлса), банкнинг активлари ва пассивлари бир-бирига муддатлари бўйича мос келади. Шундай қилиб, фоиз хатарини бошқаришга ёндашувлардан бири ўзаро мувофиқлаштирилган муддатлар стратегиясидан иборат ёки у фоиз ставкалари ўзгаришлари таъсир этувчи активларни фоиз ставкалари ўзгаришлари таъсир этувчи пассивларга тенг ҳолда саклашни назарда тутати. Шундай стратегия фоиз хатарини бутунлай бартараф этишга имкон беради.

Бирок, тафовут таҳлили техникасининг амалий вариантлари ҳар доим ҳам фоиз ставкасининг таъсирини тўғри баҳолашга тўла имкон беравермайди. Кейингиси қуйидагилар билан боғлиқ:

- ҳатто муайян вақт мобайнида активлар ва пассивлар турлича вақт ораликларида қайта баҳоланади, пул маблағлари ҳаракатини турлича ҳосил қилади, пул маблағларининг реал ҳаракати тафовутни таҳлил қилиш ёрдамида прогноزلанадиган ҳаракатдан анча фарқ қилиши мумкин;

- режалаштириш кўламини танлаш кўп жиҳатдан ихтиёрийдир, бунинг натижасида баланснинг айрим моддалари режалаштирилган даврлар орасига тушиб қолади, бу эса фоиз ставкалари ўзгарган тақдирда жиддий нуксонларга олиб келиди;

- фоиз ставкаларини прогнозлаш кўпинча нотўғри бўлади, айниқса молия бозори нобарқарорлиги шароитида фоиз ставкаларини тўғри прогнозлаш жуда қийин;

- тафовутни таҳлил қилиш техникасидан фойдаланишда келгуси даврлар даромадлари ҳисобига олинган пул қийматлари эътибордан четда қолади, чунки алоҳида даврларга бўлинишда давр бошидаги ва охиридаги пул маблағлари тушумлари ёки чиқимлар фарқ қилинмайди.

Муайян вақт мобайнида фоиз шаклидаги соф даромаднинг эҳтимол тутилган ўзгаришига эътибор қаратадиган тафовут таҳлили билан бир қаторда молиявий таҳлилда фоиз хатарини баҳолаш ва минималлаштиришда давомийликни таҳлил қилиш методидан кенг фойдаланилади. Бу метод пул маблағларини ҳаракат муддатларини ҳисобга олиб, базавий фоиз ставкаларининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда фоиз ставкаси ўзгариши таъсир этувчи банк активлари ва пасивлари бозор қиймати ўзгаришини баҳолашга имкон беради.

Пулнинг қирувчи PVA ва чиқувчи PVn оқимлари жорий қийматни ҳисоблаб, банк портфелининг жорий қиймати PV ни PVA билан PVn ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади. +уйи индекслар қирувчи A (жойлаштирилган маблағлар қайтиб келиши) ва чиқувчи П (банк мажбуриятларини бажарилиши) тўловлар оқимига мос келади. Сўнгра қирувчи A тўловлар оқимини ва чиқувчи П тўловлар оқимини дисконтлашнинг ставкаси R белгиланади.

Активлар ва пасивлар жорий қийматининг ўзгариши миқдори биринчи навбатда базавий фоиз ставкаларининг ўзгариш хатари билан боғлиқ. Тўловларнинг қирувчи оқимини RA ва чиқувчи оқимини Rn жалб этишининг ёки жойлаштиришнинг базавий ставкаларининг ва шу билан бирга дисконтлаш ставкаларининг ўзгариши қирувчи PVA ва чиқувчи PVn пул оқимлари жорий қийматининг тегишлича ўзгаришига олиб келади. Бунда RA ва Rn ўзгариб дисконтланган DRA ва DRn га айланади, мувофиқ равишда қирувчи ва чиқувчи пул оқимлари жорий қийматиининг ўсиб-ўзгариб DRVA ва DRVn га айланишига олиб келади.

Демак, қирувчи ва чиқувчи тўловлар оқимини DRA ва DRn миқдорига дисконтлаш ставкасининг ўзгариши, мувофиқ равишда, банк портфели жорий қиймати ўзгаришига олиб келади.

Пул оқимининг жорий қиймати миқдорини фоиз ставкаси ўзгаришига қараб баҳолашга имкон берадиган ва шу билан фоиз ставкаси ўлчови бўлиб хизмат қила оладиган кўрсаткич мавжуд. Фоиз ставкалари оз миқдорда ўзгарганда бундай

кўрсаткич сифатида ўртача кайтариш муддатидан фойдаланиш мумкин ва уни оқим дюрацияси деб аталади.

Кирувчи (чикувчи) тўловлар оқими жорий киймати нисбий ўзгариши тахминий дисконт ставкасининг нисбий ўзгаришига минус белгиси билан кўпайтирилган оқим дюрациясига тенгдир. Шундай қилиб, дюрация фоиз ставкаси (дисконт ставкаси) бўйича молиявий дастак баҳосининг (бу ўринда тўловлар оқими жорий кийматиининг) мослашувчанлигидир ва шу сабабли фоиз ставкаси ўзгарганда дастак баҳоси ўзгариши хатарининг ўлчови бўлиб хизмат қилади. Мислан, агар муайян молиявий дастак учун дюрация 2 га тенг бўлса, у ўртача кайтариш муддати 1 га тенг бўлган дастакка нисбатан икки баробар кўпроқ хатарлидир (нархлар даражаси динамикасига нисбатан). Дюрация тушунчаси биринчи марта АКШлик иктисодчи Мак Коули (Mc Cauley) гомонидан киритилган ва даромади кайд этилган узок муддатли кимматли коғозларни таҳлил қилишда муҳим роль ўйнайди.

Давомийликни таҳлил қилиш методи кирувчи (чикувчи) тўловлар оқими фоиз ставкалари ўзгариши таъсирига берилувчанлигини белгилашни ҳам назарда тутди. Агар кирувчи ва чикувчи оқимлар таъсирига берилувчанлиги бир-бирига мос келса, портфел жорий кийматиининг ўзгариши нолга тенг. Бундай ҳолда кирувчи ва чикувчи тўловлар дюрацияларини ўзгартириш тадбирларини фоиз ставкаларининг тахмин қилинаётган ўзгаришига мувофиқ ҳолда амалга ошириб, банк режалаштириш кўлами доирасида фоиз хатаридан химоялана олади.

Дюрация фоиз ставкаси унчалик кўп ўзгармаган ҳолларда дастак баҳосининг ўзгаришига мақбул баҳо беради. Тўловлар оқими жорий кийматиининг ўзгаришини аниқроқ баҳолаш учун кирувчи ва чикувчи тўловлар оқимининг нотекислигини ва ўзаро асимметриясини ҳисобга олиш керак.

Ставкалар каттик ўзгарганда портфель таркибидаги асимметриясини ҳисобга олиш зарур.

Банк портфелининг шаклланиши жараёнида фоиз ставкаларининг ўзгариши хатарини бошқариш икки хил стратегия асосида амалга оширилиши мумкин: ҳужумкор стратегия ва мудрофаавий стратегия. Биринчиси ўз ичига куўидагиларни олади:

- фоиз ставкалари динамикасининг прогнози;
- фоиз ставкалари прогнозланаётган ўзгаришининг салбий таъсирини минималлаштириш мақсадида банк портфели таркибини ўзгартириш тадбирларини ўтқизиш.

Агар фоиз ставкаларини ўзгариши тенденциясини олдиндан айтиб бўлмаса ёки фоиз ставкалари тартибсиз тебраниб турса, у ҳолда тафовутни бошқаришнинг мудофаа стратегиясини қўллаш ўринли бўлади. У банк портфелини бошқаришга пассив ёндошишни билдирмайди ва банк операцияларни бошқаришда гоёт юксак фоолликни талаб қилади. Фоиз ставкалари ўзгариши таъсирига берилувчан активлар билан фоиз ставкалари ўзгариши таъсирига берилувчан пассивлар ўртасидаги нисбатга банк фаолиятининг хусусиятлари ва банк портфелининг муайян пайт учун характерли бўлган таркиби объектив таъсир этади. Ҳар бир муайян шароитда фоиз ставкалари ўзгариши таъсирига берилувчан активлар билан фоиз ставкалари таъсирига берилувчан пассивлар ўртасида балансга эришиш анча қийин. Шунинг учун бундай ҳолда тафовут устидан назорат ўрнатиш ҳақида сўз юритиш мумкин.

Тафовут таҳлилидан фойдаланишда даврлар бўйича тафовутлар ва жами (жамланган) тафовут қараб чиқилади. Даврий тафовутлар қайтарилишининг айрим муддатлари бўйича фоиз хатарини ҳамда хатарни ўлчаш учун портфель ўзгаришлари миқдорини кўрсатади. Жами тафовут эса, таҳлил қилинаётган давр учун умумий фоиз хатарини ўлчайди.

Тафовутни таҳлил қилиш усулидан фойдаланишда тафовутнинг абсолют қийматининг баланс валютасига нисбатини қараб чиқиш фойдалидир. Бунда қуйидаги қоидаларга асосланиб иш кўриш тавсия этилади:

- тафовутнинг баланс валютасига нисбати 10 фоиздан кичик бўлиши нормал позиция ҳисобланади;
- тафовутнинг баланс валютасига нисбати 10 фоиздан 12 фоизгача оралиғи тактик позиция бўлиб хизмат қилади (қиска муддатли даврга мўлжалланган вақтинчалик позиция. Тафовутни тўхтатиб турувчи ҳаракат бўлиши мумкин деб фарз қилинади);
- тафовутнинг баланс валютасига нисбати 12 фоиздан ортиқ бўлиши стратегик позицияни белгилайди (узок муддатли даврга мўлжалланган ҳаракат. Ставкалар ўзгариши прогноз қилинади ва фоиз ставкалари ўзгарганда фойда олишга имкон берувчи стратегия танланади).

Фоиз ставкалари ўзгариши таъсирига берилувчан активлар билан фоиз ставкалари ўзгариши таъсирига берилувчан пассивлар ўртасидаги муайян мувофиқликни таъминлаб туришни қирувчи ва чиқувчи тўловлар оқимларининг давомлилигини бошқаришдан ташқари, фоиз хатарини ҳежлашнинг стандарт муддатли дастакларидан фойдаланиб ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу дастакларга фоиз ставкаларига нисбатан тузиладиган форвард битимлар,

онционлар, СВОП битимлар ва бошқалар киради. Масалан, келгусида қайд этилган ставкалар бўйича муайян ресурслар етказиб берилиши ҳақида битимлар тузилиши мумкин.

Фоиз хатарини бошқариш банкнинг барча хатарларини бошқариш жараёнининг таркибий қисмидир ва бошқа хатарлардан ажратилган ҳолда кўриб чиқирилиши мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, валюта курси ўзгаришлари валютадан операциялар даромадлигини реал равишда пасайишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун валютадаги операциялар бўйича фоиз хатари валюта хатари билан узвий боғлиқликда таҳлил этилиши лозим.

Иқтисодийнинг эркинлаштирилиши шароитларида ресурсларни жалб этиш ва жойлаштириш тўғрисидаги банк шартномаларида молия бозорларида фоиз ставкалари муҳим равишда ўзгарганда шу шартномаларда кўрсатилган фоиз ставкаларига ўзгаришлар киритишга имкон берадиган муайян қўшимча шартлар бўлиши қулайдир.

Фоиз хатари қуйидаги сабаблар туфайли ликвидликни йўқотиш хатари билан ҳам узвий боғланиб кетади:

- биринчидан, муддатлар бўйича активлар ва пасивларнинг салбий тафовути банкнинг бозордан қимматлироқ ресурсларни сотиб олишига олиб келади, айрим ҳолларда эса ресурслар қимматлашганлиги туфайли банк уларни сотиб олишга қодир бўлмай қолиши ҳам мумкин.

- иккинчидан, жуда қиммат ресурслар сотиб олиш оқибатида банк илгари жалб этилган ресурслар бўйича тўловларни бажара олмай қолади. Бундан ташқари банкда даромад келтирмайдиган активларнинг пулли ресурслар билан қопланиши вужудга келиши эҳтимоли пайдо бўлади.

Х-мавзу

Тижорат банкларида қимматли қоғозлар портфели хатари ва уни бошқариш

Х.1. Қимматли қоғозлар бозори хатари

Банк қўйилмаларининг маълум бир қисми қимматли қоғозларга йўналтирилган бўлади. Қимматли қоғозларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: қимматли қоғозлар бозорида доимий муомалада бўлаётган (бозор котировкасига эга бўлган) қимматли қоғозлар ва доимий муомалада бўлмаётган (бозор котировкаларига эга бўлмаган) қимматли қоғозлар. Тижорат банклари асосан бозорда доимий муомалада бўлаётган қимматли қоғозлар билан иш олиб боришга ҳаракат қилади, чунки уларни бозорда исталган пайтда сотиб юбориш мумкин. Демак, бу ҳилдаги қимматли қоғозларни ликвидлиги юқори бўлади. Бозорда муомалада бўлмаётган қимматли қоғозлар бўйича банк учун хатар даражаси анча юқори бўлади ҳамда бундай қоғозларни ишончилигига эмитент аҳволидаги ҳар қандай ўзгариш таъсир этади.

Бозорда муомалада бўлаётган қимматли қоғозлар бўйича хатар даражасига эмитентнинг аҳволи билан бир қаторда бошқа қўплаб омиллар таъсир этади. Уларни қимматли қоғозлар бозоридаги хатар даражаси омиллари сифатида олиб қараш мумкин. Хатар даражасини белгиловчи омиллар айни пайтда банкнинг инвестициялаш объекти сифатида муайян қимматли қоғозни танлаб олишини белгиловчи омиллар ҳамдир. Бу омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Қутилаётган даромад нормаси.
2. Солиққа тортиш шарт-шароитлари.
3. Фоиз хатари.
4. Кредит хатари ёки эмитент томонидан ўз мажбуриятларининг бажарилмаслиги хатари.
5. Ишблармонлик хатари.
6. Баланслашмаган ликвидлик хатари.
7. Муддатидан илгари чакириб олиш хатари.
8. Инфляция хатари.
9. Гаров талаблари.

Банк сотиб олаётган қимматли қоғоз қатъий белгиланган ва қафолатланган даромадлилик ставкасига эга бўлса, қутилаётган даромад даражаси бўйича хатар мавжуд бўлмайди. Лекин, даромад даражаси олдиндан белгилаб ва қафолатлаб

қўйилмаган холларда қутилаётган даромадлилик бўйича хатар юзага келади. Албатта, қутилаётган даромадлилик эмитентнинг келажакдаги молиявий аҳволига боғлиқ. Бирок, унга бошқа омиллар ҳам таъсир этишини инкор этиш мумкин эмас.

+имматли қоғозлардан олинadиган даромадлар мамлакатдаги мавжуд солиқ қонунчилигига мувофиқ равишда солиққа тортилади. Банкни, албатта, биринчи навбатда, қимматли қоғоздан солиқлар тулаб берилгач, қоладиган реал даромад қизиқтиради. +имматли қоғозларнинг ҳар хил турларидан даромадлар одатда турли хил кўринишда солиққа тортилади. Солиққа тортиш тартиби ва шарт-шароитлари миллий иқтисодий конъюнктурадан келиб чиқиб ўзгартириб турилади. Шундай қилиб қимматли қоғозлар даромадлигининг солиқлар билан боғлиқ хатари мавжуд бўлади.

Давлат қимматли қоғозларидан даромадлар Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигига биноан солиққа тортилмайди. Шунинг учун уларнинг даромадлиги бўйича хатар мавжуд эмас. Нодавлат юридик шахсларнинг қимматли қоғозлари бўйича муайян хатар мавжуд ва у эътиборга олиниши лозим.

Қимматли қоғозлардан келадиган даромадларнинг даражаси жуда паст бўлса, уларни сотиб юбориб, бўшаган маблағларни бошқа юқори даромадли инвестицияларга йўналтириш мумкин. +имматли қоғозлар портфелини шакллантиришда унинг турли вариантларидан солиқлар даражасини олдиндан аниқлаб олиш лозим.

Баъзи пайтларда банк қимматли қоғозларнинг бир қисмини зарар қўрган ҳолда ҳам сотиши мумкин. Бунда зарар суммаси банкнинг солиққа тортиладиган даромадини камайтиришга ҳам хизмат қилади. Яъни, ҳақиқий зарар суммасини солиқнинг камайишини ҳам эътиборга олиб аниқлаш зарур. Шу билан бирга бўшатишган маблағни юқори даромадли инвестицияларга йўналтириш имконияти мавжуд. Демак, банк келажакда юқори фойдага эришиш учун ҳозирда муайян миқдордаги зарарга онгли равишда йўл қўйиши мумкин.

Ҳоиз ставкаларининг ўзгариши банк инвестицияларига нисбатан хатарни вужудга келтиради. Бозордаги ҳоиз ставкаларининг ўсиши илгари эмиссияланган қимматли қоғозларнинг (облигацияларнинг) бозор баҳосини пасайтириб юборади. Одатда узок муддатли облигацияларнинг баҳолари энг катта миқдорда пасаяди, чунки уларда банд бўлиб қолган маблағлар бўшатиб олиниши энг қийин кечади. Шу билан бирга ҳоиз ставкалари ортиши даврида кредитга талаб ортади. Бу биринчи қарашда мантиска зид туюлади, чунки ҳоиз ставкалари оширилиши иқтисодиётнинг умумий тез юксалиши даврларида юз беради. Бу даврда эса кредитга талаб муттасил ошиб боради ҳамда ҳоиз ставкаларининг оширилиши ҳам унга тўсқинлик қила олмайди.

Фоиз ставкалари оширилган пайтда кредит бериш банк учун фойдалироқ бўлиб қолади. Шунинг учун банк ўз маблагларини қимматли қоғозлардан бўшатиб олиб, кредитларга йўналтиришга ҳаракат қилади. +имматли қоғозларни анча катта микдорларда сотиш учун таклиф этадилар. Натижада уларнинг бозор баҳолари пасайиб кетади. +имматли қоғозларни сотишдан банклар зарар кўрадилар. Лекин, юқорида қайд этилганидек, солиқ тўланиши механизми хусусиятларига боғлиқ равишда ва берилган ссудалардан юқорироқ даромадлар туфайли бу зарарни келажакда коплаб олиш мумкин булади.

Кредит хатари ёки эмитент томонидан ўз мажбуриятларининг бажарилмаслиги хатари асосан хусусий ёки нодавлат эмитентлар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга қўйилмаларга тааллуқлидир (бу ерда кредит сўзи эмитентга ишонч, ишончлилик маъносида қўлланмоқда, кредо - ишонч сўзидан). +имматли қоғознинг эмитенти асосий сумма ёки фоизлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортиши мумкинлиги, масалан, АҚШда чайқовчилик характеридаги қимматли қоғозларнинг банклар томонидан сотиб олинишини таққиловчи нормативлар пайдо бўлишига олиб келди. +имматли қоғозларнинг кредит хатарини баҳолаш учун АҚШда «Стэндрд энд Пуp`C» ва «Муди`з инвестор сервис» рейтинг компанияларининг символларидан фойдаланадилар. Улар қуйдагича:

Қимматли қоғозлар ишончлилиги	«Стэндрд энд Пуp`C»нинг символи	«Муди`з инвестор сервис»нинг символи
Олий сифат ёки минимал инвестицион хатар	Ааа	ААА
Юқори рейтинг ёки юқори сифат	Аа	АА
Ўртачадан юқори рейтинг	А	А
Ўртача рейтинг	Ваа	ВВВ
Чайқовчилик баъзи элементлари хос ўртача рейтинг	Ва	ВВ
Ўртачадан паст рейтинг	В	В
Паст рейтинг (қайтарилмаслиги мумкин)	Саа	ССС
Чайқовчилик рейтинги (тез-тез қайтарилмайди)	Са	СС
Паст сифатли чайқовчилик қоғозлари (истикболга эга эмас)	С	С
Қайтарилмаган қимматли қоғозлар ёки банкрот корхоналар эмиссия қилган қимматли қоғозлар	Баҳоланмайди	Д

Ааа дан Ваа гача ёки ААА дан ВВВ гача рейтингга эга бўлган кимматли коғозларнинг хатари банклар учун мақбул даражада ҳисобланади ва банклар уларни сотиб олишлари мумкин. Инвестицион рейтингги бундан паст кимматли коғозлар банкларнинг кўпчилиги учун номақбул ҳисобланади ва сотиб олиниши мумкин эмас. Улар банк портфелида мавжуд бўлганда ҳам тез муддатда сотиб юборилиши лозим. АҚШда банклар инвестицион рейтингига эга бўлмаган кимматли коғозларни ҳам сотиб олишлари мумкин. Бироқ, бу коғозларни старли инвестицион рейтингга эга эканлигини исботлай олишлари лозим.

Кимматли коғозлар портфелини шакллантиришда банк ҳар бир кимматли коғоз бўйича иккиламчи бозорнинг мавжудлигини, унинг кўламлари ва ундаги сотувлар жараёни қанчалик тез содир бўлишини эътиборга олишга мажбур. Бу банкнинг старли даражада ликвидлигини таъминлаш учун кимматли коғозларни сотиш зарурияти юзага келиши мумкинлиги билан белгиланади. Тайёр иккиламчи бозорга эга бўлган, бозордаги баҳога нисбатан барқарорлиги ҳамда дастлабки инвестицияланган капиталнинг тўла қайтарилиши юқори эҳтимоли билан характерланувчи кимматли коғозлар ликвид кимматли коғозлар деб аталади.

Банк ликвидлигини таъминлаш мақсадида кимматли коғозларни қайтариб сотилишида вужудга келиши мумкин бўлган қийинчиликлар билан боғлиқ хатар баланслашмаган ликвидлик хатари деб аталади. Давлат кимматли коғозлари энг юқори ликвидлик даражасига эга. Бироқ уларнинг даромадлилик даражаси хусусий тузилмаларнинг кимматли коғозларига нисбатан анча паст бўлади. Бу эса банкнинг умумий даромадлилик даражасини пасайтиради. Шунинг учун банкдаги молиявий бошқарув даромадлиликни ёки ликвидликни танлаб олишга мажбур бўлади. Масаланинг ечими ҳар бир вазиятда кимматли коғозлар даромадлилигини бозор ставкаларига ҳамда банк дуч келадиган баланслашмаган ликвидлик хатарига боғлиқ бўлади.

Баъзи ҳолларда кимматли коғозларнинг эмитентлари ўзларида бу коғозларни муддатидан илгари муомаладан чиқариб олиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар. Одатда кимматли коғозлар бўйича тўланадиган фоизлар даражаси эмитентни кониктираётган бўлса, улар муомаладан чиқариб олинмайди. Лекин, бозордаги фоиз ставкалари пасаядиган бўлса, эмитент учун аввал белгилаб қўйилган фоизларни тўлаш номақбул бўлиб қолади ва у муаммони кимматли коғоз кийматини муддатидан илгари тўлаб бериш йўли билан ҳал этади. Бу ҳолда мазкур кимматли коғозларга ўз маблағларини инвестициялаган банк қутилаётган даромаддан маҳрум бўлади. Чунки қайтариб берилган маблағларни энди банк аввалгидан пастрок даромадлилик ёки фоиз ставкалари бўйича инвестициялашига

тугри келади. Мазкур ходиса туфайли вужудга келувчи хатар муддатидан илгари чикариб олиш хатари деб аталади. Банк бу хатарни минималлаштиришга бир неча йил давомида чакириб олинishi мумкин бўлмаган облигацияларни сотиб олиб ёки чакириб олинishi мумкинлиги белгилаб қўйилган кимматли коғозларни харид килмасдан эришади.

Кимматли коғозлар ёки кредит бўйича қайтариладиган сумма товарлар ва хизматлар баҳоларининг ўсиши, яъни инфляция натижасида кадрсиэланиши мумкин. Бу инфляция хатарини ташкил этади. Инфляция натижасида акциядорларнинг банкка қўйилмалари киймати, яъни қўйилмаларнинг соф бозор киймати ҳам кадрсиэланиши мумкин. Инфляция хатаридан химояланишнинг асосий усули ўзгарувчан фоиз ставкаларини қўллаш, шунингдек қўйилмаларни кўпрок даражада киска муддатли кимматли коғозларга йўналтиришдир. Бундай ҳолларда банк инфляция силкинишларига етарли даражада тез мослашиб олиш имкониетига эга бўлади.

Айрим ҳолларда банклар ўзларга ўзларига маблағларни жалб этиш пайтида гаров талабларига дуч келадилар. Чунончи АҚШда банклар федерал ҳокимиятдан, штатлар маъмуриетидан ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларидан ҳокимият бу органлари учун мақбул гаровни тақдим этмасдан депозитлар қабул кила олмайдилар. Бундан мақсад жамоатчилик молиявий маблағлари жойлаштирилишининг хавфсиэлигини таъминлашдир. АҚШда жамоатчилик депозитлари суммасининг дастлабки 100 минг доллари федерал сугурталаш йўли билан қафолатланади, қолган кismi банкка тегишли федерал давлат кимматли коғозлари билан қафолатланиши лозим. Бунда кимматли коғозлар уларнинг номинал киймати бўйича баҳоланади. Агар федерал ҳукуматнинг депозитларини қафолатлаш учун муниципал облигациялардан фойдаланилса, бу облигациялар номинал кийматининг 80 - 90 % миқдорида баҳолаб гаровга қабул килинади.

Штатлар маъмуриетларининг ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг депозитлари бўйича гаров талаблари штатлар бўйича хилма-хил. Лекин бу депозитларни қафолатлаш учун банкларга федерал ва муниципал кимматли коғозларни тақдим этишга руҳсат берилади. Кўпинча депозит қўяётган ҳокимият органи гаровга қўйилаётган кимматли коғозларнинг учинчи шахсда, банк билан манфаатлари боғланмаган ишончли шахсда сакланишини талаб килади.

Банк пассивларининг бошка турлари учун ҳам гаров талаблари мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, АҚШда банк федерал резерв банкидан маблағларни қарз олса, у федерал ҳукуматнинг кимматли коғозларини гарога қўйиши лозим.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органлари маблағлари банкларда сакланиши бўйича гаров талаблари қўйилиши амалиёти йўлга қўйилмаган. Лекин, келажакда давлат бюджети тизими хазиначилик тамойиллари асосида ишлашга ўтиши туфайли бундай талаблар қўйилиши табиий ҳол бўлиб қолади.

Х.2. Қимматли қоғозлар бозоридаги фаолият хатарини камайтириш

Тижорат банки томонидан даромад олиш мақсадида сотиб олинган қимматли қоғозлар йигиндиси амалиётда банкнинг инвестицион портфели деб юритилади. Қимматли қоғозларга қўйилмалар учун ҳам муайян хатарлар ҳос, яъни кутилган даромадни бера олмаслиги, ҳатто зарар келтириши мумкин.

Маълумки, тижорат банкларининг ишлаб чиқариш ва савдо фаолияти билан шугулланишлари қонунчиликда таъқиқлаб қўйилган. Шунинг учун улар қимматли қоғозларнинг эмитентлари фаолияти устидан тўғридан-тўғри назорат ўрнатиш имконини берувчи қимматли қоғозлар пакетини шакллантира олмайдилар. Банкнинг қимматли қоғозларга қўйилмалари портфел қўйилмаларидан иборат бўлади, яъни банк эмитентнинг молия-хўжалик фаолиятига бевосита таъсир кўрсатиш имкониятига эга эмас.

Қимматли қоғозларга қўйилмалар учун муайян хатарлар ҳос эканлиги банкнинг инвестицион портфелини шакллантириш ва бошқаришда уларнинг эътиборга олинишини зарур қилиб қўяди. Қимматли қоғозлар портфелини таркиби хатар билан даромад ўртасидаги муайян нисбат билан характерланади. Одатда, даромадлиги юқори қимматли қоғозлар учун хатарнинг ҳам юқори даражаси ҳос бўлади.

Қимматли қоғозлар портфели таркибини шакллантиришдаги мақсад алоҳида олинган қимматли қоғозга инвестициялашда эришиб бўлмайдиган инвестицион хусусиятларга уларнинг комбинацияси орқали эришишдир. Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозори етарли даражада ривожланмаганлиги учун портфел инвестициялар асосан банклар томонидан амалга оширилмоқда. Банклар инвестицион фаолиятининг энг муҳим хусусияти шундаки, улар бунда қарзга олинган маблағлардан фойдаланиб иш қўрадилар. Банкнинг даромади инвестициялардан олинган даромад билан кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажаришдаги харажатлар ўртасидаги тафовут сифатида ҳосил бўлади. Шунинг учун инвестициядан даромад келиб тушиши вақти банкнинг қарз маблағлари бўйича харажатлари тўлаб берилиши вақтига мувофиқ келиши лозим.

Инвестицион портфелнинг таркибий тузилиши тижорат банки инвестор сифатида қандай инвестицион сиёсатини танлаб олишга боғлиқ бўлади. Инвес-

тицион сиёсат стратегиясининг мақсадларига кимматли қоғозларнинг муайян турлари турли даражада мувофиқ келади. Шунинг учун инвестицион портфелнинг характери инвесторнинг ким эканлигига, инвестициялаш мақсадларига, хатар даражасига, кимматли қоғозлар қайси турлари устун равишда танлаб олинишига қараб белгиланади (13- жадвал).

13-жадвал.

Инвесторларнинг кимлиги билан портфел характери ўртасидаги боғланиш

Инвесторнинг кимлиги	Инвестициялашнинг мақсади	Хатар даражаси	Қимматли қоғознинг тури	Портфел характери
Консерватив (эҳтиёткор)	Инвестициядан химояланиш	Паст	Давлат кимматли қоғозлари, йирик, барқарор эмитентларнинг аксилари ва облигациялари	Юқори ишончли, лекин паст даромадли
Муътадил агресив	Капитални узок муддатга жойлаштириш ва уни ўстириш	Ўртача	Давлат кимматли қоғозлари улиши оз, узок бозор тарихига эга йирик ва ўрта эмитентлар кимматли қоғозлари улиши катта	Диверсификацияланган
Агрессив	Чайковчилик, қўйилган маблағларни тез қўпайтириб олиш	Юқори	Катта бўлмаган эмитентларнинг, венчур компанияларининг юқори даромадли кимматли қоғозлари улиши катта	Хатарли, лекин юқори даромадли
Ноқиллона ҳаракат қилувчи	Аниқ мақсадлари йўқ	Паст	Дуч келган кимматли қоғозлар сотиб олинган	Тартибсиз

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, тижорат банки ўз инвестицион портфелини шакллантиришда бир-бири билан боғланиб кеган қуйидаги масалаларни ҳал этиши зарур:

1. Портфелни кимматли қоғозларнинг муддатлари ва турлари бўйича диверсификациялаш.
2. Энг юқори даромадга эришиш.
3. Хатарни энг қуйи даражасигача пасайтириш.
4. Пул оқимлари кирими ва чиқимини вақт оралигида ўзаро мувофиқлаштириш.

5. Солиқ солинадиган базани камайтириш.

Инвестицион портфелга хос бўлган хатарни минималлаштириш учун, аввало уни диверсификациялаш талаб қилинади. Ҳар бир қимматли қоғоз ва у мансуб бўлган тармок ўзига хос хатарларга эга бўлади. Демак, портфелни шакллантиришда инвестор бу хатарлар ҳақида етарли тасаввурга эга бўлиши керак.

Қимматли қоғозлар портфелини энг кам хатар билан шакллантириш учун қуйидагилар асос қилиб олинади:

- ликвидли қимматли қоғозни унинг номиналидан паст бўлмаган баҳода сотиш йўли билан зарур пайтда портфелдан чиқариб ташлаш мумкинлиги;
- даромадлилик - ҳар бир дақиқада портфель энг юқори қийматига эга бўлиши лозимлиги;
- муддатлилиқ - қимматли қоғозлар даромад олинishi муддатлари бўйича тақсимланганлиги;
- қиймати қайтарилиши - қимматли қоғозни харид баҳосидан паст бўлмаган баҳода сотиш мумкинлиги;
- портфелда қимматли қоғоз ҳар бир тоифаси муайян салмоғига риоя қилиниши.

Маблағларни қимматли қоғозларга инвестициялаш тижорат банкига ўз активларини диверсификациялашга ёрдам беради, айна пайтда банкнинг умумий хатари камаёди ва даромадлари ортади. Масалан, Пахтабанкнинг 2002 йил 1 июн ҳолатига халқ ҳўжалигининг турли соҳаларига қимматли қоғозлар ва давлат қиска муддатли мажбуриятларини ҳам қўшган ҳолда инвестициялари 3 млрд. сумдан ортиқроқни ташкил этди. Банк ўз инвестицион фаолиятининг дастлабки даврида маблағларни саноат корхоналарининг ва молиявий сектор муассасаларининг (банк суғурта компаниялари) акцияларига йўналтирилган эди. Бу соҳалар энг ликвидли ва айна пайтда юқори даромадли ҳамдир. Лекин янги норматив ҳўжатларда банкларнинг бир-бирига инвестицион қўйилмалари тартибига киритилган ўзгаришлар туфайли «Пахтабанк» ўз портфелидаги бошқа банкларнинг акцияларини сотиб юборишига тўғри келди.

Бироқ, «Пахтабанк»нинг «Ўзбекистон-Туркия» банкидаги таъсиси сифатида улуши сақланиб қолганлиги учун 2002 йил июнда унинг портфелидаги банк акциялари қиймати 550 млн. сумни ташкил этди.

«Пахтабанк»нинг иктисодиёт реал сектори корхоналарнинг қимматли қоғозларига инвестициялари етарли даражада диверсификациялашган. Банкнинг асосий мижозлари қишлоқ ҳўжалиқ маҳсулотини ишлаб чиқарувчи ва қайта

ишловчи корхоналардир. Банк бу корхоналарда узок муддатли қўйилмаларни амалга оширмакда ва шу орқали юкори сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қўмаклашмакда.

Банкнинг инвестицион сиёсати хатарнинг энг паст даражасигд энг юкори даромад олишга қаратилган. Кутилаётган даромадни ололмаслик хатарини икки қисмга ажратиш мумкин:

- бозор хатари, бунда даромаднинг ўзгаришлари барча кимматли қоғозларнинг даромадлилигига бир пайтнинг ўзида таъсир этувчи иқтисодий ва сиёсий вазиятдан келиб чиқади;

- ўзига хос хатар, бунда даромаднинг ўзгариши, муайян компаниягагина тааллуқли бўлган ходисалардан келиб чиқади.

Қайд этилганидек, кимматли қоғозларнинг характерли хусусияти шундаки, даромад канчалик юкори бўлса, хатар шунчалик юкори бўлади, энг юкори даромадга эришиш учун банк ўз инвестицион портфелига кимматли қоғозларни хар хил турларини киритади;

- хатар даражаси паст ва барқарор даромадли давлат облигациялари;

- акциялар;

- депозит сертификатлари, векселлар;

- ҳосилавий кимматли қоғозлар (фьючерслар, опционлар).

«Пахтабанк»нинг мутахасислари уларнинг ўзаро нисбати тахминан қуйидагича бўлиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар:

- 50 % - давлат облигациялари;

- 25 % - банкларнинг депозит сертификатлари;

- 10 % - акциялар;

- 10 % - векселлар;

- 5 % - фьючерслар, акционлар.

Қимматли қоғозларга инвестициялаш учун тижорат банки пул маблағлари резервларини вужудга келтиради. Бу маблағлар узок муддатли қимматли қоғозларга ҳам, қисқа муддатли ва чайқовчилик характеридаги операцияларга ҳам йўналтирилиши мумкин. Инвестициялар учун мўлжалланган маблағларни қандай йўналтирилиши инвестиция сиёсатидаги устувор мақсадга боғлиқ (14-жадвал).

**Ўзбекистон молия бозоридаги инвестицион портфеллар характериға мувофиқ
равишда инвестициялар йўналишлари тақсимланиши мезонлари**

Инвестицион портфель устувор максади	Акциялар %	Облига- циялар %	Пул резервлари, %
Капитални асраб қолиш	10	55	35
Жорий даромадлиликка эришиш	30	60	10
Ўзок муддатли ўсиш	70	25	5
Даромадлиликни ва ўсиш			
истикболларини таъминлаш	40	50	10
Чайковчилик	50	35	15

Хатарнинг энг паст даражасини таъминланган ҳолда энг юқори даромадга эришиш мураккаб вазифа. Уни ҳал этишда банк ўз инвестицион портфелини ҳар куни қайта кўриб чиқиши ва зарур ўзгаришларни киритиши лозим бўлади. Бунинг учун қимматли қоғозлар бозори ҳолатини, иктисодий конъюнктурани ва мамлакатдаги ҳамда жаҳондаги сиёсий вазиятни узлуксиз таҳлил этиб бориш талаб қилинади.

«Пахтабанк» ўз инвестицион сиёсатини ишлаб чиққан ва уни такомиллаштириб бормоқда. Бу сиёсат «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Инвестицион фаолият тўғрисида», «+қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори фаолиятининг механизми тўғрисида» қонунларга ва Фуқаролик кодексига, шунингдек банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив ҳужжатларга асосланган.

«Пахтабанк»нинг инвестицион сиёсати банк фаолияти барқарорлигини таъминлаш, операцияларидан фойдани қўпайтириш, хатар даражасини пасайтириш, банк баланси ликвидлигини таъминлаб туриш мақсадларида банкнинг инвестицион портфелини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилган. Инвестицион сиёсат банкнинг пул маблағларини банкнинг ўсиб бораётган молиявий эҳтёжларини қондиришга сафарбар этади.

Банк фаолиятидаги хатар даражасини минималлаштиришда пул маблағлари келиб тушиши ва маблағлар сарфланишини вақт бўйича мувофиқлаштириш жуда муҳим вазифадир. Даврий равишда, кредиторларга тўловларни бажариши муддатлари етиб келганда тижорат банклари пул маблағларининг бир қисмини инвестицион портфелдан бўшатиб олдилар. Бу мақсадда банк инвестицияларни ҳам, жалб этилган маблағларни ҳам вақти ва ҳажми бўйича диверсификациялайди. Масалан, банк ресурсларни 3,6,9 ой муддатларига жалб этган бўлса, портфелни

хам маблағларни шу муддатларда даромадларини бой бермасдан портфелдан бўшатиб олишни режалаштириб шакллантириши лозим.

Солиққа тортиладиган базани камайтириш мақсадида банк бўш пул маблағларини турли молиявий дастакларга жойлаштиради. Бу дастаклар орасида солиққа тортилмайдиганлари ҳам бўлади, масалан, давлат облигациялари. Бинобарин портфель бир қисмини давлат облигацияларидан шакллантириш солиққа тортиладиган базани камайтиради.

Қимматли қоғозлардан даромадлар қанчалик даражада мақбул эканлигини аниқлаш учун банк уларни бошқа қўйилмалар билан, масалан, кредитлар билан таққослайди. Даромадлилик қўйилган маблағлар бир йилга айлантириб ҳисобланганда қанча фоиз фойда келтираётганлигини билдиради. Турли молиявий дастакларга қўйилмалардан соф даромадни таққослаш натижасида даромадлилик нуқтаи назаридан энг афзал молиявий дастакларни аниқлаш мумкин.

«Пахтабанк»нинг қимматли қоғозлар бўйича операциялардан даромадларининг асосий қисми давлат қиска муддатли қарз мажбуриятларидан олинади. Айниқса 1997-2000 йилларда банкнинг уларга қўйилмалари миқдори катта эди. 1999 йилда эса даромадлилик даражаси банкнинг кониктирмагани учун бу қимматли қоғозларга қўйималар камайтирилди. Кейинги йилларда эса қўйилмалар ҳажми ортди. 2002 йил 1 июнга қимматли қоғозлар банкнинг давлат қиска муддатли қарз мажбуриятларига қўйилмалари 1936,8 млн. сўмни ташкил этди. Халқ хўжалиги бошқа соҳалари қимматли қоғозларига қўйималар ҳажми эса 1250,7 млн. сўм эди.

Мамлакатимизда давлат ички қарзини бошқаришга эътибор кучаймоқда. 2002 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пул массасини ўсишини чеклаш ва молиявий интизомга риоя қилиниши учун масъулиятни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони қабул қилинди. Унда Марказий банкнинг облигацияларини муомалага чиқарилиши белгиланди. Мазкур Фармон мамлакатдаги пул массасини бозор дастаклари ёрдамида бошқаришга, пул маблағларини банкни четлаб ўтиб айланишини қисқартиришга, хўжалик юритиш субъектларининг молиявий интизомга риоя этилиши учун масъулиятларини оширишга қаратилган.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз иқтисодиётининг жуда катта молиявий маблағлари банк секторида тўпланган. Бу маблағлардан хатарнинг минимал даражасида максимал фойда олиб фойдаланишни таъминланиши зарур. Хатарни пасайтиришнинг энг таъсирчан омили эса активларни иқтисодиётнинг турли соҳаларига инвестициялашдир.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2013 йилнинг асосий якунлари ва 2014 йилдаги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги „ 2014 йил юкори ўсиш сурьатлари билан ривожлантириш барча мавжуд имкониятларни сафарбар етиш , ўзини оклаган ислохотлар исчил давом эттириш йили бўлади. ” Халк сўзи 2014 йил 18 январь. №13
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21-йиликига бағишланган тантанали маросимдаги „Амалга ошириляётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш ёруг келажакимизнинг асосий омилдир ” мавзусидаги маърузаси .Халк сўзи .34 2013 йил 7 декабрь, №240
3. Н.Толипова, Ф.Мингалиева. Внешнеэкономическис рискис в условиях мировогинасового кризиса–бозор пул ва кредит , №2, 2010 , 25 -30 Бет
4. Р.Егитов Система риск-менежмента в Узпиомйрой банке. Бозор, Пул ва Кредит. № 6, 2010, 8-10 бет.
5. У.Қодиров . Банклар кредит портфелининг шаклланиш манбалари, № 5, 2012, 51 -54 бет
6. О. Дўсмухаммедов .Кредит бюрolari ривожланишининг хусусиятлари ва тенденциялари, № 16, 2013 ,34-38 бет.
7. А. Досчанов. Муаммоли кредитлар тахлилий курсаткичларни такомиллаштириш... Бозор, Пул ва Кредит“. 2013 июль № 3, 30 -34 бет.
8. А. Досчанов . Фирма иқтисодий хавсизлиги тадқиқларини ахборот билан таъминлаш масалалари|| . Или сарчашмалари 2009 йил № 3
9. Б. Абдуллаев. Банк хатарларини бошқариш; Жахон амалиёти || „ Бозор, Пул ва Кредит ” 2013 йил .№ 4, 20-24 ,бет.
10. А. Досчанов. Муаммоли кедитларни бошқариш омилларини иқтисодий моделлар асосида боҳолаш масалалари || „ Бозор, Пул ва Кредит” 2013 йил № 5, 62 -65 бет.
11. Кармаков.А. А Риски кредитования физических лиц путия их снижения и диверсификация материали Х|| между народной концепция . Налчик; из-во ОНИ РЛО .2009 Оттол концепция экономического капитала и минимизация рисков В банковской системе|| „ Бозор, Пул ва Кредит ”. 2013 йил. № 11, 15-21 бет.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва унинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-табирлари туғрисида”ги қарори . 2010 йил 6 апрел ПҚ-1317.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „ 2011-2015 йилларда республика Молия-Банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорликни ошириш ҳамда юқори халқоро рейтинг курсатқиларига эришишнинг устивор йўналишлари туғрисида”ги қарори. 2010 йил 26 ноябрь , ПҚ -1438.
14. Каримов И.А Жаҳон молиявий –иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни барқараф этишнинг йуллари ва чоралари – Т.; Ўзбекистон ,2009 йил. 56 бет.
15. Каримов И.А Энг асосий мезон –хаёт ҳақиқатини ақс эттириш.-Т .; Ўзбекистон,2009 йил 24 бет.
16. Каримов И.А. Банк тизими пул, муомаласи ,кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик туғрисида. Тузувчи Ф. М Муллажанов - Т .; Ўзбекистон ,2005 йил. 528б.
17. Абдуллаева Ш.З Банк рисклари ва кредитлаш – Тошкент .; Молия , 2002 йил 30 бет .
18. Абдуллаева Ш. З Пул, Кредит ва Банклар: дарслик / Ш. З Абдуллаева .-Тошкент: Иқтисод-Молия , 2007 йил. 348 бет .
19. Банковское дело / Под ред . Г. Н. Белоголаовой и Л. П . Кроливейкой .-СПб.: Питер, 2004.- 374 с.
20. Беляков А .В. Банковские риски : проблемы учета ,управления и регулирования / Беляков А. В. - Масква.: Издательская группа “ БДЦ -персс”, 2003.-256 с.
21. Лаврушин О. И. Банковское дело: учебник. 2-е изд. Перераб. и доп./ О .И. Лаврушин – Масква: КноРус , 2008. -768 с.
22. Лаврушин О.И . Деньги. Кредит . Банки.- Масква : Кнорус , 2005.-558 с.
23. Ларионова И.В . Управление активами и пассивми в камерческом банке .- Масква: Консалтбанкир, 2003. -272 с.
24. Банковские риски . Под ред . О. И .Лаврушина , Н. И. Валенцевой ; финансовая академик при правительстве РФ.-2-изд ., стереотип .- М.: КноРус ,2008 .-232 с.
25. Сазыкин Б .В. Упавление операционним риском в коммрческом банке. –М.: Вершина , 2008 -272с
26. Мухамеджанов К . А . Пути савершенствования управления кредитним партфелим и кредитними рисками камерческого банка. Автореферат дисс. канд .экон .наук. – Тошкент: Банковско – финансовая академия, 2010 – 22 б.
27. Вахабов А. В. Кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари . Ўзбекистоннинг ижтимоий – иқтисодий тароққиётида Кичик бизнес ва хусусий табирқорликнинг ўрни ва аҳамияти. Республика илмий –амалий конференцияси материаллари .Тошкент , 2011. 3 -9 бет .
28. Вахабов А. В. Тижорат банкларининг моиявий барқарорлигини оширишнинг Долзарб масалалари “халқаро талаблар асосида тижорат банклари фаолиятини рейтинг баҳолаш” республика илмий –амалий анжуманнинг тезислар туплами. Тошкент , 2011,102-104 бет .

29. Вахабов А. В. Замоनावий банк тизимини шакллантириш, миллий валютамизни жорий этиш ва мустахкамлаш , Ўзбекистон: 20 йиллик мустикал тараккиёт натижалари. Республика илмий –амалий конференция материаллари . Т .:“Фан” -2011.
30. Вахабов А. В. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш // Халк сузи Газетаси. 2011, № 181 1-2 бет.
31. Вахабов А. В. Хусусий банкларнинг ресурс базасини мустахкамлашнинг долзарб масалалари . Молия –банк соҳасига хусусий капитални жалб қилиш йуллари : қонунчилик ва амаиёт . Илмий –Амалий конференция материаллари Т .: “Молия ” 2011 йил ,25-31 бет .
32. Бобақулов Т .И . Кичик бизнес субъектларини кредитлаш соҳасидаги айрим долзарб муаммолар .Ўзбекистоннинг ижтимоий- иқтисодий тараккиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти. Республика илмий- амалий конференцияси материаллари . Тошкент , 2011 96-98 бет .
33. Бобақулов Т. И. Оромов Ж. Ж . Базель қўмитасининг тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан Янги талаблари”// Халқаро талаблар асосида тижорат банклари фаолиятини рейтинг баҳолаш мавзусидаги республика илмий –амалий анжумани тезислар тўплами . Тошкент , 2011. 28-30 бет .

Мундарижа

КИРИШ	3
I-мавзу	5
Мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитларида банк хатарлари фанининг аҳамияти	5
I.1. Мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодиётнинг эркинлашти-рилиши шароитларида курснинг предмети ва вазифалари	5
I.2. Курснинг бошқа ўхшаш фанлар билан алоқаси	6
I.3. Курснинг таркиби	7
II-мавзу	9
Банк фаолияти ва иқтисодий хатарлар	9
II.1. Банклар ва уларнинг фаолияти	9
II.2. Иқтисодиётнинг турли бугинларида хатарлар	17
II.3. Банк хатарлари иқтисодий хатарларнинг таркибий қисми сифатида.....	22
II.4. Банк хатарларини бошқаришнинг умумий йўналишлари	26
III-Мавзу	31
Банк хатарлари турлари ва уларнинг мазмуни	31
III.1. Банк хатарлари ва уларнинг банк фаолиятига таъсири	31
III.2. Банк хатарлари асосий қўринишларининг тавсифи	33
IV-мавзу	40
Банк хатарларини назорат қилишда Марказий банкнинг роли.....	40
IV.1. Банк хатарларини назорат қилиш тизими	40
IV.2. Чет мамлакатларда банк хатарларининг назорат қилиниши ва тартибга солиниши	46
IV.3. Капиталга минимал талаблар банк хатарларини Марказий банк томонидан тартибга солинишининг энг муҳим элементи сифатида.....	51
IV.4. Банк назорати Базель III тизими	61
V-мавзу	68
Кредитлаш жараёнига хос хатарларни тартибга солиш	68
V.1. Кредит сиёсати зарурлиги ва мазмуни кредит жараёнига хос хатарларни минималлаштириш воситаси сифатида	68
V.2. Кредит сиёсати кредит жараёнига хос хатарларни минималлаш-тириш воситаси сифатида	72
V.3. Марказий банкнинг тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан талаблари.....	76

V.4.Ликвидлик хатарлари ва уларнинг кредитлаш жараёнига таъсирини чеклаш	80
VI-мавзу.....	87
Кредит хатарларини таҳлил қилиш.....	87
VI.1. Кредит хатарларининг умумий тавсифи	87
VI. 3. Миқдорий кредитга лаёқатлилиги кўрсаткичлари.....	103
VI. 4. Банклараро ахборот алмашиш кредит хатарларини камайтириш усули сифатида.....	112
VII-мавзу	116
Кредит хатарларини камайтириш усуллари.....	116
VII.1.Кредит ҳужжатлари пакетини тайёрлаш ва расмийлаштириш	116
VII.2. Кредит шартномаси кредит хатарини камайтириш воситаси сифатида ..	121
VII.3. Кредит мониторинги	128
VIII-мавзу	134
Муаммоли кредитлар ва улар билан ишлаш	134
VIII.1. Муаммоли кредитлар пайдо бўлиши шарт-шароитларини ўрганиш	134
VIII. 2. Муаммоли кредитларни бартараф этишнинг халқаро тажрибаси	144
IX-мавзу.....	151
Активлар ва пасивлар ўзаро нисбати билан боғлиқ хатарлар	151
IX.1. Тижорат банклари активлари ва пасивлари ўзаро муносиб-лигини таъминлаш зарурлиги	151
IX. 2. Активлар ва пасивларни уларнинг муносиблигига эришиш мақсадларида бошқариш	154
IX. 3. Фоида хатари ва унинг активлар ва пасивларнинг муносибли-гига таъсири	160
X-мавзу.....	168
Тижорат банкларида қимматли қоғозлар портфели хатари ва уни бошқариш	168
X.1. Қимматли қоғозлар бозори хатари	168
X.2. Қимматли қоғозлар бозоридаги фаолият хатарини камайтириш	173
Адабиётлар.....	179

Ш.Д.САИДБОЕВ, К.СИРОЖИДДИНОВ

БАНК ХАТАРЛАРИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ

(Ўқув кўлланма)

Мухаррир: И.Жумабаев
Компьютерчи: А.Тошпулатов

Теришга берилди: 28.01.2014 й. Босишга рухсат этилди: 06.04.2014 й.
Бичими 60x84. 1/16. Шрифт гарнитураси Times New Roman. Ҳажми 11,75 босма табок.
Ок қоғозга офсет усулда босилди. Адади 300 нусха. Буюртма № 128.
Баҳоси келишилган нархда.

“Наманган” нашриётида тайёрланди.

Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36.

“Матбуот уйи”нинг 3-қавати. Тел.: (8 369) 227-92-14.

Нашриёт лицензия рақами АІ №156, 2009 йил 14 августда берилган.

“Фахризода” КТКК босмахонасида чоп этилди.

Наманган шаҳри, Дўстлик шох кўчаси 2-□А□ уй.



ISBN 978-9943-1309-1-3



9 789943 130913